

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти хабарлари

Журнал бир йилда тўрт марта нашр этилади

Бош муҳаррир –
Йўлдошев Иброҳим Жўраевич
филология фанлари доктори, профессор

Бош муҳаррир ўринбосари –
Холикулова Гўзал Эркиновна
санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

Таҳрир ҳайъати

Тешабой Баяндиев – санъатшунослик фанлари доктори, профессор
Мухаббат Туляходжаева – санъатшунослик фанлари доктори, профессор
Ильдар Мухтаров – санъатшунослик фанлари доктори, профессор
Сарвиноз Қодирова – санъатшунослик фанлари доктори, профессор
Абдусалом Умаров – социология фанлари доктори, профессор
Абдухалил Маврулов – тарих фанлари доктори, профессор
Дилафрўз Қодирова – санъатшунослик фанлари доктори
Шавкат Шарипов – педагогика фанлари доктори, профессор
Ҳамдам Исмоилов – филология фанлари номзоди, доцент
Антонина Кошелева – педагогика фанлари номзоди, доцент
Маъруфжон Юлдашев – филология фанлари доктори, доцент

Жамоатчилик кенгаши

Бахтиёр Сайфуллаев – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири,
педагогика фанлари номзоди, профессор
Ақбар Ҳакимов – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги
Оқилхон Иброҳимов – санъатшунослик фанлари доктори, профессор
Камола Ақилова – санъатшунослик фанлари доктори, профессор
Нигора Каримова – санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

Нашрга тайёрловчилар

Н.Раимкулова, А.Тожиев, М.Содикова

Мақолада келтирилган фактларнинг тўғрилиги учун муаллиф масъулодир.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2015 йил 14 декабрда 0862-ракам билан рўйхатга олинган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Олий Аттестация Комиссияси Раёсатининг
2017 йил 29 ноябрдаги 245/6-сонли қарори билан
санъатшунослик фанлари бўйича диссертациялар юзасидан
асосий илмий натижаларни чоп этишга тавсия этилган
илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

ISSN 2181-8932

2019/3(11)

МУНДАРИЖА

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

1. Г.Холикулова. Таълим сифати бу – тадқиқотлар сифати (ёхуд халқаро тажрибаларни ўрганиш ва янгича ишлаш механизмларини амалиётга жорий этиш).	3
2. З.Исоқов. Ўзбекистонда санъат ва маданиятга эътибор – ижтимоий ислоҳотларнинг бош мезони сифатида	9

I. ТЕАТР ВА КИНО

1. М.Туляходжаева. Диалог театральных культур.	12
2. И.Мелиқзиеев. Замонавий фильмларда ёш операторларнинг бадиий образ яратиш маҳорати.....	16
3. М.Пирматов. Ўзбек киносида тарихий мавзу талқини.	27

II. МУСИҚА САНЪАТИ

1. Н.Турғунова. Яллачилик анъаналарининг саҳнавий талқинлари.	32
2. С.Музаффарова. Ўзбек миллий эстрада санъати тараққиётида жанр масалалари.	38
3. Ш.Фофурова. Овозни динамик қайта ишлаш (компрессия муаммолари масаласи кесимида).	44
4. К.Мирзаев. Фижжак чолғусининг миллий мусиқий таълимда тутган ўрни.	50
5. С.Туратов. Значение студенческого оркестра узбекских национальных инструментов ГИИК Уз в образовательном процессе.	55
6. Д.Жамалова. Ўрта аср шарқ алломаларининг мусиқий қарашлари.	60
7. Д.Исломов. Миллий "Гум" нима?	64

III. САНЪАТ ТАРИХИ, ФАЛСАФА ВА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС

1. М.Ходжиматова. “Нель минораси”нинг талабалар саҳнасидаги талқини.....	68
2. М.Эрматов. Ариф Алимахсумов – талантливый педагог нашего времени.	71
3. Н.Эргашева, Ф.Нигматова, Г.Дурдиева. Инновацион технологиилар ёрдамида мўйнали кийимларни тайёрлашнинг ресурс тежамкорлигини ошириш.	76
4. Н.Култашева. XX аср бошлари Ўзбекистон портрет жанрининг айрим жиҳатлари (И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи коллекцияси мисолида).	80

IV. ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

1. Ф.Турсунов. Санъат ва маданият муассасаларида хуқуқ таълимини инновацион технологиилар асосида ривожлантириш.	85
2. Н.Абрайкулова. И.М.Проценко – моҳир педагог.	90

V. ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ

1. М.Исоқова. Огаҳий номидаги Хоразм вилояти мусикали драма театри ривожланишида режиссуранинг ўрни.	94
---	----

VI. ЯНГИЛИКЛАР

1. Н.Қосимов. Мусиқий қалб соҳиби.	99
---	----

**Гўзал ХОЛИҚУЛОВА,
ЎзДСМИ Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори,
санъатшунослик фанлари номзоди, профессор в.б.**

ТАЪЛИМ СИФАТИ БУ – ТАДҚИҚОТЛАР СИФАТИ

*(ёхуд халқаро тажрибаларни ўрганиши ва янгича ишилаш
механизмларини амалиётга жорий этиши)*

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти 2014 йилдан бўён Erasmus+ халқаро дастурлари доирасидаги лойиҳаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Асосий мақсад – институтда илмий-тадқиқот ишларини тизимли ташкил қилиш, нуфузли хорижий олий таълим муассасалари таълим тизимини ўрганиш, иқтисодий ва ижтимоий самадорликка эришиш методларини докторантураси тизимиға жорий қилишдан иборат. Бунда илмий-тадқиқот олиб бораётган ёш олимларга, докторантларга етарли шароитлар яратиш, соҳада йўқолиб бораётган илмий мактабларни тиклаш, замонавий докторантураси дастурларини мукаммал ишлаб чиқиши каби муҳим масалалар муҳокама қилиниб, халқаро тажрибалар ўрганилади.

Мақсадни амалга оширишда аниқ механизмларнинг ишлаб чиқилганлиги, тизимли ишларни амалга оширишда ишчи гурухнинг тўғри шакллантирилганлиги ва уларнинг шаффоффлик билан фаолият олиб борганлиги боис қўлга киритган халқаро лойиҳалар ўзининг натижасига эга бўлди. Бу нафақат Ўзбекистондаги мутахассислар, балки халқаро эксперталар томонидан ҳам эътироф этилди.

2014-2016 йилларда қўлга киритилган “UZDOC-№544134-TEMPUS-1-2013-1-BE-TEMPUS-SMG” рақамли “Ўзбекистонда докторантураси таълимими ни такомиллаштириш” мавзусидаги ушбу халқаро лойиҳа институтда докторантураси таълимими ривожланишига яна бир турткы бўлди. Лойиҳада белгиланган вазифаларни бажариш баробарида театр санъати, кино санъати, телевидение, халқ ижодиёти, санъат педагогикиси, таълим-тарбия назариясига тегишли бўлган ихтисосликларда докторант ва мустакил изланувчиларнинг сони анча қўпайди, санъатшунослик ва педагогика илмида олимлар қолдирган улкан илмий меросни, яратилган мактабларни асрраб-авайлаш, давом эттириш ва келажак аввалодга етказиши ўйлида илмий конференциялар, давра сухбатлари, учрашувлар ўтказилди. Сўнгги беш йил ичida лойиҳа доирасида йигирмадан ортиқ хорижий олимлар институтга ташриф буюриб, докторантураси тизимини мустаҳкамлаш бўйича маҳорат дарслари ўтказдилар, илмий семинар ва конференцияларда маърузалар ўқидилар.

2016 йил 25 ноябрда институт ректори, профессор Б.Сайфуллаев бошчилигига “Докторантураси таълими маркази” очилди. Марказнинг очилиш маросимида Европа олий таълим муассасаларидан, хусусан UNICA ташкилотидан, Турин политехника университети, Гранада университети, Люксембург университети, Загреб университети, Словакия университети

тетларидан олимлар ташриф буюришди. Унда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, турдош олий таълим муасссаларидан вакиллар, Коракалпогистон давлат университети, Қарши давлат университети, Самарқанд давлат иқтисодиёт ва сервис институти, Тошкент молия институтларидан ҳамкорлар иштирок этишди. Марказга 16.960 минг евро кийматига эга энг сўнгги замонавий техник жиҳозлар, жумладан, минитипография, компьютер тўплами, нусха кўчириш машиналари, катта ва кичик ҳажмдаги проекторлар олинди.

2017 йил амалга оширилган ишлар самарадорлигини ошириш, докторантураси қабул квоталарини кўпайтириш, илмий раҳбарлар муаммосини ҳал қилиш, докторантураси ихтисосликлари бўйича докторантураси семинар-тренинглар ташкил қилиш, энг асосийси, ихтисосликлар бўйича пухта дастурлар ишлаб чиқиши масалалари бўйича эълон килинган халқаро танлов учун институт томонидан UNICA ташкилотига иккинчи лойиҳа тайёрлаб топширилди. Ушбу лойиҳа ҳам халқаро ташкилот томонидан қўллаб-куватланди. 2017-2019 йилларга мўлжалланган 573703-EPP-12016-1-BE-EPPKA-2CBNE-SP рақамли “Ўзбекистон олий таълим муассасаларида докторлик таълими сифатини яхшилаш – UZDOC 2.00” мавзусидаги ушбу халқаро лойиҳаси қўлга киритилди. Ҳудудлардаги олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда докторантураси таълимими кучайтириш, илмий семинар ва дарсларни онлайн тарзда олиб боришига қаратилган техник жиҳозлар олиш, докторантураси таълимига тажрибали профессорларни жалб қилишдан иборатлиги белгилаб олинди. Лойиҳа раҳбари институтнинг янги ректори И.Йўлдашев, субкоординатор Г.Холиқулла, алоқа ўрнатувчи Г.Арипова, техник ходим М.Савочкин, таржимон С.Одиловалардан тузилган гуруҳ янги режалар билан ишни давом эттиридилар.

Ушбу лойиҳа доирасида Ўзбекистондан 7 та олий таълим муассасаси қатнашишга муваффак бўлди. Булар, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Самарқанд давлат иқтисодиёт ва сервис институти, Тошкент давлат кимё технологиялар институти, Карши давлат университети, Коракалпогистон давлат университети, Наманган давлат университетидир. Европа давлатларидан Юника ташкилотининг ўзи, Испаниядаги Гранада университети, Италия Турин политехника университети, Венгриядаги Лоран Этвёш номидаги Будапешт университети, Брюссель Эркин университети, Хорватиядаги Загреб университети қошидаги Илфор академик

студиялари марказининг иштирок этиши белгиланди.

Лойихани амалга ошириш даврида лойиха иштирокчилари европалик партнёрлар билан тажриба алмашдилар. Асосан Европа университетларида докторантураси мактаблари тажрибалари ўрганилди. Лойиха доирасида кўплаб учрашувлар, семинарлар ташкил этилди. Семинарларда лойиха аъзолари қаторида институт докторантлари, ёш ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар ҳам иштирок этишга муваффақ бўлдилар. Тренинг машғулотларида докторлик диссертацияларини тезроқ ёзib туғатиш методлари билан танишдилар. Самарқанд, Нукус ва Наманган университетларида ташкил этилган семинарлардаги иштироки давомида докторантлар ва мустақил изланувчилар ўзларининг иқтидорларини европалик партнёрларга нафарий кила олдилар.

2019 йил январь ойида институт қошидаги “Докторлик таълими маркази” 6.506 минг евро ҳажмига тенг бўлган техник жиҳозлар билан бойитилди. Кўзланган асосий мақсад амалга оширилди. Эндиғи вазифа институтда илмий мактабларни тақомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш ва марказ фаолиятини ривожлаштиришдан иборатdir.

Сўнгги ўн йил ичидаги санъатшунослик ихтиносликлари бўйича илмий тадқиқот олиб бо-



рувчилар сони кескин пасайиб кетганлиги барчага маълум. Илмий-тадқиқот ишларини олиб борувчилар учун шароитларнинг йўқлиги туфайли диссертацияларнинг ҳимоя қилинмагани, ёшларда илмга бўлган қизиқишининг йўқола бошлагани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Давлатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йил 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойdevоридир” мавзусида санъат ва маданият аҳли билан учрашуви, 2018 йил 26 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 28 ноябрдаги

“Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 24 май куни Президентимизнинг Ўзбекистон Миллий университетида таълим ва илм-фан соҳаси вакиллари билан бўлиб ўтган учрашуви ва ундаги вазифаларнинг аксарияти мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, илм-фан соҳаси ва инновацион фаолиятни тақомиллаштиришга қаратилди.

Давлатимизнинг илм-фан эгаларига кўрсатган фамхўрликлари, яратилган шароитлар натижасида институтда илмга қизиқувчилар сони бир ярим баробарига ошли. 2018 йилда докторант ва мустақил изланувчилар сони 10 нафар бўлган бўлса, 2019 йилга келиб 25 нафарни ташкил қилмоқда. 2019 йилга уларнинг сонини икки баробарга ошириш режалаштирилган.

Олий таълим муассасаси кафедраларида оддий ўқитувчи бўлиб ишлаб, талабаларга сифатли дарс бериши мумкинми? Ўқитувчи ўз устида ишламаса, илмий-тадқиқот билан шуғилланмаса, хорижий тажрибалар билан қизиқмаса, тил ўрганмаса институт салоҳияти қандай кўтарилади, таълим сифати-чи?

2017-2021 йилларга мўлжалланган институт йўл харитасини ишлаб чиқиши жараённида бундай саволлар кафедра мудирлари олдига, айниқса, илмий раҳбарлар олдига кўндаланг кўйилди,

кафедрада ишлаётган ёшларнинг барчаси учун, қолаверса, ҳар бир профессор-ўқитувчининг (ёшидан катъий назар) З йиллик йўл харитаси ишлаб чиқилиши ва тасдиқлатиши талаб қилинди. Йўл харитасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши мунтазам назорат қилиб борилди ва келгусида амалга оширилиши мумкин бўлган ишларни аниқ қилиб белгилаб берилди. Чунки илмий-тадқиқот билан шуғулланган педагог ҳақиқий педагог ҳисобланади, ўзининг ортидан ёшларни эргаштира олади, янгилик сари интилишда бош-қош бўлади. Таълим сифати ўз-ўзидан ошиб боради. Бу институт илмий салоҳиятини кўтарилишига, миллий ва халқаро рейтингларда ўзининг ўрнига эга бўлишига олиб келади.

Докторантларнинг шахсий иш режалари ҳам илмий раҳбарлар билан бирга пухта ишлаб чиқилди. Уларнинг фаолияти доимий назоратга олинди, барча қулийликлар яратиб берилди. Семинар-тренинглар ташкил этилди, ҳар бир докторант концепцияяни маҳсулотлари билан таъминланди. Илмий мақолаларини чоп эттиришдаги муаммолар ҳал қилиб берилди. Институт қошида 2016 йилдан чоп этила бошлаган, Олий Аттестация Комиссияси Раёсатининг 2017 йил 29 ноябрдаги 245/6-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти хабарлари” номли илмий, амалий-услубий, маънавий-маърифий журналнинг деярли барча сонларида докторантларнинг

олиб бораётган тадқиқот ишлари жараёнлари ва натижалари чоп этилиб борилмоқда. Сўнгги бир ярим йил ичидаги химоялар сони кескин ошиди. 8 нафар докторант ва мустақил изланувчи фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга бўлди. Улар соҳа илмини ривожланишига ўз хиссаларини кўшгани туфайли институт ректори томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. 2019 йил якунидаги 5 нафар докторант ва мустақил изланувчи диссертацияларини якунлаш арафасида.

Лойиха фаолиятига келадиган бўлсак, сўнгги уч йил ичидаги докторантуралари тизими хорижий 5 та давлатдаги 5 та университетлар ва докторантуралари мактаблари фаолияти ўрганилди.

2018 йилнинг 14-15 май кунлари Erasmus+ UZDOC 2.0 чет эл гранти дастури режасига кўра Ўзбекистоннинг 6 университетлари учун Италияниг Турин политехника университетида семинар-тренинг ташкил этилди. Семинар фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни тўғри йўлга қўйиш, илмий тадқиқот ишларини ишлаб чиқариш корхоналари муаммосидан келиб чиқиб белгилаш масалаларига қаратилгани боис институт ректори И.Юлдашев, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Г.Холиқулова ва докторант Э.Йўлдашевлар иштирок этди.



1859 йилда ташкил этилган Турин политехника университети Италияниг энг қадими техника университети ҳамда Европанинг илфор мухандислик таълим маркази ҳисобланади. Университет техника фанлари, архитектура, компьютер технологиялари ва саноат дизайнини ўналишлари бўйича таълим олиш дастурлари ва илмий-тадқиқот фаолияти олиб бориш учун кенг имкониятларга эга. 2016 йил бўйича QS World University Ranking халқаро университетлар рейтингидаги Турин политехника университетининг “Мухандислик иши ва технологиялар” факультети 66 ўринни эгаллаган.

2017-2018 ўқув йилида Турин политехника университетида 33000 нафардан ортиқ талабалар таҳсил оладилар. 28 та бакалавр таълим ўналишлари, 32 та магистратура мутахассислари ва 24 та докторантуралари (PhD) дастурлари мавжуд. Ўқув дастурларининг 30%дан ортиғи инглиз тилида ўқитилади. Бу эса университетнинг халқаро алокаларини ривожлантиришга кенг имконият яратиб беради. Университетда таҳсил олаётган чет эллик талабалар

16% фоизни ташкил этади. Улар орасида ўзбекистонлик талабалар ҳам бор.

Юкори малакали сифатли кадрлар тайёрлаш мақсадида инновацион узлуксиз таълим мактаби ташкил этилган. Ушбу мактабда 1-2 босқич магистратура талабалари маҳсус дастурлар асосида таълим олишади. Маҳсус дастурлар олий таълим тизимини тезкор ўзгариб бораётган меҳнат бозоридаги талабларни қондиришга қаратилган. Ҳозирги вақтда замонавий ишлаб чиқариш корхоналари таълим муассасалари битирувчиларидан маҳсус амалий кўнімларга эга бўлишни талаб килинади, аммо бу талаблар технологиялар тезкор ривожланиши натижасида доимий тарзда ўзгариб боради.

1-2-босқич магистратура дастурлари бўйича таҳсил олаётган талабалар тегишли ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда тузилган шартномалар билан доимий ишлайдилар. Ўқув жараёни 10-11 ой давом этади, шундан 3-4 ойи аудитория машгулотлари, колган қисми эса корхонанинг лаборатория хоналарида ўтиладиган машгулотлар саналади.

Университетда талабалар ва профессор-ўқитувчиларининг академик мобиллигини ташкил этишга ва таъминлашга жиддий эътибор қаратади. Шу борада кўшимча тил ўрганиш курслари ва алмашинув дастурларини ахборот таъминотини тўлиқ



бажаради. Университетда Европанинг технологиялар соҳасида энг инновацион бизнес-инкубаторларидан бири I3P Incubatore – фаолият кўрсатиб келмоқда. Бизнес-инкубатор ёш олимларнинг, докторантларнинг лойихаларини кўллаб-қувватлаш билан шуғулланади. Университет битирувчilarини ишга жойлаштирилишини жадаллаштириш мақсадида онлайн-тизим ташкил этилган. Бу тизим университет веб-сайтига жойланган бўлиб, регистрация қилинган талабалар ва иш берувчилар учун бепул хизматларни таклиф этади. Бу эса битирувчilarни тез ва муваффакиятли ишга жойлашишини таъминлайди.

Университет магистратура битирувчилари бир йилнинг ўзида ишга жойлашиши 74,5%ни ташкил этади. Италия бўйича умумий кўрсаткич – 60%, битирувчи талабаларнинг доимий иш билан таъминлашиши 42%, Италия бўйича умумий кўрсаткич 34%ни ташкил қиласди.

Турин политехника университети тузилмаси, таълим ўналишлари, илмий-тадқиқот ишлар иўна-

лишлари, чет эл грантлари танловларида иштирок этиши, илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётта қўллаш бўйича инновацион услублар фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорликни янада ривожлантириш механизмлари қайта кўриб чиқилишига сабаб бўлди.

Докторантуратада таълимига асос бўлган магистратура дастури бўйича бошқа давлатлардан таклиф этилган профессорлар, жумладан, Лоранд Этвёш номидаги Будапешт университети фахрий профессори Ева Ороз, “Венгриядаги докторлик таълим тизими” мавзусида маъруза ўқиди. Турин политехника университети профессори Клаудиа Гиордано “PhD илмий натижаларининг амалиётта жорий этилиши” мавзусида, Гранада университети профессори Елена Аригита “Испаниядаги докторлик таълими маркази”, Турин политехника университети қошидаги докторантуратада олий мактаби директори Флавио Канаверо “Италия илмий мактаби”, Альберто Ракка – Турин политехника университети профессори “Илм орқали инновацион гоялар ва технологияларни кўллаб-куватлаш”, АҚШ GM корпорацияси менеджерлари Федэрико Галлиано “General Motors PhD дастурлари”, Албо Канова – Америка телеканали менеджери “Илм ва кичик бизнес йўлида эришилаётган ютуқлар”, Вероника Сгобио – ИЗР компанияси менеджери “Докторлик таълим жараёнини таснифлашда назария ва амалиёт бирлиги”, Андреа Гулисано Италия Wave For Energy компанияси менеджери “Саноат ва фан фаолияти”, Брюссель университети профессори Патрик Де Стефано “PhD тизими ва ишлаб чиқариш” мавзуларида маърузлар ўқидилар. Турин политехника университетида докторлик диссертация мавзулари билан ишлаб чиқаришдаги мавжуд муаммолар уйғунлашган ҳолда шакллантирилган. Яъни, докторлик диссертациянинг натижаси киска вақт ичидаги амалиётта тадбиқ этилади, йирик компаниялар билан университет қошида ташкил этилган илмий марказларнинг ҳамкорлиги ҳам мана шу тартибда ишлайди.

2019 йил 14-15 март кунлари Ўзбекистонда ташкил этилган марказларнинг бугунги фаолияти ва келажакдаги хизмати тўғрисидаги ҳисоботи Венгрия давлатининг Будапешт шахридаги Лоранд Этвёш номидаги Будапешт университетида тинглаш белгиланди. Икки кун давом этган семинарда Ўзбекистон олий таълим муассасаларидан келган вакиллар Будапешт университетининг “Фалсафа” факультети декани Каталин Фелвинчзи, Юника ташкилоти профессори, координатор Крисс Дейонкиир, Загреб университети профессори Мелита Ковачевич, Гранада университети Илмий ишлар бўйича проектори Антонио Гонсалез, Докторлик мактабидан таклиф этилган Зсолт Деметрович, Имре Жаноси, Антал Оркеней каби қатор профессорлар маъруза ва тақдимотлари билан ўзбек партнёрларига дарс ўтдилар. Семинар давомида тренинг машғулотлари ҳам ўтказилди. Лоранд Этвёш номидаги Будапешт университети қошидаги “PhD докторантуратада мактаби” докторант-талабалар илмий раҳбарлари билан бирга докторантуратада дастури ва илмий-тадқиқот фаолияти

тўғрисида тақдимот килдилар. Ўзбек партнёрлари ва европа партнёрлари ўртасида докторантуратада тизими ни яхшилаш, докторлик диссертациялари химоясини тезлаштириш, олинган натижаларни амалиётта татбиқ этиш ва энг асосийси, Ўзбекистон олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишининг сифатини ошириш механизмлари бўйича қиёсий таҳлиллар, баҳс-мунозара тарзида ўтказилди.

1635 йилда ташкил топган Лоранд Этвёш номидаги Будапешт университети Венгриядаги таълим сифати, олий малакали ўқитувчilar ва истеъододли талабалар билан машҳур бўлган университетлардан саналади. Университетнинг шиори “Таълим сифати бу – тадқиқот сифати” деб қабул қилинган. Университетда 27.000 нафар талаба таҳсил олади, миллий рейтингда лидер университетлардан бири ҳисобланади, жаҳон рейтингида илмий йўналиши бўйича ҳам илгор, профессор-ўқитувчilar таркибининг 77% илмий даражали, Будапешт Фанлар академияси аъзоси ҳисобланади. Университетнинг 5 нафар профессори Нобель мукофоти совриндори бўлган. Докторантурада ўқиш асосан 5 та дастур асосида йўлга кўйилган. Булар:

- Таълим ва психология;
- Гуманитар фанлар;
- Информатика;
- Табиий фанлар;
- Ижтимоий фанлар.

Барча дастурлар инглиз тилида олиб борилади. Хорижий талабалар 60 дан ортиқ дастурлар асосида ўқитилади. 70 дан ортиқ давлатлардан, хусусан, Испания, Франция, Англия, (умуман қўшни давлатлар), шунингдек, Хитой, Ироқ, Покистон, Қозогистондан докторантлар таҳсил оладилар.

Докторантуратада мактабида ўқиши 4 йил давом этади. Мактабнинг ўзи диплом беради, илмий раҳбарлар ва докторантга бўлган талаб жуда кучли. Энг аввал мавзулар ва амалга ошириладиган ишлар режаси жиддий муҳокамадан ўтказилади. Ҳар йили мониторинг ўтказилади. Мониторингда ишнинг натижасига алоҳида эътибор берилади ва баҳо берилади. Натижага ололмаган ва иш режасини ўз вактида бажармаган докторант таълимдан четлаштирилади. Докторантуратада мактабидаги докторантлар давлат пулига ёки ўзининг пулига ўқийдилар. Лекторлар ва илмий раҳбарлар контрактдан келиб тушадиган маблағлардан ёки ҳалқаро лойиҳалардан ойлик олиши боис, уларнинг ҳам маошлари кескин пасаяди. Докторантурадан четлаштирилган докторантнинг илмий раҳбари рейтинги ҳам пасаяди. Шунинг учун ҳар бир профессор-ўқитувчи, докторант рейтинг учун курашади.

ЮНИКА ташкилоти Брюссель Эркин университетида 2019 йил 8-12 июль кунлари амалга оширилаётган ушбу лойиҳанинг субкоординаторлари, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар учун бир ҳафталик малака ошириш ташкил килди. Юқори салоҳиятли профессорлар, экспертилар, жумладан, Европа комиссияси аъзоси, лойиҳа маслаҳатчиси Пией Хейнамаки, гуманитар фанлари бўйича докторантуратада мактаби директори Карен

Француза, университетнинг Илмий ишлар бўйича проектори Ромен Меусен, аспирантура бўлими раҳбари Бибиан Фреше, лойиҳанинг экспертлари Буюк Британиядаги Кардифф университети профессори Кеннет Ванн ҳамда Хорватиядаги Загреб университети профессори Мелита Ковачевич, Юника ташкилоти, лойиҳа координатори Крисс Дейонкиирлар докторантуралар мактаблари тизими, тажрибалар тўғрисида маърузалар ўқишиди, масстер-класс ҳамда тренинглар ўтказишиди.

Европалик олимлар билан бирга Ўзбекистон институтларида ташкил қилинган “Докторлик таълими маркази” раҳбарлари – проректорлар биргаликда марказ Низоми ишлаб чиқилди ва эксперталрга топширилди. 7 та олий таълим муассасаси вакиллари ўзларига вазифаларни аниқ белгилаб олди. Ушбу жараёнларда Брюсселдаги Ўзбекистон элчиси Дилёр Хакимов ҳам иштирок этди. Брюссель тажрибаларини ўрганаётган ўзбекистонлик ёш олимлар билан яқиндан танишиб, олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлар мавзулари билан қизиқди. Санъат, маданият, кимё технологиялари, туризм, қишлоқ хўжалиги, молия соҳаларидаги университетлар билан танишишда ва янги партнёрлар топишида яқиндан ёрдам берди.

Малака ошириш ниҳоясида ўзбекистонлик проректорлар ўзларининг соҳалари бўйича олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган етакчи профессорлар билан учрашиб, долзарб масалалар юзасидан сухбат ўтказишиди.

Биз ҳам Брюсселдаги маданият ва санъат соҳаларини ривожлантиришга масъул куратор, ВУБ университети профессори Ханс де Волф билан учрашдик. Ўзбекистондаги санъат ва маданият соҳалари бўйича институтлари таълим тизимини яхшилаш, илмий тадқиқотларни кучайтириш, ҳалқаро талабалар фестивалларини ташкил қилиш, санъат соҳаси олимлари билан ҳамкорлик конференцияларини ўтказиш масалаларида сухбатлашдик.

Юқорида тилган олинган нуфузли 1000 таликка кирган университетлар тажрибаларини ўрганиш энг муҳим масала...

Докторантга ажратилаётган вақт, мониторинг ўтказиш тизими, илмий раҳбарларни тўғри танлаш, тадқиқотни сифатли амалга ошириш масалалари бўйича давлатимиз томонидан қабул қилинган қарорлар ва низомларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳамон сусткашликлар мавжуд. Камчиликларни бартараф этиш, докторантуралар тизимини кучайтириш, докторантларга аник, тўғри кўрсатмалар бериш бўйича илмий раҳбарларнинг фаолияти қониқарли дараҷада эмас. Ана шу камчиликларнинг олдини олиш Ўзбекистонда докторантуралар таълими сифатини яхшилаш бўйича нуфузли хорижий олий таълим муассасалари тажрибалари, методлари ўрганилиб, уни кўллаш бўйича тажрибалар алмashiш ўта мухим.

Соҳаларни ривожланишига хизмат қиладиган фанлардан хорижий тилларда дарс берадиган профессор-ўқитувчиларнинг сонини кўпайтириш

энг муҳим масала. Бунинг учун бор имкониятларни ишга солиш, лозим бўлса, Юника ташкилоти томонидан докторантуралар мактабларини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшаётган етук хорижий профессор-ўқитувчиларни таклиф этиш, кредит мобиль тизимида ишлашни кучайтириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун Эрасмус Мундус ҳалқаро лойиҳаларини кўлга киритишида кафедралар фаолиятини кучайтиришга кўмаклашиш, Интернет сайтларидан тегишли маълумотлар олиш учун семинар-тренингларни кўпайтириш, магистратура мутахассисликларида таълим олаётган талабаларни илмий лойиҳаларда иштирок этишларини таъминлаш керак бўлади.

Ўзбекистонда санъат ва маданият соҳаларини ривожлантиришга қаратилаётган ислоҳотларни, ўтказилаётган ҳалқаро фестивалларни, соҳага тегишли институтларнинг фаолиятини кенг тарғиб қилиш, маданий алоқаларни ривожлантириш мақсадида магистратуранинг “Маданиятшунослик” мутахассислиги ўкув режасига “Ҳалқаро маданий алоқалар” номли фан киритилиши зарур, деб ўйлаймиз. Чунки нуфузли хорижий олий таълим муассасалари мана шу фан атрофига жуда кўп амалий ишларни бажара-



дилар. Амалиёт учун хорижий олий таълим муассасалари юборилади.

Афсуски, институтда маданиятшуносликка оид фанлардан дарс берувчи профессор-ўқитувчилар факат назарий билимлар билан чегараланиб қолган. Уларда амалий тажрибалар етишмайди. Шунинг учун ҳам магистратурада таълим олаётган талабаларда амалий кўникмалар етарли даражада эмас. Бу камчиликларни бартараф қилиш мақсадга мувофиқ. Талабаларда хорижий тажрибаларни ўрганиш, яхши тажрибаларни соҳага татбиқ этиш кўникмаларни шакллантириш учун аввало, дарс берувчи ўқитувчининг ўзи тажрибали бўлиши, яъни хорижий лойиҳаларда иштирок этадиган, хорижий тилларни биладиган, ортидан талабаларни эргаштира оладиган бўлиши шарт. Акс ҳолда, мамлакатимизда

бой маданий меросимиз, юксак санъатимиз намуналарининг тарғиботига хисса қўшадиган маданиятшунос кадрларнинг етишмаслик муаммоси муаммолигича қолаверади.

Институтда фаолият кўрсатаётган “Санъатшунослик ва маданиятшунослиқ”, “Кино, телевидение ва радио режиссёрги”, “Овоз режиссёрги ва операторлик маҳорати”, “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш”, “Педагогика ва психология”, “Тиллар ва адабиёт” кафедраларида докторантурда мактабларини ривожлантириш, намунали докторантурда дастурларини ишлаб чиқиш олдимизда турган энг муҳим вазифадир.

Муҳими, институтда “Докторантурда таълими маркази” очилди, унинг фаолияти тўғрисида Низом ҳам ишлаб чиқилди ва ЮНИКА ташкилотига юборилди. Эндиликда семинар-тренинг мавзуларини йиғиш, ташкил қилиш, тренерларни топиш, уларнинг ишини назорат қилиш ва онлайн машғулотларини ўтказиш институт олимлари зиммасидаги вазифа. Бугун институтда докторантурда мактабларини ривожлантириш зиммамиизда экан, ана шу тизимни ўрганиб, шу тизим орқали самародорликка эришиш йўлидан бориш керак, деб ўйлаймиз.

Илмий-тадқиқот ишларини икки йўналишга бўлиб ўрганиш мумкинлиги Европа давлатларида ҳам шундай. Масалан, Брюсселдаги Санъат марказида умуман ҳимоялар бўлмаган. Улар ҳам илмий-тадқиқот йўналишида ўз йўлини топишга ҳаракат қилишган ва 10 йил олдин ҳимояларни амалга оширишга эриша бошлаган. Ҳам тарихий, ҳам назарий, ҳам амалий ишлар юзасидан докторлик диссертация (PhD) ҳимоя қилиш мумкин. Докторантларни марказ мутахассисларининг ўзлари танлаб олишади. Амалий жиҳатдан кучли бўлса, уни шу соҳанинг жараёнларини мукаммал ўрганади. Санъат марказида телевидение, кино, театр, мусиқа ихтиносликларида докторантлар қабул қилинади. Икки йўналишда ҳимоя қилинади, яъни амалий жиҳатдан кучли, назарий жиҳатдан кучли бўлишига қараб қабул қилинади. Илмий раҳбарлар ҳам шунга қараб танланади. Бу секинлик билан амалга ошириладиган жараён. Шунинг учун магистратурадаги магистрларга алоҳида эътибор қаратилиади.

Демак, илмий-тадқиқот ишларига қизиқаётган ёшларни қўллаб-куvvatлаш, уларга тўғри йўналиш бериш кафедраларда фаолият олиб бораётган илмий даражали ва илмий унвонли профессор ўқитувчининг вазифаси ҳисобланади.

XX аср давомида Ўзбекистон санъатшунослиги илмидаги саккиздан ортиқ ихтинослик бўйича кучли докторантурда мактаби шаклланган ва соҳаларни мукаммал ўрганишда илмий изланишлар олиб бориш тизими ҳам яхши йўлга қўйилган эди. Академик Мамажон Раҳмонов, академик Галина Пугаченко, академик Эдвард Ртвеладзе,

академик, санъатшунослик фанлари доктори Музаффар Кароматов, академик, филология фанлари доктори Азиз Қаюмов, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Муҳсин Қодиров, Розия Каримоваларнинг яратган мактабларини давом эттириш, тизимли ишлаш ҳозирги санъатшунос, маданиятшунос олимларининг олдида турган долзарб масалалардан биридир. Қолаверса, институтда докторантурда тизимининг жорий қилинганига йигирма йилдан ортиқ вақт ўтди. Тизимлар ҳам замон талабларига мос тарзда ўзгара бошлади.

Шу ўринда устоз санъатшунос олимлар йўлга кўйган тизим таҳлил қилинса, ёшларни илм йўлида ўстиришда анча тўғри ишлаганига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, санъатшунос олим Муҳсин Қодировнинг илмий мактаб яратишида олиб борган тизимли фаолияти, тажрибаси бугунги докторантурда мактабларини ташкил қилиш муаммосини ҳал қилишда жуда кўл келади. М. Қодиров Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институтининг “Театр ва хореография” бўлимида олимлар, докторантлар томонидан олиб бориладиган тадқиқотлар тизимини пухта ишлаб чиқар ва олинган натижалар сифатини синчиклаб текшираси эди. Олим режиссура, актёрлик маҳорати, телевидение, кўғирчоқ театри, Опера ва балет, мусиқали драма, сценография, саҳна нутқи бўйича докторантурда мактабини шакллантиришга бел боғлаб, ҳар бир соҳанинг эгасини топиб вазифалар юклар эди. Уларга ёш тадқиқотчиларни бириктириб қўяр эди. Ўзи эса ҳар олти ойда амалга оширилган ишларни жиддий мониторингини олиб борар эди. Пухта таклифлар ишлаб чиқиб, келгусидаги режаларни аниқ қилиб белгилаб берар эди. Албатта, илмий самародорликка тез эришиб бўлмайди, бу секин амалга ошириладиган жараён. Аммо тизим тўғри бўлгани учун ҳам диссертация ҳимоялари ўз вақтида амалга оширилар эди. М. Қодиров ўзбек санъатининг илмини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, ривожланиш йўлларини олдиндан ҳис қилиб, иқтидорли ёшларни танлаб олган эди. Олимнинг бўлимда ўтказган мажлисларида тадқиқотлардаги камчиликлар, кўчирмакашликлар муаллифларга кескин ва очик-ойдин айтилар, тадқиқотларда юзакиликка йўл қўйиш олимнинг иши эмаслигини қайта-қайта ходимлар, айниқса, докторантлар қалбига сингдирап эди. “Илмий иш қилишга бел боғлаган кишига ёрдам бнриш керак” деб кишига илҳом берар эди.

Хуласа ўрнида шуни айтиш мумкинки, олий таълим муассасасида таълимнинг сифати тадқиқот сифатининг ошишига сабаб бўлади. Устозлар қолдирган илмий меросни ўрганиш, уларнинг йўлини давом эттиришда замонавий ишлаш олий мақсадга айлангандагина таълим муассасаси нафақат миллий рейтингларда, балки халқаро рейтингларда ҳам юкори ўринларни эгаллайди.

Зиёдулло ИСОКОВ,
ЎзДСМИ “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси
доценти, тарих фанлари номзоди

ЎЗБЕКИСТОНДА САНЪАТ ВА МАДАНИЯТГА ЭЪТИБОР – ИЖТИМОИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ СИФАТИДА

Аннотация. Ушбу мақолада сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида санъат ва маданият соҳасига қарашлаётган эътибор ҳақида сўз боради. Шунингдек муаллиф ушбу соҳани ривожлантириши орқали бугунги кунда эришилаётган ютуқлар ҳақида тўхталиб, санъат ва маданиятнинг миллий тараққиётда тутган ўринини атрофлича ёритиб берган.

Калим сўзлар: санъат, маданият, театр, мусиқа, мақом санъати, асқия.

Зиёдулла ИСОКОВ,
доцент кафедры «Общественно-гуманитарных наук»,
кандидат исторических наук ГИИКУЗ

ВНИМАНИЕ ИСКУССТВУ И КУЛЬТУРУ В УЗБЕКИСТАНЕ – КАК ОСНОВНОЙ КРИТЕРИЙ СОЦИАЛЬНЫХ ПРЕОБРОЗОВАНИЙ

Аннотация. В данной статье показана государственная политика Узбекистана по отношению к сферам искусства и культуры. В том числе автор рассказал роль и значение искусства и культуры в национальном преобразовании, подробно рассмотрев достичнутых побед на сегодняшний день в развитии этих сфер.

Калим сўзлар: искусство, культура, театр, музыка, искусства маком, асқия.

Ziyodullo ISAKOV,
The chain of Social Sciences's Humanities, dotsent USIAC

ATTENTION TO ART AND CULTURE IN UZBEKISTAN – AS BASIC CRITERION OF SOCIAL TRANSFORMATIONS

Abstract. This article discusses the attention paid to art and culture in the Republic of Uzbekistan in recent years. The author also pointed to the achievements of today thanks to the development of this area, as well as detailed coverage of art and culture in national development.

Key words: art, culture, theater, music, maqom art, hangy.

Бугунги кунда Ўзбекистонда санъат ва маданиятга эътибор – ижтимоий ислоҳотларнинг бош мезони сифатида кўрилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Сўнгти йилларда Ўзбекистон республикаси ҳукумати томонидан чиқарилаётган фармон ва қарорлар бевосита санъат ва маданият соҳасини янада тараққий топтиришга хизмат қилади. Тарихдан маълумки ҳар бир жамиятнинг тараққиёт даражаси ўша жамиятда санъат ва маданиятнинг ривожи билан белгиланган. Тарихда яшаб ўтган ҳар бир ҳукмдор ёки давлат арбоби ўз фаолиятида фан, маданият ва санъат соҳасини қадрлаган тақдирдагина у юртда тинчлик ободончилик ҳамда фаровонлик бўлган. Зеро санъат ва маданият ўзбек ҳалқи, аввало, юрт ёшлари онгига миллий истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, Она-Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдиришда катта таъсир кучига эга.

Сўнгти йилларда ҳукуматимиз томонидан соҳага оид кўплаб қарор ва фармонлар чиқарилиб, уларнинг самараси ўлароқ мамлакатмизда бу йўналишда кўплаб ютуқлар кўзга ташланмоқда. Шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги, ҳамда 2018 йил 6 апрелдаги “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш

тўғрисида”ги қарорлари ўзбек мумтоз мусикаси тарихида янги даврни бошлаб берган муҳим ҳужжатлар бўлди. Ушбу қарорларга асосан 2018 йилнинг 6 - 10 сентябрь кунлари юртимиз халқаро “мақом” санъатига бағишлиланган нуфузли тадбирга мезbonlik қилди. Тадбир доирасида “Мақом мусиқасанъатининг жаҳонцивилизациясидатутган ўрни” мавзууда илмий-амалий конференция; жаҳон ва Ўзбекистон мақом санъати усталарининг якка концертлари; Мақом ансамбллари, хонанда ва созандаларнинг кўрик-танлови; Сайиллар, мамлакатимизнинг дунёга машҳур шахслари ҳаёти ҳамда ижодий фаолияти ҳақида замонавий ва креатив усуlda саҳналаштирилган дастур намойишлари; Мақом санъати тарихига оид кўргазма, ўзбек, форс, араб, инглиз ва рус тилларида нашр этилган илмий асарлар ҳамда илмий-маърифий адабиётлар намойишлари ўтказилди. Анжуманда 70 дан ортиқ давлатлардан санъаткорлар қатнашиб, хорижий мамлакатлардан 300 дан зиёд меҳмонлар кутиб олинди. Анжуман 40 дан ортиқ хорижий давлатларга тўғридан тўғри трансляция қилинди. Бу эса ўйлаймизки мамлакатимизнинг халқаро нуфузини ошишига хизмат қилди. Юртбошимизнинг ушбу фармонига жавоб сифатида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Кўқон шаҳридаги Фарғона филиалида “Миллий мақом санъати” мактаби ўз фаолиятини бошлади.

Маълумки, “Фольклор санъати буинсониятнинг болалик кўшиғидир”, Халқ достонлари факат севги-муҳаббат тараннуми эмас, балки маданият, маърифат, тарбия воситаси бўлиб келган. Ёзма манбалар бўлмаган қадимги даврларда ёк аждодларимиз оғзаки ижод орқали авлодларга мардлик, яхшилик, ҳалоллик, ватанпарварлик, дўстлик ибратини етказганд. Шу жиҳатдан, бахшилар эзгулик элчилари бўлган ва хамиша эъзозланган. Зеро, “Бахшилар нафақат халқ ўтмишининг акс-садоси, айни пайтда бугунги куннинг ҳам жарангдор овозидир”. Бугунги глобаллашув замонига келиб ушбу тарихий санъат эътибордан четда қолди. Катта бахшилар кексайиб, кўп жойларда бу мерос унутилиб бораётган эди. Чунки эътибор, қизиқиш, рағбат йўқ эди. Давлатимиз раҳбари ташабуси билан Сурхондарёда бахшичилик мактаби ташкил этилгани уни асраб-авайлаш, ёш авлодга етказиш учун яхши шароит яратди. 2018 йил 1 ноябрь куни бу соҳага доир яна бир тарихий қарор “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиши тўғрисида”ги ПҚ-3990 сонли Президент қарори қабул қилинди. Унга кўра, Сурхондарё вилоятида Халқаро бахшичилик санъати фестивали икки йилда бир марта ўтказилади, достончилик санъатини асраб-авайлаш ва кенг тарғиб қилиш, турли халқлар ўртасида дўстлик ва ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Ўзбек бахшичилик мактаби дунёга Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом шоир, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Бола бахши, Эсемурат жиров, Шерна бахши, Марданақул Авлиёқул ўғли, Қодир бахши Раҳимов сингари машҳур намояндадарни етказиб берган. Бугунги кунда ана шу ижодий анъаналар уларнинг издошлари бўлмиш Шомурод Тоғаев, Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Қаҳхор ва Абдимурод Раҳимовлар, Қаландар бахши, Гулнара Аллембергенова, Гайратдин Отемуратов, Шодмон Хўжамбердиев, Илҳом Норов каби ўнлаб истеъдодли ижрочилар томонидан янада бойитилмоқда. Уни илмий жиҳатдан ўрганиб, келажак авлодга етказиша эса атоқли шоир Ҳамид Олимжон, Ҳоди Зариф, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов, Буюк Каримий, Зубайдай Ҳусаинова сингари фан арбобларининг ҳиссаси бекиёсdir. Бугунги кунга келиб эса юқоридаги олимларнинг ишларини Тўра Мирзаев, Маматқул Жўраев, Жаббор Эшонқулов, Жалғас Хушниёзов, Сафарбой Рўзимбоев, Шомирза Турдимов, Тоштемир Турдиев, каби олимлар муносаб давом эттиромоқдалар. Таъкидлаш жоизки ушбу санъатга бугунги кунда нафақат ўзбек олимлари балки чет эллик олимлар ҳам ўз этиборини қаратган, ҳозирда ўзбек миллий фольклор санъатини чукур ўрганиб, уни дунё миқёсида кенг тарғиб этиб келаётган кореялик Инг-Ёнг О, германиялик Карл Райхил,

туркиялик Фикрат Туркман, Селами Фидакор сингари хорижий олимлар алоҳида қайд этиш жоиз. Термиз шаҳрида илк бора 2019 йил 5-10 апрель кунлари ўтказилган ушбу фестивалда 74 та мамлакатдан 160 дан зиёд вакиллар қатнашилар. Фестивалнинг жаҳоннинг 20 га яқин ахборот агентликлари, маданий-маърифий сайтлар, ижтимоий тармоқлар, теле ва радио каналларида мумтоз санъат тури фаолиятини тарғиб килишга доир материаллар, таҳлилий макола ва кўрсатувлар, эшиттиришларнинг доимий ёритиб борилганилиги ҳам ушбу тадбирнинг нуфузини янада оширди. Юқоридагилардан кўринадики туркий халқларнинг миллий ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урфодатларини ифода этадиган бахшичилик санъати умумбашарий маданиятнинг узвий қисми бўлиб, ўлмас маънавий мерос сифатида эъзозланади. Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев такидлаганларидек, “Жаҳон маданий меросининг бу ўлмас асарлари бизга инсониятнинг наслу наасаби, тарихий илдизлари, олижаноб идеаллари бир эканини, бинобарин, турли миллат ва элат вакилларининг келажак сари интилишлари ҳам муштарак эканини англатади”.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 май 371-сонли қарорига асосан 2019 йилнинг 11-13 июль кунлари Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида биринчи «Буюк Ипак Йўли» Халқаро Фольклор Мусика фестивали ўтказилди. Ушбу фестивалга Эрон, Ҳиндистон, Франция, Россия, Жанубий Корея, Япония, Монголия, Туркия каби хорижий давлатлардан фольклор жамоалари иштирок этди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 та энг намунали фольклор жамоалари жумладан Қорақалпоғистоннинг “Сувсепар”, Андижон вилоятининг “Ёр-Ёр”, Бухоро вилоятининг “Жондор” ва “Сахро саболари”, Жizzах вилоятининг “Боғдон гуллари”, Навоий вилоятининг “Кармана”, Наманган вилоятининг “Гулдиор”, Самарқанд вилоятининг “Чавки” ва “Бешқарсак”, Сирдарё вилоятининг “Дехқон болалари”, Сурхондарё вилоятининг “Бойсун”, Тошкент вилоятининг “Наврӯз”, Хоразм вилоятининг “Жўралар” ва “Сара паёон”, Фарғона вилоятининг “Қабутар” ва “Чодир жамол”, Қашқадарё вилоятининг “Воҳа”, Тошкент шаҳрининг “Дурдона” каби фольклор жамоалари қатнашиб, уларнинг 200 нафардан ортиқ аъзолари ўз худудларига хос либослар ва қадимий куй-қўшиқлар асосида тайёрланган маҳсус дастурлари билан қатнашилар. Шунингдек, мазкур фестивалда Италия, Германия, Франция, Канада, Жанубий Корея, Малайзия, Россия, Ҳиндистон, Туркия, Тожикистон, Қозогистон, Туркманистон,

Қирғизистон, Япония, Эрон, Польша, Мўғулистан, Дания каби 20 дан ортиқ хорижий давлатлардан санъат усталари ташриф буюрдилар. Биринчи маротаба З кун давомида ўтказилган фестиваль мамлакатимизда номоддий маданий меросни асраб-авайлаш, хусусан, фольклор санъатини ривожлантириш ва кенг тарғиб қилишга муносиб ҳисса қўшди десак муболага бўлмайди. Эндилиқда Марғилонда ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши режалаштирилган мазкур фестиваль санъатга ошуфта дилларни бирлаштириди. Шунингдек, 80 га яқин давлатлардан хорижий сайёхлар келганлиги, анжуман том маънода Фаргона вилоятининг туристик салоҳиятини юксалтириш, муқаддас қадамжоларни янада обод қилиш ва миллий санъатимизнинг қурдатини дунёга тараннум этишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, инсоният яратган бебаҳо маданият дурдоналари, энг аввало, ҳар қайси миллиятнинг фольклор санъатида мужассам топгани ҳаммамизга яхши маълум. Турли ҳалқларнинг миллий ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урф-одатларини ифода этадиган баҳшичиллик санъати умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида барчамиз учун қадрлидир.

Ушбу йилда юртимиз яна бир ҳалқаро фестивалга мезбонлик қилди, маълумки дунё ҳалқлари ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, мусиқа санъати анъаналарини асраш ва ривожлантириш, маданиятлараро мулоқотни кучайтиришга қаратилган эзгу мақсадларни ўзида мужассам этган, ЮНЕСКО ҳалқаро ташкилоти томонидан мусиқа оламининг йирик форуми сифатида эътироф этилган ҳар или анъанавий тарзда ўтказилиниб келинадиган “Шарқ тароналари” мусиқа фестивали бу йил ҳар йилгидан ҳам файзли ва жозибали ўтди. Президентимизнинг 2019 йил 26 февралдаги қарорига мувофиқ Самарқанд шаҳрида 2019 йилнинг 26-30 август кунлари “Шарқ тароналари” ҳалқаро фестивалини ўн иккинчи марта ўтказиш бўйича чора тадбирлар режаси белгилаб берилди. Маълумки, “Шарқ тароналари” Ҳалқаро мусиқа фестивалидан кўзланган асосий мақсад – ҳалқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, дунё тинчлиги, ҳалқлар ўртасида дўстлик ва аҳилликни кенг тарғиб этиш, Шарқ ҳалқлари мусиқа санъатларини ривожлантириш ва унинг аҳамиятини янада ошириш, Ўзбекистон ҳамда бошқа давлат ҳалқларининг мусиқа санъати анъаналарини қамраб олиш, улар билан яқиндан илмий ва ижодий мулоқотлар ва ҳамкорлик қилиш, Шарқ мамлакатлари мусиқа санъатининг анъаналарини асраш, маданий мулоқотни янада ривожлантириш, Шарқ ҳалқлари анъанавий мусиқа санъати соҳасидаги илмий ўрганиш ва

изланишларни ҳамкорликда амалга ошириш, ўзаро тажриба алмашиш, давра сухбати, тақдимот ва маҳорат дарсларини ташкил этишдан иборат. “Шарқ тароналари” ўн иккинчи ҳалқаро мусиқа фестивалининг бу йилги дастурига бир қанча янгиликлар киритилди. Фестивалга 80 га яқин давлатдан хонанда ва созандалар, бадиий жамоа ва ансамбллар, санъат ва мусиқашунослар иштирок этдилар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки юртимизнинг яна бир қадимиј ва ҳамиша навқирон бўлган Кўқон шахри 2019 йил 10-15 сентябрь кунлари яна бир ҳалқаро фестивалга мезбонлик қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 1 ноябрдаги “Ҳалқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Кўқонда биринчи ҳалқаро хунармандчилик фестивали ўтказилди. Эътиборли жиҳати, жаҳон хунармандчилик Кенгашининг 2019 йилнинг 23 июлидаги қарорига кўра, Кўқон шаҳрига ёғоч ўймакорлиги бўйича Хунармандчилик шахри мақоми берилган. Шу кунгача жаҳоннинг турли мамлакатларидаги 35 та шаҳар мазкур макомга сазовор бўлган. Кўқон шахри Мустакил давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ичида биринчи бўлиб ушбу рўйхатга киритилди. Фестивалда Ўзбекистоннинг 153 туманидан хунармандчиликнинг 34 йўналиши бўйича 1116 нафар хунарманд ва 87 нафар ташкилотчilar иштирок этди. Фестивалда 78 та давлатдан хунармандчиликнинг 29 та йўналиши бўйича 200 га нафарга яқин хорижлик хунармандлар қатнашдилар. Шунингдек, фаҳрий меҳмон сифатида 40 нафарга яқин юқори мартабали хорижлик давлат арбоблари ва олимлар иштирок этдилар. Фестиваль доирасидаги ташкил этилган илмий-амалий конференцияда 24 давлатдан 28 нафар хорижлик олимлар ва 6 нафар Ўзбекистонлик олим иштирок этишиди. Бу ҳам Ўзбекистонда ҳалқ амалий санъатини асраб-авайлашга бўлган эътиборнинг нақадар кучлилигидан далолат беради.

Юқоридагилардан кўринадики бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида санъат ва маданият соҳасига ҳар доимидан ҳам эътибор катта. Ўзбек миллий санъати ва маданиятини асраб авайлаш ва уни келажак авлодга етказиш Ўзбекистон ҳалқи олдида турган долзарб вазифаларидан биридир. Уни амалга ошириш эса миллиятнинг ҳар бир зиёли вакили олдидаги муқаддас бурчdir. Зеро Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”.

**Мұхаббат ТУЛЯХОДЖАЕВА,
доктор искусствоведения, профессор ГИИКУЗ**

ДИОЛОГ ТЕАТРАЛЬНЫХ КУЛЬТУР

Аннотация. В статье затрагиваются актуальные вопросы интеграции театральных культур в контексте современного состояния сценического искусства Узбекистана. Прослеживаются основные этапы этой интеграции, которые происходили на территории Узбекистана в 20 веке. Рассматриваются интеграционные процессы с позиций взаимовлияния и взаимодействия национальных культурных групп, стран и регионов. Определяются основные направления движения современного театрального искусства Узбекистана в мировое культурное пространство.

Ключевые слова: интеграция, культура, театр, фестиваль, режиссура, актер, взаимовлияние, взаимодействие, культурный обмен.

**Мұхаббат ТҮЛАХҮЖАЕВА,
санъатшунислик доктори, ЎзДСМИ профессори**

ТЕАТР МАДАНИЯТЛАРИ МУЛОҚОТИ

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон саҳна санъатининг замонавий ҳолати нұқтаи назаридан театр маданийларининг ўзаро бөглиқ равишда ривожланишининг долзарб, масалалари тақдик этилди. Ўзаро бөглиқтік миллій маданий гурухлар, мамлакатлар ва ҳудудларнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсири нұқтаи назаридан күриб чиқылди. Ўзбекистон замонавий театр санъатининг жаҳон маданияти мұхитида ривожланишининг ассоций ійналишилари белгиланди.

Калит сўзлар: ривожланиш, маданият, уйғунлашув, фестиваль, режиссёрлик, актёр, ўзаро таъсир, ўзаро алоқа, маданий алоқа.

**Mukhabbat TULYAKHODJAEVA,
doctor of Art criticism, Professor USIAC**

DIALOGUE OF THEATER CULTURES

Abstract. The article investigates the relevance of the international development of theatrical cultures in terms of the contemporary state of the art of Uzbekistan.

The interrelationships and interaction of national cultural groups, countries and territories were examined. The main directions of development of modern theatre art in the world cultural sphere are defined.

Key words: integrity, culture, theatre, festival, direction, actor, interaction, communication, exchange of culture.

Интеграция театральных культур – это процесс сближения национальных культур, укрепление театральных связей. В ходе этого процесса достигаются новые формы театральной деятельности.

Театр европейского типа возникает на территории Узбекистана в начале прошлого столетия. Его развитие смыкалось с объективными процессами культурной интеграции, что предопределило не только дальнейшее развитие сценического искусства, синтезирующее в себе слово, музыку, танец, пантомиму, но и дало мощный импульс для формирования драматического театра.

В начале 20 века взаимосвязь социального и культурного аспектов проявлялась в различных формах. Этому способствовали гастроли русских, татарских, азербайджанских, армянских театральных коллективов, оперных трупп, а также артистических групп кафе-шантанов, оперетты, цирка. За период с 1877 по 1915 год в Туркестане выступило с гастролями более ста провинциальных трупп и музыкальных коллективов.

Значимым событием стал приезд в начале 1910 года В.Ф. Комиссаржевской. Гастроли драматической труппы знаменитой русской актрисы проходили в Ташкенте и Самарканде с неизменным успехом. Публика знакомилась с мировой классической драматургией, что оказало весьма благотворное влияние на местную театральную жизнь. Русская актриса исполняла главные роли в спектаклях

«Бесприданница», «Дикарка» Островского, «Кукольный дом» Г. Ибсена, «Хозяйка гостиницы» К. Гольдони.

В 1915 году в Коканд приезжает азербайджанский музыкальный театр, на спектаклях которого публика знакомится с жанром музыкальной драмы, с широко известными музыкальными спектаклями «Асли и Керим», «Аршин мал алан» и «Не та, так эта» У. Гаджибекова. Азербайджанские актеры и режиссеры оказывали помощь формирующемуся узбекским любительским коллективам. Они занимают в своих спектаклях на эпизодические роли актеров, передают им свой театральный опыт. Уже 30 декабря 1916 года была показана музыкальная драма «Лейли и Меджнун» У. Гаджибекова на узбекском языке в постановке С. Рухуллы, который исполнил в ней роль Меджнуна. Можно сказать, что в этом факте уже содержались первые ростки культурных интеграционных процессов.

Деятельность татарских азербайджанских трупп получает все более широкое распространение. Сходство языков тюркских народов создавало благоприятные условия и ускорило освоение европейских театральных форм, процесс создания нового узбекского театра. На сцене Государственной Образцовой узбекской драматической труппы были поставлены переводные пьесы «Муж и жена» У. Гаджибекова; «Шейх Санан», «Иблис», «Марал» Г. Джавида; драмы Шиллера «Разбойники», «Коварство и любовь». Обращение к драматургии

других народов расширяло репертуар и творческие возможности актеров. А в середине 20-х годов пребывание и учеба в театральных студиях Баку, Москвы становится стимулом в овладении актерами основ сценического мастерства, навыков работы над ролью и спектаклем

В 1930 году в Москве проходила всесоюзная театральная Олимпиада, где узбекский театр имел возможность показать свое искусство. В Олимпиаде участвовали два театральных коллектива: Театр имени Хамзы и Государственный узбекский музыкальный театр. Спектакли Олимпиады, продолжавшейся с 15 июня до 11 июля 1930 года, получали специальные отзывы жюри с указанием, какие именно тенденции театру следует развивать. В этой связи необходимо отметить, что жюри предписывало узбекскому театру не отрываться от «удачно найденных форм национального игрового спектакля» («Советский театр» 1930, № 9-10, стр. 10). Проведение Олимпиады положило начало обмену творческим опытом между деятелями театрального искусства,

В 1932 году в Ташкенте и других городах Средней Азии в течение 3-х месяцев гастролировал театр Вс. Мейерхольда. Знакомство с творчеством режиссера, его опытом, исполнительским мастерством актеров определенным образом повлияло на деятельность актеров и режиссеров узбекского театра. Так режиссер В.Витт, перекраивая пьесу Н.Погодина «Мой друг», решал её как «музыкальное обозрение, изобретал ритмико-музыкальную жизнь каждого действующего лица. Исполнители напевно декламировали и должны были двигаться по четко разграниченным и начертанным мелом по сцене клеточкам в определенном ритме.

Те же тенденции с попыткой внести некоторые элементы восточного быта в ткань спектакля, прослеживались и в постановке режиссером «Ревизора» Н.Гоголя. Спектакль состоял из 28 эпизодов и трактовался как буффонное, фарсовое зрелище. Персонажи были превращены в условные маски. В этих спектаклях главным было пластическое освоение сценического пространства, изучение законов ритма, композиции, стремление постичь элементы биомеханики, направленной на создание актера высокой пластической культуры. И хотя спектакли во многом лишь копировали и цитировали постановочные принципы Мейерхольда, все же в них проявилась попытка расширить границы сценических возможностей, как для режиссур, так и для исполнителей.

Сценическое искусство Узбекистана отразило уникальный опыт адаптации новых для традиционной культуры европейских форм и видов театра в результате чего сформировалась самобытная, своеобразная, содержательная специфика, определились закономерности и особенности развития, внутри которых происходили процессы ассимиляции, слияния различных направлений путем освоения основ различных стилей театрального искусства.

Поиск решения героико-романтического спектакля четко прослеживается в обращении к произведениям «Отелло», «Гамлет» Шекспира, «Коварство и любовь» Шиллера. В годы войны зрители Ташкента, Самарканда, Ферганы знакомятся с искусством ведущих театров России, творчеством замечательных мастеров – режиссерами Иваном Берсеневым, Соломоном Михоэлсом, театральным художником Александром Тышлером, актерами Марией Бабановой, Софьей Гиацинтовой, Максимом Штраухом, Серафимой Бирман и другими.

Но, пожалуй, самым значительным явлением в театральной жизни Узбекистана в те годы стала постановка по пьесе Х. Алимджана «Муканна», осуществленная на сцене театра имени Хамзы в 1943 году. Успех был обусловлен плодотворным творческим содружеством двух театральных мастеров сцены – С. Михоэлса и М. Уйгура, талантливыми выразительными декорациями А. Тышлера, музыкой В. Успенского и А. Мушеля, великолепной игрой актеров, таких как Аброр Хидоятов, Сара Ишантураева, Шукур Бурханов, Абид Джалилов, Алим Ходжаев. Для творческого коллектива эта постановка стала своеобразной школой, где творческий коллектив встретился с одним из выдающихся режиссеров С. Михоэлсом.

Большое значение в развитии культуры Узбекистана имело создание в 1945 году Ташкентского театрального института. Первыми руководителями кафедр актерского мастерства и режиссуры, сценической речи, театроведения были известные мастера искусств Москвы: П. Верхацкий, А. Эфрос, И. Радун, Я. Фельдман, А.Рыбник, М. Григорьев. Институт выпускал актеров, режиссеров и театроведов не только для Узбекистана, но и Таджикистана, Туркменистана, Казахстана и Киргизии.

В послевоенные годы узбекский театр значительное внимание уделяет осмыслиению переводной драматургии. В 1949 году театр впервые обращается к творчеству А. С. Пушкина и ставит на сцене трагедии – «Скупой» и «Каменный гость», в 1952 году «Ревизор» Н. Гоголя. Опыт работы над произведениями переводной классической драматургии давали возможность актерам воплощать многогранные, реалистические образы. Постановки пьес в свою очередь оказывали воздействие на творчество драматургов и деятелей узбекской сцены.

Событием в культурной и театральной жизни стала Декада литературы и искусства Узбекистана в Москве в 1959 году. Были показаны лучшие спектакли ведущих театров республики, которые подтверждали способность узбекской сцены открывать новые пластики воплощения мировой классики и современных пьес, открывали творческий потенциал деятелей театрального искусства. Вместе с тем набирал силу процесс интеграции, углубления культурного взаимодействия и взаимовлияния между народами национальными культурными центрами. Основной целью Декады становился дружественный обмен между культурами.

Видную роль в процессе активного взаимообмена творческим опытом сыграли, проведенные в 60-70-е годы Декады литературы и искусства уже в Узбекистане – русская, украинская, белорусская, туркменская и другие. А также гастроли в Ташкенте крупнейших театральных коллективов России – МХАТ, Малого театра, Ленинградского театра драмы им. А. Пушкина, Московского театра им. Вл. Маяковского, театра на Таганке, театра Сатиры.

В постановках второй половины 70-х годов интересными стали спектакли «В списках не значился» по повести Б. Васильева и «Тринадцатый председатель» татарского драматурга А.Абдуллина. За спектакль «В списках не значился» Б. Юлдашев был удостоен премии им. А.Попова за режиссуру. Работа театра над переводной драматургией обогащала исполнительское мастерство актеров. И об этом свидетельствовали многие спектакли.

Период 1970-1985 годов был отмечен целым рядом интересных постановок мировой классики, в которых выявились новые, важные для развития театра тенденции. Это: «Разбойники» Ф.Шиллера, «Живой труп» Л.Толстого в постановке Б. Юлдашева, «Антигона» Софокла режиссера из Грузии Д.Алексидзе, «На всякого мудреца довольно простоты» А.Островского в постановке московского режиссера П. Васильева, «Отелло» В.Шекспира режиссера театра им. Евг. Вахтангова Е.Симонова, «Абай» М. Аузова и Л. Соболева в постановке известного режиссера Казахстана А. Мамбетова. Поставленные разными режиссерами эти спектакли привлекали неординарностью сценического прочтения, оригинальной режиссерской, актерской интерпретацией, оформительским решением.

При исследовании взаимосвязей различных национальных сценических культур особый интерес в конце 80-х годов 20 века представляют примеры проведения театральных фестивалей «Навруз», которые последовательно проходили в каждой из республик Центральной Азии. На этих театральных форумах происходило осмысление новой образной структуры и воплощения её оригинальными выразительными средствами. В результате происходила «состыковка» разных национальных художественных структур. Эти фестивали становились отражением живого театрального процесса. Здесь были представлены и традиционные и экспериментальные спектакли режиссеров разных поколений, которые определяли два направления развития сценического творчества: театр-игра, лицедейство и театр-притча, философские размышления о человеке и его месте в мире.

Эти фестивали подтверждали универсальность и эффективность процесса взаимодействия культур, показывали, что использование сценического опыта стран региона благотворно оказывается на расширении и обогащении репертуара, средств сценической выразительности, интенсивном творческом поиске режиссюры, исполнительского мастерства.

В конце октября 1993 года в Ташкенте состоялся 1

международный фестиваль «Театр: Восток-Запад», проведенный под эгидой ОНН-ЮНЕСКО. Можно без преувеличения назвать этот фестиваль самой крупной культурной акцией в Узбекистане, после провозглашения Независимости. Лишенный какой бы то ни было идеологической окраски, театральный форум убедил в реальности проводимой культурной политики, ориентированной, с одной стороны, на возрождение национального духовного наследия, с другой, на полную открытость в мировые культурные процессы.

Фестиваль стал смотром театров различных стилевых и жанровых направлений. 18 стран участниц представили на суд зрителей 23 спектакля. От Японии до Швеции, от Гонконга до Лондона – такова была география фестиваля. В программе рядом стояли спектакли бытовой традиции и невербального эксперимента, авангардные постановки оперных, кукольных, молодежных и академическим трупп. Творческие поиски театров рождали вопросы и подталкивали к размышлению о проблемах формы, средствах выразительности, о традициях в национальных культурах и широком использовании опыта мирового театра.

На протяжении 90-х годов и первого десятилетия 21 века набирал силу процесс интеграции узбекского театра в мировое сценическое пространство. Об этом свидетельствуют многие факты, которые выражаются в гастрольных поездках за рубеж наших ведущих театров, постановки спектаклей приглашенными режиссерами из западных и восточных стран, таких как Италия, Россия, Франция, США, Германия, Израиль, Корея, Япония.

Стремление освободиться от традиционных рамок, поиск новых средств сценического воздействия явно прослеживается в постановке «Короля Лир» В. Шекспира в драматическом театре (бывший театр А. Хидоятова), осуществленной американским режиссером Давидом Капланом. Постановщик, он и оформитель спектакля, переносит действие с берегов туманного Альбиона на Восток. Мотивы ориентального стиля прочитываются в сценической атрибутике и костюмах, мастерски выполненных художником З. Насыровой.

Б. Юлдашев показал свой спектакль «Искандер» А. Навои во Франции, где французский актер Франсуа Шатто играл роль Навои.

На сцене Академического русского драматического театра Узбекистана был поставлен спектакль «Арлекино» по пьесе Л. Гольдони «Слуга двух господ» итальянским режиссером Себастьяно – Мария Сальвато.

Постоянным участником театрального фестиваля «Балтийский дом» в Санкт-Петербурге, Чеховского фестиваля в Москве становится коллектив «Молодежного театра Узбекистана», где с успехом принимают зрители постановки режиссера Н. Абдурахманова.

Осенью 2014 года зрители Ташкента познакомились с труппой театральной компании «Хэбома» из Кореи, которая показала удивительный

по своей энергетике, экспрессии постановку спектакля «Макбет» по Шекспиру. Обаяние молодых актеров труппы, их темпераментная, динамичная игра, живая музыка – барабанная дробь, звучание корейских народных музыкальных инструментов, использование масок, пантомимы, танца, оригинальная трактовка европейской классики приемами и средствами восточного условного театра дала неожиданный результат. Произошло слияние традиций восточного театра с импровизационной стихией европейского театра, атманидея шекспировской трагедии обернулась философскими назидательными сентенциями типа «справедливое есть несправедливое, а несправедливое есть справедливое». Парадоксальность этой сентенции вскрывает многозначность шекспировского замысла восточным театром. А финал – самоубийство Макбета – показал бессмысленность, тщетность самонадеянной гордыни человека в стремлении к власти.

В начале ноября 2015 года шекспировский театр «Глобус» привез в Узбекистан свою постановку «Гамлета». Событие значимое, неординарное, хотя бы потому, что зрители воочию смогли увидеть актеров прославленного английского театра, которые сыграли трагедию «Гамлет» в стилистике «старого театра». Доминик Дромгул в программке спектакля бросает фразу: «Спасибо за то, что присоединились к нашей веселой затее», он недвусмысленно заявляет о том, что этот спектакль лишь забава и зрителю надо настроить себя на развлечение, на игру.

После провозглашения Независимости нашей страной многое изменилось во всех сферах национального искусства: музыкального, изобразительного, оперного, балетного, танцевального, драматического. Искусство Узбекистана стремительно интегрирует в мировое культурное пространство, мировое сообщество. Международные проекты становятся данностью современного театрального процесса.

В ГАБТе им. А. Навои за последние годы было осуществлено несколько международных

проектов, состоялся I Международный фестиваль балетного искусства, организованный при поддержке Министерства культуры Республики Узбекистан, Фонда развития культуры и искусства, АО «Узбекнефтегаз» и «Клуба друзей театра». То, что происходило на этом фестивале подобно яркому прорыву в мир современной хореографии, в мир современного балетного искусства. На сцене нашего театра зрители знакомились со спектаклями хореографов из Израиля, Турции, постановками знаменитой труппы «Балет Бежара. Лозанна».

Еще два международных проекта были осуществлены театром – «Поэма двух сердец» азербайджанского композитора А. Меликова по произведению Ш. Рашидова в хореографии российского балетмейстера И. Чернышева и «Дама с камелиями» по А. Дюма в постановке турецкого балетмейстера М. Балканы.

Узбекский Национальный театр драмы пригласил на постановку спектакля по повести Ч. Айтматова «Белый пароход» ведущего режиссера из Алматы, заслуженного деятеля искусств Казахстана А. Рахимова. Молодежный театр Узбекистана пригласил на постановку пьесы Н. Гоголя «Игроки» выпускника Российской Академии Театрального Искусства В. Когута (мастерская легендарного режиссера Л. Хейфица).

Любая театральная культура не может обходиться без культурной интеграции, процесса углубления взаимодействия и взаимовлияния между национальными культурными группами и регионами. Это и процесс практического и информационного взаимодействия, это и живой, дружественный обмен достижениями, соответствия и согласованности между различными традициями, национальными формами культуры, между культурным наследием общества и новыми её достижениями, это и процесс утверждения единой системы общечеловеческих ценностей.

Литература

- Рахманов М. Ўзбек давлат академик драма театра. -Тошкент: Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – 327 б.
- Рахманов М., Тулахужаева М., Мухторов И. Ўзбек миллий академик драма театри тарихи. -Тошкент: 2003 – 267 б.
- Кадыров М.Х. Труды по истории зрелищных искусств Узбекистана. -Ташкент: 2010. – 238 с.

Иқбол МЕЛИҚҮЗИЕВ,
ЎзДСМИ “Овоз режиссёrlиги ва операторлик маҳорати”
кафедраси мудири в.т.профессор

ЗАМОНАВИЙ ФИЛЬМЛАРДА ЁШ ОПЕРАТОРЛАРНИНГ БАДИЙ ОБРАЗ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

Аннотация. Мазкур илмий мақолада бугунги кун ўзбек кинооператорлик санъати, унда вужудга келган профессионализм билан боғлиқ муаммолар, уларни ҳал қилиш йўллари ва экрандаги тасвирий ечим масалалари, ўзбек хусусий фильмларининг тасвирий жиҳати тадқиқ этилган. Мақоланинг илмий аҳамияти шундаки, унда ўзбек хусусий кино санъатидаги айнан кинооператорлар фаолияти, уларнинг фильм тасвирий ечимидағи ўрни чуқур таҳлилий ўрганилган, улар томонидан суратга олинган фильмлар таҳлил этилган. Шу соҳадаги ютуқ ва камчиликлар, бугунги кундаги ўзбек кино санъатида бадиий савия масалалари, тасвирий воситалар орқали томоша-бинларнинг маънавий дунёсини кенгайтириши ва бойитишга аҳамият қаратиши масалалари ҳам таҳлил қилинган ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиши бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: ўзбек киноси, кинематография, композиция, тасвирий ечим, ифодалилик, ёритии

Иқбол МЕЛИҚУЗИЕВ,
и.о профессор кафедры “Звукорежиссуры и операторского мастерства” ГИИКУз

МАСТЕРСТВО МОЛОДЫХ ОПЕРАТОРОВ В СОЗДАНИИ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ОБРАЗА В СОВРЕМЕННЫХ ФИЛЬМАХ

Аннотация. В данной научной статье исследованы проблемы, связанные с современным узбекским кинооператорским искусством, проблемы, связанные с профессионализмом операторов, пути решения возникших проблем, и вопросы изобразительного решения узбекских художественных фильмов, созданных частными студиями. Научное значение статьи заключается в исследование творческой деятельности узбекских кинооператоров в частных художественных фильмах, их роли в изобразительном решении фильма, и, были глубоко проанализированы снятые ими фильмы. Рассмотрены достижения и недостатки в этой области, вопросы художественного уровня современного узбекского киноискусства, были изучены и даны конкретные рекомендации и предложения по устранению выявленных проблем, в том числе в отношении важности расширения и обогащения духовного мира аудитории посредством изобразительных средств киноискусства.

Ключевые слова: узбекское кино, кинематография, композиция, изобразительное решение, выразительность, освещение,

Iqbol MELIKUZIEV,
Acting Professor of the Department of Sound Engineering and Camera Work, USIAC

THE STILL OF YOUNG CAMERAMEN IN CREATING AN ARTISTIC IMAGE IN MODERN FILMS

Abstract. In this research article there have been investigated the problems related to modern Uzbek cameraman art, the problems associated with the professionalism of the operators, solutions to problems and issues of visual approach of the Uzbek art films produced by private studios. The scientific significance of the study lies in the creative activity of Uzbek cameramen in private feature films, their role in the visual decision of the film, and were deeply analyzed their films. Achievements and shortcomings in this area, issues of the artistic level of modern Uzbek cinema were studied and specific recommendations and proposals were made to address the identified problems, including the importance of expanding and enriching the spiritual world of the audience through the visual means of cinema.

Keywords: uzbek cinema, cinematography, composition, image decision, expressiveness, lighting

Кириш. Жамият тараққиётини санъатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, кино санъати инсон қалби ва тафаккурига маънан таъсир ўтказади. Кино ихтиро қилинганида, буюк француз рангтасвирчи рассоми Сезан унинг асл моҳияти ва чегара билмас қудратини англагани ва тан олгани холда унга “...Бу кундан бошлаб бизнинг санъатимиз (рангтасвир) таназзулга юз тутади, чунки кино туғилди...” [1, б.12] дея кинонинг оммавийлигига ургу бергани холда унга юксак баҳо берган эди.

Бугунги кунда дунёдаги етакчи давлатлар ўз миллий кино санъатига эга. Бугунги ахборотла-

шув замони дея таърифланаётган XXI асрга келиб, жаҳон кино санъати соҳасида мисли кўрилмаган даражадаги ютуқларга эришилди. Оддий тасмадан “3D”, “5D” форматдаги кўп карра юкори хис эттириш даражасига кўтарилиган фильмлар инсон онгини бутунлай қамраб олиш қудратига эга бўлди. Фильмларда янги ва тезкор, қулай ва сифатли техникалар ёрдамида инсон ақлени лол қолдирадиган сюжетлар яратилди. Шундай қилиб, дунё киносида “янги давр” вужудга келди. Эндиликда улкан индустриялар ҳосиласи бўлган кино, санъатдан саноатга айланди. Саноат эса ўз-ўзидан иқтисодий ва сиёсий

мақсадларга эришиш йўлидаги ҳодиса демакдир.

Истиқлол йилларидан бошлаб мамлакатимизда ҳам кино санъати учун эркин ижод даври бошланди. Нафоқат экран санъати, балки санъатнинг барча турлари ривожига хисса қўшаётган иктидорли ёшларимиз учун қулай ижодий имкониятлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 марта “Кинематография соҳасини такомиллаштириш” ҳақидаги Фармони билан кино соҳасининг алоҳида тармоқ тизими сифатида қайтадан тикланиши, 2004 йил 16 март “Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш” Фармонига асосан, 2004 йил 17 марта “Ўзбеккино” Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида карор қабул қилиниши миллий кино санъатини ривожлантириш йўлида олиб борилган саъй-ҳаракатлар хусусий киностудияларнинг кўпайишига асос бўлди.

Хозирги кунга келиб Ўзбекистонда кино-видео маҳсулотлар ишлаб чиқаришга руҳсат олган ташкилотлар сони 700 га етди. Ўзбекистонда йилига 50 дан зиёд бадиий фильмлар суратга олиниб, экранларга чиқарилмоқда. Ўзбекистондаги 160 дан зиёд кинотеатрлар репертуари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган кинолар ва чет эл кинолари асосида фаолият юритмоқда. Натижада, миллий кино санъати соҳасини ривожлантиришга асос бўладиган ижодий рақобат кучая бошлади. Кино санъатининг асоси бўлган операторлик соҳаси ҳам техниканинг ривожланиши таъсирида тасвирий ифодавийлик ҳам тубдан ўзгарди.

Маълумки, мамлакатимизда бугун хусусий киностудиялар фаолиятининг ривожланиши натижасида фильмларимиз сони ортди, мавзу доираси кенгайди. Аммо бу фильмларнинг сифатини талаб даражасида, дея олмаймиз. Биз юкорида кино санъатини тарбия воситаси, деб айтдик. Агар фильм режиссёри аниқ бир мақсадга эга бўлмаса, оператор сюжет мазмунини тушунмаса, актёрлар мазмундан йирок, ўзи хоҳлаган томошани кўрсатса, бундай асардан қандай маънавий озука олиш мумкин.

Тарихдан маълумки, профессионал, устоз кинооператорлар ўз даврида мустақил фильм олиш учун йиллар давомида тажриба орттирган. “Кинооператор фильмни суратга олиш жараёнида тасвирий санъатдаги каби ранглар уйғунлигини, ёритиш услубини, композиция курилишини кўрсата олиши ва албатта, шак-шубҳасиз, ана шу бадиий асарга нисбатан ўз муносабатини, нуктаи-назари ва янгилигини қўша олиши шарт” [2, б. 98].

Материаллар ва усуllар. Мазкур илмий мақола мавзусини ёритишида тасвифий, таснифий, тарихий-қиёсий, контекстуал ва комплекс ёндашув таҳлил усуllари кўлланилди.

Экран маданияти ҳодисасининг мураккаб мазмунини хисобга олган ҳолда, ишда гуманитар фанлар – санъатшунослик, психология, социология,

алока назарияси, маданиятшунослик методологик воситаларидан фойдаланади. Тадқиқотда кўриб чиқилаётган муаммоларни назарий ва тарихий-бадиий тушунишга қаратилган замонавий санъатшунослик усуllари, шу жумладан, техник ва технологик воситалар ёрдамида яратилган ўзига хос бадиий-ифодали воситаларни бадиий-услубий таҳлил килиш усули, техник ва технологик воситалар ёрдамида экран тасвирини яратишнинг асосий ноаньнавий шаклларини аниқлаш ва таҳлил қилиш учун типологик усул каби методлардан фойдаланилган.

Умуман олганда, иш киёсий таҳлил ва типологик умумлаштиришдан фойдаланишга имкон берувчи экраннинг ўзига хос ифода воситаларини яратиш ва хис қилиш муаммосига интеграциялашган ёндашувдан фойдаланганди. Қиёсий таҳлил усули экран санъатининг ривожланишининг турли босқичларида бадиий фильмларда тасвирий ечимнинг ўзаро таъсири ва уни амалга оширишнинг технологик имкониятларини ўрганишда ишлатилган.

Адабиётлар таҳлили. Ўзбек хусусий кино студиялари ва фильмлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида, газета ва журналларда ҳар хил шовшувли мақтоб ва танқидий фикрларни эшишиб қоламиз, лекин айнан фильмнинг тасвирий жиҳати, оператор ижодига тўхталиб ҳам ўтишмайди. Ўзбек хусусий киносида профессионал кинооператорлар фаолияти ҳамда ҳаваскор ёшлар ижоди, улар суратга олган фильмлар чукур ва аниқ мақсадларда ўрганилмаган. Мазкур мақолада мамлакатимиз хусусий киностудиялари шаклланиш даврида яратилган фильмлар, шу билан бирга, фильмнинг асосий ижодкорларидан бири бўлган операторнинг касбий маҳорати ва фильмларни тасвирга олишда замонавий техник воситалар имкониятлари асосий объект сифатида ўрганилади.

Иш мавзуси факат ўзбек кино санъати ва ўзбек хусусий фильмларидаги операторлик маҳорати масалаларига бағишлиланганлиги учун ҳам бу мавзуда узоқ хориж ёки МДҲ давлатлари тадқиқотчилари томонидан илмий изланишлар олиб борилмаганлиги табиий. Шунинг учун ҳам мавзунинг ўрганилганлик даражасини ватанимизда олиб борилган илмий ишлар асосида белгилаймиз. Мазкур мавзу бўйича “Санъатшунослик журналистикаси” бўлими битириувчиси Холида Солихова томонидан ёзилган “Ўзбек операторлик санъати” (Кинооператор А.И.Исмоилов ижоди мисолида) номли бакалаврлик битириув малакавий ишида фақатгина кинооператор А.И.Исмоиловнинг ижодий фаолияти ёритилган.

2006 йилда ёзилган яна бир бу соҳадаги қилинган тадқиқот иши “Санъатшунослик журналистикаси” бўлими талабаси С.Исломовга тегишли бўлиб, у “Хусусий киностудиялар томонидан яратилган фильмлар ва уларнинг фаолияти” деб номланган. 2007 йилда эса “Санъатшунослик журналистикаси” сиртқи бўлими битириувчиси У.Сориев томонидан “Хусусий киностудиялар томонидан яратилган ти-

жорий фильмлар” номли тадқиқот иши олиб борилган бўлиб, ҳар иккала малакавий битириув ишларида асосан фильмларнинг бадиийлик масалалари, хусусан, экран асарининг драматургик асоси ва улардаги ютуқ ва камчиликлар, фильм режиссераси, актёрлар масаласи таҳлил қилинган. Бу ишларнинг бирортасида операторнинг касбий кўламидан келиб чиқиб унинг ишига тўхталмаган.

Шу ўринда яна бир эътибор қаратадиган жиҳат, шу кунгача хусусий киностудиялар ва улар томонидан суратга олинган фильмлар тўғрисида ким томонидан ва неча номдаги тадқиқотлар олиб борилган, ўрганилган бўлса-да, уларнинг ҳеч бирида энг биринчи хусусий киностудия ва энг биринчи хусусий кинофильм ҳақида аниқ маълумотлар йўқ ёки нотўғри маълумот берилган. Мисол учун, Ф.Нодирова раҳбарлик килган С.Исломов ва У.Сориевларнинг битириув малакавий ишларида биринчи хусусий фильм деб Миллий телерадиокомпаниянинг «Ёшлар» телерадиоканали ижодий гурухи томонидан суратга олинган “Тохир ва Зухра” фильмини энг биринчи хусусий фильм деб маълумот берилгани, бунинг хатолик экани ва кинооператор X.X.Файзиевнинг 2011 йилда собиқ Ўзбекистон Давлат санъат институти профессор ўқитувчиларининг санъат соҳасидаги масалаларни ўрганишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари “Йилнома”сида босилиб чиқсан “Ўзбекистон мустақиллиги даврида яратилган бадиий фильмлардаги операторлик маҳорати” мақоласида “Байрам” студияси томонидан яратилган “Бумбастик” фильмини энг биринчи хусусий кино деб юритилгани ва аслида бу картина ўзбек хусусий студиялари томонидан яратилган иккинчи хусусий фильм эканлиги илмий ишимни ўрганиш натижасида аниқланди.

Мунозаралар. Ўзбек кино санъати ўз даврида бир қатор фильмлари билан жаҳон киноэкранларини забт этган, кино санъати ихлосмандари-ю, мутахассисларни лол қолдирган. Й.Аъзамов, К.Ёрматов, Н.Ғаниев, Ш.Аббосов сингари режиссёrlар томонидан тасвирга олинган кинокартиналар эса нафақат миллий, балки жаҳон киносининг олтин фондидан жой олишга муваффақ бўлган. Ҳатто бугунги кун томошабини учун ҳам энг севимли киноасарлардан саналувчи «Ўткан кунлар», «Маҳаллада дув-дув гап», «Сен етим эмассан», «Алишер Навоий», «Тохир ва Зухра» каби ҳам бадиий, ҳам актёрлик нуктаи назаридан, операторлик иши томонидан ҳам бадиий мұкаммал фильмлар ўзбек киносининг энг дурдона асарлари қаторидан жой олган.

Кино санъати тарихи хусусида сўз борар экан, шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, миллий кино санъатининг тамал тоши анчайин мустаҳкам қўйилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Зоро, мамлакатимиздан етишиб чиқсан буюк кино дарғаларининг асрларга татигулик меҳнатлари, яратган фильмлари

бунга тўла-тўқис асос бўла олади. Айниқса, собиқ иттифоқ даврида, гарчи маҳаллий кинорежиссёrlарга «паст назар» билан қарашдек кайфият кўп бора кузатилган эса-да, кино санъатини ривожлантириш ва тараққий топтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилган. Инсон маънавиятини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайдиган ушбу соҳанинг равнаки учун етарли микдорда маблағ ажратилган ҳамда ёш кадрларни вояга етказишига катта эътибор қаратилган эди. Шу боисдан ўша пайтларда маҳаллий киноижодкорларимиз томонидан жаҳон экранларида ҳеч иккilanмай намойиш этиши мумкин бўлган ғоявий етук, мазмунан бой, мантиқан асосли, аниқ хулоса ва ечим замирига қурилган кинофильмларни кўплаб яратдилар, ўзбек киносининг жаҳон кино санъати тарихида ўзига хос нуфузли ўрин эгаллашига ҳисса қўшдилар.

Мустақиллик йилларида, айниқса, ўтиш даврининг илк йилларида бошқа соҳаларда бўлгани каби кино санъати тармоғида ҳам пасайиш, ўзига хос турғунлик даври бошланди. Бу ҳол мустақилликка эришган ҳар қандай ёш давлатнинг бошига тушадиган табиий жараёндир. Ўтиш даврининг иқтисодий, сиёсий қийинчиликлари, мустакил давлатлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг ҳали яхши йўлга қўйилмаганлиги, шундек ҳам иқтисодий тангликтини бошдан кечираётган мамлакатнинг кино саноати учун маблағ ажратиши кийин кечди. Бундан ташқари, давринг бирданига ўзгариши, эски мағкуранинг якун топиши ва ҳали янги, кучли мағкуранинг ижодкорлар (кинорежиссёrlар, сценаристлар) томонидан тўлиқ англаб етилиб улгурилмагани ва қайсиdir маънода ганги-тиб қўйгани кино санъатида ўзига хос бўшлиқни вужудга келтирди. Эски авлод ижодкорларининг янгича сиёsat, янгича руҳият, миллийлик, ўзига хослик сингари дунёқарашларни «ҳазм кила олмаётганликлари» вазиятни янада мураккаблаштириди. Фикримизни рақамлар билан исботлайдиган бўлсақ, 1991-1996 йиллар оралиғида ўзбек кино ижодкорлари томонидан бор-йўғи еттига кинофильм суратга олинганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин ва бу фильмларнинг асосий қисми енгил ҳажв устига қурилган, на сиёсий аҳамияти, на маънавий қуввати бор фильмлар эди.

Натижада, ўша даврларда ғарбнинг сифатсиз фильмлари, Мексика, Бразилия, Колумбия сингари Лотин Америкаси давлатларида суратга олинган сериаллар кино ва телевидение экранларимизни тўлдира бошлади. Бир томондан, фақат ёнгил-елли сюжетли, бачкана кулгига қурилган, на мантиқ ва на мазмунга эга бўлган, «бўлаверади-да» кабилида ишланган ўзбек кинофильмлари томошабинларнинг жонига теккан ҳам эди. Қолаверса, фақат собиқ иттифоқ, ҳиндистонлик киноижодкорлар томонидан яратилган фильмларни кўриш билан чекланган томошабин учун тамомила янги ва кизиқарли бўлган ғарб, умуман чет эл мамлакатла-

ри ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи сериаллар телевидение экранларини, ҳалкнинг қалбини мустаҳкам эгаллади.

Ачинарли томони шундаки, биз қоралаётганимиз гарб маданияти таъсирига тушиб қолган маҳаллий ижодкорларимиз ҳам гарбга таклид қилгани ҳолда фильмлар суратга ола бошладилар. Ҳатто улар “...биз ҳам энди мустақил ва демократик давлатмиз, Ўзбекистон ҳам энди дунёнинг ривожланган ва эркин давлатлари билан бир погонадан жой олмоқда...» дея бонг урадиганлар ҳам топилиб қолди. Уларнинг орасида миллый кино санъатимизнинг етук ижодкорларининг ҳам борлиги жуда ачинарли эди.

Мавжуд юзага келган вазиятни тўғри баҳолаган хукуматимиз, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 1992 йил 9 мартағи кино санъатини ривожлантиришига қаратилган “Кинематография соҳасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонининг чиқиши айнан юқорида айтиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш учун қаратилган эди.

Ана шу муҳим қарордан сўнг “Ўзбекфильм” киностудияси ишини қайта тиклаш, кино санъатини ва саноатини ривожлантириш йўлидаги олиб борилган ислоҳотлар меваси сифатида ранг-баранг жанрларда турли бадиий савия ва сифатга эга бўлган “Темир эркак” (1992, сцен. муаллифи М.Тўйчиев, реж. И.Эргашев), “Ярим тунги блуз” (1992, реж. Р.Маликов), “Даллол” (1992, сцен. муаллифи З.Мусоқов, Б.Одилов, реж. Б.Одилов, опер. Н.Фуломов. комп. Ж.Исомов), “Ўғриям одам” (1992, реж. И.Эргашев), “Абдуллажон” (1992, сцен. муаллифи Р.Муҳаммаджонов, реж. З.Мусоқов, опер. Т.Мансуров, комп. М.Махмудов) ва бошқа кўплаб фильмлари суратга олинди.

Бозор иқтисодиёти даври, хусусий тадбиркорлик ва мулкчиликни ривожлантиришга йўналтирилган сиёsat туфайли мамлакатимизда жуда кўп хусусий фирмалар, корхоналар иш бошлади. Шуларнинг қаторида бир неча хусусий киностудиялар ҳам ташкил этилиб, уларнинг таркибида “Ўзбекфильм” ва бошқа киностудиялардаги иқтисодий танглик туфайли вактинча ишсиз қолиб кетган кўзга кўринган ижодкорлар ҳам иш бошладилар.

Хусусий кино студияларнинг ривожланганига ҳали унчалик кўп вақт бўлмаган бўлса-да, лекин ижодкорлар самарали меҳнат қилмоқдалар. Фикримиз исботи сифатида, кинотеатрлардаги афишалардаги ранг-баранг мавзулардаги фильмларни келтира оламиз.

Мамлакатимизда хусусий киностудияларнинг пайдо бўлиш тарихи Ўзбекистон мустақилликка эришишидан олдинроқقا бориб тақалади. 1991 йилда мамлакатимизда ilk бор биринчи хусусий киностудия хусусий кино олиш ва тижорий мақсадларда намойиш этиш ваколатини олди. Бу

киностудия Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Жумхурият жамғармаси қошида ташкил этилган «Улуғбекфильм» ижодий ишлаб-чиқариш бирлашмаси эди. Студия 1991 йил 19 февраль куни Ҳожимурод Ибрагимов ташаббуси билан ташкил топган бўлиб, киностудия бюджетини “АЛАВР” ташки иқтисодий тижорат ишлаб чиқариш фирмаси ўз тасарруфига олган. «Улуғбекфильм» киностудияси Бадиий кенгашида Бўривой Аҳмедов, Шуҳрат Аббосов, Одил Ёкубов, Муҳаммад Али, Шароф Бошбеков, Ҳожимурод Ибрагимов, Садириддин Зиёмуҳаммедов, Элдор Мамедов каби бир гурух истеъодли ва номдор ижодкорлар фаолият юритди. Шу кундан ўзбек кино саноатида янги давр – хусусий киностудиялар даври бошланди.

1991-1994 йилларда студия томонидан бир неча хужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар яратилди. Кейинчалик, студия ижодий гурухи уч қисмли “Улуғбек мероси” хужжатли-публицистик фильмни, мавжуд хужжатлар ва далилларга асосланган Амир Темурнинг Ҳиндистон, Эрон ва бошқа давлатларга қилган юришлари ҳақидаги “Амир Темур” кўп қисмли хужжатли-публицистик фильмни, Орол ва оролбўйи ҳудуди экологик ҳолатини асраш кўмитасининг буюртмасига биноан “Орол фожеаси” деб номланган хужжатли-публицистик фильмни ҳамда ЮНЕСКОнинг кенг кўламли акциясига эга бўлишга қаратилган “Ипак йўли” каби хужжатли-публицистик фильмларини яратишиди.

«Улуғбекфильм» хусусий киностудиясининг шаклланганига ҳали унчалик кўп вақт бўлмаган бўлса-да, унинг ижодий таркибида меҳнат қилаётган ижодкорларнинг бадиий кино соҳасидаги малакалари ва истеъодлари бизга таниш.

Бирок, 1994 йил май ойида студия ижодкорлари томонидан тасвирга туширилган биринчи хусусий фильм дея аталиши лозим бўлган “Тақдир” кинофильмининг бадиийлик хусусиятларини яхши деб бўлмайди. “Тақдир” фильмининг сценарий муаллифи Анвар Нурматов, постановчаки режиссёр ва оператор Элдор Мамедов, ролларни М.Уйгар номли Тошкент Театр ва рассомчилик институти талабалари ижро этишган. Корхона директори ролини Фарҳод Ҳамроев ижро этган бўлиб, у фильмнинг бош администратори вазифасини ҳам бажарган.

Мелодрама жанридаги “Тақдир” фильмининг сюжетига эътиборни қаратадиган бўлсак, унда ўз ҳаётий мақсади, соғ муҳаббати учун курашган оддий инсоннинг қалтис қарор қабул қилиб ўз ҳаётини поймол қилганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Фильм Наманган вилоятида тасвирга олинган бўлиб, бунга асосий сабаб, «Улуғбекфильм» хусусий киностудиясига тайёр қаҳрамонларнинг прототипи асосида ёзилган сценарий билан таклиф тушганлигидир, қолаверса, Наманган вилоят ҳокимлиги, фильмга ҳомийлик қилган «Ёш куч» фирмаси ва унинг раҳбари Каримжон Жўраев, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби

Карим Йўлдошев раҳбарлигидаги Наманган вилоят театри, Махмуджон Мамадалиев раҳбар бўлган вилоят кимё заводи, ўша пайтдаги Ўзбекистон халқ депутати Парвишер Сайдазимов раҳбар бўлган темир-йўл ишчилар таъминоти бўлими, бундан ташқари, Наманган вилоят Ички ишлар бошқармаси, Наманган мусиқа билим юрти жамоалари ижодкорларга яхши шарт-шароитлар яратилишига бош-қош бўлишган.

Энг биринчи хусусий фильм бўлган «Тақдир» фильмининг премьerasи ҳам шу ерда, Наманган вилояти “Баҳор” кинотеатрида 1994 йилнинг 12 октябрида бўлиб ўтган ва бир ой мобайнида кинотеатр репертуаридан жой олган.

“Тақдир” кинофильмининг тасвирий сифатига эътибор қаратадиган бўлсақ, оператор Элдор Қисмир ўғли Мамедов, бадиий кинода ва Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида узоқ йиллар ишлаганини инобатга олиб, тасвиричнинг тажрибаси ва малакасини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз деб хисобламаймиз. Фильм Япониянинг Panasonic фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган National M5 Profesional (аналогли) VHS видеокамерасида тасвирга туширилган.

Фильмнинг тасвирий жиҳатига батафсил тўхталиб ўтамиз: фильмга ажратилган маблағ қанчалиги бизга коронғу бўлса-да, тасвирга олиш ишларини кинотасмали камерада олиб борилмаганлигидан хулоса қилиш мумкинки, молиявий жиҳатдан фильм жуда чекланган имкониятлар шароитида тасвирга олинган ва бу тежамкорлик тасвирий сифатига таъсир кўрсатган. Ижодкорлар фильмни фақатгина ёз фаслида тасвирга туширганлиги сабабли, юкори контрастлиликка ҳамда картина сюжетидаги ҳолат, вакт ўтганлиги, яъни қаҳрамонларнинг кексайишидаги жараёнлар ва фасллар алмашиниши каби ўзгаришларга таъсирини бермасдан қолмаган. Фильмда асосан тайёр обьектлардан фойдаланилган бўлиб, павilonли, декорацияли тасвирга олиш ишлари кўринмайди.

Оператор суратга олиш пайтида кадр композицияси, унинг тасвирий ечими устида иш олиб боради. Агар у режиссёrlик ҳам қисса унинг вазифаси бўлган мизансахна қуриш, актёрлар билан ишлаш, умумий ижодий гурухни бошқариш каби ишларга чалғиб, тўлақонли тасвирий устида ишлашга имкон бўлмайди. Минг афсуски, “Тақдир” кинокартинасида айнан шу ҳол юз берган. Фильмда оператор-лик тасвирий ифода ва техник воситаларидан самарали фойдаланилган деб айта олмаймиз. Оператор ёрдамчи техник воситалардан фойдаланганида, фильмнинг драматургик таъсир кучи, унинг темп ва ритмини жонлантиради.

Хар доим ўз фильмларини кинотасмали камерада тасвирга тушириб юрган оператор Элдор Мамедов учун “Тақдир” фильмини суратга олишда фойдаланган камера тажриба вазифасини ҳам ўтади. Тажрибалар ҳар доим ҳам ўзини оқламаслиги

мумкин. Чунки биринчидан, ўша даврдаги кинотеатлардаги кинопроекторлар асосан кинотасмадан кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, бунинг устига, тажрибадаги камеранинг тасвири сифат даражаси пастлиги туфайли катта экранда яхши чиқмаслиги мумкин эди. Иккинчидан эса қайсики маънода тасвирга олиш қулайликлари кам, қўшимча объективлардан фойдаланиш имконияти йўқ. Бу эса кинода, камеранинг техник имконияти пастлиги туфайли кадрнинг бой композицияли чиқишини чеклаб кўйган.

Ҳар бир операторнинг у ёки бу турдаги фильмга, маълум бир услубга мойиллиги бўлгани каби Элдор Мамедовнинг ҳам “Тақдир” фильмидаги тасвирига олиш услубида интеръер шароитидаги ва тунги сахналарни ёритишида ёйиб нур берувчи ёритиши во-ситаларидан фойдаланган. Камеранинг трансфокатор тизимидан ҳаддан ташқари кўп фойдаланилгани фильмда кадрлар сонини кам бўлиб, тушунарсиз бўлиб қолишига, экспозициянинг бузилиш ҳолатига, кадр яқинлаштирилганда муайян ургу берилган жойга боргунча экспозиция ва фокуснинг ўзгариб кетиши каби кўпол хато ва нуқсонлар фильмнинг тасвирий ечимида, унинг бадиий қийматига жуда катта салбий таъсир кўрсатган.

Даврнинг талаби ва ҳар томонлама ривожланиш ўйлида қилинган саъй-харакатлар самараси ўлароқ, хусусий киностудиялар ва давлат киностудиялари ўртасида ҳам ўзаро манфаатли ижодий алокалар ўрнатилиб, ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширила бошланди. Ана шундай ҳамкорликнинг меваси сифатида “Ўзбектелефильм” студияси ва атоқли ўзбек кинорежиссёри Л. Файзиев томонидан асос солинган «Файзий фильм» хусусий студиялари томонидан 1994 йилда “Тақдир эшиги” деб номланган тўлиқ метражли бадиий фильм тасвирга олинди. Бу ҳам хусусий киностудияларнинг қарор топиши ва ривожланишидаги яна бир боскич бўлиб хизмат қилди.

Таникли адид Ш.Бошбековнинг “Тақдир эшиги” пьесаси асосида режиссёр Латиф Файзиев ва оператор Б. Содиковлар томонидан суратга олинган бу фильмда ёлғизликда яшовчи икки қўшнилар тақдир тақозоси – қулфи бузилган эшик сабабли бир-бирлари билан тамомила тасодифан учрашиб коладилар ва эрталабгача бир хонада қамалиб қолиб кетадилар, охир-оқибат турмуш қуришади. Фильмдаги бош ролларни истеъдодли актёрлар Хожакбар Нурматов ва Дилором Қамбаровалар ижро этишган.

Хусусий киностудия томонидан суратга олинган кейинги фильм “Байрам хусусий киностудияси томонидан 2000 йилда тасвирга олинган «Бумбастик» фильмидир. Фильмнинг сценарий муаллифи Валерий Гусев, постановкачи-режиссёр Фарид Давлетшин, постановкачи-оператор Эльдор Мамедов. Фильмда асосан ҳаваскор актёрлар роль ижро этишган. Фильм жуда қисқа фурсатларда ва жуда кам маблағ эвазига суратга олинган.

“Бумбастик” фильмни илк бор видеопроектор ёрдамида катта экранда намойиш этилган фильмдир. Унинг премьераси 2000 йил декабрь ойида бўлиб ўтган. Фильм томошибинлар томонидан катта қизикиш ва олқишилар билан кутиб олинди.

Фильм жанри комедия бўлиб, ўша давр санъат оламидаги рўй берган кирдикорларни ёритишга хизмат қиласди. “Сценарий муаллифи, режиссёр ўз асари учун муайян жанрни танлаши бу фильм драматургиясига асос қилиб олинган материални муайян тарзда инкишоф этиши бу асарнинг бадиий ўлчовини белгиламоқ. Шундай қилиб, жанр режиссёрга ниятини амалга ошириш учун зарур ифода воситаларини танланишини белгилаб беради. Жанрни танлаш – сценарий муаллифининг ҳам, режиссёрнинг ҳам ишидаги маъсуллиятли жиҳатлардан биридир” [3, б 47]. Бундан маълум бўладики, асар орқали томошибинг айтмоқчи бўлган фикрларни тез ва таъсирчан етиб бориши фильм жанрига боғлиқ. Ушбу фильмда эса жанр мавзуга хос тарзда ифодаланмаган. Барча ҳолатлар бачкана ҳаракатлар, асосиз, сунъий вазиятларга асосланганлиги томошибинда салбий фикр уйғонишига олиб келади.

Аввало, фильма бош мавзу қилиб олинган воқеа долзарблиги жиҳатидан талаб даражасида бўлиши мумкин, бироқ унинг, мазмуннинг ёритиб берилиши томонидан анча суст ифодаланган. Буни актёрлар ижросида, тасвир ҳолатларида ҳамда воқеалар кетма-кетлигидаги тартибсизликларда ҳам яққол кўриш мумкин.

Фильмдаги операторлик ишига тўхталадиган бўлсак, у кўпроқ ҳужжатли фильм стилистикасида, хеч қандай ортиқча бадиийлаштиришларсиз олинганини кўриш мумкин. Айтиш мумкинки, операторнинг бу усуlda ишлиши, яъни ҳужжатли фильм услубида фильмни суратга олиши атайн қилинмаган бўлиб, аксинча, яримпрофессионал видеокамеранинг имкониятларини яхши билмаслик ва улардан фойдалана олмаслик натижасида юзага келган. Машхур ва профессионал кинооператор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, кинооператор Хотам Файзиев ўзининг “Ўзбекистонда мустақиллик йилларида яратилган бадиий фильмлардаги операторлик маҳорати” номли мақолосида “Бумбастик” фильмидаги операторлик иши хақида тўхталар экан, шундай ёзади: “...оператор бадиий кинонинг тасвирий ифода воситаларидан фойдалана олмаган. У фильмни яримпрофессионал камерада тасвирлари хирилик ва ноаниқлик касб этган...” [4, б. 39].

Хулоса қилиб айтганда, фильмда ўзбек киноижодкорларининг тўлиқ имконияти, маҳорати акс этган, деб айтиш қийин. Негаки, кино санъати актёрлар ижроси, сўз ва мусиқа, оператор иши ва режиссёр маҳоратининг узвий боғлиқлигига вужудга келадиган санъат туридир. Бундаги биргина уйғунлик бузилиши фильмнинг муваффақиятли чиқишига путур етказади. Ушбу фильмда эса шу

ҳолатлар билан боғлиқ бир қанча камчиликлар кузатилади.

Шундай бўлса-да, илк фильмларининг кичик ютуғидан рухланган фильм ижодкорлари «Бумбастик-2» (2001) ва «Бумбастик-3» (2002) фильмларини тасвирга олдилар. Бу фильмларда, видеокамеранинг техник имкониятлари, унинг енгиллиги, ишлатишида кулайлиги ва ёруғлик-таъсирчанлиги кучли бўлган матрица билан жиҳозланганлиги ва бунинг натижасида жуда паст ёруғликда ҳам ишлаш имконини бериши сабабли, оператор жуда осонлик билан, ортиқча қўшимча техник воситаларсиз ишлаган.

Хусусий киностудия томонидан суратга олинган навбатдаги фильм 2000 йилда «Ёшлар» телерадиокомпанияси ходимлари билан ҳамкорликда яратилган “Тоҳир ва Зухра” фильмидир. Бу фильмни хусусий киностудия махсулоти эмас, деб уни кўпроқ давлат студиясига тегишили, дея фикрлайдиганлар бисёр. Аслида, Собир Абдулла қаламига мансуб ушбу на бадиий, на ижтимоий мағизга эга бўлган фильм мамлакатимизда суратга олинган илк мусиқий хусусий кино асардир. Бироқ бизнинг фикримизча, бу саҳналаштирилган, бадиийлаштирилган ва мантиқий бирлаштириб чиқилган мусиқий клиплар жамланмаси, бир сўз билан айтганда, телевидениеда намойиш этишга мўлжалланган фильм-концертдан бошқа нарса эмас. Бу каби фильм концертлар ўша пайтда Россия телеканалларида, айникса ОРТ (Общественное Российское телевидение)да “Старые песни о главном” номи остида намойиш этиб борилар эди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, фильм яратилган пайтларда хали ўзбек хусусий кино саноати бугунгидек ривожланмаган эди. Шу боис на мазмунга, на асосли мантиққа ва на маънавий аҳамиятга эга бўлган ушбу фильм гулдурос қарсаклару шов-шувларга эриша олди. Дарҳақиқат, ўша даврнинг энг машҳур эстарада юлдузларининг деярли барчаси – Тоҳир Содиков, Ирода Йўлдошева, «Анор» гурухи, «Жоним» гурухи, Манзура, Райхон, «Аср», Ўқтам Ҳакимов ҳамда Лариса Москалёвалар иштирокидаги мазкур фильмнинг довруғ қозониши тушунарлидек эди. Бу фильмнинг, бизнингча, хусусий кинога хеч қандай алоқаси йўқ. Уни кўп мутахассис ва ёш тадқиқотчилар илк хусусий фильм сифатида (нотўғри) таъкидлаб ўтганлари боис, биз ҳам унга қисман бўлса-да, тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Кино доимо ривожланиб борадиган санъатdir. Унинг техник жиҳатлари даврнинг ривожланиши натижасида такомиллашиб, янгиланиб боришда давом этади. Бу афзалликлар ўз-ўзидан кино поэтикасини бойитади.

Бугунги кунда республикамиз кинотеатрларида намойиш этилаётган фильм ижодкорларининг кўп қисмини ёшлар ташкил этади. Бу ҳолни ижобий баҳолаш мумкин, албатта. Негаки, бугинги кунда мамлакатимизда ёшларга берилаётган имкониятлар

етарли даражада. Айникса, кино соҳасида кўпгина ёшлар ўзига хос анъаналар асосида йўлларини то-пишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу каби янгиликлар асрида жаҳон кино ижодкорлари билан тенгма-тенг ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар. Ўзбек кинооператорлик санъатида шу йиллар давомида ёш операторлар ижоди шаклланди. Тўғри, айни кунларда кинооператорлик фаолиятида ижод қилаётган инсонлар кўпчиликдек тасаввур беради. Лекин профессионал, мактаб кўрган операторлар сони жуда оз. Кўп йиллар давомида устозлар ўгитларини ўзлаштирган ва улардаги тажрибаларни ўз ижоддига татбиқ қила олган операторларгина ҳақиқий қасб устасига айланади.

2002 йилнинг охирларида режиссёр Рустам Саъдиевнинг кинодаги дебюти “Мұхабbat синовлари” фильмі катта экранлар юзини кўрди. Фильм оператори Даврон Нодиров. Таъкидлаш лозимки, “Мұхабbat синовлари” фильмі том маънодаги хусусий фильм бўлиб, у (бундан аввал яратилган давлат маблағлари хисобига хусусий студиялар томонидан ёки улар билан ижодий ҳамкорликда эмас, балки) тўлиқ мустақил продюсерлар маблағлари хисобига хусусий киностудия томонидан ва албатта, ҳаваскор кинорежиссёр томонидан суратга олинган. Фильм хусусий фильмлар саноатида янги даврни бошлаб берди ва тан олиш керакки, ўзининг сифат кўрсаткичларидан қатъи назар, бу фильм томошибинларни ёппасига кинотеатрларга қайтара олган фильмдир. Балки, айнан шунинг учун ҳам жуда кўпчилик ватандошларимиздан “Сизнингча, Ўзбекистонда суратга олинган энг биринчи хусусий фильм қайси?” деб берган саволимизга 92% и “Мұхабbat синовлари” дея жавоб беришиди [5].

Фильм тўғрисида умумий фикрларимизни билдирадиган бўлсак, Рустам Саъдиевнинг бу дебюти “Тоҳир ва Зухра”дан илҳомланиб ишлангани сезилади. Таниқли киношунос Феруза Нодирова ўзининг “Мұхабbatжон” номли мақоласида мазкур фильмни “...Хозирги ёшларимиз ҳаётидан олинган қизиқарли, ёрқин лавҳалар, бугунги кун қаҳрамонларининг эзгу-мақсадлари, пок туйғулари, соғ муҳабbat тарихи...” [6], дея баҳолайди. Аммо фильмни томоша қиларкансиз, ҳақиқий ҳаёт билан фильмда акс эттирилган ҳаёт ўртасидаги жуда катта фарқ борлиги яққол кўзга ташланади. Фильмнинг баъзи жойларида мантиқиз воеаларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Фильмда ҳаёт факат бойлик ва камбағаллик, пул топиш, севиш ва севилишдан иборатга ўхшаб қолган. Тўғри, иш бор жойда камчилик бўлиши табиий хол. Тан олиш керакки, айрим камчилигу номукаммаллигига карамай, мазкур киноасар ўзига хос ютуқларига ҳам эга. Аммо тажрибасизлик, соҳада зарурий билим ва малакага эга эмаслик сингари камчиликлар уларга яхшигина халал бергани кўриниб турибди.

Фильм оператори Даврон Нодиров хусусий фильмлардаги ҳақиқий операторлик ишини бошлаб

берди. Жуда кам бюджетга эга бўлган фильмда, минимал шароитларда ишлашда, фильмнинг тасвирий ечими жихатидан ўз маҳоратини кўрсата олди.

Техника тараққиёти натижасида операторлик санъати юксак даражага кўтарилид, десак хато бўлмайди. Унинг негизини техника ташкил этса-да, лекин ижодкорлар салоҳияти ва уларнинг изланишлари фильм савиясини белгилайди. Фильм воеалари ичida яшаган, уларни қалбидан ҳис қила олган операторгина ҳақиқий санъат асанини яратади.

Кинофильмни суратга олиш жараённида ранглар уйғуналиги, ранглилик (колорит) асар драматургиясини ва режиссёр гояси учун зарур бўлган қашфиётни яратишида кўл келади. Фильмнинг умумий услубини тасвирий олам, актёрлар санъати, мусика белгилайди ва ўз вазифаси, ўзига хос хусусиятлари билан улар режиссёр гоясини очиб бериш учун бирлашади. Кинонинг муҳим хусусияти ва тасвирий санъатдан фарқли томони ҳам шундай.

“Мұхабbat синовлари” фильмида оператори Даврон Нодиров ўз олдига ана шундай юқори мақсад кўйиб ишлаган фильм кадрлари сезилади. Хусусий кино саноати илик қадамларини ташлаган пайтдан бошлаб “Мұхабbat синовлари” фильмигача бўлган фильмларнинг тасвирий жиҳатини умумий кузатганимизда, уларнинг сифат даражаси том маънода “Мұхабbat синовлари” фильмида бир оз замонавий ва профессионал кўриниш олган. “Тақдир”, “Бумбастик”, ёки бўлмаса “Чаён боласи”, “Бурч”, “Мунис онам” каби фильмлар бўладими, ҳаммаси худди кино санъатидан, унинг тасвирий ифода воситалари, ёруғлик каби компонентларидан тамомила бехабар ҳаваскорлар томонидан суратга олинганга ўхшайди. Бу эса фильмлар бадиий қийматига жуда катта салбий таъсир кўрсатган.

Бу хол, балки ўша пайтдаги техник воситаларнинг сифатининг ёмонлиги, ёки бўлмаса, ўша техника воситаларнинг оператор томонидан тўғри ишлатилмаганлиги учун юзага келгандир. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам оператор ўз қасбига, санъатга ва қасбий принципларига содик бўлиши ва ўз фильмни учун жавобгарликни ҳис қилиши лозим.

Атоқли устоз операторлардан бири профессор Абдураҳим Исмоилов ўз маъruzalariда шундай деган эдилар: “...операторнинг тасвирга олган ҳар бир кадри бевосита унинг биографиясига ёзилади. Эртага келажак авлод шу тасвирлар орқали бу операторга баҳо берадилар. Унинг бу тасвирларни қандай муаммолар исканжасида олганининг томошибинга заррача ахамияти йўқ. Шунинг учун ҳам оператор ҳар бир кадри олишда камера тутмасига босишдан олдин етти ўлчаб бир кесиши лозим...” [7, б. 48] деган эдилар. Яна айтгандиларки, “...операторнинг тасвирга олган фильмларига қараб унинг қанақа инсон эканини, унинг тафаккурини, руҳиятини, ички дунёсини билиб олиш мумкин...” [7, б. 51]. Бу фикрларга асосланадиган бўлсак, ҳозирги аксарият ёш операторларнинг олий

мақсадлари ижод эмас, аксинча, моддий манфаатдорлик экан, деган хулосага келиб қолиш хеч гап эмас.

Йўқ, биз ҳозирги операторлар ичидаги бирорта ҳам истеъодли оператор йўқ, ёки ҳаммасининг мақсади фақат пул топиш демоқчи эмасмиз. Санъатда ўз йўналишини топишга интилаётган ёш операторлар ҳам бор. Лекин улар жуда камчиликни ташкил қиласди.

Ҳозирги техника ривожи ва имкониятлари кинооператорлик касбини бироз енгиллаштиргандек туялади. Баъзи холларда эса унинг иштироқини сезмай қолиш ҳам мумкин. Тўғри, бу каби тараққиёт натижалари кишини қувонтиради. Лекин мана шу имкониятлар оператор ишини енгиллаштириши билан бир қаторда, уни изланишга, ижодий имкониятларини юзага чиқариш учун хизмат қилмоғи лозим.

Кино санъати мактабини қўрган, экран маданиятини тушунган, исътедодли ва бугунги кунда устозлар анъаналарини давом эттиришга интилиб келаётган кинооператорлар қаторига биз Рустам Муродовни ҳам қўша оламиз. Бу ижодкор суратга олаётган қўпгина фильмлар турли услугуб ва йўналишларда яратилмоқда. У томонидан суратга олинган қўпгина фильмлар режиссёр Мирмақсуд Охунов билан ҳамкорликда суратга олинган. Улар ҳамкорлигидаги муваффакият қозона олган фильмлар сифатида биз “Хавфли бурилиш”, “Севги фазоси”, “Шабнам”, “Жаноб ҳеч ким”, “Бегоналар” каби фильмларни кўрсати оламиз.

Ёш кино режиссёр М.Охунов ҳамда оператор Р.Муродов томонидан суратга олинган “Севги фазоси” (2005) фильмни гарчи бундан 12 йил аввал суратга олинганига қарамай, ўзининг драматургияси, бадиийлиги, тасвирий-ифодавийлик каби хусусиятлари билан айни кундаги жуда кўп фильмлардан анча муваффакиятли чиққан. Фильм айнан бугунги кунимиз ёшлари ҳаётидан ҳикоя қилиб, 3 нафар талаба йигитнинг шахсий ҳаёти, турли муаммолари ва албатта, мухаббат қиссалари ҳақида ҳикоя қиласди. Шунингдек, жамиятда учрайдиган иккизламачилик, кибр, ёлғончилик ва бир қатор салбий одатларни қоралаб, меҳр-муҳаббат, оқибат, дўстлик ва бағрикенглик каби умуминсоний қадриятларни тарғиб қиласди.

Операторда фильмдаги воқеага нисбатан шунчаки кузатувчилик эмас, айнан муносабат бор. Ҳар бир кадр ўзининг композицияси, ракурслари, ёритиш услублари шу муносабат меваси бўлиб, улар мухитни, эмоцияларни, қаҳрамонлар ички кечинмаларини максимал даражада томошабинга етказиб беради ва драматургияга хизмат қиласди. Кадрларда тасвирий-ифодавийлик ва метафора кучли.

Бош қаҳрамонлардан бири Гули (Гулчехра Эшонқулова) ижросидаги қаҳрамоннинг умри ҳазон бўлаётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқлиги фақатгина яна бир образ Шерзодни ўйлантиради. Киз бева бўлишига қарамасдан, йигит унга кўнгил

кўяди. Оператор томонидан Гулининг хонадони тасвиrlаниши ниҳоятда чиройли чиққан. Қоронғу хонага бирданига ёруғликни кириб келиши ва Шерзодни бу тўсилган матоларни олиб ташлаши Гулининг ҳаётига ёруғлик кириб келаётганлигига ишорадек гўё. Худди мана шу кадрларга аҳамият қаратсан, унда оператор жуда ифодали нур соя ўйинларидан фойдаланади. Қуёш нурларининг хонага бирданига тушиши ва қоронғу хонага ёрқин рангларнинг жилосида бош қаҳрамон Гулининг умидлари ҳали саробга айланмаганлиги ва эртанги кунга ишончини уйғониши билан боғлиқ эпизодлар оператор орқали томошабинга жуда ишонарли, аниқ кўрсатиб берилади.

“Севги фазоси” фильмни драматургия томондан у кадар “шедевр” бўлмаса ҳам сюжетдаги кўп линиялилик, бу линияларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг фильм гоясига ва сюжет ривожига ёрдами, ҳар бир қаҳрамон линияларининг оригиналлиги ва тугалланганлиги билан ўз даври ва ҳозирги кун фильмлари учун ҳам андоза сифатида хизмат кила олади. Фильм сюжетида воқеаларнинг сунъийлиги хис қилинмайди ва бир нафасда қабул қилинади.

Оператор Рустам Муродовнинг фильмлари йил сайин сифати ошиб борди. Шу билан бирга айрим фильмларда бу операторнинг ўринсиз жойда ҳам “ҳаракатдаги камера” усулидан фойдаланишини, ёки операторлик крани, рельс-тележкасидан фойдаланишини сунистеъмол қилишига гувоҳ бўламиз (масалан “Тўққиз ой”, “Шабнам” фильмларида).

Хусусий фильмларда, бугунги кунда кино ва медиа маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган ёш ижодкорларнинг, операторларнинг ижодида ютуқлар билан бир қаторда айрим хатолик ва камчиликлар ҳам кўзга ташланиб қолмоқда. Тадқиқот жараённида бу камчиликларни таҳлилий ўрганиб чиқиб, уларни асосий 4 та катта гурухга бўлдик:

1-гурух: Операторлик соҳаси бўйича тегишли олий таълим муассасаларида таҳсил олмаганлиги учун кино санъатининг назарий асосларини (ёруғлик, унинг бадиий жиҳатлари, композиция, монтаж, режиссурга ва драматургия, кино мактаблари, жанр хусусиятлари ва бошқ.) билмаслик, жуда тор тасаввур ва билимга эга бўлиш – билимсизлик;

2-гурух: Етарлича назарий билимга эга бўлса-да, уларни амалда қўллай олиш малакасининг, укувнинг йўқлиги, замонавий операторлик техник воситаларнинг техник ва бадиий имкониятларини яхши билмаслик – тажрибасизлик;

3-гурух: Етарлича назарий билимга эга бўлиб, уларни амалда қўллай олиш малакаси ва укувга, тажрибага, замонавий операторлик техник воситаларнинг техник ва бадиий имкониятлари ҳақида яхши билимга эга бўлиб ҳам ижодий изланмаслик, “хайбаракаллачилик” – дангасалик.

4-гурух: Операторлик соҳаси бўйича тегишли олий таълим муассасаларида таҳсил олмаганлиги

учун кино санъатининг назарий асосларини (ёруглик, унинг бадиий жиҳатлари, композиция, монтаж, режиссура ва драматургия, кино мактаблари, жанр хусусиятлари ва бошк.) билмасдан туриб ҳам, жуда тор тасаввур ва билимга эга бўлиб ҳам буни тан олмаслик ва танқидни инкор этиш – делитантизм;

Ижодий жараёнда оператор режиссёрга қараганда кечаётган воқеаларни тезроқ илгай олиши лозим. Фильмни суратга олиш пайтида оператор, режиссёр вазифасини уddyлаши мумкин. Лекин режиссёр ўзи суратга олаётган фильмга операторлик қила олмайди. Кинооператор ўз қаҳрамонларининг ташки гўзаллигига эмас, уларнинг ички дунёсини ва қалгўзаллигини очиб бера олиши керак.

Бугунги кунда хусусий кино соҳасида фаолият юритаётган ёш операторлар ижодини кузатадиган бўлсан, уларнинг муайян жанр ва услуб хусусиятларини, кадрларнинг драматургик юки, ранг, ёруглик драматургияси ва бошқа тасвирий ифода воситаларининг кучини тўғри ва тўлиқ англаб етмасдан, фильмнинг мавзуси, жанри ва стилистикасидан катъи назар, фақат бир хил услубда ишлаётганликларини гувоҳи бўламиз.

Афсуски, бугунги кунда кўплаб операторлар ташки гўзаллик “шайдосига” айланганлар. Биринчи навбатда актёрнинг маҳоратини эмас, унинг чиройли чехрасини кўрсатиш билан чегараланиб қолмоқдалар. Режиссёр Рустам Саъдиевнинг “Ошиклар” (2008) фильмидаги оператор (кичик) Баҳодир Юлдашев фильмнинг деярли барча саҳналарида актёр ва айниқса, актрисаларни максимал даражада гўзал килиб кўрсатишга, уларнинг жисмоний камчиликларини беркитишга интилган. Бунинг учун у майин ва соясиз ёритиш усулидан фойдаланган. Фильмнинг умумий сифати, сценарий, режиссура, актёrlар танлови ва уларнинг ижроси жуда яхши. Операторлик иши ҳам кўп томонлама таҳсинга сазовор. Бирок, айнан турли руҳий ҳолатлар, турлича кечинмалар ва турли вақт ҳолатларида (тонг, кеч, кундуз ва бошк.) ёритишнинг умумий стилистикаси ўзгармаган, яъни тун саҳналарида ҳам актёр юзидағи нур-соя ўйини “қундуз” саҳналаридағи билан бир хил бўлиб қолган. Бу эса кинода бадиий ёритиш меъсрларидан оғишни билдиради. Оператор бу ишни ёритишнинг техник ва бадиий талабларини билмаганлигидан эмас, балки фильм эстетикасини ошириш, қаҳрамонларини чиройли ва бенуқсон қилиб кўрсатиш учун қилганлиги аниқ.

Аслида, бу ўзига хос тенденция 1930-40 йилларда Голливудда юзага келган бўлиб, унда хусусий киностудияларнинг иш жараёни шу даражада ўзгардики, фильмни тасвирга оладиган операторларни бош роль актёрлари танлаш даражасига чиқди. Ха, оператор актёрни эмас, балки актёр операторни танлаши мумкин эди.

Голливуднинг таникли ва истеъододли операторларидан бири Чарлз Б.Ланг ўша даврни шун-

дай эслайди: “...бу бизга ўргатишган энг биринчи сабоқ эди, чунки бу кинооператорнинг “нон”и эди. Кинооператорга доимо ҳазил аралаш эслатиб туришардики, “...оёғингни истаган жойга кўйишинг мумкин, лекин уларнинг (актёрларнинг) юзига эмас, чунки томошабинлар уларнинг юзини кўришини истайдилар...”, бу қонун эди...” [8].

Голливуднинг таникли ва истеъододли операторларидан бири Гарри Вольф ҳам бу давр ҳақида шундай дейди: “...режиссёр Луи Майер жуда ақлли инсон эди. У ўз ёнига операторни чакириб шундай дер эди: “...Менга қара, актриса (бош роль ижроҳиси) фильмда жуда мураккаб ахволда, довул, ёнгин, кучли шамол ёки сел ёғиб турган шароитда бўлса ҳам, ҳар доим жуда мафтункор ва гўзал бўлиши шарт...”.[9]

Умуман олганда “Ошиклар” фильмидаги операторлик иши кадр композицияси, ракурслар, ёритиш, операторлик қўшимча техник воситаларидан бадиий фойдаланиш, кадрларнинг драматургик юки, тасвирий ифодалилик нуқтаи назаридан жуда яхши.

Кинооператор фильм сюжетини қурилишида образлар талқини ва режиссёр стилистикасини кўзда тутган ҳолда, бош мавзуни очишга ёрдам берадиган услуб танлаши ҳамда кадрлар композицияси тус-тоналлиги, ранглар динамикаси орқали томошабинларга фикрини етказиб бериши лозим. Демак, суратга олиш вақтида кинооператор томошабин билан ўзига хос образли тилда сухбатлашади.

Делитантизм муаммоси, айтиш мумкини, замонавий ўзбек хусусий фильмларининг ҳар томонлама савиясини тушириб юбормоқда. Улардаги операторлик иши бир гурух “оператор”лар томонидан ўта савиясиз даражада амалга оширилмоқда.

“Божалар” гурухи, хусусан Ж.Позилжонов (у – режиссёр, сценарист, актёр, бастакор) ва унинг атрофида йиғилган режиссёrlар (Ж.Шодмонов, О.Мирзахолов), сценаристлар (Ш.Ўлмасов, О.Мирзахолов, Д.Мусабоев, М.Мусаев, С.Вахобова ва бошк.) ва операторлардан (А.Умурзоқов, Жон Рид, И.Шукров, Ж.Шаметов) ташкил топган ижодий гурух ўзларининг бир қатор (“Бойвачча” – 2008, “Амакиваччалар” – 2009, “Кичкина хўжайин” – 2010, “Шомурод ва Дурдона” – 2010, “Али, Вали, Фани, Насиба қани” – 2011 ва бошқа) фильмларида кино санъатининг бадиий асосига, сценарий ва унинг бадиий талабларига, режиссура, актёрлик маҳорати, монтаж, тасвирий ечим, кадр композицияси, ёруглик каби асосий тушунчаларга тамомила зид ҳолатда фильмлар тасвирга олганликлари, айниқса, операторлик иши нуқтаи назаридан жуда кўпол ва дидисизларча олинган тасвирлар ўзбек фильмларининг, улардаги тасвирий ва бадиий сифатни ҳаваскорликдан ҳам пастроққа тушириб юбораётганини алоҳида таъкидлашни жоиз топдик.

Ўзбекистон давлат санъат институти магистранти Баҳтиёр Якубов ўзининг “Бадиий кенгашдан ўтган бадиий бўлмаган фильмлар” номли мақоласида сифати жуда паст ва хеч қандай талабларга жавоб

бермайдиган фильмларнинг кўпайиб кетиши масаласида фикр юритар экан “...“Шомурод ва Дурдона”, “Армон”, “Али, Вали, Гани, Насиба қани?”, “Эсимиз қурсин”, “Қароқчилар”, “Бекорчилар”, “Амакиваччалар”, “Шаддод киз”, “Шаҳарлик олифта”, “Асал, йигитда гап битта бўлади” кабиларни кўплаб келтиришимиз мумкин... Аслида, ачинарлиси бундай киноларнинг яратилаётгани эмас, балки уларнинг “Бадиий кенгаш”дан ўтганлигидаридир...” [10] дея айни масалага эътиборни қаратади. Ёш тадқиқотчи Б.Якубов ўз фикрларида давом этар экан, турли сифат даражаларига эга бўлган фильмлар факат Ўзбекистонда эмас, балки бутун дунёда яратилиши мумкинлиги, яратилаётганлиги, бунинг табиий жараён эканлигини таъкидлаб, асосий масала факат бу фильмларнинг сифатлиларинигина катта экранларга ўтказиш, томошабинни савиясими оширишга хизмат қилиш даражасини, бадиийлигини аниқлаш айнан Бадиий кенгашда ўтирган мутахассисларнинг иши эканлигини таъкидлайди ва фильмларнинг сифати тушиб кетишига асосий айбдор сифатида уларни айблайди.

Кинооператорларнинг ижодий фаолиятига бўлган бугунги талаб ҳам ниҳоятда юксак. Ижодий жараёнида оператор факатгина режиссёрнинг кўрсатмаларини бажариш билан бир қаторда, ўзининг ташаббускорлиги ва изланишлари билан фильмни тасвирий жиҳатдан бойитиши лозим. Негаки, ўз касбини мукаммал эгаллаган мутахассисгина томошабинларга ҳар томонлама маъқул келадиган санъат асарларини яратади. Ҳозирги техника имкониятлари туфайли кинооператорлик фаолияти билан шуғулланувчи инсонлар янгидан-янги кашфиётлар устида изланмай қўйганлар. Афсуски, бугунги кунгача мавжуд анъаналарни ҳам кўнгилдагидек давом эттира олмаётган ижодкорлар бор.

Сўнгги йилларда хусусий киностудиялар томонидан олинаётган бадиий фильмлардаги операторлик маҳоратини таҳлил қилишимиз жараёнида асосан мактаб кўрган, яъни, ўз мутахассислиги бўйича Олий таълим масканида таҳсил олган ҳамда соҳаси бўйича назарий билимга эга бўлмаган ҳаваскор операторларнинг ижоди, ютуқ ва камчиликларини таққослаш орқали таҳлил қиласиз.

И.А.Каримов ўз мулохазаларида “Шуни холисона айтиш керакки, ёшларнинг тарбиясига чукур таъсир кўрсатадиган замонавий қаҳрамон обраси кино экранларимизда ҳали яратилганича йўқ. Суратга олинаётган аксарият фильмларда киноижодкорларимиз бугунги куннинг ҳақиқий манзараси, унинг ўткир муаммолари хис эта олмасликлари, оддий одамлар ҳаётидан узоқлашиб қолганликлари сезилиб туради.” [11, б. 63] Бу каби масалаларга давлат сиёсати доирасида алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас.

Ҳозирги кунда кинотеатрларда бир ойнинг ўзида беш-олтита фильмнинг премьералари бўлиб ўтиши, юкорида айтганимиздек бу соҳада иш қизғин

кетаётганлигидан далолат беради. Ижодкорлар ўртасида дўстона рақобатнинг ривожланиши на-тижасида эса кўплаб фильмлар ўз томошабинларига эга бўлаётганини инкор эта олмаймиз. Ҳар бир фильмни томоша қилар эканмиз, бевосита шу воқеалар иштирокчисига айланиб, қаҳрамон ўрнида ўзимизни кўришни истаймиз.

Тан олиш керақ, шу соҳада малакали мутахассисларнинг фаолиятини ривожланиши, кинооператорлик санъатини шаклланишига турткি бўлади. Операторлик касбининг масъулияти ҳақида фикр юритар экан итальяник буюк кинооператор Витторио Сторро шундай деганди: “...Фильмнинг ёруғлик ва ранг драматургияси ечимиға, кадр композициясига факат бир одам масъулдир – оператор...” [12, б. 5].

Хулоса. Хусусий кино студияларнинг ривожланганига ҳали унчалик кўп вақт бўлмаган бўлса-да, лекин ижодкорлар самарали меҳнат қилмоқдалар. Ҳозирги кунда мамлакатимиз кинотеатрларида турли мавзу ва жанрларда кўплаб фильмлар намойиш этилмоқда. Бу эса ижодий изланишларнинг давом этаётганидан далолатдир. Фикримиз исботи сифатида, кино театрлардаги афишалардаги ранг-баранг мавзулардаги фильмларни келтира оламиз.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, кино ижодкорлар қизғин меҳнат қилмоқдалар. Бу жуда қувонарли ходиса. Негаки, ижодкорлар ўртасидаги дўстона рақобатнинг ривожланиши нанижасида кинотеатрларимиз томошабинлар билан гавжум.

Лекин сифат даражаси талабдагидек эмас. Шу ўринда операторлик санъатида ҳам шу каби муаммоларни учратишими мумкин. Мутахассислик билимиға эга бўлмаган инсонларни камера кўтариб маълум ғоя ва мағкуруни тарғиб қилаётганликлари мантиққа тўғри келмайди. Бу каби камчиликларни бартараф қилиш учун бу соҳада фақатгина малакали мутахассислар фаолият кўрсатишлари лозим.

Яхши фильм томошабинни тарбиялайди, уни маънавиятига, маданиятига таъсир ўтказади. Яхши ижодкор эса томошабинларни эргаштира олади, яратилган асарларда ўз сўзини айта олади. Кино ижодкорлар асарларида мана шу ўлмас ғояларни бош мақсад қилиб, уларни бадиий маҳорат билан бойита олсалар, шубҳасиз ҳар бир кинофильм миллатимизнинг маънавий юқалишига хизмат қиласи. Бироқ ҳақиқий санъат асарини яратиш у орқали кишилар ҳаётидаги воқеа-ходисаларни акс эттириш, маънавий озуқа бериш барча ижодкорлар учун хос анъана эмас. Агар кино операторлик санъатида ҳам шу каби вазифалар устувор қилиб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Тавсиялар. Юқорида айтиб ўтилган муаммони ҳал қилиш, ҳозирги ўзбек фильмларимизда операторларнинг тасвирий-ифодавий ижод маҳоратларини ошириш учун аввало:

Биринчидан, ёш авлодни тарбиялашда мактабдан ташқари таълим муассасаларидағи “Ёш техниклар”, “Фото ҳаваскорлик” каби техник тўгараклар фаоли-

ятини коғозда эмас, ҳақиқатда қайта ташкил қилиш ва ислоҳ қилиш. Бундан ташқари, шу мутахассисликлар тайёрланадиган колледж, институтларда моддий техник базани сон ва сифат кўрсаткичлари ни ошириш хисобига билим бериш сифатини оширишга эришиш лозим;

Иккинчидан, операторларнинг бадиий дидларини, дунёкарапшларини, касбий ғуурларини тарбиялаш йўлида етук мутахассис устозлар тажрибасидан фойдаланиш, “Устоз-шогирд” анъаналиари руҳида ёш операторлар ишини ҳар томонлама назорат қилиб туриш. Машхур устоз операторлар билан ижодий учрашувлар ўтказиб бориш ва шу йўл билан операторларнинг касбга нисбатан дунёкарапшларини ортириш;

Учинчидан, “Ўзбеккино” ДУК ва Киночилар уйи қошидаги ҳозирда мавжуд бўлган Бадиий Кенгаш таркибида айнан фильмдаги операторлик санъати сифатига, унинг бадиийлик ва техник хусусиятларига эътибор қаратадиган мутахассисларни жалб этиш ва шу йўл билан операторлар ўртасида сифат учун кураш ва соғлом рақобатни ривожлантириш.

Тўртинчидан, бадиий фильмлар яратадиган

студиялар ва мутахассис операторлар ўртасида соғлом рақобатни ривожлантириш лозим. Яъни ўзаро соғлом ижодий рақобат натижасида ўсиш жадаллашади ва янги замонавий техник воситалярдан фойдаланиш малакасига эришишга интилиш соҳанинг янада ривожланишини таъминлайди. Бу жараённи рағбатлантириш учун давлат миқёсидаги кинофестивалларда “Энг яхши операторлик иши”, “Йилнинг энг яхши фильм тасвирий ечими” каби номинациялар киритиш ва молиявий рағбатлантиришни йўлга кўйиш ва бошқа ислоҳотларни амалга ошириш лозим.

Такрор айтамизки, бу ҳозирги кунда кино санъатида ўз ўрнини топган ва ўзининг сифатли ижодий ишлари билан мутахассислар эътирофига сазовор бўлган истеъдодли ёшларга дахлдор эмас.

Ким бўлишидан ва қайси йўналишда ижод қилишидан қатъи назар, ижодкор энг аввало, санъаткордир. Ўз касбининг малакали мутахассиси бўламан деган ижодкорлар бошланғич мутахассислик билимини олишлари шарт. Ижодкорларда маҳорат йиллар давомида шаклланади, улар томонидан тасвирга муҳрланган асарлар дурдоналарга айланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак мъянавият – енгилмас куч. –Тошкент: Мъянавият., 2008. -146 б.
2. Исмаилов А.И.Кинотелеоператорское мастерство. учебник. –Ташкент: MONIY, 2004. -420 с.
3. Меликўзиев И.М.Кино-телеоператорлик маҳорати (бадиий фотография шаклланиш ва тараққиёт жараёнлари) дарслик, – Тошкент: Turon Iqbol, 2018. -256 б.
4. Исмаилов М.Н, Меликўзиев И.М. Методика определение времени и условие экспонирования с помощью фотоэкспонометра. –ўқув қўлланма. –Тошкент: 2007. -110 б.
5. Меликўзиев И.М . Кўп камераларда тасвирга олиш услуби. – ўқув қўлланма. –Тошкент: 2009. -58 б
6. Исмаилов А.И. Меликўзиев И.М. Технические и творческие возможности видеокамеры. дарслик . –Тошкент: 2009. -220 б.
7. Абулқосимова X. Кинотелерадио тарихи ва назарияси, дарслик. –Тошкент: 2008.
8. Файзиев X. Операторское искусство в современных ўзбекских кино и видеофильмах и вопросы подготовки профессиональных специалистов. Санъат таълими. – Тошкент: ТДСИ, 2010.
9. Тадқикот доирасида 07.09.2018 й.да ўтказилган ижтимоий сўровнома.
10. Нито газетаси. 2003 йил, 27-феврал сони.
11. Якубов Б. Бадиий кенгашдан ўтган бадиий бўлмаган фильмлар. Санъат таълими. –Тошкент: ТДСИ, 2010.
12. “Ёруглик нурида” (“Vision of light”) илмий-оммабоп фильм. Connoisseur Academy Video студияси маҳсулоти. Интервью: Кинооператор Чарлз Б.Ланг.

ЎЗБЕК КИНОСИДА ТАРИХИЙ МАВЗУ ТАЛҚИНИ

Аннотация. Уибу илмий мақолада ўзбек киносида тарихий мавзу ва унинг бугунги кунда ёшлар тарбиясида тутган ўрни бекиёс эканлиги қайд этилади. Шунингдек, бу борада эришилаётган ютуқлар ва келгусида амалга ошириш зарур булган муаммолар хусусида тұхталиб ўтилади. Уибу мавзуни аҳамиятли томони, бизнинг давлатчилик тарихимиз, бой ўтмишишимиз ва маданиятимиз, улуг ажододларимиз маънавияти бугунги кино санъати орқали тұлақонли ифодаланиши мақолада ўз аксини топган.

Калит сўзлар: кино, тарихий мавзу, тарихий шахслар, миллат, хужжатли фильм, тарихий ҳақиқат, ижод, тарихий фильмлар.

Музаффар ПИРМАТОВ,

«Искусствоведение и культурология» преподаватель кафедры ГИИКУз.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ИСТОРИЧЕСКОЙ ТЕМЫ В УЗБЕКСКОМ КИНО

Аннотация. В данной статье рассматривается историческая роль узбекского кино и его роль в воспитании молодежи. В нем также основное внимание уделяется достигнутым нами достижениям и вопросам, которые необходимо решить в будущем. Важность этой темы, в рассмотрении полноты нашей государственной истории, нашего богатого прошлого и культуры, а также духовность наших великих предков в современном кинематографическом искусстве являются требованием времени.

Ключевые слова: кино, историческая тема, исторические люди, национальность, документальный фильм, историческая правда, творчество, исторические фильмы.

Muzaffar PIRMATOV,

lecturer of the department "Art and Cultural Studies" USIAC

CONTRIBUTION OF THE HISTORICAL TOPIC IN UZBEK CINEMA

Abstract. This article discusses the historical role of Uzbek cinema and its place in educating young people. It also focuses on our achievements and issues that need to be addressed in the future. The importance of this topic, the fullness of our state history, our rich past and culture, as well as the spirituality of our great ancestors in modern cinematographic art are a demand of the times.

Key words: cinema, historical theme, historical people, nationality, documentary, historical truth, creativity, historical films.

Агар биз аждодларимиз хотираси-ни улуғламоқчи, шу асосда ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, шу ишни биринчи навбатда кино санъати орқали амалга оширишимиз ке-рак. Айнан кино санъати орқали жаҳон экран-ларини забт этишимиз, шу йўл билан дунё аҳлиниң дикқат-эътиборини қозонишими-з мумкин.

Ш. М. Мирзиёев

Кино санъатининг инсон онги ва тафаккури, жа-мият ҳаётига таъсири бекиёсdir. Оммавий санъат тури бўлмиш кино соҳасида бизда ўзига хос ижодий мактаб яратилган бўлиб, унинг асосини тарихий мавзулар ташкил қиласи. Бунинг ёркин мисоли “Тоҳир ва Зухра”, “Ўткан кунлар”, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Сен етим эмассан” “Мафтунингман” каби фильмларимизни ҳали-хануз ҳалқимиз севиб томоша киласи.

Тарихий манбалар асосида яратилган миллый асарлар нафақат ҳалқимиз маънавиятини юксалтиришга, балки унинг гўзал қадриятларини бутун дунёга танитишга катта хисса қўшади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов санъат асарларини талқинида

тарихий манбаларнинг ўрнини алоҳида қайд этиб: “Тарихдан ибрат олиб яшаш, тарих ҳақиқатларини билиш кишига қувват беради, уни ҳаёт ҳақиқати билан қуроллантиради. Эртага бизнинг ўрнимизга келадиган ёшлар ана шу тарих ҳақиқати билан қуролланиши лозим” эканлигини таъкидлайди. [1. Б.113.] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари, бу борада ижодий уюшмалар ва давлат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида атрофлича фикр билдирилар. Давлатимиз раҳбарининг учрашувдаги маърузасида маданиятимиз ва санъатимиз ривожланиш жараённида, бу борадаги ижобий тенденциялар билан бирга, айрим салбий ҳолатлар, уларнинг жамият ҳаётига таъсири холисона ва танқидий баҳоланиб, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида атрофлича фикр юритилди. Ижодий уюшмалар, маданият вазирлиги ҳамда унинг таркибидаги бирлашма ва ташкилотлар фаолияти чукур таҳлил этилди. Ижодкор зиёлиларнинг бугунги кунда жамият ҳаёти, ислохотлар жараёнидаги

ўрни ва вазифаси ҳақида муҳим ва долзарб фикрлар баён қилинди.

Президентимиз бўлиб ўтган очиқ ва самимий мулоқотнинг аҳамияти, мантиқий натижаси ҳақида сўз юритиб, “Бизнинг ҳавас қилса арзидиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзидиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзидиган бекиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзидиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”, деган фикрни қатъият билан таъкидлади. [2]

2017 йил 7 февралда “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирла-ри тўғрисида” ҳам Президент қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, “Ўзбекфильм”, “Қорақалпокфильм” ва “Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар” киностудияларини таъмилаш, уларнинг моддий-техник базасини кучайтириш, энг замонавий технологиялар билан таъминлаш, янги кинотеатрлар куриш кўзда тутилмоқда.

“Ўзбеккино” миллий агентлиги учун давлат бу-юртмасига асосан ишлаб чиқариладиган бадиий фильмлар сонини 2018 йилда 20 та, 2020 йилда 30 тага, мультиплекцион фильмлар сонини эса 2018 йилда 15 та, 2022 йилдан бошлаб 50 тага етказиш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, Агентлик ҳузурида Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси тузилиши белгиланганлиги ҳам бу соҳада катта янгилик бўлди. Чунки, ҳар қайси миллат маданиятини ривожланишини истиқболини миллий кинофильмларсиз тасаввур қилиш кийин.

Президентимизнинг 2018 йил 24 июлдаги “Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги тизимидағи ташкилотларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда, бино ва иншоотлар реконструкция қилиниб, зарур техникалар билан жиҳозланмоқда. Энг муҳими, кинони саноат ва санъат сифатида бирдек равнақ топтириш йўлидаги саъй-харакатлар изчил давом эттирилаётir.

Замон суръати жадаллашгани сайин одамларнинг дунёкараши кундан-кунга кенгайиб, кино маҳсулотларини танлаш имконияти ҳам ошиб боряпти. Шундай вазиятда томошабинни сақлаб қолиш, дидини юксалтиришга хисса қўшиш, маънавий-рухий оламини бойитадиган тарихий асарлар яратиш бугунги куннинг энг асосий долзарб масаласи бўлиб, бунинг учун астойдил изланиш, меҳнат қилиш, кино санъати бугунги ижтимоий-маънавий ҳаётда муҳим ҳодиса эканлигини теран англаш вақти келди. Айни вақтда, маданият соҳасида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш бўйича олдимиизда жуда муҳим вазифалар турганлигини соҳа мутахассислари чуқур англаб етишлари лозим.

Шу нұктай назардан, кино соҳаси фаолиятига

баҳо берадиган бўлсак, бу борада муайян ютуқлар билан бирга, жиддий нуқсон ва камчиликлар ҳам яққол кўзга ташланади. Баъзи фильмларда майда мақсадлар билан яшайдиган, ҳаётга фақат истеъмолчилик кайфияти билан қарайдиган кимсалар асосий қаҳрамон сифатида тасвиirlанаётгани ташвиш уйғотмасдан қўймайди. Ижодкор зиёлиларимиз, бизнинг қандай буюк ва шонли ўтмишимиз, қандай улуғ аждодларимиз борлигини яхши биламиз ва бу билан ҳамиша фахрланамиз. Мисол учун, буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темурни оламизми, алгебра фанига асос солган Ал-Хоразмийни оламизми, Колумбдан 500 йил олдин Американи кашф этган Беруний бобомизни оламизми, ўрта асрларда тиббиёт фанининг пойдеворини яратган Ибн Синони оламизми, астрономия соҳасида бекиёс қашфиётлар килган Мирзо Улуғбекни оламизми, араб грамматикасини араб дунёсига тортиқ қилган Аз-Замахшарий бобомизни оламизми – жаҳон цивилизацияси ва маданиятига улкан ҳисса қўшган бундай улуғ аждодларимизнинг ҳар бири ҳақида ажойиб ҳужжатли ва бадиий фильмлар яратишимиз мумкин.

Ижодкорларимиз тарихий мавзуга кўл ураг эканлар, кўлямни кенгроқ олишга, маррани баланд қўйишга алоҳида эътибор қаратишларини истардик. Чет элларда Спартак, Ганнибал, Александр Македонский, Наполеон, Леонардо да Винчи, Бетховен, Лев Толстой каби буюк шахслар ҳақида тарихий ва бадиий жиҳатдан мукаммал асарлар яратилган. Ҳолбуки, бизнинг улуғ боболаримиз ҳам улардан зиёд бўлса зиёдки, лекин асло кам эмас. Агар биз аждодларимиз хотирасини улуғламоқчи, шу асосда ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, бу ишни биринчи навбатда кино санъати орқали амалга оширишимиз керак. Айни кино санъати орқали жаҳон экранларини забт этишимиз, шу йўл билан дунё ахлининг диққат-эътиборини қозонишимиз мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда йилига 80 га яқин фильм суратга олинаётган бўлса, шулардан 60-70 фоизи хусусий киностудия томонидан яратилаётган кинокартиналардир. Албатта, томошабин учун фильмни қайси режиссёру, қайси киностудия тақдим этаётганинг фарқи йўқ. Юнеско қарори билан “Мирзо Улуғбек, Осмон тоқига қўйилган нарвон” номли ҳужжатли-бадиий фильм муҳлислар эътиборига ҳавола этилди. Маълум бўлишича, буюк мутафаккир ва аллома Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида хикоя қилувчи ушбу фильм режиссёри Баҳодир Йўлдошев бўлиб, сценарий эса Ўзбекистон, Франция, АҚШ, Россия, Буюк Британия, Дания ва Нидерландиянинг етакчи олим ва мутахассисларининг Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолияти хусусидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашган ҳолда ёзилган. Шунингдек, кинокартинани яратишда “Бодлиан” кутубхонаси (Оксфорд университети), Британия музейи, Пристон университети, Гриффит расадхонаси, Франциянинг “Observatoire la Cote

dAzur Cote” расадхонаси, Калифорния университети, Даниянинг “The David Collection” музейи, Оксфорднинг “Илм-фан тарихи”, музейи хамда “St.John’s” коллежи ва ўкув юртлари, музей ва кутубхоналари бисотидан фойдаланилган. Голливудда суратга олинган ушбу хужжатли фильмда Винцент Кассель, Арманд Ассанте, Франциско Овалле каби жаҳон кино юлдузлари роль ижро этган. Улар қаторида Маъруф Отажонов, Ҳошим Арслонов, Жавоҳир Зокиров сингари ўзимизнинг кино актёрларини кўришимиз мумкин. Халқаро Венеция кинофестивалида ўрта асрлар буюк алломаси ва мутафаккири Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида ҳикоя қилувчи “Мирзо Улуғбек. Осмон тоқига кўйилган нарвон” фильмни 2017-йилда 74-халқаро Венеция кинофестивалида “Энг яхши хорижий хужжатли фильм” номинациясида нуфузли “Кинео” мукофотига сазовор бўлганлиги ҳақида маълумотга эга бўлдик. Ушбу хужжатли фильмнинг ютуғи нима деган савол туғилади.

“Соҳибқирон Амир Темурнинг невараси бўлмиш Мирзо Улуғбек дунё илм-фанида ўчмас из қолдирган. Самарқанд унинг хукмронлиги даврида астрономия соҳасида тадқиқотлар ўтказиладиган халқаро марказга айланди. Улуғбек бунёд эттирган муаззам расадхонада ўз даврининг пешқадам олиму фузалолари жам бўлган эди. Аллома тартиб берган астрономия жадвалида 1118 та юлдузнинг ҳолати ва жойлашуви муфассал баён этилган. У хисоблаб чиқсан йил узунлиги натижалари эса замонавий ҳисоб-китоблардан атиги 25 сонияга фарқланади. Буюк олим, шунингдек, Ер сайёраси ўқининг оғиш бурчаги 23,52 градусни ташкил этишни аниқлади. Ушбу илмий натижага ҳам ҳозирги қадар энг аниқ кўрсаткич, дея эътироф этилади. Кенг дунёқарashi ва теран тафаккури билан ўз даври ва замондошларидан илгарилаб кетган олим, таассуфки, жаҳолат ва разолат курбони бўлади.

Режиссёр Баҳодир Йўлдошев фильмни яратишида воқеалар мантиғи, сценарийнинг композицион бирлигини сақлаб қолишга харакат қиласди. Асосий эътиборни инсонларнинг қадр-қиммати ва ахлокий қирраларини очишга қаратади. Муаллиф ва режиссёр ғояларини чуқур англаб етган Улуғбек образида эзгулик ва ақл билан оламни ўзгартириш мумкин деб ўйлаган инсон тимсолини моҳирона очиб беради. Арманд Ассанте серқирра ижод йўлида жанр ва давр хилма-хиллиги кўзга ташланади. Уларда актёр ўз ижро техникаси ва тажрибаси, индивидуаллиги билан яратган образлари салмоқли ўрин эгаллайди. Актёр қайси тоифадаги инсонлар қиёфасини ижро этмасин, улар ўзининг ёрқинлиги, бетакрорлиги, тилининг бурролиги билан ажralиб туради. Бу эса актёрнинг тинимсиз ўз устида ишлаши, изланиши орқали юзага чиқади. Санъаткор ижодий фаолияти давомида яратган ҳар бир образини хоҳ у қаҳрамонлик, драматик, фожеавий хоҳ ҳажвий бўлсин, уларни ўз ижодий призмасидан ўтказиб, чуқур таҳлил тарзида ёндашарди.

Шу сабабдан ҳам актёр бир образдан бошқа бир образга эркин, ҳеч бир қийинчиликлариз беъмалол ўта оларди. У яратган қаҳрамонларининг жонли, ҳаётий, кўпқиррали ва мукаммал бўлишида айнан мана шу изланишлари сабаб бўла олган. Ана шундай роллардан бирини ўз касбини устаси Жавоҳир Зокиров Улуғбекнинг ўғли Абдулатиф ролини ижро этар экан, ўз ролини доимий қарама-қаршилик, доимий рухий синиша кўради. Бу ҳол актёрнинг юриш-туриши, хатти-харакатлари ҳатто имо-ишораларида ҳам сезилиб туради. Маълумки, Абдулатиф асосан бувисининг қўлида тарбия топади ва шунинг учун ҳам эзгу ниятлардан бебахра инсон сифатида улғаяди. Унинг Улуғбек ўтказаётган ислоҳотларни тан олмаслиги, ҳокимиятга интилиши ҳатто бу йўлда ўз падарини ҳам тан олмаслиги бевосита тарбия билан жисмiga сингиб кетганди. Абдулатиф ўзининг ёмон ишларини амалга оширишда ҳеч нарсадан қайтмайдиган, асосан орқадан зарба бериш хусусиятларига эга шахс. Унга Темур ва темурийларга хос бўлган мардлик, жасурлик, ақл ва заковат бегона. Актёр Жавоҳир Зокиров томонидан бу рол ижроси кескин зиддиятларда, изтиробу инқирозлар оғушида гавдаланган. Санъаткор Абдулатиф характеридаги қарама-қаршилик, психологик мураккабликни очиб беришга харакат қилган. Аммо, бу хусусиятларини келтириб чиқарувчи сабаблар ва мотивлар ёрқин очиб берилмаган. Санъаткор қаҳрамонидаги воқеалар ривожида ўзгариб борувчи феъл-авторини жумладан, кези келгандан, жўшқин, шижаотли, кези келгандан, оқиз томонларини моҳироналик билан очиб беради. Абдулатиф — Жавоҳир Зокиров ўз қилмишларидан лаззатланувчи, фирибгар устозларининг чизган чизикларидан чикмайдиган, топшириқларини сўзсиз бажарадиган пасткаш кимса сифатида гавдаланади. Санъаткор қаҳрамонидаги кучли рухий кечинмаларни ишонарли хатти-харакатлар билан кучли ифода воситаларида очиб беришга сазовор бўлган. Бу ўз ўрнида санъаткордан кучли меҳр ва масъулиятни талаб этган. Актёр ўз ролини саҳнавий ечимини топишида режиссёр ва ижодий жамоа билан ҳамкорликда самарали изланишда бўлган. Шу боисдан ҳам унинг Абдулатиф образи тубан характерга эгалиги билан бир қаторда, ўзининг янада бойитилган экран талқини орқали кино тарихи саҳифаларида ёрқин бўёқлар билан муҳрланди. Санъаткор ўз истеъоди ва катта ижобий тажрибаси билан оғир ва мураккаб, масъулиятли Абдулатиф ролини ижро этди ва ўзбек кино саҳнасини шу билан бирга ўз ижодий репертуарини ҳам янада бойитди. Яратилинган ҳар бир қаҳрамон хоҳ ижобий, хоҳ салбий характерга эга бўлсин, актёр томонидан моҳирона очиб берилса томошабин қалбидан чуқур жой олиши шубҳасиздир. Зоро, Жавоҳир Зокировнинг бошқа ролларидан тубдан фарқ қилувчи Абдулатиф образи гарчи салбий хислатларнинг энг тубан кўринишларини ўзида мужассам этган бўлса-да, ҳаётийлиги ва бетакрорлиги билан энг сара роллар сафидан жой олган.

Ушбу хужжатли фильм астрономия ва геометрия фанларининг тараққиётига улкан хисса қўшган буюк мутафакир Мирзо Улугбек ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиниб, унинг ҳаётидаги фожиалар, мушкулотлар ва зафарлар акс эттирилган. Шунингдек, Ўзбекистондан ташқари, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Дания, Россия ва бошқа кўплаб давлатларда намойиш қилинмоқда.

Кино санъатига янгича ёндошув вужудга келган бу даврда тарихий манбалар асосидаги хужжатли фильмларга ҳам талаб ортиб бормоқда. Шуниси қувонарлики, ўзбек киносида ҳам майший муаммалардан четлашган ҳолда жиддий ижтимоий мавзуларни катта экранларга ва телевидение экранларига олиб чиқилаётгани барчани мамнун қилмоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак: 2017 йилнинг 29 октябрь куни Россия Федерациясининг “Культура” телеканали орқали Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда “Караван ТВ” телеканали билан ҳамкорликда тайёрланган “Ўзбекистон: кашф этилган синоатлар” номли хужжатли фильм намойиш этилди. Ушбу хужжатли фильм мамлакатнинг қадимий ёдгорликларидаги ноёб битиклар, бой тарихий маданий меросимизга бағишлиланган бўлиб, Ўзбекистон тарихининг энг ёрқин саҳифалари ҳақида ҳикоя қиласди. Фильмнинг яна бир аҳамиятли жиҳати, тараққийпарвар ва маърифий исломнинг тинчлик, ҳамжиҳатлик, илму-ирфон дини сифатидаги мазмун – моҳиятини жаҳонга танитиш ҳамда кўп асрлар олдин яратилган битиклар ҳамжиҳатлик ва барқарорликка унданлигини, инсонларни ҳамиша огоҳликка чақирганини гувоҳи бўламиз.

Яна шундай ёрқин мисоллардан бири, сценарий муаллифи ва режиссёр Абдухалил Мигновор томонидан халқимизга тақдим этилган “Имом Абу Исо Мухаммад Термизий” фильмнинг намойиш этилиши барчага манзур бўлди. Ушбу фильмнинг муваффакияти шундаки, фильмда хижрий – III аср, милодий IX – аср вақтидаги тарихий давр тасвирланади. Бу вақтда Мовароуннаҳрда илм ва маърифат юксак даражада ривожланган пайт эди. Муҳаддислик илми ҳам мисли кўрилмаган даражада равнақ топади. Мана шу даврда мусулмон оламидаги таникли олти ҳадиснавис имомларнинг бири Имом Абу Исо Мухаммад Термизий дунёга келади. Фильмда унинг ҳаёт йўли, ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Унда бош ролларни Абдуллоҳ Абдуллаев, Дониёр Ҳафизов, Фурқат Файзиев, Нозим Тўлаҳўжаев, Эгамберди Раҳимов ва бошқалар ижро қилган.

Юкорида қайд этилган “Мирзо Улугбек. Осмон тоқига кўйилган нарвон” ва “Имом Абу Исо Мухаммад Термизий” тарихий фильмларга мутоносиб равишда “Ўзбеккино” миллий агентлиги ва хусусий киностудиялар ҳамкорлигига Жаҳонгир Аҳмедовнинг “Исломхўжа” номли бадиий-публицистик фильмси суратга олинди.

Айни дамда, мана шундай мухим даврни жонлантириш, Исломхўжадай фавқулодда шахсни катлаш экranларга олиб чиқиш киночилардан алоҳида

масъулиятни талаб қиласди. Шу боис режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов, менимча, мавжуд вазиятда энг оптималь йўлни танлаган — бадиий публицистикага мурожаат этган. “Исломхўжа” бу борада ўта ноёб фильмдир. Илмий жиҳатдан уни тўлақонли тадқикот деса бўлади — режиссёр ўз жамоаси билан биргаликда тўрт йил умрини тарихий хужжатларни ва монографик тадқиқотларни ўрганишга сарфлагани, архив “титкилагани” кўриниб турибди. Фильмга XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошидаги Хива тарихи бўйича ижодий мутахассис — Неъмат Полвонов маслаҳатчи бўлгани унинг илмий қийматини янада оширади.

Режиссёр Исломхўжа ҳаёти ҳақидағи фактларни ўз қаҳрамони — ёш докторант тилидан батағсил, эринмай баён этади ва томошабинда ўша давр ҳақида тўла тасаввур хосил қиласди. Диалоглар, мактублар архив материаллари асосида тиклангани диккатга сазовор. Бу билангина чекланиб қолмай, ижодкорлар кўпгина баҳсли илмий масалалар юзасидан ўз хуносасини беради. Ҳикоя орасига қўшилган бадиий саҳналар ҳам меҳр билан ишлангани, ҳар бир деталга урғу берилгани эътиборга лойиқ. Либослар, хон саройи, мулизимларнинг навбат туриш тартиби, хон таҳти, рус ҳарбийларининг либослари — бари ҳаққоний тикланган.

Қолаверса, режиссёр Хива хонлиги тўлақонли давлат бўлганини, ўз маъмурий аппаратига, суд-хуқук тизимиға эгалигини, хонликда мураккаб сиёсий ўйинлар, ресурслар учун кураш борганини, Россия империяси, хусусан, Амударё бўлими маъмуриятининг хонлик ҳаётига таъсирини кўрсатиб бера олган.

Улугбек Қодиров ва Алишер Узоқовлар ўзларига ажратилган қисқа экран вақти ичida қаҳрамонларининг шахсиятини очиб бера олган. Масалан, Улугбек Қодировнинг кадрдаги асосий иши суқут сақлаб, олисга тикилганча вазмин қадам ташлашдан иборат, лекин унинг нигоҳи, аслзода-ларга хос ишончли ҳаракатлари, гапириш оҳангига юз йил муқаддам яшаган ҳукумат раҳбарининг шахсиятини кўз олдимизда тирилтиради ва бу тарих ишқибозларини ҳаяжонга солмай қўймайди.

Фильм фабуласи Исломхўжанинг ўлдириши ҳамда бу жиноят тафтиши асосига қурилгани менга ёқди: томошабин баёнчи — докторант билан бирга қотиллик тафсилотларини билиб боради, айни пайтда унга Исломхўжа кимлиги, қандай даврда, кимлар орасида яшагани тушунтириб борилади, фильм якунида эса жиноят ижроилари, бу қотиллик хонлик учун қандай оқибатлар келтириб чиқаргани аён бўлади.

“Исломхўжа” — аклли кино, интеллектуал кино. У, биз билган бошқа кўпгина ўзбек тарихий фильмларидан фарқли, қуруқ пропагандага қаратилмаган, тарихий арбобларни эртак қаҳрамонларига айлантириб қўймаган, балки имкон қадар хужжатга асосланган ҳаққоний тарихни намойиш этган.

Режиссура, оператор иши, монтаж сифатли амалга оширилган. “Исломхўжа” томошабинга ҳаққоний тарихий билим беради, айни пайтда эсте-

тик завқ ҳам бағишилай олади. Уни ҳеч иккилан-масдан, ўзбек киночилигининг жиддий ютуғи деб айта оламан.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўзбек миллий киномизда тарихий мавзулар асосида асарлар яратилар экан, тарих ўргатади, тарих огоҳ этади. Айни пайтда тарих бизга түғри йўлни танлашда маслаҳат беради. Шу боис бугунги тезкор жараёнда ёшларимизни түғри ва мақсадли тарбиялашда тарихий манбалар асосидаги киноларга эҳтиёжи ҳам каттадир. Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда:

- миллат тарихини ёритиб берувчи “тарихий хужжат” сифатида кинода муҳрлаб қолдириш учун Ўзбекистон тарихи ва маданиятини жаҳон маданиятининг бир кисми сифатида муҳрлаб қолдириш учун янги асарларни яратиш давр талаби эканлигини чуқур англаш даври келди;
- Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти хақида хукуқий ва илмий асосга эга бўлган

ягона концепцияни яратилишида ёрдам беради;

• бугунги маданиятларо тўқнашувлар жараёнида ёшларимизнинг миллий гурур ва ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, ўз “мени” ни топиш ва ҳаётда турли тўсиқларни енгиги ўтишларида тарихий фильмларнинг ўрни бекиёсdir, вахоланки, миллатнинг ўзлигини англаш, тарихни англашдан бошланади;

• тарихни унтишга изн бермайдиган қалб дорихонаси бўлмиш китоб, мутолаа маданиятини тараннум этувчи ҳужжатли фильмларга хам эҳтиёж сезилмоқда, айнан китоб ўтмишдан дарак берувчи тарихий асослардан биридир. Шундай экан, китоб ва китобни қадрини оширувчи ёшлар, қолаверса, инсоният кўнглига жой топа оладиган шундай тарихий фильмлар яратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

• Шундан келиб чиқкан ҳолда, тарихий аждодларимиз ҳақида ҳар томонлама етук бадиий фильмлар яратиш учун маҳсус ижодий гуруҳлар ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2015. -114 б.
2. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. -146 б.
3. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажагимизни мард ва олий жаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -486 б.
4. Мусажонов Ф. Ҳаким ат-Термизий. Хужжатли илмий-оммабоп бадиий фильм сценарийси. –Тошкент: 1998.
5. Абул-Касимова Х. Рождение узбекского кино. –Ташкент: Наука, 1965. -6 с.
6. Ақбаров Ҳ. Адабиёт ва кино. –Ташкент: Фан, 1981. -174 б.
7. Маврулов А. Давлатов О. Абдурасулов Ш. Ўзбек ҳалқ санъатидаги трансформация жараёнларининг тарихий таҳлили (XIX-XXI аср бошлари). –Тошкент: Lesson Press, 2017. -170 б.
8. Bordwell, David. “Intensified continuity revisited.” David Bordwell’s Website on Cinema, 22 July2010. Available online: <http://www.davidbordwell.net/blog/2007/05/27/intensified-continuityrevisited/>(accessed on 12 June 2014).
9. Kutter Callaway.” Syncopated Beats and the History of Sadness: The Affective Fusion of Audience and Film through Music”

Received: 19 January 2016; Accepted: 23 March 2016; Published: 25 March 2016

10. kuttercallaway@fuller.edu;

**Насиба ТУРГУНОВА,
ЎзДСМИ доц.в.б., фалсафа доктори (PhD),**

ЯЛЛАЧИЛИК АНЬАНАЛАРИНИНГ САҲНАВИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

Аннотация. Мустақиллик шарофати билан аёллар ижоди янги маъно ва қадр-қиммат топди. Зеро, бу даврга келиб хотин-қизларга нисбатан олиб бориган давлат сиёсати тубдан ижобий томонга ўзгарди.

Бундай ижодий жараёнларда аёллар фаолияти билан боғлиқ фольклор-этнографик ансамбларининг ҳам иштироки алоҳида эътиборлики, зеро бу каби жамоалар турли миқёсда ўтказиб келинаётган фестиваллар (“Шарқ тароналари”, “Бойсун баҳори”, “Асрлар садоси”, “Кўхна замин оҳанглари”), байрамлар ва телетанловлар орқали бой мусиқий меросни ўзига хос саҳнавий кўринишларда ҳалқимизга тақдим этмоқда.

Калим сўзлар: анъана, маросим, урф-одат, қўшиқ, ёр-ёр, ўлан, ижод, созандо, хонанда.

**Насиба ТУРГУНОВА,
доктор философии (PhD) и.о. доцент ГИИКУз**

СЦЕНИЧЕСКИЕ ИНТЕРПРЕТАЦИИ ТРАДИЦИИ ЯЛЛАЧИ

Аннотация. В настоящее время благодаря независимости музыкальное творчество женщин обрело новое содержание и ценность. Ибо к этому времени государственная политика, проводимая по отношению к женщинам в корне изменилась, независимость высоко оценила материнство узбекской женщины, предоставила ей безграничные возможности, большую веру в себя.

В такой обстановке особое значение приобретает участие в культурной жизни республики фольклорно-этнографических ансамблей, деятельность которых тесно связана с творчеством женщин. Эти коллективы через участие в проводимых на различных уровнях многочисленных фестивалях («Шарқ тароналари», «Бойсун баҳори», «Асрлар садоси», «Кўхна замин оҳанглари»), праздниках и телеконкурсах в своеобразной сценической форме преподносят нашему народу богатое музыкальное наследие.

Ключевые слова: традиции, семейное торжество, обычаи и привычки, кушик, ёр-ёр, улан, творчество, исполнитель, вокалист.

**Nasiba TURGUNOVA,
PhD, acting dotsent, USIAC**

STAGE INTERPRITATIONS OF TRADITIONAL YALLA ART

Abstract. Currently, thanks to independence, women's musical creativity has gained new content and value. For by this time, the state policy pursued with regard to women had changed radically, independence highly appreciated the motherhood of the uzbek woman, provided her with unlimited opportunities, great faith in herself.

In such an environment, participation in the cultural life of the republic of folklore-ethnographic ensembles, whose activities are closely connected with the work of women, is of particular importance. These groups through participation in numerous festivals held at various levels (Sharq Taronalari, Boysun Bahori, Asrlar Sadosi, Ko'hna zamin ohanglari), holidays and television competitions in a peculiar stage form present our people with a rich musical heritage.

Keywords: tradition, family celebrations, customs and habits, song, yor-yor, ulan, creative, performer, vocalist.

Ўзбекистонда мусиқали драма ва опера каби мусиқий театр жанрлари шаклланишида Фарғона водийси яллачилик санъатининг алоҳида ўрни борлигини эътироф килиш жоиз. Бунга бир қатор омилларни сабаб келтириш мумкин. Биринчидан, қўшиқ айтиш, (ёки дутор) чертиш ҳамда рақсга тушиш санъатларини ўзига муштарак этган яллачилик санъатида театрга яқин жиҳатлар аввалдан мавжуд эди. Иккинчидан эса, айрим яллалар, ўзига хос кичик саҳнавий кўринишлар тарзида ижро этилиши кўзда тутилган. Масалан, “Зарпечак”, “Бозорга боққол”, “Бозор борайми, қизим”, “Қилпиллама”, “Дейди”, “Энажон”, “Абдуллажон” каби яллаларни икки яллачи аёл томонидан ўзига хос кичик театр кўриниши тарзида ижро этиш анъанаси бўлган. Бунда аёллардан бири ёш ва чиройли қиз ролидаги рақкоса бўлиб, иккинчи аёл эса эркак ролида, яъни эркакча тўн, бошига дўппи, оёғига этик кийган холда доира чалиб иштирок этган. Шу аснода аёллар ялла айтиб рақсга тушиш билан

биргаликда театр санъатига, аниқроғи, саҳна маданиятига хос маълум хатти-ҳаракаталарни ҳам яхши бажарганлар. Қолаверса, XIX асрда Наманган вилояти ва Кўқон хони саройида санъаткор аёллар иштирокида спектакллар намойиш этилганлиги ҳақида тарихий манбалардан далиллар бор.

Бу айтилганларга муҳим бир қўшимча тарзида академик Мамажон Раҳмоновнинг куйидаги ахборотини иқтибос келтирамиз: “... аёлларнинг шаҳар карвонсаройида спектакль қўйиши, унда мингга яқин томошибиннинг тўпланиши Намангандан аёл труппаларининг катта кучга эга бўлганидан дарак беради” (9.60.). Бу анъаналар XX аср бошларида ҳам давом этган. Жумладан, бу даврда Наманган шаҳри (хозирги Бобур номли боғ) кўлининг тепасида атрофи панжара билан уралган майдон бўлиб, унда турли томоша-спектакллари ўтказилган. Бу томошаларда аёллар ҳам иштирок этиб, унда лапар ва яллаларга турли мимик ҳаракатларни ҳам қўшиб ижро этганлар.

Хуллас, шу сингари аёллар ижоди Ўзбекистонда мусиқали драма ва опера каби мусиқий театр жанрларининг шаклланиши ва ривож топишида аскотган эди. Мутахассислар бу жараёнда яллачиликка хос раксий айтим куйлари асосан оммавий (хор, ракс ва б.) саҳналарда қўлланиши ўзига хос анъана бўлиб қолганлигини, зеро “шаклан оддий ва тезда эсда қоларли бундай куйлар оммавий халқ саҳналари учун жуда мос келиши”ни ўз вақтида кайд килиб ўтганлар (4.106.).

Маълумки, дастлаб театрлар юзага кела бошлаган даврларда мусика раҳбарлари образларнинг характеристи ва ижрочиларнинг овоз имкониятларини инобатта олган ҳолда ҳалқ күй ва ашулалидан намуналар танлаган эдилар. Оммавий ҳамда тўй саҳна кўринишларида эса аёллар ижросидаги “Ёр-ёр” ва яллалардан кенг фойдаланганлар.

Бу борада XX аср ўзбек бастакорларининг карvonбошиси, миллий мусиқали драма жанри асосчиларидан бўлган Тўхтасин Жалиловнинг ижодий фаолияти ибратлидир. Маълумки, мусиқий мерос намуналари каторида яллачилик санъати анъаналаридан ҳам яхши боҳабар бу бастакорнинг ижодий услуби ўзининг ҳалкчиллиги билан алоҳида ажралиб туради. Зеро, “бастакор яратган ҳар бир асар ҳалқ ижоди билан шундай чамбарчас боғлиқки, уларни тинглагандга бу ҳалқ яратган куйми ёки Устанинг ижодий маҳсулими деган фикр туғилади” (6.3.).

Т.Жалилов яллачилик ананаларидан саҳнавий асарларида фойдаланар экан, уларни ўз ҳолиҷа (фольклор жамоалари фаолиятида кузатилганидек) табиий кўрсатишга интилмайди, балки аёллар ижодида юзага келган турли айтим ва ўйинларини драматик асар мазмунига, фабула-воқелиги ривожига бўйсундирган ҳолда кўллайди. Шу тарзда ялла ва лапарларнинг саҳна драматургиясига мувофиқ талқинлари юзага келган эди. Мусиқашунос Илёс Акбаровнинг эътирофича, Тўхтасин Жалиловнинг “яккахон ашулачилар яратган куйларида ўзбек халқ ашулалари интонациясидан кенг фойдаланишга ҳаракат килган ё бирор кичик ўзбек халқ ашуласини олиб, шуни кенгайтиришга интилган. Айниқса мусикали драмаларда бу сўнгги йўлдан кўпроқ фойдаланганд” (1.50).

Бу фикрлар жицдий асосга эгалигини, жумладан, Т.Жалиловнинг “Нурхон” мусиқали драмасида кўришимиз мумкин. Бастакор бу мусиқали драмада яллачилар орасида машхур айтим намуналаридан, шунингдек, “Сизни айвон”, “Энди сендек”, “Абдураҳмонбеги” сингари ашула ва тўй маросим айтимларидан (“Ёр-ёр” ва б.) унумли фойдаланиб, шу асосда мусиқий спектаклнинг халқчил савиясини оширишга ва айни пайтда, томошабин эътиборини ўзига жалб қилишга интилган.

Спектаклнинг биринчи кўринишида боғ сайлига келган хотин-қизларнинг яллачилар анъанасида бўлгани каби кизғин ўйин-кулгилари “катта ракс сахналарига уланиб кетади” (2.118: 5.118.). Жумладан, спектаклда Нурхоннинг отаси мажбурлаб никоҳ ўқитаётган бир пайтда унинг дугоналари билан бирга севгилиси Хайдар кириб

келади. Қизлар ва Нурхон мусиқий партияларида яллачиликка хос оҳанг луғат хусусияти кенг кўлланган бўлиб, ўз характери билан жуда содда ва таъсирчан янграйди. Маълумки, 6/8 ўлчовли (енгил уфар) усусли ялла намуналари, одатда шўх ва ўйноқи характерда бўлади. Мазкур драмада эса бастакор ялла намунасини Нурхон ва унинг дугоналари ижросида кўллаган ҳолда, уни саҳнада кечайтган драматик вазиятга мос мураккаб ҳолатни акс эттириш учун қайта ифодалайди. Ушбу намуна гарчанд уфарт усулида бўлса-да, лекин оғир, вазмин ижро суръати асосида ғамгин тус олади. Бастакор эолий (g-fis-e) ва фригий трихорд (fis-g-a)лари асосидаги оҳанг тузилмаларини усталик билан ўзаро боғлаб, уларни мантикий тарзда авж ҳолатигача ривожлантиради. Шу тарзда овоз доираси октава даражасига (d^1-d^2) қадар ривожланиб боради.

Нурхоннинг ички дард-аламлари ҳам шу оҳанг училклари асосида ифодаланади:

Үргүлай

Нурхон

Со-либ со-либ дод фар-ёд ўр-ток-жон

Дугоналари

ўр-ги-лай, О-тан-гиз-ни бағ-ри-тош

ўр-ток-жон үр-ги-лай, И-ло-жи-миз

кан-ча-дур ўр-ток-жон үр-ги-лай,

Бир-дам-лик-да эг-май бош ўр-ток-жон

Нурхон

ўр-ги-лай. Бу туй э- мас га-заб-дур

ўр-ток-лар ўр-ги-лай, Мен-га жаб-ру

си-там-дуу ўр-ток-лар ўр-ги-лай.

Драматург Комил Яшиннинг 1933 йили ёзилган “Ичкарида” номли пьесаси ҳам хотин-қизларнинг ўша даврдаги ҳаётий турмуш-тарзи ва уларнинг паранжи ташлаши мавзусига бағишланган эди. Кейинчалик “Гулсара” номи билан атала бошланган ушбу пьесага Т.Жалилов ижод этган бир қатор куй ва қўшиклар танлаб олинган ҳамда (1936) композиторлар Р.Глиэр ва Т.Содиковлар томонидан гармониялаштирилиб, симфоник оркестрга мослаштирилган (5.67.). Шу асосда мусиқали драма кўринишига эга бўлган ушбу саҳна асарида ҳам

яллачи аёлларнинг ижоди қўл келганлиги маълум бўлади.

Жумладан, мусиқали драманинг оммавий саҳналарида, Гулсаранинг ўғил тўйи ва унинг озодликка чикиши (парамажи ташлаган аёлар) билан боғлик вазиятларда хотин-қизлар ижросида ялла ва ашулалар баралла янграйди. Бунда Гулсаранинг дугоналари томонидан куйланган “Ҳай-ҳай ўлан”, “Хуш келибсиз”, “Ёр-ёр”, “Ҳай, ёр-ёр” каби айтимлар, айниқса, спектаклга ўзгача тус берган (3.111-114.). Мухтасар айтганда, “Гулсара” спектаклида водий аёлларининг ижоди салмоқли ўрин туттганлиги ва янгича вазият (безалган саҳналар)ларда ижровий тақдим этилганлиги бу асарнинг халқ орасида муваффакият козонишининг сабабларидан бири бўлган эди.



**Н.Ахмедова, М.Турғунбоева ва
Ҳ.Носировалар “Гулсара” спектаклида**

Т.Жалиловнинг композиторлар билан ҳамкорликда мусиқали драмаларини ижод этиши ҳамда уларда хотин-қизлар ижросидаги ашула ва яллаларни маҳорат билан қўллаш тажрибаси кейинги яратилган саҳнавий асарларида ҳам ўз самарасини берди. Шунга оид мисолни Г.Шперлинг билан яратган “Курбон Умаров” (1941 йил Собир Абдулла ва Чустий пьесаси)да кўриш мумкин. Тўрт пардали ушбу мусиқали драмада ҳам айниқса, тўй маросим айтимлари ва яллалардан фойдаланган оммавий саҳналари муваффакиятли чиққан. Мусиқашунос А.Жабборов бу асарга шундай баҳо беради: “Спектаклни таъсирчан килувчи омиллардан бири, унинг мусиқаси. Айниқса, оммавий саҳналарда ўзбек халқ қўшиқлари, терма, лапар ва яллаларидан унумли фойдаланиш, ўз вақтида асарни катта муваффакиятга эришувида муҳим замин бўлди” (5.76.).

Шунингдек, Т.Жалиловнинг композитор Г.Мушель билан ҳамкорликда ижод этган “Равшан ва Зулхумор” мусиқали драмасидаги (1957) оммавий саҳналарида ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар кузатилиди. Хусусан, Равшан ва Зулхуморнинг тўй саҳналарида яллачилар ижросида машҳур бўлган “Ёр-ёр” ва ялла айтим-ракслари спектаклга ўзгача жозиба бағишланган. Тарькидлаш жоизки, бастакор Т.Жалилов бошлаб берган бу бадиий анъаналар ҳозирги кунга қадар яратилган кўплаб драматик спектакль, мусиқали драма ва операларда ҳам

ижодий давом эттирилган эди.

Ўзбек мусиқашунослигида яллачилик санъати намуналарининг композиторлик ижодиётида талқин этилиши масалалари анчагина ёритилган бўлиб, бу ўринда профессор Т.Фоурбековнинг тадқикотлари эътиборлидир. Жумладан, муалифнинг “Ўзбек касбий мусиқа ижодиётининг фольклор манбалари” китобида композитор А.Козловский томонидан “Тановор” ашуласи 1930 йилларнинг иккинчи ярмида аёл овози ва оркестр учун қайта ишланганлиги, кейинчалик эса (1951) шу муалифнинг “Тановор” симфоник поэмаси ва балети (1967) ҳам ижод этилганлиги таҳлиллар асосида баён этилади (4.5.-52.). Шунингдек, атоқли олим В.Успенский, Г.Мушель, Б.Надеждин, Р.Глиэр, Т.Содиков, М.Бурхонов, М.Ашрафий, С.Юдаков, М.Левиев, Д.Зокиров, С.Бобоев, И.Акбаров ва бошқа композиторларнинг халқ қўшиқлари қаторида яллачилик айтимларини ҳам кўп овозлилик услубига монанд қайта ишланган ижодларини тавсиф этиб, бу ўналишда юзага келган тадрижий ривож ва сифат ўсишларни асосли қайд этган (4.55-80.).

Ўзининг бетакрор ва дилбар ашулалари билан халқ дилидан чукур ўрин олган композитор Манас Левиевнинг ижодида ҳам ўзбек миллий куйларининг таъсири сезиларли даражада бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Шу боисдан бўлса керак, у яратган кўплаб асарлари ўша даврда, қолаверса, бугунги кунда ҳам санъат ихлосмандлари орасида маълум ва машҳурдир. Хусусан, М.Левиевнинг “Олтин қўл” спектаклида Шоҳиста ва Турсунали ижросидаги “Ўргулай” ҳамда Ёкуб ва Каромат ижросида эса “Қошингни қаросига” дуэтларида халқ орасида кенг тарқалган яллалардан самарали фойдаланганлигини кўрамиз. Ижодкор Ёкуб ва Каромат ижросидаги дуэтда “Андижон борай дедим” ялласининг такт-ўлчови ва куй-оҳанг асосини сақлаб қолган ҳолда, унинг бош тоналлигини ўзгартиради.

Композитор ушбу ялла асосида Ёкуб ва Каромат дуэтини яратаркан, ашула ва ялла жанрларига хос оҳанг ва шакл хусусиятларини моҳирона ўйғунлаштиради. Бунда Ёкубнинг партиясига ашулаларга хос ўрта ва юкори авжларни киритиб, унинг умумий юксалма ижросини “F” гача ривожлантиради. Оҳанг харакатлари кварта сакрамаларидан ҳам иборат Ёкуб партияси тўлиқ октава даражасини қамраб олади.

Кароматнинг мусиқий партиясида қўйилик тамойили устувор бўлиб, бунда яллачиликка хос эолий трихордларининг узвий боғланган тўлқинсимон (куйи ва юксалма) оҳанг ривожланишлари кузатилади.

Андижон борай дедим боролмадим

Ко-шинг-нинг ко-ра-си-га-ей ай-ла-ней.
Хол бў-лай о-ра-си-га-ей ай-ла-ней.

Гулом Зафарийнинг “Ҳалима” мусиқали драмасини атоқли бастакорлар Сайджон Калонов ва

Ёкуб ва Каромат дуэти

Ко-шинг ни ка-ро - си-га,
Хол бў-лай а-ро - си-га,
Ас-ло раҳ-минг кел-май-ди(ей ё - реј),
Би-ров-нинг бо - ла - си-га,

Набижон Ҳалиловлар ўзаро ҳамкорликда (1970 йил) симфоник оркестр ва хонанда (вокалист)лар учун қайта ишлаган эдилар. Улар ҳам ўз имкониятлари ва асар моҳиятидан келиб чиқиб, ҳалқ ашула ва яллаларидан ижодий фойдаланганлар. Бу фикримизга Ҳалима ва Неъматнинг икки қисмдан изборат қуидаги дуэти мисол бўла олади.

Каромат
Бул-бул кай-да сай -рай -ди?
Гул-зо - рим-да бо - гим - да,
Кўнг-лим гул-дай яй-рай -ди(ей ё - реј),
Се-ни кўр - ган чо - гим - да,

Дуэтнинг дастлабки қисми Ҳалима ижросида янграйди. Бунда яллаларга хос 6/8 ўлчови ва “Ёр-ёр” андозасининг эолий кўринишидаги қуилик учниклари устувордир. Таянч пардалар нисбати эса қуидагича: “Н” – таянч парда, “е” – ярим таянч.

Ҳалима партиясидан фарқли ўлароқ дуэтдаги Неъмат партиясида эолий ва ионий трихордларининг юксалма ва қуий характеристлари алмашиниб келади. Натижада тўлқинсимон қуй оҳанглари ривожида таянч пардалар ўзгарганлигининг гувохи бўламиз. Шунга кўра “а” асосий таянч, “и” эса ярим таянч вазифасида намоён бўлади.

Таяқидлаш жоизки, Неъматнинг мусиқий партиясида “Фарғона-Тошкент мақом

йўллари”нинг айнан яллаларга монанд бўлган намуналарига ижодий ёндашув сезиларли. Жумладан, бошлангич қуй тузилмасида “Сокийнома Баёти Шерозий”, унинг ривож жараёнларида эса “Дугоҳ-Хусайн Таронаси” оҳангларини англашимиз мумкин.

Яллачилик бадиий анъаналари мусиқали драмалар

III II I I II III
Кўр-га-ли кел-динг-ми ёр Куй-дир-га-ли кел-
динг-ми-ёр. Мил-ти-раб
III II I
ён-ган ша-мим, ён-дир-га-ли кел-
динг-ми-ёр. Со-ғи-ниб
сўл-дим-ку ёр, қай-гу ю-тиб ўл-дим-ку ёр,
о - - - жо-ним Ҳа-ли-ма
йўл-ла-ринг - га тер-ми-либ,
хар кун се-ни кут-дим-ку-ёр.

билан бир қаторда опера ижодкорлигига ҳам муҳим манбалардан бири бўлиб келмоқда. Бу ҳол биринчи ўзбек операсини яратишдаги илк қадамларданоқ кўзга ташланади. Композиторлар С.Василенко ва М.Ашрафий хамкорлигига яратилган ва 1939 йили сахна юзини кўрган “Бўрон” операсида бир қатор Фарғона куй ва айтим намуналарининг (“Тановор”, “Оқ ойдин кечалар”, “Фарғонача” ва.б.) жанр драматургиясига “бўйсиндирилиши” синчков олим Т. Фофурбеков кузатувлари ўлароқ яхши маълум (4.2.57.79-93.). Кейинги йилларда сахналаштирилган ўзбек операларида ҳам бу йўналишдаги ижодий изланишлар изчили давом эттирилдики, бунга М.Ашрафийнинг “Дилором”, С.Юдаковнинг “Майсарапнинг иши”, Р.Абдуллаевнинг “Садоқат”, М.Бафоевнинг “Севгим самоси” сингари асарларидан кўплаб сахналарни мисол келтириш мумкин (7.186-220).

Наманган шаҳрида таваллуд топган, водий мусиқа анъаналарини тинглаб вояга етган Сулаймон Юдаковнинг “Майсарапнинг иши” операсида яллачи аёлларнинг ижод намуналаридан тўлақонли фойдаланилганлигини кўрамиз. Бу ҳол асарнинг дастлабки тақтлариданоқ хис қилинади.

Операнинг чолғу муқаддимасида яллачиликнинг машҳур уфар дойра усули фортециано фактурасида ўзига хос таралиб туради:

Операда лапар ва ялла оҳангларининг саҳнавий драматик ривожга мос ижодий талқини, айниқса, муваффақиятли чиқкан. Бу ҳақда композитор ижодининг йирик мутахассиси, мусиқашунос олима В. Плунгян тадқиқотларида мухим таъкидларни кўрамиз (6.54-67.). Жумладан, композитор зукко ва тадбиркор Майсара образини ифодалашда яллачилик санъатининг ўйноқи оҳанг-ритмларини



усталик билан кўллайди. Бунда, жумладан, 6/8 такт ўлчовли уфар усулининг ритмик тузилмаси ва қуйи эолий трихордлари асосида келган оҳангларининг қиёсий жилваланишлари кенг кўлланилади.

Кириш қисмидан сўнг келган Майсаранинг мавзусида оҳанг учликлари оқтава даражасига қадар ривожланиб боради. Бунда кўп яллаларда (“Учир”, “Лайло”, “Ўйна”, “Йигит” ва б.) бўлгани каби дастлаб юқори кварта сакрамаси келиб, сўнгра эолий трихордлари (a-gis-fis; gis-fis-e)га уланиб кетади.

Шунингдек, Майсара партиясида жўрнавоз уфар усули муқаддимада бўлгани каби фактура бўйлаб ёйилиб эмас, балки бир нуқтага (“е”товушига) “жамланади”. Бунинг натижасида аёллар ижодида кенг кўлланилган ушбу усул янада аниқроқ намоён бўлиши билан бирга яллачилик анъанасини ҳам ёдга солади.



Майсаранинг олти ҳиссали ўйноқи (уфар) усул ҳаракатларида келган “Бола, бола” ҳазил қўшиги эса бевосита яллачилик ижодига мансубdir. Ўзбек операси бўйича мутахассис Я.Пеккернинг кўрсатишича, бу қўшиқнинг куй ва сўз (шеър) матнлари аслига мувофиқ олинган (7.190.).

Композитор Хидоят образининг аёллар каби юмшоқ феъл-атворини мусикий тавсифлашда ҳам яллачилар оҳанг лугатидан моҳирона фойдаланган. Бу ҳолат, айниқса, Хидоятнинг аёл кийимига



ўранганида яққол сезилади (8.67-68.). Бунда, юқорида кўрилгани каби, куйидан юқорига кварта интервали даражасидаги сакрама фригий (gis-a-h), эолий (a-gis-fis) ва ионий (e-fis-gis) трихордлари асосидаги оҳанг тузилмаларига боғланиб келишини кўрамиз.

Композитор Ойхон ва Чўпон дўстларининг саҳнавий “чикиш”ларида водийда машхур “Ёр-ёр” оҳангларидан, айниқса, Наманган тўйларида яллачилар томонидан куйланадиган вариантыларидан ижодий фойдаланиб, унга ўзгача оҳанг-ритм талқинларини берган ҳолда оркестрга мослаштиради.

Композиторнинг ижодий ёндошуви, энг аввало, унинг тантаридан ўлчовида кўзга ташланади. 5/8 такт ўлчовида, талқин этилган ушбу “Ёр-ёр” уч хиссали ёки олти ҳиссали ҳалқ “Ёр-ёр”лари каби буткул



тугаллов ҳиссини уйғотмайди, балки драматик кесимида узвий намоён бўлади. Бу ҳол ҳалқ сўзларига (“Ҳай-ҳай, ўлан”) уланиб келган “ишлар пишди...” каби сўзларидан ҳам сезилиб туради. Майсара Ёр-ёр”ни куйлай бошлаганида ҳовли одамларга, Чўпоннинг ёру биродарларига тўлади. Улар ҳам Майсара бошлаган “Ёр-ёр”га жўр бўладилар.



Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, водий ҳалқ ижодиётига болалигидан ошно бўлган С.Юдаков ўзбек миллий оҳангларини чукӯр ҳис килган ҳолда улардан мазкур операни яратишда унумли фойдаланган. Айниқса, аёлларнинг яллачилик ижодий анъаналарини асар воқеалари ривожига мувофиқ талқин этганилиги, бош қаҳрамон образини яратишда ҳам шу анъаналарга таянганлиги ижобий бўлган. Шу боисдан ҳалқчиллик рухи билан суғорилган “Майсаранинг иши” мазкур ҳажвий операси нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий

мамлакатларда ҳам донг таратган бўлса ажаб эмас.

Кекса авлод Ўзбекистон бастакорлари ва композиторларининг яллачилик анъаналарини мусиқали драма ва опера жанрларида талқин этишда эришган ижодий ютуқлари кейинги авлод ижодкорлари томонидан меросхўрларча ўзлаширилган эди. Бугунги кунга қадар давом этиб келаётган ушбу ижодий анъананинг ўзига хос кўринишлари М.Махмудовнинг “Тўйлар муборак”, Ф.Алиевнинг “Нодирабегим”, “Суперқайнона”, Х.Рахимовнинг “Келин танлов” ва бошқа мусиқали драмаларнинг асосан хотин-қизларнинг мусиқий образлари ҳамда улар иштироқидаги оммавий саҳналарида кузатилади.

Шу каби ижодий саҳна талқинлари айрим опера асарларида ҳам учрайди. Жумладан, композитор Р.Абдуллаевнинг “Садоқат” операси биринчи пардасининг якуний оммавий саҳнасида ялла жанри асосида ишланган “Ўйнайлик, куйлайлик”, М.Бафоевнинг “Севгим самоси” операсида эса

“Олмани баргидаккина, жийданни баргидаккина” шеърлари билан келган хорларнинг ялла хусусиятли айтимлари фикримизга далил бўлиши мумкин. Шунингдек, М.Бафоев “Севгим самоси” операсининг бош қаҳрамони Аҳмад ал-Фарғонийнинг мусиқий тавсифи ва лейтмавзуси сифатида “Сайёра” ҳалқ ашуласи куй-оҳангларидан унумли фойдаланган. Бу ерда эътиборлиси шундаки, водийда катта шухрат топган мазкур “Сайёра” ашуласи буткул аёллар оҳанг луғати асосида ишланганлиги, жумладан, унда асосан фригий ва эолий трихордлари ҳамда ривожланиш қисмларида Наманган ва Кўқон “Ёр-ёр”лари уфорини эслатувчи оҳанглар келиши таҳлиллар асосида маълум бўлди. Композитор мазкур ашулани операда турлича иқтибос этаркан, бунда асосан мусофириликда сарсон юрган, лекин мудом она юрт ишқи билан ёнган Аҳмад Фарғоний қалб туйғусини ифодалайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Акбаров И. Тўхтасин Жалилов – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – 124 б.
2. Байгаскина А.Е. Ритмика казакский традиционной песни. – Алматы: 2003. – 158 с.
3. Беляев В.М. Научное наследие. – Москва: Сов.композитор, 1990. –385 с.
4. Фафурбеков Т. Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества. – Ташкент: Ўқитувчи, 1984. – 111 с.
5. Жабборов А. Мусиқий драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон композиторларининг ижодиётида. –Тошкент: Фоғур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. –188 б.
6. Жалилов. Т. Кўшиклар гулдастаси. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. –126 б.
7. Пеккер Я. Узбекская опера. –Москва: Сов. композитор, 1984. –285 с.
8. Плунгян В. Сулайман Юдаков. –Ташкент: Издательство литературы и искусства имени Гафур Гуляма, 1979. –115 с.
9. Раҳмонов М. Ўзбек театри тарихи. (XVIII асрдан XX аср аввалигача ўзбек театр маданиятигининг тараққиёт йўллари) – Тошкент: Фан, 1968. –480 б.

**Саодат МУЗАФФАРОВА,
ЎзДСМИ “Вокал” кафедраси доценти в.б.**

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА ЖАНР МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакатимизда эстрада санъатининг пайдо бўлиши, ривожланниши ва унинг ижодкорлари фаолияти ёритилган бўлиб, ўзбек миллий эстрада санъати тараққиётида жанр масалалари, жумладан, Поп, Рок, Рен, Поп-фольк, Жаз каби жсанрларнинг спецификаси, ижродаги ўзига хослик, мазкур жсанрлар ижодкорлари ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, Ўзбекистонда эстрада ва унинг жсанрларининг ривожи юзасидан таклифлар берилган.

Калим сўзлар: эстрада, Поп, Рок, Рен, Поп-фольк, Жаз, эстетик тарбия, маънавий омил.

**Саодат МУЗАФФАРОВА,
и.о. доцента кафедры "Вокал" ГИИКУЗ**

ВОПРОСЫ ЖАНРА В РАЗВИТИЕ УЗБЕКСКОГО НАЦИОНАЛЬНОГО ЭСТРАДНОГО ИСКУССТВА

Аннотация. В данной статье говорится о появлении, развитии и о творчестве представителях эстрадного искусства в нашей стране, а также о жанрах узбекского национального эстрадного искусства, таких как поп, рок, рэп, поп-фольк, джаз и об их особенностях исполнения. Кроме этого, даны предложения по развитию эстрады и её жанров в Узбекистане.

Ключевые слова: эстрада, поп, рок, рэп, поп-фольк, джаз, эстетическое воспитание, духовный фактор.

**Saodat MUZAFFAROVA,
Acting associate professor of the department "Vocal" USIAC**

THE PROBLEM OF GENRE IN THE DEVELOPMENT OF UZBEK NATIONAL VARIETY ART

Abstract. This article talks about the origin, development and creativity of the representatives of pop art in our country, as well as about the genres of Uzbek national pop art like pop, rock, rap, pop, folk, jazz and their performance features. In addition, proposals for the development of variety and its genres in Uzbekistan are given.

Keywords: pop, pop, rock, rap, pop folk, jazz, aesthetic education, spiritual factor.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан буён жамиятимизда содир бўлаётган ижтимоий-маданий ўзгаришлар миллий санъатимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мустақиллик, азалий қадриятларни тикилаш, меросимизни атрофлича ўрганиш ва ундан баҳраманд бўлиш учун катта имкониятларни яратди.

Мустақиллик ўзбек санъатига анъанавийлик, миллийлик шу билан бирга замонавий мавзуларда эркин ижод қилиш имкониятларини ҳадя этди. Ўзбек санъатини ривожлантириш, уни янги-янги жабхаларини очиб бериш эса санъат фидоийларининг олдида турган бош масалага айланди.

Республикамизда эстрада санъатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар юзага келмоқда. Бу соҳанинг миллионлаб тингловчиларига йўлланганлиги ва айникса, ёш авлоднинг маънавий тарбиясига катта таъсири эътиборга олиниб, уни янги давр талаблари асосида ривожлантиришга қаратилган бир қатор хужжатлар қабул қилинди.

Замонавий эстрада санъати шундай бир ижтимоий ҳодисаки, у ўзининг масъулиятли ва машаққатли хусусиятларига эга. Аввало, эстрада санъатининг бирламчи вазифаси томошабинга завқ бериш, эстетик тарбиялаш бўлса, яна бир муҳим вазифаси миллийлик ва замонавийликни тараннум этишдир.

Яна бир муҳим масала – энг оммавий санъат

бўлган эстрада санъатини ривожлантириша қатор камчиликлар кўзга ташланмоқда. Энг асосий камчилик – бу соҳада ижод қилаётган аксарият ижрочилар фаолиятида талабчанлик ва масъулият, ижтимоий жараёнларга даҳлдорлик туйғуси тобора пасайиб бормоқда. Эстрада санъатидаги камчиликларнинг асосий сабаблари ҳеч кимга сир эмас. Аксарият ижрочилар масъулиятни унутиб, ўз устида ишламай қўйган, изланиш, маҳоратини ошириш, янги ижодий ғоялар билан яшаш, санъат дунёсига, муҳлисларга ҳурмат каби тушунчалар уларга бегона бўлиб қолган, десак, қанчалик аччик бўлмасин, бу ҳам ҳақиқат [2].

Айни дамда эстрада қўшиқчилиги ўзининг изланишлари, мантифи, ички ва ташқи қиёфаси, услуги нуктаи назаридан мураккаб шароитларни бошидан кечирмоқда. Бу жараёнлар бевосита эстрада санъатида жанр масалалари билан боғлиқдир. Хусусан, унда яқин ва Ўрта Шарқ давлатларидан тортиб то Лотин, Шимолий Америка ҳамда Гарбий Европа халқлари оммавий мусиқасининг куй-оҳанг ва ритм усуллари таъсири ёрқин сезилиб туради. Илгарилари ман этилган ёки “қўллаб-куватланмаган” оқимлар, йўналишлар, тур ва жанрлар (“диско” ва “хардрок” дан бошлаб “рэп” гача) сўнгги йилларда кенг ўрин эгаллади. Айнан, ёшлар орасида

“техно-поп”, “панк”, “хард-рок”, “рэгги” ва “жаз-рок” ижрочилиги каби йўналиш ва услублар ривожлана бошлади [3.Б.26].

Бугунги кунда Республика изда эстраданинг Поп йўналиши кўпроқ оммалашганлиги кўзга ташланади. Ўзбек эстрадасида ижод қилаётган кўплаб санъаткорларимиз айнан поп (pop) йўналишида ижод қилишади. Шу ўринда “поп” атамасининг маъно, мазмуни кўпчиликни қизиқтиради. “Поп” сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб (pop music, popular music) “оммабоп”, “барчага тенг” маъноларини англатади.

XX асрнинг 50-йилларида ташкил топган ушбу тушунча эстрада жанридаги барча кўнгилочар услубларни қамраб олади. Поп йўналиши кашф қилинган йиллари унга рок мусиқасининг бир тури дея қаралган, кейинчалик поп-музыкий, тижорий-кўнгилочар йўналишга айланиб, унга “шлягер” термини кириб келди. Айни дамда нафакат ўзбек эстрадаси ижод қилаётган санъаткорлар, балки жаҳоннинг аксарият хонандалари хам шу йўналишда ижод қилишади. Бунинг сабаби эса, юкорида айтилганидек, поп мусиқасининг оммаболигидадир.

Ушбу йўналишда ижод қилиш санъаткор учун бир мунча енгиллик туғдиради. Бугунги кунга қадар поп йўналишининг аниқ чегаралани кўйилган кўриниши, ижро йўналишлари мавжуд эмас. Маълумки, ҳар бир санъат тури изланишлар, ривожланишлар, янгиланишлар замирида шакланиб, ёрқин ва ёқимли бўлиб бораверади. Поп йўналишига ҳам хоҳлаганча тус бериш, оҳангларини жилолантириш, пардозлаш, бошқа йўналишлар билан умумлаштириш ва уйғунлаштириш мумкин. Қолаверса, ана шундай уйғунликлар замирида ҳам янги-янги йўналишлар кашф этилиб борилади. Поп мусиқасига ёзилган матн одатда бир мунча содда, тушунарли бўлган [3.Б.28].

Таъкидаш жоизки, кўшиқ матни қанчалик мукаммал, мусиқа матнига ҳамоҳанг бўлса, ўша ҳамоҳанглик ижрочи томонидан юксакликка эришилса, кўшиқдаги образ очиб берилса, ҳақиқий асар яратилади. Образ яратиш ижрочи учун ҳам энг муҳим жараёнлардан ҳисобланади. Санъаткор кўшиқ образини қанчалик мукаммал очиб берса, унинг санъат асари тингловчилар қалбига тез етиб боради ва унинг кўнглини забт этади. Бу меҳнатлар эса хоҳ шоир, хоҳ бастакор, хоҳ ижрочи бўлсин, уни машхурликка етаклади.

Аслида ўзбек миллий эстрада кўшиқчилигимиз шаклана бошлаган илк жараёнларда ҳам ундан кейинги дамларда ҳам санъаткорларимиз бу омилга тўла амал килишган. Жумладан, Ботир Зокиров, Фарруҳ Зокиров, Насиба Абдуллаева, Кумуш Раззокова, Гуломжон Ёкубов, Юлдуз Усмонова каби санъаткорларимиз бу борада тажрибали ҳисобланишган.

Аксарият эстрада хонандаларининг миллий услуг йўналишини хорижий эстрада хонандалари ижодига эргашиб, тақлидчилик йўли билан миллий қуйларимизни қалдан хис эта олмаётганликлари

бу борада зарур билим ва амалий малакаларга эга эмасликларидан далолатдир.

Миллий оҳанг масаласи ёш авлодни миллий қадриятлар асосида тарбиялашда жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда профессор Абдурауф Фитратнинг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” китобида баён этилган қуйидаги сатрларга мурожаат этмоқчимиз: “Оврупо мусиқа олимларининг ёрдамлари билан куйларимизни нотага олдиришда Оврупо мусиқасининг оҳанг усуллариға эргаштирмайлик. Оврупо оҳанг усулларидан кўз юмуб, куйларимизнинг ўз оҳангиди колишига тиришайлик. Оврупо оҳанг усуллариға эргаштириб олинған куйларнинг этнографий нуқтасидан аҳамиятини йўқотқанимиз каби уларнинг ўзбеклигини ҳам йўқоткан бўлурмиз”[7.Б.52].

Демак, миллий оҳанг муҳим ижтимоий-маънавий омил ҳисобланар экан, миллий оҳанг билан йўғрилган юксак даражадаги мусиқа намуналарини яратишимиш зарур, анъаналаримизни асрар колишимиз даркор, зеро, бу ҳол мустақил Ҷумҳуриятнинг миллий мағкурасини шакллантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, мусиқий эстрада энг катта саҳналарни забт этаётган бир пайтда бунга эътиборли бўлишимиз, ҳар бир эстрада санъаткори катта масъулият билан чикиши, миллий мусиқий анъаналарни ниҳоятда зўр ўзлаштирган, асрлар давомида ривожланиб келаётган мусиқий меросимиз ютуқларини ўзида жамлаган ҳолда ижод килишимиз максадга мувофиқдир.

Бугунги кунда ўзбек эстрада санъатининг кўшиқчилик йўналишида ижод қилаётган хонандаларимиз орасида ўз хонишларida образ яратади. Олар олаётган, кўшиқлар матни, мусиқа ва ижро уйғунлиги билан тингловчиларнинг қалбига кириб бораётган тажрибали санъаткорларимиз талайгина. Уларга Махмуд Намозов, Равшан Комилов, Рустам Соипов, Озодбек Назарбеков, Гулсанам Мамазонтова, Алишер Турдиев, Тоҳир Содиков, Ҳосила Раҳимова, Жаҳонгир Отажонов каби бир канча санъаткорларимизни мисол қилишимиз мумкин.

Ўтган асрнинг 70-йилларида Farbda LPS серияли, тўғрироғи, номланган кассеталар ишлаб чиқилган эди. Яъни маълум давр орасида яратилган энг яхши кўшиқлар айнан шу кассеталарга ёзиб олиниб, энг сара кўшиқлар жамланган альбом сифатида сотувга чиқарилган эди. Бу кассеталар эса “Top of the pops”, яъни “Оммалашган кўшиқлар сараси” дея номланганди. “Top of the pops” даги “pops” сўзи рок мусиқачилари орасида бузуб айтилиши натижасида попса сўзи келиб чиқади. Айни жараёнда Farb эстрадасида бу сўзларни учратиш қийин. Факатгина эстрада кўшиқчилиги кейинроқ ривожланган мамлакатлар хонандалари Farb воз кечган атамаларни ўз мамлакатининг маданий худудига киритишмоқда. Хусусан, бу атама ўзбек эстрада кўшиқчилигига ҳам кенг ишлатилиб келинмоқда [3.Б.30].

Ўзбек эстрадаси кўшиқчилиги жанрларига

эътибор қаратилса, поп йўналиши билан бирга рок йўналишининг ҳам санъатимиз ва маданиятимизга таъсир ўтказиб келаётганлиги кўзга ташланади. Рок – эстрада мусиқамизда Farbdan кириб келган ва кириб келаётган йўналишлар орасида иккинчи ўринда туради, дейиш мумкин. Рок мусиқаси аллақачон Farbdan забт этди, шиддат билан Ўрта Осиё мамлакатлари санъатига ҳам ўз таъсирини ўтказиб улгурди. Farbning энг машхур мусиқий телеканалларидан бири MTV каналидан эфирга узатилаётган мусиқаларнинг аксариятини рок мусиқаси ташкил этади.

Аслида Рок (rok) атамаси инглиз тилидан олинган бўлиб, қимиrlаш, титраш каби маъноларни англатади. Рок 1920-1930 йилларда вужудга келган негрлар рақс жанри бўлиб, *ritm & bluth* ҳамда кейинчалик шаклланган рок-н-ролгийўналишларидан пайдо бўлган. Maxsus ургулардан ташкил топган рокда майший ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мавзулар кўтарилиган.

1989 йили ташкил топган “Болалар” гурухи 1995-1996 йилга қадар асосан поп йўналиши ва кейинчалик рок йўналишида ўз ижодини давом эттириб келмоқда. Ўша йиллари яратилган “Эсингдами сени, қиши кунлари”, “Маликам”, “Ажойиб кун”, “Ватан”, “Алло-алло” каби композициялар бунга мисол бўла олади.

Мусиқанинг ритми рақсбоп бўлиб, матнга ҳамоҳанг яратилган. Мусиқий ижро жараёнида фортепиано, дамли ва зарбли чолғулардан кенг фойдаланилганлиги, Тохир Содиковнинг жозибали оҳангларда ижро йўналишини топа олганлиги қўшиқнинг тез оммалашишига сабаб бўлди. Маълумки, рокда ижод қилиш учун биринчи навбатда йўғон овоз, гитара ва зарбли асбобларнинг моҳир чолғучилари керак бўлади. Кувонарлиси, “Болалар” гуруҳида бундай имкониятлар етарли эди. Шунга қарамай, рок йўналишида ижодини давом эттира бошлаган гурух ҳаракатларини тингловчи тезда ҳазм қилиши қийин бўлди. Тўғрироғи, янги йўналиш тингловчига бир қадар эриш туюлди. Аммо, кейинчалик муҳлислар Тохир Содиков яккахон ижроилигидаги “Болалар” гурухини бу йўналишсиз тасаввур қила олмайдиган бўлиб қолдилар. Ушбу гурух кетма-кет “Унутганим йўқ”, “Ақлдан озган”, “Ойижон” каби композицияларини яратди. Бу қўшикларда ҳам ўзаро йўғунлик, сўз, мусиқа ва ижро маҳорати етарли даражада мавжудлиги туфайли тингловчи қалбидан тез ўрин эгаллади. Қолаверса, Тохир Содиков томонидан айнан рок йўналишида ижро килинган қўшиклар ҳали-ҳамон ўз мавқени йўқотгани йўқ [3.Б.32-33].

2002 йилдан бошлаб ўзбек эстрадасида яна бир рок йўналишида ижро қиладиган, “Тарона” компанияси продюссерлигидаги “Саҳар” гурухи ўз ижодини бошлади. Ушбу гурух томонидан яратилган “Ёмғир”, “Ёлғиз”, “Ўша сизму”, “Ўзга бир ишқ” номли композициялар рок йўналишининг яна бир намунаси бўлди. Одатда, бошқа йўналиш талаблари каби рокда ҳам қўшиқнинг мазмун моҳияти жиддий аҳамият касб этади. Шу билан бирга рокда асосан

бас-гитара, электро гитара, акустик гитаралардан фойдаланилганлиги учун, яккахон ижроининг овози гитаранинг оҳангига мос тушиши талаб этилади. Бу мослик, оҳанг уйғунлиги қўшиқнинг таъсир кучини янада оширишга хизмат қиласди.

Жаҳон эстрадасига эътибор қаратилса, бу йўналишга жуда кўплаб гурухлар мурожаат қилганлигига гувоҳ бўламиз. Айниқса, “Green day”, “Aerosmit”, “Rasmus”, “Linkin park”, “Ramsheet” гурухлари рок мусиқасининг энг оғир услуби ҳисобланган хард-рокда самарали ижод қилиб келишмоқда. Хард-рок (hard-rock) сўзи “қаттиқ”, “оғир” деган маъноларни англатади. Хард-рок бу рок мусиқасининг замонавий йўналишларидан бири бўлиб, ритмнинг тезда ўзгариши, зарбли чолғулар жўрлиги ва гитара оҳангларида вужудга келади.

Мамлакатимизда ҳам рок мусиқасига тез-тез мурожаат қилиб турадиган санъаткорларимиз, гурухларимиз кўпчиликни ташкил этади. Уларга Равшан Собиров, “Уммон”, “Дурдона” каби гурух ва хонандаларни мисол тарикасида кўрсатиш мумкин. Мазкур хонандалар орасида рок йўналишида энг сермаҳсул ижод қилган хонандалардан бири Равшан Собиров ҳисобланади. Унинг “Севар эдим”, “Нега”, “Хайр, мактаб”, “Сен йиглама”, “Аскар” каби ўнлаб қўшиклари айнан рок мусиқаси асосида яратилган. Жумладан, унинг “Севар эдим” номли дастлабки композициясида гитара чолғусидан унумли ва маҳорат билан фойдалана олинган. Ундан ташқари рок мусиқада анъанавий ҳисобланадиган 4/4 ўлчовли форма, шу ритм асосида гитара садосининг жўрлиги ҳамда ижроининг овози у билан бир маромда кетиши каби тизимдан фойдаланилганлиги эътиборга лойик.

Аслида, мантиқан ўйлаб қаралса, рок атамасинининг белгилари ўзбек қўшиқчилигига анча йиллар олдин ҳам маълум даражада сезилиб турганлигини билиш мумкин. Шу маънода рок икки хилда ишлатилган. Яъни, биринчи навбатда ўзбек рақсларида чалинган доира усули номини англатган бўлса, иккинчи жиҳатдан йирик шаклдаги ўзбек халқ куйининг номини ҳам билдирган [3.Б.34].

Бугунги эстрада санъати қўшиқчилигига рокдан ташқари рэп йўналиши ҳам маълум даражада ривожланганлигини кузатишимиш мумкин. Рэп йўналиши одатда ўзгармас ритм асосида қурилади ва қўшиқнинг якунига қадар бир маромда давом этади. Рэп (rap) сўзи инглизчадан таржима қилинганда, “кескин гапириш”, “бақирмок”, “қичқирмок” маъноларини англатади. Замонавий долзарб мавзу баён қилинган матн ҳамда ўзгармас ритм ҳам рэпга хос сифатлар ҳисобланади.

2003 йилда хонанда Самандар Ҳамроқулов “Жайхун” гурухи билан биргаликда “Габаржуба” деб номланган рэп йўналишига оид қўшиғини куйлади. Ушбу қўшиқда мусиқадаги попга яқинлик, рэпнинг қонун-қоидаларидан бир оз чекиниш, рақсбоплик, сўзларда мантиқийлик сезиларди. 2004-2005 йиллари рэп йўналишига кириб келган Шохруҳ рэпер бошқа ижодкорларга нисбатан самарали ижод қиласди. Унинг “Хар кун” номли композицияси

ёш эстрада тингловчиларини ўзига тортди. Ушбу қўшиқда илгари сурилган инсон умри заволи бўлган наркотик моддаларга бўлган нафрат, унинг домига тушган инсон асло кутула олмаслиги ҳақидаги фикрлар барчани бирдай мулоҳазага чорлайди. Аммо унинг ҳам баъзи қўшиқлари ахлоқ доирасидан чиқиб кетади [3.Б.36].

Бугунги кун ўзбек эстрада қўшиқчилигидаги рэп мусикасида поп анъаналари ёки поп мусикасидан фойдаланган ҳолда асарлар ҳам яратилмоқда. Жумладан, хонанда Даврон Эргашевнинг “Золотой” номли композициясида замонавий оҳанглар фойдаланилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ушбу қўшиқ асоси рэп бўлса ҳам, попга оид ритмларнинг ўзгариши ва турли безаклар ишлатилганлигини англаш мумкин.

Ундан ташқари хонанда Лоланинг “Нетайин”, Ёдгор Мирзажоновнинг “Гўзалим”, “Сетора” гурухининг “Йўқ дема”, “Зеро”нинг “Йўқ проблем”, Нилюфарнинг “Шўхидан бўлсин” каби қўшиқлари гарчи поп анъаналарида яратилган бўлса ҳам рэпга оид матнлар ўрин олган.

Поп, қисман рок йўналишида ижод қиласидан ижро чилар сахналардан ташқари турли ҳалқ маросимларида иштирок этсалар, рэп фақат сахнада ижро этилади. Унда мужассам бўлган рэперонағоя замонавий хориж мусика психологиясидан шарқ, хусусан, ўзбек тингловчиси тафаккурига мослаб, табиий тарзда сингдирилмас экан, унинг вактинчалик фаолияти яна ҳам қискаради. Рэп даври ўзбек эстрада қўшиқчилик санъатида мавхум оқим бўлганлиги учун жиддий тингловчилар орасида ўз ўрнини тополмаяпти. Унинг эстетик, кенгроқ қилиб айтадиган бўлсақ, маънавий таъсири миллий мусика ва унинг ҳақиқий дурдоналари билан ҳали танишиб, баҳра олиб улгурмаган ёшлар руҳиятини бадиий жиҳатдан номукаммал, мавхум мазмун билан ҷалғитмаслиги керак. Шарқона эстетик вазифа улар учун ҳам ижод маҳсулни бўлиши лозим.

Бу жиддий муаммо бўлиб “рэп”чилар томонидан бенатижа мантиқсизлик сари қилинаётган жиддий хатолик бўлади. Рэп оқимининг дастлабки шакланиш давридаги омадсиз “изланишлар” айни дамларда ҳам давом этиб келмоқда.

Бундай асарлар ижодкорлари янги топилма қилаётганлар каби, шарқ ва ғарб ижодкорларидан кўчирма қилиши билан бирга шу ижод принципларини ўзлари даражасидаги фикрловчи санъаткорларга ҳам сингдира бошладилар. Чунончи, рэп йўналиши ижодкорлари яратаетган қўшиқлар шоу-бизнес талабларига мослаштирилиб, ҳалқ бадиий тафаккури қобигидан чиқиши оддий ҳолатга айланаб бормоқда. Бу борада айрим таникли эстрада қўшиқчиларининг фикрларида ҳам ноаниқлик мавжуд. Хусусан, “...мақомларни маромига етказиб ижро этадиган санъаткорлар нега уч-тўрт кун концерт бера олмаяпти-ю, кечак чиқсан рэпер уч кун концерт беради? Чипталар етмай қолади. Шоубизнесни тўғри қабул қилиш керак. Қанақа услубда куйлашдан қатъий назар омманинг назарига тушиш осон иш эмас” [5].

Таникли эстрада хонандаси Равшан Комилов томонидан “Даракчи” газетасига билдирилган ушбу фикр бутун вужуди билан миллий эстрада тараққиёти учун хизмат қилиб келаётган санъаткор тафаккурининг ўзгариши, вактинчалик кўнгилхушликни доимий маънавий озуқага тенглаштирилиши.... бу ҳам камлик қилгандек: “...нега энди хорижнинг техникасини олиб келиб, ўзимизда маҳсулот бўлиб чиқарилаётганини фаҳр билан айтишади-ю, санъаткор хориж эстрадасидан фойдаланса, худди гуноҳ иш қилиб кўйгандек қарашади?” [5].

Бу жумлалар замерида нима ётиби? “Хориж эстрадаси”дан фойдаланиш лозим, ҳатто керак. Аммо, унинг қайси оқимлари ёки жиҳатларини олиш – бу миллий менталитетимиз, маънавий талабларимиз асосида кечиши шарт. Таникли хонанданинг “жонсиз” предметни жонли идрок соҳиби-инсон яратадиган маънавий бойлиқдан ажратса олмаслиги, ажабланарли ҳол, албатта.

Ойнаи жаҳонда ажабтовур қиликлар килаётган, пешонасига рўмолини дурра қилиб, қийшиқ ўраб, устидан шапка кийиб олган йигитчага кўзим тушади. Дуррали рэпер дам илондек йўргалар, дам ерга ётиб олар, дам кўзларини лўқ қилиб пирпиратарди. Ҳаракатлари майлику-я, на куйдан, на матндан бирор маъно топа оласан киши. Бу Шоҳруҳ “издошлари” турмушимизда шу қадар кўпайиб кетдики, бошига дуррача ўраб, шапка бостириб олган йигитчалар кўча-кўйни тўлдира бошлади. “Хофиз” йигит эса бошқа клипларда ҳам бош кийимини очиб кўйишни унтуяпти, шекилли. Унга қараб кишининг “Хой, ҳофиз бола, бошгинангни авайламоқчи экансан, ўзбекнинг дўпписини ярақлатиб кийгин”, дегинг келади [4].

Муаллиф келтириб ўтганидек ҳатти-ҳаракатлари куракка сифмас “рэперлар”нинг қўшиқлари мунтазам равишда телерадиолар орқали узатилиб борилмоқда. Бу эса болалар тарбиясига, уларнинг маънавий дунёсига қанчалик салбий таъсири этиши ҳақида баъзан ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Бундай клиплар уларнинг мусика тўғрисидаги тушунчаларини издан чиқариб юбориши ҳам ҳеч гап эмас. Тўғрироғи, ёшларнинг санъат, мусика борасидаги тушунчаларини заҳарлайди. Зоро, болаларнинг назарида клип дегани ярим-яланғоч кийимлар, ўзининг машинаси-ю, данғиллама уйини кўз-кўз қилишдан иборатдек бўлиб қолди гўё.

Ўзбек эстрада қўшиқчилиги санъатига Фардан кириб келган поп, рок, рэп йўналишидан ташқари поп-фольк услуби ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бу услуб етакчиликда бошқаларидан бир қадар олдинроқда туради. Сабаби ўзбек эстрадасида ижод қилаётган хонандаларнинг деярли барчаси бу услугга жуда кўп мурожаат қиласидар. Яна шундай хонандалар борки улар фақат поп-фольк услубида ижод қилишади.

Поп-фольк “Этник” йўналиш таркибига киравчи йирик услуг хисобланиб, ҳар бир мамлакатда ўзига хос ривожланади. Сабаби, поп-фольк ўз номи билан фольклор мусикасининг поп билан

уйғунлашган тизими таркибига киради. Ҳар бир халқ ўз анъаналарига, фольклорига эга бўлиб, бу услуг миллатнинг ана шу жиҳатларини дунёга кўз-кўз қилишга, уларни ҳурмат ва эътиборини қозониш ҳамда шоу бизнес инвестициясини мамлакатга олиб кириши учун хизмат қиласи [З.Б.38].

Ўзбек эстрада қўшиқчилигига кўпгина санъаткорлар миллый мусиқий анъаналардан, яъни, анъанавий фольклор мусиқасидан кенг фойдаланаётганлигини кузатиш мумкин. Бу жараёнлар жуда кўплаб санъаткорлар, жумладан, Юлдуз Усмонова, Равшан Намозов, Махмуд Номозов, Фиёс Бойтоев, Рустам Гоипов, Салоҳиддин Азизбоев, Собиржон Мўминов, Оғабек Собиров, Улуғбек Отажонов, Авазбек Олимов, Равшан Комилов, Зулайхо Бойхонова, Озодбек Назарбеков, Гулсанам Мамазоитова, Севара Назархон, Алишер Турдиев, Ҳосила Раҳимова, Адҳам Солиев, Дилдора Ниёзова, Ўлмас Оллоберганов, Зиёда Қобулова каби бир қатор яккахон хонандалар ҳамда “Ялла”, “Сурхон”, “Томоша” болалар фольклор театр-студияси каби гурухларни бу борада мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Эстрада қўшиқчилигимизда поп-фольк услубидан ташқари яна шундай йўналиш борки, у бир маълум вақтларда дунё мусиқаси индустрясининг асосий қисми яъни жаз йўналиши ҳисобланиб келинган. Жаз АҚШнинг жанубида яшовчи кора танли миллатга мансуб кишилар истиқомат қилувчи ерларда вужудга келган эди. У Фарбий Африка ва Европа мусиқа анъаналари синтезидан ташкил топган бўлиб, жаз бошқа йўналишлардан бадиҳавийлиги билан ажralиб туради. Ушбу мусиқада асосий етакчи соз сифатида саксофон мухим ўрин эгаллайди. Жаз-банд, яъни, жаз оркестрида саксофон тўрт ёки олтитани ташкил этади. Ундан ташқари, оркестр сафида икки-тўртта труба, икки-учта тромбон, контрабас ёки труба, банжо, говай гитараси, бир неча скрипка, фортелияно ва турли зарбли чолгулардан фойдаланилади. Жаз номи – шундай оркестрни биринчи маротаба Америкада ташкил қилган ва унинг раҳбари бўлган негр Джазбо Броун номига кўйилганлиги ҳақида турли тахминлар мавжуд.

Жаз мамлакатимизда ўзига хос тарихга эгадир. 50 йилларда машхур жазмен Глен Миллернинг Тошкентдаги концертини кекса авлод вакиллари яхши эслашади. Аммо жазнинг энг оммабоп бўлган даври 60-70 йилларга тўғри келади. Жаз фақат пойтахтда эмас, балки, республиканизнинг барча вилоятларида ҳам кенг тарқалиб боради.

Жаз мусиқасининг кириб келиши ҳам, бир томондан замон талаби ва эстетик эҳтиёжга жавоб бўлса, иккинчи томондан жаз услубидаги серқочиримлик, ритм “инжиқ”лиги ўзбек мусиқасига хос сифатлардан бири бўлгани учун эстрада хонандалари буни тез илғаб олдилар.

Эътироф этиш керакки, ҳозир мусиқа ва сўз илоҳийлигини тушунувчи хонандаларимиз орасида Севара Назархоннинг ижоди алоҳида аҳамият касб этади. У айни пайтда этно-жаз йўналиши бўйича катта муваффақиятларга эришмоқда. Бу

каби хонандаларимизнинг ижодига янада кўпроқ эътибор беришимиз лозим. Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда ўзбек эстрада санъатини жаҳонга танитаётган ёшларимиз ҳам йўқ эмас. Ўзбекистон Давлат консерваториясида эстрада чолғу ижрочилиги ва эстрада хонандалиги йўналиши бўйича ёш истеъодларнинг билим ва маҳоратини шакллантиришда тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Натижада, Диана Зиятдинова, Севара Назархон, Хуршид Иноғомов каби ўзбек эстрада санъатини жаҳонга танитаётганлар қаторига кўплаб истеъод эгалари қўшилмоқда [З.Б.41-42].

Кейинги йилларда эстрада қўшиқчилиги санъатида янги йўналиш, баҳшичиликни эстрада санъати билан уйғунлаштирган ҳолда куйлаш одатга кираётганлигини кўрамиз. Бу эса халқимизга манзур бўлди, чунки халқ маънавий мулкидан четда қолаётган баҳшичилик янгича жанр ва янгича талқинда дунё юзини кўрмоқда. Тўғри, бу йўналишни эстрада билан уйғунлаштириш бир мунча қийин иш, лекин бу изланиш ва меҳнат тингловчи ва томошабинлар ҳукмига ҳавола этилмоқда. Даастлаб сурхондарёлик Норали Алланазаров “Ўзбекистон–Ватаним маним” қўшиқ байрамида халқ анъаналари ва меросини, ракс ҳамда баҳшичилик санъатини уйғунлаштирган янги эстрада қўшиғи билан сахнага чиқди. “Мадҳингни куйга солайин” қўшиғи нафакат иштирокчиларга, ҳакамлар хайъатига, балки кенг оммага манзур бўлди. Бундай чиқишилар ҳамда миллый анъаналарни уйғунлаштиришлар “Ялла” гурухи, ҳамда яккахон хонандалар Махмуд Номозов, Равшан Намозов, Ҳосила Раҳимова каби юксак истеъод эгалари билан бирга эстрада қўшиқчилигига эндиғина кириб келаётган кўпгина ёшлар ижодида ҳам намоён бўлиб бормоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов ҳам айни кунларда кўпроқ анъанавий йўналишда, халқона руҳда ёзилган шеърларни қўшиқ қилиб айтиётганлиги қувонарлидир. Унинг “Оқ тулпор” (М. Юсуф), “Ўланчи йигит” (Б. Истроил), “Санамжон” “Ой қиз” (Т. Сулаймон), “Кумушбиби” (С. Ҳаким) каби қўшиқлари юқоридаги сўзларимиз исботидир.

Тошпўлат Маткаримовнинг баҳшиларни кишини ўхшаш ноласи, қўшиқларининг мароми кишини хаёлот оламига чорлайди. Хонанданинг маҳорати шеърдаги фикр, хис-туйғу ва образларни теран хис қилганлигидадир, матн (шеър) билан мусиқа ўртасидаги уйғунликни топиб, сўздаги сеҳр, шеърдаги ҳикматни мусиқа жўрлигига қойиллатиб айтиётган ўзига хос ижросида яққол кўринади [З.Б.42].

Таниқли мусиқий эстрада қўшиқчиларимиз ижросидаги кўп асарларда жаҳонда таниқли қўшиқларга ўхшаш, эргашган ёки тақлид қилинганлигини гувоҳи бўламиз. Фикримизча, миллый мусиқий эстрада услубини яратиш учун биринчи навбатда миллый мусиқий меросни ҳам амалий, ҳам илмий ўрганиш шартдир. Иккинчидан, жаҳон миқёсида эстрада мусиқасига эргашган натижаларни миллый услуг нуқтаи назаридан ҳазм

қила олиш, унинг ютуқларини миллий мусиқага бўйсундира олган ҳолдагина натижага эришилади. Мазкур жараённи аникроқ тасаввур этиш учун мувозий қиёс келтириш мақсадга мувофиқ кўринади [6.Б.50]. Масалан, мақомларимизда Ироқ, Исфахон, Ҳижоз, Рок каби мақом пардалари мавжуддир [8.Б.248].

Лекин бу пардалар Ироқдан келиб чиқсан деб тушуниш керак эмас. Улар бошқа Шарқ мамлакатларида машҳур пардалар бўлган. Лекин мусикий меросимизда бошқа мамлакатлар номи билан мавжуд бўлган мақомлар оҳангидга ўзимизга хос куйдек янграмоқда. Нима учун бундай ҳол кузатилади? Буюк устозларимизнинг салоҳияти шундаки, ўша бошқа ҳалқлар мусиқасини миллий услуг нуқтаи назаридан қайта ишлаб, миллий мусикамизга бўйсундирib юборишган. Бундай мисоллар мусикада жуда кўп. Масалан, Фузулий ғазалига “Кўрбон ўлам”, “Жазоир”, ҳатто “Андижон полькаси”ни ҳам бизнинг санъаткорларимиз миллий руҳда садолантира олганлар [6.Б.50].

Зоро, мусика шундай кучга эгаки, инсоннинг бадиий дидини шакллантириб, маънавиятини юксалтиради, бу каби асарларни тинглаган инсон ўзининг шахсий кечинмалари аксини ҳамда руҳини қондира оладиган фазилатларни топади. Бундай улкан ижод маҳсуллари ҳозирда ҳам қимматли бўлиб, мусикий меросимиз мулкида ўз ўрнига эгадир.

Ўтган асрда пайдо бўлиб, ривожланиб, тараққий этган эстрада жанрлари ижтимоий-маънавий ҳаётимизга шу қадар кириб борганки, бунинг инъикосида эстрада санъати миллий эстрада санъатига айланди.

Шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистон маънавий маданиятини миллий, анъанавий ҳамда эстрада кўшиқчилиги санъати мисолида ўрганиш муҳим муаммолардан биридир.

Юқорида билдирилган айрим фикр ва мулоҳазаларнинг ўзи ҳам маданият ва санъат, хусусан, эстрада санъати орқали тингловчиларга эстетик завқ ва маънавий билим бериш юзасидан қўйидагиларни амалга оширишни тавсия этамиз:

– эстрада санъатини ривожлантириш кўпроқ репертуар муаммосини ҳал этилишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам мавжуд Бадиий кенгашларда репертуарнинг бадиий савиясига бўлган эътиборни янада такомиллаштириш;

– Ўзбекистонда миллий эстрада санъатини ривожлантириш учун турли худудларда ижод килаётган иқтидорларни, ҳаваскор-санъаткорларни излаб топиш ва уларни кўллаб-куватлаш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириб, ишларини такомиллаштириш;

– эстрада санъатини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини сифат босқичига кўтариш, бу жараёнда хорижий тажрибаларни янада татбиқ этиш;

– миллий эстрада санъати тарихи ва назариясини татқиқ этиш ишларини такомиллаштириш.

Ҳозирги эстрада санъатимизни янада ривожлантириш, унинг жамият ҳаётидаги, баркамол авлод тарбиясидаги, кишилар маънавий бойлигини оширишдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш учун энг аввало, эстрада хонандалари ўзларининг касбий масъулиятларини унутмасликлари зарур.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириши – ҳалқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маъруzasи. Халқ сўзи. 2017 йил 4 авг.
3. Сирожиддинова Д.Ю. Эстрада санъатида сўз, мусика ва ижро уйғунлиги. – Тошкент: ЎзДСМИ, 2014. – 101 б.
4. Ҳайитова Л. Клипми ёки қилиқми? Ўзбекистон адабиёти ва санъати 2008 йил, 14 октя.
5. Шоу-бизнесдаги ёшлар. Даракчи, 2007 йили, 6 июль.
6. Муллажонов Д. Ўзбек миллий эстрадасида оҳанг масалалари. – Тошкент, San'at, 2018 й., 46, 59 бетлар.
7. Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Тошкент, “Фан” 1993 й., 52 б.
8. Ражабов И. Макомлар. – Тошкент, San'at, 2006.259 бет.
9. Deanna Mc Broom. Empowering Musicians: Teaching, Performing, Living Why Should I Care About Vocal Health? // Professional Resources Journal. october/ november 2017. Pp. 32-35.

Шоҳида ГАФУРОВА,
ЎзДК “Мусиқий овоз режиссёрги ва
информатика” кафедраси мудири,
техника фанлари номзоди доцент

ОВОЗНИ ДИНАМИК ҚАЙТА ИШЛАШ (компрессия муаммолари масаласи кесимида)

Аннотация. Мақолада динамик қайта ишига мансуб бўлган компрессиянинг моҳиятини очиб беришга эътибор берилди. Ҳозирги вақтда компьютер технологияларининг имкониятлари ошиб бораётганилиги сабабли овоз ёзуви соҳасида овоз сифатига талаб ошиб бормоқда. Мақолада динамик диапазонни ўзгартирувчи товуш компрессиясининг турли параметрлари кўриб чиқилди, шу билан бирга овоз режиссёrlар ижодий фаолиятида компрессиянинг қўлланилиши хусусида тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: электрон мусиқа, компьютер мусиқаси, овоз режиссёрги, компрессия, товуш, динамика, аудио, овозни динамик қайта ишига

Шоҳида ГАФУРОВА,
Кандидат технических наук, доцент кафедры
«Музыкальная звукорежиссура и информатика» КРУз

ДИНАМИЧЕСКАЯ ОБРАБОТКА ЗВУКА (в аспекте проблемы компрессии)

Аннотация. В статье раскрыта сущность такого аспекта динамической обработки записанного звука, как компрессия. В настоящее время в связи с ростом технических и компьютерных возможностей в сфере звукозаписи возрастает требование к качеству записи, особенно это касается электронной музыки. В статье рассматриваются различные параметры компрессии звука для изменения динамического диапазона, а также даются практические рекомендации применения компрессии в творчестве звукорежиссера

Ключевые слова: электронная музыка, компьютерная музыка, звукорежиссура, компрессия, звук, динамика, аудио, динамическая обработка звука.

Shokhida GAFUROVA,
Head of the chair “Directing of Musical Sound and Information”
PhD, dozent, Uzbekistan State Conservatory


DYNAMIC SOUND PROCESSING (in terms of compression issues)

Abstract. The article aims to reveal the fundamentals of such an aspect of dynamic processing of recorded sound as compression. Currently, the requirement for the sound recording has been increasing due to the growth of technical and computer capabilities in the field of sound recording, particularly it concerns to electronic music. The article discusses various sound compression parameters that affect the change of the dynamic range, as well as gives practical recommendations for the use of compression in the work of the sound director.

Keywords: electronic music, computer music, sound engineering, compression, sound, dynamics, audio, work with sound.

Товуш йўлакчасидаги қаттиқликнинг бош абсолют кўрсаткичи – бу чўққилар. Ҳар қандай мухаррирдаги файлни очаётib, сиз қаттиқ жойларда юкорига сакрайдиган тўлқинлар чизмасини кўрасиз. Айнан шу “сакрашлар” чўққи ёки чўқки амплитудаси деб аталади (*Peak Amplitude*).

Эслатиш жоизки, товуш – математик эмас, физик миқдор бўлиб, унинг қаттиқлик қиймати салбий бўлиши мумкин эмас. Унга кўра, X ўқини тасвирловчи горизонтал чизик, ундан пастроқдаги тўлқин салбий қаттиқликка эга эканлигини билдирамайди. Қаттиқлик жиҳатдан энг паст товуш ишчи дарчанинг энг кўйи нуктасида эмас, балки X ўқи даражасида жойлашади. Юқори ёки пастки томон бўлган ҳар қандай оғишина байзи бир носалбий қаттиқлик бўлади. Пастга сакраш ҳам худди ўша амплитудага, юкорига сакраш каби шундай сезиларли бўлади.



1-Расм. Товуш тўлқини ва қаттиқлик

Шартли равишда, рақамли мухитда максимал қаттиқлик 0 децибелдан (дБ) юкори бўлиши мумкин эмас, қаттиқлик саноғи эса максимумдан пастга


томон олиб борилади: -2 дБ -4 дБдан қаттиқроқ.

0 дБ қийматини “минус чексизлик”, дея аташ мүмкин бўлган X ўқи билан адаштирманг. 0 дБ – бу тўлқиннинг икки томони – юкори ва пастдан келувчи, аудиомухаррирдан топиш мумкин бўлган чекланган чизиклардир (1-Расмга каранг). [1.Б.56] Шу даражадан четга чиқиш клипларга олиб келади, яъни сигнал бузилишига олиб келади. Клипларни икки усул билан юзага келтириш мумкин – ёзиш пайтидаги хатолар (микрофон ёки чолғунинг ҳаддан ташқари тезлаштирилган сезувчанилиги) ёки ёзилган парчаларни қайта ишлаш пайтидаги хатолар туфайли.

Овоз режиссураси соҳасининг ilk босқичларида қаттиқликни оширишнинг одатий методлари – бу сезувчанликни кўтариш (Gain) ёки меъёр (Normalize). Бу икки усул моҳиятнан битта нарса, факат биринчиси қаттиқликни берилган қийматга ўзгартириш, иккинчиси эса берилган даражага олиб келиш имконини беради.

Масалан, агар трекдаги максимал чўққи -3 дБда жойлашган бўлса, у ҳолда бутун йўлак сезувчанилигини 3 дБга ошириш мумкин ёки 0 дБгача нормаллаштириш мумкин, ҳар икки вазиятда ҳам битта нарса юз беради – товуш 3 дБга қаттиқроқ, чўққи эса 0 қийматидаги бўллади.

Аммо бу ерда ҳам эътиборли бўлиш керак. Агар бошланғич сигналнинг чўққи қиймати -3 дБ бўлса, сиз сезувчанликни 4 дБга оширишга уриниб кўринг, натижада, чўққи қаттиқлиги 0 дБдан ошиб, клипга олиб келади. Йўқ, графикда +1 дБ қиймати пайдо бўлмайди, сиз факат 0 дБ даражага teng тўлқиннинг кесилган учини кўрасиз, садолантирилганда эса дарз кетган товушни эшитасиз. Қаттиқликни оширишнинг янада табиийроқ усули – 0 дБгача нормаллаштириш бўлиб, у максимал даражани автоматик тарзда ҳисоблайди ва клипларни бартараф этади.



2-Расм. Чўққи ва клип

Ундаи бўлса, сезувчанликни ўзгартириш функциясининг нима кераги бор? Биринчидан, унинг ёрдамида қаттиқликни нафакат ошириш, балки камайтириш ҳам мумкин. Иккинчидан, тажрибали

овоз режиссёри кейинчалик қайта ишлаш учун децибеллардаги зарур захирани ҳисобга олган ҳолда, сезувчанлик манипуляциясидан қўл режимидаги йўлакнинг жаранг қаттиқлигини текислаш учун фойдаланади. [1.Б.59]

Масалан, шундай вазият юзага келадики, бочка, бас-гитара ёки овоз динамик жиҳатдан нотекис бўлади, компрессордан фойдаланиш эса мақсадга мувофиқ эмас. Шунда пасаяётган участкаларни эҳтиёткорлик билан кўтариб, ўта қаттиқларини бироз пасайтириш мумкин. Бундай процедура йўлакка компрессия билан ишлов беришдан кўра, товушга камроқ зарар беради, аммо у тажриба талаб этади.

Аммо, меъёрлаштириш (нормализация) ёки гейн орқали чўққи қийматларни тартибга солиш, ҳеч қачон қўшиқ қаттиқлигини оширишда сезиларли эфект бермайди. Композиция қаттиқроқ янграши учун унинг динамик диапазонини камайтириш билан боғлик бир мунча теран амаллар зарур. [1.Б.141]

Асар қисмларининг товуш қаттиқлиги ва бир пайтда янгровчи чолғулар қаттиқлиги динамик диапазон деб аталади. Динамик диапазонга таъсир қилиш учун продюсер ва мусиқачилар фойдаланадиган асосий асбоблардан бири – бу компрессор.

Компрессор барчага маълум бўлган воқелик – товуш қаттиқлиги билан ишлашига қарамай, аксарият ҳолларда ундан фойдаланиш кўр-кўронга, мазмун-моҳиятни тушунмасдан амалга оширилади. Компрессорнинг умумий ишлаш принципи ва ҳар бир ручканинг вазифасини билиш мумкин, аммо бу илк тажрибадаёқ хатолардан халос этмайди.

Компрессор, динамик диапазонни сиқиши воситаси сифатида акапелла жаранги қаттиқлигини бир даражага келтирган ҳолда, гўёки мўътадиллаштиради. Бу даражада эса компрессор остонаси (threshold) бўлиб, овоз режиссёри уни аниқ танлаши керак. Агар остона кўлами жуда кўп бўлса, у ҳолда, вокал умуман компрессланмайди, агар у жуда чуқур бўлса, аксинча, қаттиқ қисилиб, сигналда юкламанинг ортиш эфектларини келтириб чиқаради.

Агар композициядаги турли қисмлар ўзаро фарқли даражалар билан куйланган ёки ўқилган бўлса ва бу қўшиқнинг умумий мусиқий композициясига кирса, у ҳолда, барча жаранги паст ва жаранги қаттиқ қисмларни алоҳида йўлакларга ажратиб, уларга мос равишда, ўзининг остона даражалари ва эҳтимол, турфа созланишлари билан кўлланилувчи турли хил компрессорлар орқали ишлов бериш лозим.



3-Расм. Ишилётган Waves C1 компрессори Cubase дастурида

Вокал компрессига нисбатан бирмунча кенг тарқалган ёндашувлар мавжуд:

- “табиий” компрессия
- кучли ва сезиларли компрессия

Табиий компрессия давомида вокал партияси ўз характеристини сақлаб қолади. Бу вазиятда компрессор иши деярли сезилмайды ва унинг бош мақсади – чўққиларни силликлиш бўлиб қолади. Агар хонанда овозини имкон қадар “жонли” ва енгил қилиш вазифаси кўйилган бўлса, у ҳолда, компрессорда жуда тезкор атака ва жуда тезкор релиздан фойдаланилади, бу аснода остона кўлами жуда қаттиқ бўлади. Агар бу кўлам ҳаддан зиёд пасайтириб юборилган бўлса, у ҳолда, овоз борган сари кисилиб, унда димог товуши юзага келади.

Кучли ва сезиларли компрессия партия характеристини ўзгартириш учун хизмат қиласи. Масалан, агар вокал ёки нутқ ишончсиз, суст бўлса, у ҳолда, ўргача атака, ўта теран остона ва компрессорнинг сикиш даражаси ёрдамида уларни бирмунча ургулланган, экспрессив кўринишга келтириш мумкин. Агар ускуна атакаси ва релизини ҳаддан зиёд катта қилиб, остонани етарлича пасайтирилса, у ҳолда, сўзлар ургуларининг жойини тасодифан ўзгартириб кўйиш мумкин.

Шундай ҳолатлар хам бўладики, битта вокал йўлагида иккита компрессор кўлланилади: биринчиси – ургуларни ажратиб кўрсатиш учун иккинчиси – партияни умумий тўғирлаш учун, ва аксинча (изчил компрессия).

Динамик ишланмалар ускуналари билан юз бериши мумкин бўлган манипуляциялар овоз режиссёри ижод килиши учун кенг майдон бўлади. Динамик ускуналар, айниқса, компрессор иши жуда нозик бўлиб, у тажрибасиз одамга эшитилмаслиги хам мумкин. Шу боис, компрессияга, қолаверса, қайта ишлашнинг бошқа турларига ёндашувда овоз режиссёрининг асосий шиори – зарар етказмаслик бўлади. [2.Б.633]

Компрессор нега керак?


Компрессорнинг асосий вазифаси – сигнал даражасининг автоматик тарзда ўзгариши. Унинг иши тахминан бундай: сиз қўлингизни доимо товуш қаттиқлиги фейдерида, гоҳ кўтариб, гоҳ тушириб ушлаб турасиз. Фарқ шундаки, инсонга нисбатан компрессор ўзгаришларга бирмунча тезроқ ва аникрок реакция бериши мумкин.

Шу лаҳзагача компрессор деганда динамик асбоб-ускуналарнинг бутун синфи тушунилган эди. Одатий компрессор ишлайдиган ўша принципларда турли вазифалар учун мўлжалланган ҳар хил асбоблар хам ишлайди: булар лимитерлар, экспандерлар, гейтлар ва х.к. Уларни алоҳида товушлар ёки умуман микс қаттиқлиги билан ишлаш ўзаро бирлаштиради.

Классик компрессор ўз номи билан зиддиятни юзага келтиради. У товушни қаттиқроқ қилишини хамма билади. Аммо шундай бўлса-да, унинг номи компресс, яъни “сиқиши” маъносини англатади, агар ҳар қандай овоз режиссёридан компрессор нима қилишини сўрасангиз, “сигнални босади” деган жавобни эшитасиз. Компрессор динамик сачрамалар амплитудасини камайтириб, уларни пастроқ қиласи. Шундай экан, компрессорнинг асосий иши нимадан иборат – товушни қаттиқроқ қилиши мумкин.

Жавоби – унисини хам, бунисини хам бир вақтда амалга оширади.

Буни вокални ёзиш мисолида кўриб чиқамиз. Кўпинча куйлаш жараённида қаттиқлиги турлича бўлган бўғинлар ёки товушлар янграйди. Агар хонанда ўз ижроси динамикасини яхши назорат килмаса, бундай ҳолат овоз режиссёrlарига муаммо туғдиради ва ишнинг якуний натижасига салбий таъсир кўрсатади. Секин эшитилувчи бўғинлар микса йўқолиб, матнни яхши англаб бўлмай қолади, агар товуш қаттиқлик жиҳатидан паст баландлигини секин участка бўйлаб созланса, у ҳолда овоз бошқа жойларда “сарсон” бўлишни бошлайди.



4-Расм. Катта чўққили асос (а), компрессланган сигнал (б), бутун файл қаттиклиги даражасини кўтариши (в).

Бу ерда компрессор ёрдамга келади. У отилиб чиқсан қаттиқ товушларни секин бўлаклар билан текислаш имконини беради. Энди йўлак қаттиклигини баъзи бўғинларнинг бўртиб чиқишидан кўркмаедан кўтариш мумкин. Шундай қилиб, компрессор товушни бир пайтнинг ўзида ҳам қаттиқроқ, ҳам пастроқ қилиши мумкин. Учта тасвирда товуш билан ишлаш босқичлари кўрсатилган: катта чўққили асос (а), компрессланган сигнал (б) ва бутун файл қаттиклиги даражасини кўтариши (в).

Компрессияни рақамли манбаларга мусиқа ёзиша, 0 дБда максимал даражани ушлаб туришга мажбур бўлганимизда кўллашайнича муҳим, сабаби бу остонаядан ошиш клип ва бузилишларга олиб келади. Клиплар пайдо бўлганида олдкучайтиргич даражасини пасайтирамиз, демак, нафакат бўртиб чиқсан, балки паст товушли участкалар қаттиклигини ҳам камайтирамиз, бу эса сигналнинг таназулга юз тутишига олиб келади.

Олдкучайтиргич ва ёзувнинг рақамли тизими ўртасида жойлашган компрессор факат бўртиб чиқсан энг қаттиқ товушларда ишга тушиб, уларнинг қаттиклигини камайтиради ва йўлакнинг равон жарангини таъминлади. Унинг шарофати билан биз ёзига олинаётган сигналнинг умумий қаттиклигини камайтираслик имконига эга бўламиз ва товуш сифатини сақлаб қоламиз.

Таассуфки, кўплаб замонавий мусиқачилар компрессорнинг техник хусусиятларини батафсил англамай уни ҳамма жойда кўллайдилар, уларнинг фикрича, компрессор ёрдамида ҳар қандай товушни миксада “чиқариш” мумкин. Айтиш жоизки, компрессорлар кўпинча экстремал режимлар трактига ҳам киритилади. Тажрибали овоз режиссерлари эса улардан реал зарурият пайдо бўлгандагина фойдаланадилар.

Компрессор ёзиш пайтида юзага келадиган муаммолардан қочишида ёрдам беради. Кўпинча муаммоларнинг сабаби куйидагилар бўлиши мумкин:

- Ижрочининг профессионал эмаслиги (динамик нотекислик).

• Ёмон танланган тракт (ёмон, номутаносиб ёки тўғри келмайдиган микрофонлар, преамплар).

- Рақамли муҳит камчиликлари (0 дБча чеклов).
- Хонанда учун ноқулай шароит (кичкина, ҳавоси оғир бино, ёмон мониторинг).

- Паст савияли овоз ёзиш муҳандиси. [З.Б.181]

Агар ижрочи яхши овоз сохиби бўлиб, микрофон билан куйлашни билса, овоз ёзиш муҳандиси эса ўз ишининг устаси сифатида микрофонларни тўғри жойлаштириб, ускуналарни созласа, у ҳолда компрессорга умуман ҳожат қолмайди. Аммо бу мукаммал вазият. Шу боис, компрессорлардан фойдаланишни билиш керак, ундан-да яхшиси – компрессордан фойдаланмасликни билишдир.

Компрессия технологиясини ўзлаштирган ҳолда, шуни ёдда тутингки, энг яхши товуш – бу компрессор талаб килинмайдиган товушдир. Кейинги компрессия кўпроқ, эквалайзер каби камчиликларни бартараф этиш учун кўлланилади. Агар муаммоли вазиятларга йул кўйилмаса, бартараф этадиган нарсанинг ўзи қолмайди.

Компрессия параметрлари

Компресорларнинг автоматик ва қўл билан ишловчи режимлари мавжуд. Автоматик компрессорларнинг афзаллиги шундаки, сиз ручкаларнинг тушунарсиз номларини билишга мажбур бўлмайсиз. Аммо автоматлар одатда, факат қандайдир аниқ вазифалар учун тўғри келади, бошқа вазиятларда улар ўзини яхши намёён қила олмайди. Шу сабаб, барча жараёнларни назорат остида ушлаш учун компрессор билан ишлаш принципларини эгаллаш мақсадга мувофиқдир. Биринчи қадам – қўл компрессори параметрларини ўрганиш. Дарвоқе, баъзи асбоб-ускуналар автоматик (Auto) ва қўл (Manual) компрессияларининг режимлари ўртасида унисидан бунисига ўтиши мумкин.

Компрессия параметрларининг тўлиқ рўйхати куйидагиларни ўз ичига олади:

Input Gain (кирувчи сезувчанлик).

Threshold (ишга тушиш остонаси) децибелларда ўлчанади.

Ratio (сикиш коэффициенти).

Knee (“тизза”, ишга тушиш пайтида тўлқинларни ўзгартириш усули).

Attack (атака, ишга тушиш тезлиги) микро ва миллисекундлар билан ўлчанади.

Release (тушиш, компрессиянинг сўниш давомийлиги) микро ва миллисекундлар билан ўлчанади.

Output Gain (чикувчи сезувчанлик).

Input Gain

Input Gain – кирувчи сезувчанлик бўлиб, кирувчи сигнал даражасини бошқаради. Агар бу параметр бошқарилмаса, у ҳолда, занжирдаги аввалги курилманинг чикувчи қаттиклигини ўзгартириб,

кириш босқичи даражасини корректлаш мумкин.

Threshold

Threshold – ишга тушиш остонаси. Сигнал етарлича қаттык бўлгандагина (берилган остонаяга етганда) компрессия ишга тушади. Сигнал Threshold дан пастга тушиши билан – у ўчади.

Дастлабки иккита параметр бир-бири билан бевосита боғланган. Биз кирувчи сигнал даражасини пасайтирган ҳолда, унинг ишга тушиш остонаси билан ўзаро муносабатини ўзgartирамиз. Остона туфайли бўртиб чиқувчи товушлар сони камроқ бўлади. Шунингдек, Threshold ни кўтариб, шундай эффектга эришиш мумкин. [6.Б.153]

Товуш қаттиклиги 0 дБдан пастга қараб саналади, шунинг учун Threshold ручкаси салбий аҳамиятга эга, яъни – 27 дБга қараганда – 30 дБ остонаси тўлқинларнинг катта микдордаги участкалари учун компрессияни таъминлайди. Компрессор -30 дБ қийматида кўпроқ ишлайди, сабаби, унинг ишчи диапазонига кўпроқ чўқкилар тушади.

Threshold параметри децибелларда қанчалик паст бўлса, шунчалик кўп сигнал чўқкилари ишга жалб этилади ва компрессор томонидан қайта ишланади.

Амалиётда Threshold қиймати аксарият ҳолларда 15 ва -30 дБ орасида вариацияланади.

Ratio – сикиш коэффициенти. У қанчалик юқори бўлса, компрессор ишга тушиш остонасидан ошуви сигнallни кучлироқ босади. Бу параметр бўлиш белгиси билан ифодаланади ва сикиш қайси пропорцияда юз берганини кўрсатади. Масалан, Ratio 2:1 давомида компрессор остонаядан ошуви сигнallнинг бир қисмини икки марта сикади.

Attack

Attack – атака, ҳар қандай айланиб ўтувчи унсурлардан бири. Бу компрессорни ишга тушириш тезлиги, яъни бу вакт бўлиб, унинг давомида компрессия сикишнинг керакли даражасига эришади. *Атака вақти қанча кам бўлса, бўртиб чиқкан қаттиқ товушларни бостириши шунча тез рўй беради.*

Шуни тушуниш муҳимки, сиз атака (вакт)ни кўшаётиб, уни секинлаштириб юборасиз. Бирок, айрим компрессорлар тескари тамойил бўйича қурилган. Атака регулятори вақтни эмас, вақтга муносабатни кўрсатади: атака қанча кўп бўлса, ҳаракат шунча тезроқ бўлади. Яхшиси, тафсилотлар билан танланган модел инструкциясига мурожаат этган маъқул.

Савол тугилиши мумкин – атаканинг нима кераги бор, нима учун сигнални дархол компрессорлаш мумкин эмас. Моҳир қўлларда компрессор – бу нафакат ёзувнинг динамик диапазонини камайтирувчи асбоб балки мусикий чолғу ҳамдир. [4.Б.48] Унинг имкониятларидан ўринли фойдаланиб, қизиқарли натижаларни қўлга киритиш мумкин. Баъзан айрим товушларга жарангдорлик бахш этиш учун

дастлабки лаҳзада жарангга тегмай, уларнинг факат асосий танасини сикиш керак. Компрессорни ишга тушириш вақтини ошириш унинг ҳаракатини секинлаштиради ва у сигнал атакасини унинг бошланғич кўринишида “ўтказиб юборади”. Товуш кескинроқ тус олиб, “шиқиллок”ка айланади. Бу жарангдорликка “пахтали” перкуссия бахш этишда фойдали. Баъзан бундай усул ёрдамида бочка ёки кичик барабан жарангини сезиларли равища ўзгартиришга эришилади.

Атакани ҳаддан ташқари кўп ишлатманг. Компрессияга тегизилмаган кўплаб сигналларни ўтказиб юбориб, сиз уни фойдасиз ва ҳатто зарарли қилиб қўясиз. Қаттиқ бўртма товушлар сигнал даражасини оширишга имкон бермай мискса сукилиб киради. [5.Б.270]

Натижани тингланг, компрессор ва пульт индикациясини кузатинг ҳамда бошланғич товуш билан таққослаш учун баъзан Bypassni босинг.

Release

Release – компрессиянинг тушиши. Компрессор ўз ҳаракатини муайян образда бошлиши ва тугатиши керак, унинг бу ҳаракати тушиш дейилади. Тушиш вақти қанча кўп бўлса, компрессия сигналнинг Threshold дан пастроқ даражага тушганидан сўнг шунча узоқ ушлаб турилади.

Эътиборли бўлинг, тушиш қиймати ҳаддан ташқари катта бўлганда, кейинги “чайқалиш” бошлангунга қадар компрессор ўзининг бошланғич ҳолатига қайтишга улгурмаслиги мумкин. Айниқса, бочкани компрессиялашда эҳтиёт бўлиш керак, ўта қисқа релиз товушда тиркиш пайдо қилиши мумкин. [7.Б.234]


Release параметри сигнал тўлқинининг узунлиги билан, яъни унинг частотаси билан тўғридан-тўғри боғланган: частота қанчалик паст бўлса, компрессия вақтида хатолардан қочиш учун Release параметри шунчалик каттароқ бўлиши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Auto режимида компрессор Release нинг оптималь қиймати танловини ўз зиммасига олади. Аммо, назарда тутиш керакки, Release параметрининг кичик қиймати орқали эришиладиган бу қиймат 100 миллисекунддан кўпроқ бўлади, яъни, агар қаттиқ, пишиқ товуш олишни истасангиз, Auto қийматини қўлламасликка ҳаракат қилинг.

Output Gain

Output Gain – чиқувчи сезувчанлик, одатда, у оддий қилиб Gain дейилади. Агар ишга тушиш остонаси ва сикиш даражаси тўғри созланган бўлса, демак сизда товуш қаттиклик захираси пайдо бўлибди. Юклама ва клипларнинг пайдо бўлишига йўл кўймаган ҳолда, чиқувчи сезувчанликни керакли даражагача қўшинг.

Айрим компрессорларда биз равон ёхуд дискрет Peak/RMS бошқаргични кўришимиз мумкин:



5-Расм. Peak/RMS бошқаргичлар

Peak вазиятида компрессор сигнал чўққисига реакция беради – бу классик вазият. RMS эса товуш қаттиклигининг ўрта квадратли қиймати, яъни бунда детектор бутун сигнални маҳсус математик формула бўйича таҳлил қиласди, натижада, компрессор ниҳоятда мусиқий бўлиб, сездирмасдан ишлади. RMS режим сезилмас компрессор учун яратилган, Peak – режим нисбатан кўпроқ эшитилади ва кўпинча компрессия давомида жарангнинг маҳсус эфектига эга бўлиш учун кўлланилади.[8.Б.427]

Компрессорлар билан ишлаш учун тавсиялар

Компрессорсиз ва компрессорли сигналларни ўзаро таққослаб, сиз компрессланган сигналнинг чўққилар даражаси индикаторларида ҳам ўша қийматларда бўлишига қарамай, сезиларли даражада қаттикроқ эканини эшиласиз. Компресиянинг асосий вазифаси – чўққиларнинг ўша қийматини сақлаш давомида сигнални индикаторларда қаттикроқ қилиш. У жарангнинг энг паст ва энг

каттиқ лаҳзалари ўртасидаги фаркни қисқартиради, яъни динамик диапазонни камайтиради.

Унутманг, динамик диапазон товушга нафас беради. Мувозанат изланг, компрессияга берилманг. Хаддан ортиқ компрессия худди клиплар сингари сигнал инқирозига, мусиқийликнинг йўқолишига, бузилишларга олиб келиши мумкин. Босим остидаги товуш иш пайтида нафақат мураккабликларни юзага келтиради, балки тингловчилар онгостида ҳам салбий қабул қилинади.

Компрессор билан ишлаш давомида ишлов бериладиган чолғу характерини хисобга олинг. Мусиқачи нотани кучсиз олса, жонли чолғулар (роял, бас-гитара, гитара ва ҳатто бочка) нафақат паст эшитилади, балки тембрини ҳам ўзгартиради. Уларнинг овоз қаттиклигини текислаётib, сиз партиянинг ҳар хил жарангли бўлиб қолиш хавфига дуч келасиз. Шунда компрессорнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ бўлади. Агар мусиқачи товушларни атайлаб турли динамикада садолантиrsa, овоз муҳандиси бу ғояни компрессия билан бузишга ҳакки йўқ. Агар динамика бўйича турли хил бўлган бўлакларни алоҳида ёзиш имконияти бўлмаса, у ҳолда созлашлар билан максимал даражада эҳтиёткор бўлган маъкул. Аммо товуш садолантиришдаги фарқ мусиқачи малакасининг пастлигидан бўлса, унда албатта, тембр нотекисликларига қарамай, партияга компрессор билан ишлов беришга тўғри келади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Данилов А. Академия Мюзикмейкера – Москва: 2016. - 480 с.
2. Петелин Р.Ю., Петелин Ю.В. Steinberg Cubase 5. Запись и редактирование музыки. СПб.: БХВ-Петербург, 2012. – 896 с.
3. Петелин Р., Петелин Ю.. Сочинение и аранжировка музыки на компьютере. БХВ – Санкт-Петербург С.-П. 2013. -608 с.
4. Gibson David - The Art of Mixing: A Visual Guide to Recording, Engineering, and Production 2nd Edition, 2005. - 344 p.
5. Газетдинова В. А. Цифровая компрессия аудиоданных // Молодой ученый. — 2014. — №4. — С. 268-273.
6. Bobby Owsinski. The Mixing Engineer's Handbook, 2013. – 288 p.
7. Rick Clark. Mixing, Recording, and Producing Techniques of the Pros, Second Edition, 2010. – 400 p.
8. Петелин Р.Ю., Петелин Ю.В. Музыкальный компьютер. Секреты мастерства. Издание второе, переработанное и дополненное. – С. Петербург, Арлит, 2003. – 688 с.

**Комилжон МИРЗАЕВ,
ЎзДСМИ “Миллий қўшиқчилик” кафедраси доценти в.б.**

ФИЖЖАК ЧОЛГУСИННИНГ МИЛЛИЙ МУСИҚИЙ ТАЪЛИМДА ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация. Ўзбек мумтоз мусиқаси, миллий оҳангларимизнинг умрбоқийлигидаги миллий чолгуларимизнинг ўрни беқиёс. Аслида ҳар бир ўзбек миллий чолгусининг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Ҳар бир чолгу борасида изланишлар олиб бориш, илмий жиҳатдан ўрганиши, бугунги кундаги долзарб вазифалардан саналади. Фижжак чолгуси ҳам миллий мусиқамиизда ўз ўрнига эга бўлиб, унинг имкониятларини, тарихини ёшларимизга ўргатиш жуда муҳим. Ушибу мақолада айнан гижжак чолгусининг миллий мусиқий таълимда тутган ўрни, устоз-шогирдлик анъанаси борасида маълумотлар келтирилган. Қолаверса, ушибу чолгу борасидаги фикрлар ёзилган илмий адабиётларга ҳам мурожаат этилган ҳамда устоз созандаги Олланазар Ҳасановнинг ижро мактабига тўхтаб ўтилган.

Калим сўзлар: гижжак, миллий мусиқа, мусиқий таълим, устоз-шогирдлик, миллий ижрочилик.

**Камилжан МИРЗАЕВ,
и.о.доцент кафедры «Национальное пение», ГИИКУз**

РОЛЬ ИНСТРУМЕНТА ГИДЖАК В НАЦИОНАЛЬНОМ МУЗЫКАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ

Аннотация. В долголетии узбекской классической музыки, национальных мелодий роль национальных инструментов неоценима. На самом деле, каждый узбекский национальный инструмент имеет свою роль и значение. Проведение исследований, научно-исследовательских работ по каждому инструменту является одной из актуальных задач на сегодняшний день. Узбекский национальный инструмент гиджак также занимает свое место в национальной музыке и имеет важное значение для обучения молодежи его возможностям, истории. В этой статье приводится информация о роли инструмента гиджак в национальном музыкальном образовании и о традициях наставничества. Кроме того говорится о мыслях которые приведены в научных литературах, далее идет речь об исполнительской школе Олланазара Хасанова

Ключевые слова: гиджак, национальная музыка, музыкальное образование, учитель-ученик, национальное исполнительство.

**Kamilzhan MIRZAEV,
acting associate Professor of the Department “National singing”, USIAC**

THE ROLE OF THE GIDJAK INSTRUMENT IN NATIONAL MUSIC EDUCATION

Abstract. In the longevity of Uzbek classical music, national melodies the role of national instruments is invaluable. In fact, each Uzbek national instrument has its own role and significance. Conducting research, research work on each instrument is one of the urgent tasks of today. The Uzbek national instrument gidjak also takes its place in the national music and is important teaching its possibilities, history to young people. This article provides information on the role of the gidjak instrument in national music education and mentoring traditions, also refers to the thoughts that are given in scientific literature. Then we talk about performing school of Allanazar Khasanov.

Keywords: gidjak, national music, musical education, teacher-student, national performance.

Миллий мусиқа – миллат қалби. Ҳалқимиз азалдан тинглаб келаётган севимли оҳангларнинг бизгача етиб келишида ва уларнинг турлича сайқал топишида чолгуларнинг ўз ўрни ва алоҳида қиймати бор. Миллий мусиқий чолгулар ҳалқимизнинг асл оҳангларини ифодаловчи, гўзал оҳангларни эшиктувчига етказиб беришда муҳим восита саналади. Кишилар дунёқарашини кенгайтирувчи чолгулар аждодларимизнинг меросини асрлар давомида устоз-шогирд анъанаси орқали етиб келишида боғловчи воситадир [1. Б-21]. Ҳар бир чолгуларимизнинг миллий мусиқамиизда тутган ўз ўрни бор. Баъзан улар бирини тўлдирса, баъзан бирининг ўрнини иккинчиси боса олмайди. Ўзбек миллий чолгулари олами ҳам маънавий, ҳам моддий нуқтаи назардан бой ҳамда ранг-баранг эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Қолаверса, чолгу ижрочилиги ҳалқимизнинг бой маънавий қадриятларини ўзида мужассам этган санъат тури бўлиб, унинг тарихий негизи узок ўтмишга бориб

тақалади. Бу соҳанинг асоси ҳисобланмиш мусиқий созлар, ҳалқнинг турмуши ва меҳнат фаолиятига сингиб, ҳаётининг ажралмас қисмига айланган [8. Б-17].

Профессионал мусиқий таълим жараёнида ҳам ҳар бир талаба мусиқий чолгулар ҳақида мукаммал маълумотларга эга бўлишлари, имкон қадар бир эмас, бир нечта чолгуни ижро эта олишлари муҳим саналади. Ўрта аср алломалари Форобийнинг “Китаб-ул мусиқий ал-кабир”, Марофийнинг “Жами ал-алҳон фи-илм ал-мувиқий”, Жомийнинг “Мусиқа рисоласи”, Дарвеш Али Чангийнинг “Мусиқа рисоласи” каби қомусий асарларда миллий чолгуларимизнинг таснифи, уларни тадқиқ этиш масалалари, бажарган вазифалари каби муҳим масалалар байён этилган. Мусиқа чолгулари орасида камонли созлар ўзига хос турфа овози ва жозибаси билан ажралиб туради. Уларнинг келиб чиқиши, камонда садолантириш усулининг яратилиши борасида ёзма манбаларда бир қанча,

хилма-хил маълумотлар берилган. Фижжак Шарқ халқларининг камонли созларидан бири бўлиб, ўзбек миллӣ чолғуларимиздан саналади. Бу сознинг яратилиши борасида ёзма манбаларда турли маълумотлар келтирилган. “Зийнат ал-мажолис” яъни “Зийнатларнинг мажлиси” антологиясида фижжакни Форобий ихтиро қилган, деб баён этилса, Дарвеш Али Чангий ўз рисоласида бу созни Носир Хусрав билан Абу Али ибн Сино ҳамкорликда яратгани ҳакида ёзади [1. Б-32]. Ҳар икки берилган маълумотларда фижжакнинг ихтиро этилиш даври 9-10 асрларга тўғри келади. Аммо қадими манбаларга мурожаат этадиган бўлсак, келтирилган санадан анча аввал мазкур чолғунинг мавжуд бўлгани ҳақидаги маълумотга гувоҳ бўламиз. Жумладан, 3-4 асрларда ёзилган “Оссурия дараҳти” қадим Хурросон адабий асарида, кичик бир мунозарада фижжак номи тилга олинади. Айни пайтда, шу даврга оид камонли соз тасвирининг “Тупроқ қальба” қасридан топилиши бу чолғунинг 3-4 асрларда мавжуд бўлганлигини яна бир бор тасдиқлайди.[2. Б-51]

Фижжак чолғуси Шарқ ва Кавказ халқларида ошиклар ва бахшилар ансамблига жўр бўлувчи етакчи чолғу сифатида ҳам қадрланади. У қадимда косаси қовоқдан бўлиб, ҳозирги кўринишидан анча кичикроқ бўлган. Дастаси ёнғоқ ёки ўрик дараҳтидан ясалган. Торлари ичак, ипак, пўлатдан бўлиб, камони эса от думининг ёлидан таёқчага ўрнатилган бўлган. Фижжак қадимда икки ва уч торли бўлиб, асосан бахши кўшларида, яъни, гурухларида жўрнавоз соз сифатида ишлатилган. [5. Б-12] Кекса санъаткорларнинг таъкидлашича, фижжак чалиб куйлайдиган бахшилар ҳам бўлган экан.

Бугунги кунга қадар фижжак чолғусининг қатор етук ижрочилиари этишиб чиқкан. Масалан, Андикон камончилик мактабидан Охунжон фижжакчи, Тўхтасин Жалилов, Комилjon Жабборов, Фанижон Тошматов ва уларнинг издоши Ғуломжон Ҳожиқулов, Хоразмдан Олланазар Ҳасанов, айниқса, Ўлмас Расуловларнинг ҳар бирининг ўзига хос ижрочилик ўналиши мавжуд бўлиб, фижжак ижрочилигини юксак даражага етказдилар.[7. Б-46]

Айниқса, ҳозирги кунда мумтоз йўлда ижод қилувчи барча хонандаларга жўрнавоз бўладиган ушбу чолғу ўзининг жилокор нолалари билан тингловчини ўзига жалб этади.

Устоз-шогирд анъанасига асосланган миллӣ ижрочилик санъати замонлар оша ривожланиб келган ва айниқса, ҳозирги давримизга келиб, ўзининг юксак бадиий санъат эканлигини намоён этмоқда. Шу билан бирга, замонавий жараёнда ҳам анъаналар асосида янгича талқинлар, ўзига хос ютуклар билан бойитилган ижод намуналари яратиш ва ижро услубларини тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Устоз-шогирд анъанаси асосида шаклланиб ривожланган миллӣ мусиқамиз ўзида ранг-баранг ижро услублари ва йўллари, аникрофи,

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларига оид ижро услубларини мужассам этган. Уларнинг асоси бир бўлса-да, ижро талқиннинг ўзига хослиги билан бир биридан ажралиб туради.[3.Б-28] Бу ижрочилик санъатининг чолғулар таркиби, созандалик ва хонандалик амалиёти ҳамда воҳаларга хос ўналишда ривожланиб келганлиги билан боғлиқдир. Айни пайтта келиб бундай омил ҳар бир чолғу ижрочилиги ва хонандаликда ўз аксини топган. Фижжак чолғу сози ижрочилиги ҳам бундан мустасно эмас.

Шундай қадими мусиқий анъаналаримиз ҳам мавжудки, бунда кўп ҳолларда созандалар, жумладан, фижжакнавозлар ўз овозига фижжак чолғусида жўрнавоз бўлади. Бундай ижрочилик услуги қадимдан бизнинг диёrimизда кенг қулоч ёйган бўлиб, бугунги кунда ҳам ўз давомийлигини сақлаб қолган [12. Б-56].

Устоз фижжакчиларнинг ижрочилик услубарини қайта тиклаб ривожлантириш, тарғиб қилиш ва йўлга кўйиш олдинда турган яна бир ўта муҳим вазифалардан биридир [4. Б-58]. Бизнингча, ушбу муаммоларни ҳал этишда бир қанча ишларни амалга оширмоқ зарур:

- энг аввало ўзига хос ижро услугига эга бўлган устоз фижжакчиларнинг ижрочилик йўлларини мутахассислар имкон қадар илмий-назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганишлари зарурлиги ва унинг негизида ёзиладиган дарслик, ўкув-услубий кўлланма ва бошқа илмий манбаларда батафсил ёритиб беришлари;

- ушбу ёзилажак илмий манбалар асосида мусиқий таълим муассасаларининг барча босқичларида таҳсил олаётган ўкувчи ва талабаларга устоз фижжакчиларнинг ижро услубарини ўргатиш;

- устозлар ижросидаги асарларнинг нота матнларини тузиш. Бунда уларнинг услугига хос хусусиятлар, ижро безаклари, ижровий-техник жиҳатлар,[6. Б-44] талқин масаласи ва шу каби бошқа жиҳатларни аниқ ифода этиш зарур;

- ёш фижжакчи созандаларга таълим беришда устозона услублардан кенг ва унумли фойдаланиш;

- ўкувчи ва талабаларнинг ижро дастурларини хилма-хил услубдаги асарлардан намуналар киригтан ҳолда тузишга алоҳида эътибор қаратиш. [4. Б-63]

Устозлар ҳақида гап кетганда, албатта, Ўзбекистон халқ артисти, моҳир фижжакчи созанда Абдуҳошим Исмоиловнинг ижодий фаолиятига тўхталиб ўтиш лозим. Сабаби бу инсоннинг ижрочилик мактаби бошқа фижжакчи созандаларнинг ижро мактабидан бутунлай фарқ қиласи. Ижро этилажак асарга ёндошишнинг ўзгача услуби, бадиҳагўйликка майиллик, баъзи ўринларда эшитишнинг енгиллиги айнан Абдуҳошим Исмоиловнинг ижро услугига хос. Гурухли ижроларда ҳам бу моҳир созанданинг ўрни алоҳида сезилиб туради. Айниқса, бастакорлик фаолиятида фижжак созининг ўрни алоҳида сезилади. Гурухли ижро учун яратилган асарларига эътибор берайлик. Бунда А.Исмоилов томонидан бадиҳа учун маҳсус куй бўллаги тўқилиб,

композиция билан боғлиқ барча унсурлар ғижжак, уд, қонун чолғулари имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда, яхлит асарнинг колипи тайёрланади. Ижро қилинадиган асарнинг оҳанг тўқимаси, композиция андозаси муайян машқлар давомида меъёрига етказилади. [9. Б-15] Абдуҳошим Исмоилов ижро услубига хос бўлган маҳорат, ижро пайтида келадиган илҳом, оҳанг таровати ва товуш безакларини жозибадор ижро қилишга имкон яратди. Оддий «пайванд»дек тўқиган мусиқий лавҳаларни тизимлаштириш, созандалар ўртасидаги ўзаро мутаносибликни таъминлаш натижасида оҳанг яхлитлигига эришилади ва ҳар бир асар ўзига хос бадиий ечимда ниҳояланади. Бунда асар суръати, унинг барқарорлиги ғижжакнинг зиммасида бўлиб, доирачи томонидан ҳосил қилинадиган остинант ритмик шакл қўшимча усул сифатида садоланади. Якка чолғу томонидан амалга ошириладиган бадиҳа пайтида оҳанг тизимида иштирок этмайдиган чолғулар кварта, квинта, октава интерваларида садоланган ҳолда усул бериди турдилар. Одатда барча куйлар ижроси ўртacha суръатда бошланади. Бадиҳа асосан асарнинг авж нуктларида, товуш кучи кучайтирилиб, суръати тезлаштирилиши ҳисобига амалга оширилади. Жараён сусайтирилмасдан, ўта тез суръатда дастлаб, ғижжакчи ижросида бошлаб бериладиган бадиҳани найчи ва қонунчи «илиб кетади». Куйнинг тўлақонли ифодаси мусиқа ижроилигида маълум бўлган унсурлардан ташқари, чолғуларнинг тембр, акустик хусусиятлари ва ғижжакчи томонидан бериладиган «жўшқин туртки» эвазига бойитилади. Юксак техник даражада ҳосил қилинадиган оҳанг тизими ва безаклар мантикий изчилликка эришган ҳолда сайқаллашади ҳамда гурухнинг муваффақиятили чиқишиларини таъминлайди. [9. Б-23] Абдуҳошим Исмоилов ҳам моҳир созанда, ҳам истеъододли бастакор сифатида мана шу жараённинг ҳар бир лаҳзасини беэътибор қолдирмай, асарнинг юксак ижросига эришади.

Шу ўринда устоз созанда, моҳир ғижжакчи Оллоназар Ҳасанов ижро услуби ва уни талаба ва ўқувчиларга ўргатиш борасида бир оз тўхталиб ўтамиз. Чунки Олланазар Ҳасановнинг ғижжак ижроилик мактаби бекиёс. Бу мактабни ўзлаштириш, ўрганиш осонлик билан кечмайди. Бунинг ортида қанча меҳнат, мashaққат, заҳмат ва кунт ётади. Олланазар Ҳасановнинг ижро мактабини талаба ва ўчувларга ўргатиш учун, аввало уларни бунга тайёрлаш керак. Ушбу ижро услубини ўзлаштириш учун энг бир нечта талаблар зарур. Булар:

- Гижжак чолғусида соф товушлар ҳосил қилиш;
- Миллий ижроилик йўналишини ўзлаштириш;
- Мусиқий асарлар ижроси давомида Олланазар Ҳасанов каби ижровий безакларни қўллай олиш;
- Кучли мусиқий хотирага эга бўлиш;
- Оллоназар Ҳасанов ижро этган асарларнинг магнит ёзувларини тинглаб, унинг ўзига хос жихатларини топиш ва шуларни ўзлаштириш;
- Оллоназар Ҳасанов ижро этган асарларга

алоҳида-алоҳида ёндошиб, ижро давомида буларни акс эттира олиш;

– Ҳар бир асарнинг мазмун-моҳиятини саклаган ҳолда, ўзига хос тарзда талқин эта олиш ва ҳ.к.

Демак, ғижжак ижроилиги бўйича таҳсил олаётган бўлажак мутахассислардан юкорида санаб ўтилган жихатлар талаб этилади. Албатта, бу талаблардан бошқа кўплаб ўзлаштирилиши лозим бўлган жихатлар ҳам мавжуд. Буларга бирма-бир тўхталиб ўтамиз.

Эътибор берилиши лозим бўлган бирламчи жиҳат – бу ғижжак чолғусида соф товушлар ҳосил қилишdir. Чунки, мутахассисликка оид барча ютуклар шунинг устига курилади. Талаба ёки ўқувчи таълим жараёнининг илк кунларидан бошлабоқ бунга алоҳида эътибор қаратиши шарт. [5. Б-72] Албатта, бу ерда устозларнинг роли бекиёсdir. Талаба аввал темперацияланган товуш қаторга оид товушлар ва уларнинг ёзувдаги акси (ноталар) каби муҳим билимларни эгаллайди. Маълумки, ғижжак созида ушбу темперацияланган товушлар тақсимоти мавжуд эмас. Шунинг учун таълим жараёнидаги ўзига хос машаққатлар юзага чиқиши аниқ. Бироқ, ўқувчининг иқтидори, меҳнати ва устозларнинг тўғри педагогик ёндашувлар буларни енгишга кўмак беради. Аввал, ўқувчи ижро этиш жараёнидаги гавдани тутиш ҳолати, ғижжакни қандай ушлаб ижро этиш, камон тортиш қонун-қоидалари ва бошқа шу кабиларни ўзлаштириб бўлгач, бир октава оралиғидаги ноталарни аста-секин ижро этишга ўтилади ва шу аснода ушбу машқлар мураккаблиги кенгайтириб, чукурлаштириб борилади.

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос менталитети бўлганидек, мусиқа санъатидаги тафовутларнинг ҳам мавжуд бўлиши, шубҳасизdir. Шунинг учун ижроилилар, аввало, ўз миллий мусиқасининг ўзига хосликлари, миллийлик хусусиятларини теран тушуниб олиши, англаб этиши жуда зарурdir. Бунда ҳам бир неча муҳим ишларни амалга ошириш ва буларда бардавом бўлиш талаб этилади. Хусусан, миллий мусиқага оид асарларни доимий равища тинглаб бориш, улардан намуналар ижро этиш, бу борадаги зарурий билимлар, махсус таълими дарсларни ўзлаштириш ва илмий манбалардан хабардор бўлишга уриниш каби ишлар муҳимdir. Ушбу жараёнда ҳам устозларнинг улуши катта. Кейинчалик миллий мусиқамиз негизида шаклланган ўзига хос услублар, етук ижрочи ва ижодкорларнинг шахсий-индивидуал услубларини ўрганиш ва улардан боҳабар бўлиш кабилар ҳам талаб этилади.

Мусиқий асарлар ижроси давомида Олланазар Ҳасанов каби ижровий безакларни қўллай олиш. Ўқувчидан асарни ўзлаштириш ва ижро этиш давомида Олланазар Ҳасановнинг ўзига хос ижровий безаклардан фойдаланиш, фойдаланганда ҳам ўз ўрнида, керакли даражада фойдаланиш талаб этилади. Чунки, миллий мусиқамизни ижровий безакларсиз тасаввур этиш кийин. Уларда миллийликка хос хусусиятлар ўзининг ёрқин

аксини топади. Қолаверса, Оллоназар Ҳасанов ижро жараёнида кўллаган безаклар ўзининг сержилолиги билан ажралиб туради ва бу безакларни ўзлаштириш ҳам ўқувчидан кунт ва маҳоратни талаб этади [10. Б-24].

Ижрочининг малакаси ва савиясини белгилаб берувчи яна бир омиллардан бири – бу мусиқий хотиранинг юқори савияда тарбияланишидир. Ушбу жиҳатни тарбиялашда ҳам алоҳида-алоҳида босқичлар мавжуд. Масалан, бир асарни ёдлаб ижро этишни олайлик. Тажрибадан ўтган ўзига хос бу тамойил муҳим бўлиб у қуйидаги тарзда амалга оширилади. Аввало, танланган мусиқий асар кераклигича (кўп маротаба) тингланади. Ушбу тинглаш жараёнида фавқулотда дикқат-эътибор талаб этилади. Бунда асарнинг нота матнiga қараб тинглаш ҳам зарурий омиллардан биридир. Сўнгра тинглаш натижасида яқиндан танишиб чиқилган асарни қисмларга ажратган ҳолда ижро этишга ўтилади. Ва ниҳоят, асарни яхлит ҳолда тақрорлаш асосида ёдланади. Албатта, мураббий устозлар ўзларининг тажрибаларидан келиб чиқиб бу борада ҳам ўзига хос тамойилларни кўллашлари мумкин.

Аммо, шуни унутмаслик керакки, ижрочининг кучли мусиқий хотираға эга бўлиши таълимнинг дастлабки онларидан бошлабоқ эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлардан биридир.

Оллоназар Ҳасанов ижро этган асарларнинг магнит ёзувларини тинглаб, унинг ўзига хос жиҳатларини топиш ва шуларни ўзлаштириш. Олланазар Ҳасанов ижро этган ва яратган асарлардан бир нечтасини илмий изланишларимиз давомида нотага олишга муваффақ бўлдик. Ушбу нота матнларидан ўқувчиларга фижжак созини ўргатиш жараёнида албатта, фойдаланамиз. Ушбу асарларни нота матнiga қараб ижро этиш ҳам Оллоназар Ҳасановнинг ижрочилик мактабини ўрганишда ёрдам беради. Ушбу томонларни ўзлаштириш ва асарларни ижро этганда уларга алоҳида-алоҳида ёндашиб, ижро давомида буларни акс эттира олиш – ижрочиликнинг энг мураккаб талабларидан биридир.

Асарни ўзига хос тарзда талқин этиш. Тарихдан шу нарса маълумки, миллий мусикамизнинг яна бир хусусиятларидан бири бу талқин масаласидир. Яъни, муайян бир асар ўзининг кўплаб талқинларига эгадир. [11. Б-22] Бунда ҳар бир ижрочининг муайян бир асарга ўзига хос тарзда ёндошиши, бетакор талқин ифодасини баҳш этиши назарда тутилмоқда. Дарҳақиқат, бир

асарни турли ижрочилар томонидан ўзгача талқин этилганлигига жуда кўп дуч келамиз. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бадиийлик касб этган бўлади. Демак, ҳар бир асарнинг мазмун-моҳиятини саклаган ҳолда, ўзига хос тарзда талқин эта олиш масаласи ҳам ижрочилигимизда зарурий омиллардан бири экан. Зоро, Олланазар Ҳасановнинг ижрочилик услубига эътибор берар эканмиз, унда айнан мана шу жиҳатларни кузатамиз. Навбатда Оллоназар Ҳасанов ижро этган асарлардан бирини таҳлил қиласиз.

Асарнинг даромад қисмиданоқ сурнай йўлларидаги куйни эслатади. Фижжак чолғусининг ажаб хусусиятларидан бири шуки, ижро йўли мураккаб бўлган асарларни ҳам унда ижро этиш



мумкин.

Авж қисми эса хонандалар куйлашига, хонишига ўхшайди. Абу Наср Форобий таъкидлаганидек, инсон овози табиий ва мусиқий чолғулар инсон овозини тақлид қилувчи сунъий товушлардир. Инсон овозига энг яқин тақлид этувчи чолғу бу айнан фижжакдир. [1. Б-32] Асарнинг айнан мана шу қисмida Оллоназар Ҳасановнинг ижро безакларини, фижжакнинг соғ товушларини пайқаш асло қийин эмас.

Асарнинг авждан фуровард қисмига ўтишида эса сурнай ва инсон овозининг омухталиги сезилиб, худди сурнай чолғусида хонанда куйлаётгандек





туюлади. Бу ҳол албатта ғижжак созини кенг имкониятли чолғу эканлигидан дарак беради. Бу чолғу орқали нафақат инсон овозини ўхшатиш балки бошқа чолғуларни йўлини кўрсатиб бериш мумкин.

Агар санаб ўтилган ишларни амалга оширсак, жуда кўплаб ижобий натижаларни қўлга киритамиз. Жумладан: Ўқувчи-талабаларимиз анъаналар

в о р и с и й л и г и д а н
баҳраманд бўладилар
ва айникса, уларнинг
ҳозирги шиддат билан
ри во жлан аётган
замон ва «коммавий
маданият»нинг салбий
таъсиrlари доирасига
тушиб қолишнинг олди
олинади. Чунки, бошқа
халқларнинг ижровий
хусусиятлари миллий
мусиқамизга ҳам ўзига хос таъсиr ўтказиши хеч
кимга сир эмас. Бу билан бошқа халқларнинг
санъатини кораламаган ҳолда, ўзимизнинг нодир
ва мўтабар мусиқа санъатимизни турли хил
яхши ёмон таъсиrlардан асраримиз, “асл”ини
йўқотмаслигимиз лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Қўчкоров F. Миллий чолғуларни ўрганиш. – Тошкент: Мусиқа, 2002. -85 б.
2. Кароматов Ф.М. Узбекская инструментальная музыка. – Москва: Музыка, 1987.- 96 б.
3. Кароматов Ф.М. Ўзбек халқ мусиқа мероси. – Тошкент: Фоур Ғулом, 1978. -106 б.
4. Фелициант Р., Алиев С. Ғижжак дарслиги. ўкув қўлланма. – Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1961. 132 -б.
5. Тошмуҳаммедов М. Ғижжак наволари. – Тошкент: Мусиқа, 1983. 78-б.
6. Тошмуҳаммедов М. Гижжак дарслиги. – Тошкент: Мусиқа, 1995. 127-б.
7. Тошмуҳаммедов М. Анъанавий ижрони ўзлаштириш. – Тошкент: Мусиқа, 1999. 97-б.
8. Азизбоев С. Анъанавий ғижжак ижрочилиги. – Тошкент: Мусиқа, 2005. 102-б.
9. Каримова Н., Гул Э. Ўзбекистон санъати. – Тошкент: Шарқ, 2001. 84-б.
10. Назиров К. Ғижжакда ўзбек куйларини ўзлаштириш. – Тошкент: Мусиқа, 2011. 36-б.
11. Соломонова. Ўзбек мусиқа тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981. 112-б.
12. Худоев F.M. Ғижжак чолғуси ижрочилик анъаналари. ўкув қўлланма. – Тошкент: Мухаррип, 2014. -164 б.

ЗНАЧЕНИЕ СТУДЕНЧЕСКОГО ОРКЕСТРА УЗБЕКСКИХ НАЦИОНАЛЬНЫХ ИНСТРУМЕНТОВ ГИИКУЗ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ

Аннотация. В статье рассматриваются деятельность студенческого оркестра узбекских национальных инструментов, его задачи, формирование. Приводятся высказывания высококвалифицированных специалистов в области народной инструментальной культуры, руководителей оркестров и дирижеров, имеющих методологическое значение для профессионального совершенствования учебной работы. Обобщается опыт студенческого оркестра в республиканских и международных фестивалях, концертах. Выявляются особенности подготовки в репетиционной работе высоко духовной, гармонично развитой личности.

Ключевые слова: искусство, музыка, образование, оркестр, фестиваль, конкурс, узбекские национальные инструменты, дирижер, преподаватель, студент, репертуар, коллективное исполнение, музыкант.

Собиржон ТУРАТОВ,
УзДСМИ доценти в.б.

ЎзДСМИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ЎЗБЕК ТАЛАБАЛАР МИЛЛИЙ ЧОЛҒУ АСБОЛАР ОРКЕСТРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Уибу мақолада ўзбек миллий чолгуларининг талабалар оркестри фаолияти, унинг вазифалари ва шаклланиши кўриб чиқилади. Халқ чолгулари ижрочилиги маданияти соҳасидаги юқори малакали мутахассислар, оркестр раҳбарлари ва дирижёларнинг ижодий шиларини таомиллаштириши юзасидан услубий аҳамиятга эга бўлган кўрсатмалари берилган. Талабалар оркестрининг республика ва халқаро фестиваль ҳамда концертлардаги тажрибаси умумлаштирилди. Репетиция машгулотларида юқори маънавияти, баркамол шахсни тарбиялаш хусусиятлари аниqlанди.

Калим сўзлар: санъат, мусиқа, таълим, оркестр, фестиваль, кўрик-тандов, ўзбек халқ чолгулари, дирижёр, ўқитувчи, талаба, репертуар (дастур), жамоа ижрочилиги, созандা.

Sobirjon TURATOV,
acting associate professor; USIAC

SIGNIFICANCE OF THE STUDENT'S ORCHESTRA OF UZBEK NATIONAL INSTRUMENTS IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF STATE INSTITUTE ARTS AND CULTURE OF UZBEKISTAN

Abstract. The article discusses the activities of the student orchestra of Uzbek national instruments, its tasks, formation. Statements by highly qualified specialists in the field of folk instrumental culture, leaders of orchestras and conductors having methodological significance for the professional improvement of educational work are given. The experience of the student orchestra in national and international festivals and concerts is summarized. Features of training in rehearsal work, a highly spiritual, harmoniously developed personality are revealed.

Keywords: art, music, education, orchestra, festival, competition, Uzbek national instruments, conductor, teacher, student, repertoire, collective performance, musician.

Высшее профессиональное музыкальное образование в нашей стране интенсивно развивается в соответствии с возрастающими требованиями, духовно-эстетическими запросами жизни. «В современных условиях, когда главным показателем конкурентоспособности страны все в большей мере становятся уровень и качество жизни населения, возрастает роль образования – важнейшего фактора прогресса. Сегодня общество и цивилизации конкурируют прежде всего системами общественных ценностей и образования» [1.С.32].

В годы Независимости студенческий оркестр узбекских национальных инструментов Государственного института искусств и культуры Узбекистана существенно расширил сферы своей деятельности, выходя за рамки учебной, участвуя в

музыкальной жизни ВУЗа, столицы, разных регионов страны. «Нынешняя стремительно меняющаяся жизнь ставит перед нами все новые непростые вопросы, и, принимая меры для их решения, мы еще раз убеждаемся в том, что это зависит, в первую очередь, от образования и воспитания молодежи, формирования ее мировоззрения на основе современных знаний, духовности и просвещения» [2.С.365].

Одной из основных задач студенческой молодежи является не только приобретение профессиональных знаний, но и проявление бережного отношения к традициям национальной музыкальной культуры. Говоря об истории нашего государства, Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев подчеркивает: «... у нас достойная восхищения

великая история, достойные восхищения великие предки, достойные восхищения несметные богатства. И я убежден – у нас будет достойное восхищения великое будущее, великая литература и искусство»[3.С.152].

В настоящее время оркестр обновляет свой учебный репертуар произведениями, представляющими большую ценность нематериального наследия, изучаются произведения композиторов Узбекистана, мировая классика, джаз. «Действительно, воспитание молодежи в духе национальных и общечеловеческих ценностей остается для нас вопросом, никогда не теряющим свою актуальность и значимость»[4.С.106]. Основополагающим принципом работы оркестра является широкий подход к выбору репертуара, основанный на мудром высказывании Министра культуры Республики Узбекистан Бахтиёра Сайфуллаева: «Национальные особенности каждого народа отражаются в культуре. Узбекистан – многонациональная страна с древнейшей культурой»[5.С.19].

В работе над репертуаром важное значение имеют фундаментальные научные труды о фольклористике, развитии народных традиций, культуры, духовности, высказывание Заслуженного деятеля искусств Узбекистана, доктора искусствоведения, профессора Государственной консерватории Узбекистана, члена правления Союза композиторов и бастакоров Узбекистана, обладателя ордена «Эль-юрт хурмати» Тухтасинбека Гафурбекова: «Золотые зерна народной музыки дают совершенные побеги, когда к ним прикасается рука художника с утонченным вкусом и творческой фантазией, большим интеллектом и профессиональным мастерством, художника, глубоко изучившего все лучшие достижения в этой области мировой музыкальной классики и музыки нашего столетия»[6.С.110].

Активно осуществляется этот процесс в Государственном институте искусств и культуры Узбекистана в студенческом оркестре узбекских национальных инструментов факультета «Народное творчество» кафедры «Инструментальное исполнительство» под руководством заведующего кафедрой, профессора Уразали Ташматова, из беседы с которым следует, что: «Основное направление деятельности студенческого оркестра всегда является в центре внимания профессорско-преподавательского состава кафедры, так как он осваивает широкий репертуар, исполняет произведения композиторов Узбекистана, мировую классику, джаз. Педагоги стремятся для лучшего усвоения студентами учебной программы, выбрать произведения разной степени сложности. Работой кафедры удовлетворен, так как она направлена на качество образовательного процесса, на осуществление новых проектов, достижение подготовки высоко профессиональной, гармонично развитой личности студента».

Студенческий оркестр узбекских национальных

инструментов ГИИКУз – это компетентный музыкальный коллектив, с которым работает художественный руководитель, талантливый дирижер – Хикмат Раджабов. «Очень многое зависит от дирижера, так как он не только руководит исполнением музыкального произведения, но и решает ряд основополагающих профессиональных задач. Первостепенная моя задача заключается в том, чтобы создать единый слаженный оркестр, так как на первый курс, порой приходят студенты с разным уровнем подготовки. В связи с этим необходимо проведение занятий малыми группами, важна работа над штрихами, фразировкой, образом, характером произведения, техническими пассажами. Правильный выбор репертуара, слаженность звучания оркестра, дисциплинированность студентов, взаимоуважение дирижера и оркестрантов, доверительное отношение в коллективе, сплочённость и единство настроя на хорошее качество звучания». Ибо успех оркестра немыслим без дирижера.

Работа оркестра ориентирована не только на изучение музыкального материала мирового масштаба, но и на источники народной музыки, инструментария. «Богатые, своеобразные по качеству, палитре, амплитуде звучностей многоголосные ансамбли и оркестры узбекских народных инструментов заняли прочные позиции в системе национальной культуры, выполняя важнейшие социальные функции, являясь выразителем духовного мира людей, приобщение их к национальной традиции»[7.С.216].

Известно, что студенческий коллектив является учебным и функционирует по установленному Учебному плану и Программе. Вся его деятельность проявляется в двух направлениях – учебная и сценическая- концертная:

* учебный План – Типовая, Рабочая, Учебная Программы – репетиции оркестра;

* отчетные концерты, конкурсы, фестивали;

* подготовка и участие в программах выпускных квалификационных экзаменов студентов бакалавриата и магистратуры Государственного института искусств и культуры Узбекистана.

Студенты в процессе занятий оркестрового класса и других дисциплин осваивают музыкальные произведения различных эпох, стилей, жанров. Воспитание у оркестрантов интереса к мировой культуре, к достижениям - процесс сложный, требующий педагогического опыта и мастерства, знания не только музыки, но и психологии, философии, эстетики, закономерностей воздействия музыки на слушателя. Это:

1. образовательный процесс самих участников оркестра;

2. образовательный процесс студентов всего ГИИКУз, через концертные выступления на разных мероприятиях и сценах института.

Особое внимание в работе студенческого оркестра уделяется образовательному процессу

студентов-оркестрантов. Как подчеркивает Баходир Мирпаязов, говоря о музыкальном воспитании «... он (образовательный процесс - С.Т.) должен быть направлен на повышение интереса молодежи к национальной народной культуре, к возрождению национальных традиций и их современному бытованияю, опора на этнокультурные традиции узбекского народа, этнопедагогике» [8.С.101-102].

Необходимо отметить, что студенты изучают широкий спектр дисциплин, способствующих профессиональному росту, раскрытию многогранных способностей: оркестровый класс, дирижирование, игра на узбекском национальном инструменте, фортепиано, методика, чтение партитур, инструментоведение, ряд музыкально-теоретических дисциплин, изучение макомов. Ибо изучение вышеперечисленных дисциплин, крепкие знания подготавливают высококвалифицированного специалиста-музыканта, руководителя коллектива, дирижера, музыканта-оркестранта. Учитывая важность научных знаний для творческого развития музыканта, следует обратить внимание на целенаправленный отбор той или иной научной информации, индивидуального осмысления её в направленности на формирование неповторимой самобытной личности исполнителя.

Студенческий оркестр является фундаментальной базой в приобретении специальности, так как осваиваются приемы и навыки работы музыканта-исполнителя в коллективе. Состав оркестра ежегодно обновляется новыми студентами 1 курса бакалавриата. Это вносит определенные корректировки в связи с адаптацией новичков в коллективе. Это и выдвигает ряд организационных и профессиональных задач, выполнение которых необходимо в образовательном процессе:

*укомплектованность оркестра по группам: духовые, плекторные, смычковые, щипковые, ударные и бережное отношение студенческой молодежи к музыкальным инструментам;

*наличие аудиторий и оборудования, соответствующих учебным нормам;

*систематическое проведение репетиционных занятий в оркестре в полном составе и по группам (согласно расписанию);

*ежедневная самостоятельная подготовка студентов по изучению своих оркестровых партий;

*изучение научно-методической литературы, чтение книг по музыкальному искусству;

*уважительное отношение студентов-оркестрантов друг к другу, а также соответствующий внешний вид.

Постоянно изучая опыт функционирования народного оркестра в других странах, Уразали Ташматов уделяет пристальное внимание на проблему полной укомплектованности состава студенческого оркестра узбекских национальных инструментов ГИИКУЗ по группам, так как иначе не будет качественного тембрового и сбалансированного звучания оркестра:

***духовые** – най, сурнай, кошнай;

***струнно-ударные** – чанг, конун;

***струнно-щипковые** – рубаб-прима, рубаб-кашгарский, дутар альт, рубаб-афганский, дутор бас, дутор контрабас, танбур, уд;

***струнно-смычковые** – гиджак, кобуз, кобуз контрабас;

***ударные** – дойра.

Важным звеном образовательного процесса студенческого оркестра национальных инструментов ГИИКУЗ, является учебная и производственная практики. На протяжении с 1-4 курсов бакалавриата и 1-2 ого курсов магистратуры студенты-оркестранты посещают концерты прославленных в Узбекистане коллективов национальных и симфонических инструментов, концерты коллективов, приезжающих на гастроли.

Производственная практика осуществляется в соответствии с утвержденным Министерством культуры Республики Узбекистан высшего и среднего специального образования Положением о проведении производственной практики студентов. В связи с этим необходимо отметить ответственное и заинтересованное отношение студентов.

Следует отметить некоторые нововведения в деятельности студенческого оркестра:

*создание музея узбекских национальных инструментов на кафедре;

*участие в ежегодных фестивалях народного творчества;

*участие в концертных программах Международных и Республиканских конференций, проводимых в ГИИКУЗ;

*изучение и приобретение навыков игры на вищих инструментах, входящих в состав оркестра;

*наличие национальных костюмов для праздничного национального выступления;

*участие в Международных конкурсах: «INTERNATIONAL BATTLE MUSIC» – Париж (Франция) и INTERNATIONAL COMPETITION «Fonte Viva» – Казань (Россия).

В репертуаре оркестра, сольных выступлений, наряду с произведениями композиторов Узбекистана исполняется мировая классика, звучит джаз. Так, за исполнение джазовой композиции А.Гуревич-А.Исаев «Старое танго» на рубабе-прима Дилшод Каримов был удостоен 1 Премии на конкурсе «Ниҳол» в Ташкенте. Звуковая палитра рубаба-прима удивительно идентична звучанию банджо, которое ещё больше способствовало яркому, темпераментному исполнению солиста Боходира Баратова (педагог Хикмат Раджабов) и пианиста-концертмейстера Аяпбергена Отегенова. «Старое танго» прозвучало на Международном конкурсе в Испании Ллорет де Маар в марте 2019 года. Среди участников из 22 стран мира, наши конкурсанты удостоены Диплома II степени. «С годами становится всё больше желающих принять участие в инструментальном и вокальном джазовом конкурсе, появляются новые имена победителей,

которые в будущем, возможно, станут участниками международных и республиканских джазовых фестивалей [9.С.187].

Необходимо обратить внимание на взаимоотношения профессорско-преподавательского состава кафедры и студенческой молодежи. Это уважительное, доверительное, доброжелательное, но требовательное отношение педагогов и концертмейстеров к каждому студенту. В коллективе царит атмосфера взаимопонимания, творчества, которая способствует активности и ответственности в учебном процессе. Отрадно, что за 2017-2019 годы увеличилось число студентов ГИИКУз достигших высоких результатов в различных конкурсах: «**Зарб- 2017**» Кудратилла Кобилкориев(1 курс);

«**Ниҳол**» – Сардор Истроилов, Отажон Акромов (1 курс); Мохларойим Жахонова, Маруф Тошев, Азизбек Равшанбеков (2 курс); Каҳрамон Рашидов, Дишод Каримов (3 курс).

«**Созлар навоси**» – Абдухалим Пирматов (4 курс);

«**Maqom Challenge**» – Достон Мирзокаримов, Каҳрамон Рашидов (3 курс).

«**ISTEDODO II**» – Асрориддин Йулчиев, Орзумурод Сафакулов, Отажон Акромов, Жавохир Кодиров (1 курс);

«**INTERNATIONAL BATTLE MUSIC**» – **Париж** (Франция)– Диљноза Баҳромова, Боҳодир Баратов(4 курс);

INTERNATIONAL COMPETITION «**Fonte Viva**» – Казань (Россия) – Дишод Каримов (3 курс).

Конечно же, вышеперечисленные студенты-исполнители являются примером для остальных оркестрантов, так как их качество техники игры на инструменте способствует умению владеть красивым звуком.

Одним из значимых, исторических событий среди концертных выступлений оркестра под руководством Хикмата Раджабова в 2019 году, стала поездка в Бухару, в составе 48 человек. Первоначально был проведен мастер-класс в колледже искусств, а 25-26 мая состоялся XVIII Международный фестиваль «Ипак ва зираворлар». Среди интересной, разнообразной и насыщенной программы в исполнении студенческого оркестра слаженно, с воодушевлением и удовольствием прозвучал Вальс Манаса Левиева, Хабанера из оперы Жоржа Бизе «Кармен».

Высокий профессиональный уровень исполнения достигнут выступлениями педагогов ГИИКУз в сопровождении оркестра: заслуженные артисты Узбекистана **Комиљон Шерматов** исполнил на конуне «Арабский танец», **Рустам Абдуллаев** на кашгарском рубабе исполнил газель Фурката, на музыку Ж.Султанова «Ох ким», газель А.Навои на музыку Хожи Абдулазиза Расулова «Гулузорим», заслуженный артист Каракалпакстана **Рудаки Алламбаев** ряд сольных песен и в дуэте с **Хуршидой Гафуровой**, а также лауреаты республиканского

конкурса **Феруза Ҳакимова и Илёс Рузимуродов**. «И в этой сфере деятельность оркестров национальных инструментов как новая форма исполнительства, является одним из ведущих путей формирования музыкантов с новым мышлением, с их широким взглядом на мир и владеющих различными исполнительскими направлениями» [10.С.7].

Согласно учебному плану студенты оркестра ежегодно проходят квалификационную практику в оркестрах Дворцов культуры, которая способствует профессиональному росту. «Уже сама организация практики подобным образом ставит практикантов в рамки высокой дисциплинированности, собранного внимания, сосредоточенности и целеустремленности»[11.С.50]. Если же возникают какие-то сложности, то «Педагоги-специалисты не должны мириться с такого рода трудностями и обязаны изыскать различные пути для того, чтобы наши учащиеся получили практику в полном объеме и приобретали бы навыки по руководству самодеятельными оркестрами для того, чтобы в нашей республике средствами духовых и народных музыкальных инструментов интенсивно формировались художественно-полноценные вкусы широких масс нашей молодежи и подрастающего поколения»[12.С.45].

Как отмечает ведущий специалист в области народно-инструментальной культуры Заслуженный деятель искусств Узбекистана, профессор Государственной консерватории Узбекистана, художественный руководитель камерного оркестра национальных инструментов «Согдиана» Фируз Абдурахимова: «Инструментализм является составной частью многообразной национальной художественной культуры, развитие которой, с одной стороны, подчиняется общим законам эволюции искусства, а с другой – имеет свою специфику, обусловленную социокультурными и историческими условиями его бытования. Сохранение и развитие народных традиций, как важнейшее условие функционирования национального инструментализма, становится сегодня центральной задачей, требующей серьезного внимания, как исполнителей, так и исследовательской в области музыкального искусства»[13.С.105]. В этом смысле плодотворная деятельность Ф.Абдурахимовой служит могучим стимулом в работе студенческого оркестра национальных инструментов ГИИКУз, поисков форм и методов исполнительской культуры.

Следует отметить тот факт необходимости функционирования студенческого оркестра узбекских национальных инструментов, его выпускники работают не только в столице, в отдаленных районах Узбекистана, но и за его пределами, проводя посредством своих коллективов просветительскую, воспитательную работу, продолжая развивать традиции студенческого оркестра узбекских национальных инструментов

ГИИКУз, способствуя развитию гармонично развитой личности молодого поколения.

В перспективе, деятельность студенческого оркестра узбекских национальных инструментов ГИИКУз нацелена на интенсивное развитие, на

творческие диалоги с разными учебными и профессиональными коллективами, проведение совместных концертов, мастер-классов во в祚ах регионах республики, а также на расширение географии концертных выступлений за рубежом.

Список литературы:

- 1.Мирзиёев Ш. Образование и просвещение – дорога к миру и созиданию// Уверенно продолжим путь национального развития на новом этапе. Том 1. – Ташкент: ИПТД «Узбекистан», 2018.- 368 с.
- 2.Мирзиёев Ш. Учителям и наставникам Узбекистана//Одобрение народа – высшая оценка нашей деятельности. Том 2. – Ташкент: ИПТД «Узбекистан», 2018.- 416 с.
- 3.Мирзиёев Ш. Развитие литературы, искусства и культуры – важный фактор повышения духовности нашего народа//Одобрение народа – высшая оценка нашей деятельности. Том 2. – Ташкент: ИПТД «Узбекистан», 2018.- 416 с.
- 4.Мирзиёев Ш. Обеспечение верховенства закона и интересов человека – гарантия развития страны и благополучия народа//Уверенно продолжим путь национального развития на новом этапе. Том 1. – Ташкент: ИПТД «Узбекистан», 2018.- 368 с.
- 5.Сайфуллаев Б. Система музыкального образования в Узбекистане//Musiqा.№ 1.март.www.konservatoriya.uz. 2018. – 100 с.
- 6.Гафурбеков Т. Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества. Ўқитувчи. –Тошкент: 1984.- 119с.
- 7.Ташматова А. Узбекские народные музыкальные инструменты – источник познания и духовного совершенствования молодого поколения// Образование и воспитание молодежи – фундамент благополучия и процветания жизни. Часть II.Филиал МГУ имени М.В.Ломоносова в городе Ташкенте. – Ташкент: 2013.- 213-218 с.
- 8.Абдурахимова Ф. Оркестры национальных инструментов как новая форма коллективного исполнительства// Сборник материалов Республиканской конференции на тему: «Активизация и развитие навыков музыкального исполнительства молодежи». – Тошкент: 2010. -4-7 с
- 9.Абдурахимова Ф. Развитие исполнительских традиций в культуре инструментализма (на примере Узбекистана)// XII Халқаро конференция SHARQ TARONALARI. Шарқ халқлари анъанавий мусиқа санъатини ривожлантириш истиқболлари [Матн] = Перспективы развития традиционной музыки народов Востока = Prospects of development of traditional music of peoples of the orient. – Самарканд: - 148 б.
- 10.Хомяков Т. Формы организации и способы проведения педагогической, дирижерской и школьной практики музыкального училища//За дальнейшее совершенствование учебно-воспитательной работы. Материалы конференции. – Наманган: 1979.-42-53 с.
- 11.Хомяков Т. Дирижерская практика учащихся в самодеятельных оркестровых коллективах//Методика и практика учебно-воспитательной работы в ССУЗах искусств (Бухара, август 1979). – Ташкент: 1980. – 45-50 с.
- 12.Мирпаязов Б. Музицирование на народных инструментах как фактор духовно-нравственного и интеллектуального воспитания личности// Образование и воспитание молодежи – фундамент благополучия и процветания жизни. Часть II.Филиал МГУ имени М.В.Ломоносова в городе Ташкенте. – Ташкент: 2013.- 98-103 с.
- 13.Седых Т. Роль образовательных учреждений в развитии джазового искусства Узбекистана // Образование и воспитание молодежи – фундамент благополучия и процветания жизни. Часть II.Филиал МГУ имени М.В.Ломоносова в городе Ташкенте.– Ташкент: 2013.-185-188 с.

**Дилдора ЖАМОЛОВА,
В.А.Успенский номидаги РИМАЛ директори
педагогика фанлари номзоди, доцент**

ЎРТА АСР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ МУСИҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўрта Осиё халқарининг бизгача етиб келган мусиқий-шөърий анъаналари, афсона-вий қаҳрамонлари, Шарқ қомусий мутафаккирларининг илмий-тарбиявий асарлари, мусиқий жсанрлари ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: мусиқа, созандо, санъат, афсона, қўшиқ, чолгу, оҳанг, куй, синкреметик.

Дилдора ДЖАМАЛОВА,
Директор РМСАЛ им. Успенского доцент педагогических наук.

ВЗГЛЯДЫ НА МУЗЫКУ УЧЕНЫХ ДЕЯТЕЛЕЙ СРЕДНЕГО ВОСТОКА ЭПОХИ СРЕДНЕВЕКОВЬЯ

Аннотация. Статья содержит информацию о музыке, поэтических традициях, легендарных героях, научных и образовательных работах восточных школ, а также музыкальных жанрах Средней Азии, которые дошли до нас.

Ключевые слова: музыка, музыкант, искусство, миф, песня, инструмент, гармония, мелодия, синкреметический.

DILDORA DJAMALOVA,
Director of RMSAL named after Uspenskiy PhD, associate professor

MUSICAL VIEWS OF MEDIEVAL EASTERN SCHDARS

Abstract. The article gives information about music of Central Asia poetic traditions, legendary heroes, scientific and educational works of eastern schools, musical genres, which have reached to us.

Keywords: music, musician, art, myth, song, musical instrument, harmony, tune, sinkretic.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, ўзбек халқи ўзининг қадимий тарихини, қадриятларини ҳамда бобокалонларининг яратган асарларини ўрганишга кенг имкониятлар эшиги очилди, десак муболага бўлмайди.

Хусусан, Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида бир қатор фестиваль ва кўриктанловларнинг ўтказилиши ўзбек халқининг мусиқа санъатига бўлган эътиборнинг кучайланлигидан далолат беради. Жумладан “Халқаро баҳшичилик санъати” ва “Буюк ипак йўли” халқаро фольклор мусиқа фестивали, Самарқанд шаҳрида мунтазам ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестиваллари бунга мисол бўлади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон қарорига мувофиқ, “Халқ чолғулари ижрочилари”, Мукаррама Турғунбоева номидаги “Миллий рақс ижрочилари”, Ю.Ражабий номидаги “Ёш мақом ижрочилари” республика кўрик-танловларини анъанавий тарзда ўтказилиши бугунги кунда етишиб келаётган ёш созандо ва хонандалар, яъни, санъат аҳлининг ниҳоллари учун очиб берилаётган кенг имкониятлардан биридир.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Халқаро баҳшичилик санъати» фестивалининг очилиш маросимида нутқ сўзлар экан, бугунги кунда бажаришимиз лозим бўлган вазифаларга алоҳида тўхталиб: “Хусусан, баҳшичилик соҳасида шаклланган ижодий мактаблар, “устоз – шогирд” анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш, баҳши-шоирлар, фольклоршунос олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларнинг ижодий ва илмий фаолиятини

хар томонлама рағбатлантириш, маданият ва санъат муассасалари қошида баҳшичилик тўғараклари ташкил этиш, баҳши-шоирлар ижодига кенг йўл очиб бериш, тўй-томошалар, турли байрам ва маданий тадбирларда уларнинг доимий иштирокини таъминлаш, шу йўналишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш, ўзаро тажриба алмашишни йўлга кўйиш, баҳшичилик санъатини кенг тарғиб этиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва Интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш, фольклор асарларининг аудио ва видео варианtlарини кўпайтириш мақсадга мувофиқидир” деган эдилар.

Ҳақиқатдан ҳам ўтган давр мобайнидаги тарихга назар солар эканмиз, нафақат тибиёт, архитектура, маданият соҳаларида эришилган ютукларнинг кўплигига балки, халқ оғзаки ижодига ҳам катта эътибор қаратилганлигининг гувоҳи бўламиз. Мусиқа ва адабиёт инсон умрининг ажралмас бир кисми бўлиб, аждодларимиз асарларини мутолаа қилиш кўплаб мусиқий-шөърий ижод намуналари билан танишишга, уларни ўрганишга ёрдам беради. Жумладан, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Нажмиддин Кавқабий, Дарвиш Али Чангий каби буюк алломаларнинг кўплаб рисолаларида созандалик санъати, мусиқа илми тўғрисида адабиётларда кўплаб маълумотлар баён этилган.

Маълумки, Ўрта Осиё халқарининг мусиқа санъати ва шеърияти бир-биридан ажралмаган ҳолда (синкреметик) юзага келган бўлиб, эрамизгача бўлган Г минг йилликка тўғри келади. Бу эса ўз навбатида энг қадимий оғзаки мусиқий-шөърий ижод намуналарида келтирилган қаҳрамонлик ва улар ҳакидаги халқ достонлари, қўшиклар ва поэмалар мажмуи билан характерланади. Жумладан, Широқ, Рустам, Сиёвуш каби афсона ва қўшикларни бунга

мисол қилиб келтириш мумкин.

Шунингдек, асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган “**Авесто**” китобида ҳам аждодларимизнинг ижтимоий ҳаёти, маънавий дунёси ҳақида кўплаб маълумотлар берилган. Ушбу тарихий асарнинг мазмун-моҳиятида яккахудолик, инсонпарварлик, меҳр-шафқат, меҳнадсеварлик, юртпарварлик тоялари таранум этилган бўлиб, ёш авлоднинг маънавиятини тарбиялашда, яратувчанлик ва бунёдкорлигини шакллантиришда хизмат қилувчи энг муҳим манбалардан бири десак, муболага бўлмайди.

Филология фанлари доктори, профессор Қ.Содиқовнинг “Шарқ классик филологияси” деб номланган илк тўпламида маросимларда ижро этиладиган қўшиқлар ҳақида қўйидагича маълумотлар келтирилган. “Мовароуннар” ва Хуросондаги исломгача бўлган динлар қаторида Кушон (I – IV асрлар) ва Эфтальитлар (V – VI аср ўрталари) давлатлари даврида четдан кириб келганбuddа ва христиан динлари мусиқа билан бевосита боғлиқ бўлса-да, аммо ватани Хоразм хисобланган. Муқаддас китобнинг энг қадими қисмларидан “Ясна” аталмиш 17-боби “Готлар” – “Гимнлар” деб номланган. Улар турли маросимларда ижро этиладиган қўшиқларни ўз ичига олади. Қўшиқларни ижро этиш, дуоларни ўқиш, ибодат давомида овозни идора этиш ва ижронинг таъсир кучини ошириш йўллари Зардуст мисолида кўрсатилади. Масалан, “Заратуштра (Зардуст) бола туғилган заҳоти шеърий дуоларни тўрт марта тўхтаб-тўхтаб, ҳар гал овозини баландроқ кўтариб ўқиган”. [1.–Б.41] Шуниси дикқатга сазоворки, “Авесто”нинг ўзи ҳам, унинг шарҳлари (Зенд) ҳам милоднинг VI асригача тўлалигича оғзаки сақланиб келинган. Жумладан, “Авесто” нинг “Готлари” мусиқа жўрлигига ижро этилиб, дуолар ўз вақтида лозим мутаносиблиқ (гармония) билан ва муайян пардаларда (регистр), овозларнинг зарур оҳанглари ва пардаларни тўла сақлаган ҳолда куйланиши талаб қилинган” [2.–Б.15]. Шу ҳолда авлоддан-авлодга оғзаки ўтиб келган. Уларнинг муайян овоз оҳангларига эга эканлиги, яъни “кўшиқоналиги” кўп асрлар жараёнида оғзаки сақланиб қолишига ўзига хос кафолат бўлиб хизмат қилди [3.–Б.36] ва бу оҳанглар асрлар оша яшаб келди”.

Турк хоқонлиги (IV – IX асрлар) даврида туркий ҳамда маҳаллий шарқий эроний халқлар аралашуви натижасида туркийлар мусиқий ҳаётининг айrim элементларини ўзлаштириш жараёнлари юз берган. Жумладан, туркий халқларнинг кўплаб эпик ривоятлари Ўрта Осиё халқлари эпосларининг шаклланишига таъсир кўрсатган. Эҳтимол, туркий қўшиқ-ўзанлардан ўзбек баҳшилари қўшиқчилик – поэтик ижодда уларнинг таъсирчан усусларини ўзлаштириб олган бўлишлари мумкин, бу ўзбек фольклорининг хилма-хиллигига, унинг мелодик, соз-оҳангдорлик, айниқса, ритмикоҳангдорлигининг бойлигига кўзга ташланади.

VII – VIII асрларда маҳаллий мусиқий-поэтик анъаналар муҳимлашади, оғзаки анъанадаги халқ ҳамда профессионал мусиқа шакллари юзага келади. Барбад (VI – VII) ижоди худди шу даврларга тўғри

келади. У Ўрта Осиёнинг дастлабки бастакорларидан бири бўлиб, унинг номи ҳаётлигига ёк афсонага айланиб кетган эди. У ўзида қўшиқчи, мусиқага ҳамда юқори бадииятга эга бўлган асарлар муаллифи каби хислатларини мужассамлаштирган эди. Барбад ижоди ҳамда ижрочилик маҳорати шу даражада етук эдики, уни “Ўрта Осиё булбули” деб улуғланган. Эҳтимол, шу сабаб бўлган бўлса керак, ҳар қандай хукмдор ўз саройида Барбаднинг ташрифидан мамнун бўлган. У Эрон шохи Хусрав II Парвиз саройида энг кўп муддат хизмат қилган.

Етук ижодий ва ижрочилик қобилиятига эга бўлган мусиқачи Барбад санъати Якин ва Ўрта Шарқда жуда машҳур бўлган. Унинг фаолияти Дақикий ва Фирдавсий, Низомий ва Алишер Навоий томонидан ниҳоятда самимий ва лирик оҳангларда куйланган. Барбаднинг бадиҳагўй санъаткорлиги, айниқса, Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” достонида қисман бўлса-да маълумотлар берилган [4.–С.7].

Сомонийлар ҳукмронлиги даврида (IX – X асрлар) ҳўжалик ва маданий ривожи асосида ҳукмдорлар саройида адабиёт ҳамда мусиқа санъати ривож топади. Сарой шоирлари ва мусиқачилари ижодида ҳукмдорни улуғловчи қасида, кенг тарқалади. Унинг кириш қисми (насиб) бўлиб, мусиқий чолғу билан, аммо алоҳида хос кечаларда мустақил равища ҳам ижро этилган. Кейинчалик мустақил ва машҳур жанрга айланган мусиқий-шёърий санъатнинг гўзал шакли – ғазал келиб чиқишига кўра насиба, яъни, лирик муқаддимага боғланади. У даврда ғазални ижро этувчи мусиқачи “мутриб” дейилган. Мадҳ характеристидаги мусиқий-поэтик асарлар билан бирга илғор ижтимоий қарааш ва кайфиятларни акс эттирувчи қўшиқлар ҳам яратилган.

Ўрта Осиё халқлари ҳаётида мусиқанинг бекиёс ўрни ва аҳамиятини мусиқа фанига асос қўйган Шарқ комусий мутафаккирлари чукур англаб етишган. Шахсий ва жамоавий ижоднинг ўрни, таъсири, поэзия ва мусиқанинг бир-бири билан табиии омухталашиш жараёнларига оид муаммоларни дастлаб ҳар томонлама ишлаб чиқкан олимлар Абу Наср Форобий (837-950) ва Абу Али ибн Синолар (980-1037) эди. Шу жумладан, мусиқа оғзаки қасбий ижод масалалари “Шарқ мусиқа назариясига оид бирмунча жиддий асарлар” [5.–С.93] яратган Форобий илмий меросида муҳим ўрин тутади. Унинг асарлари орасида “Китоб фи ихсо ал-ийковъ” (“Ритмлар туркумлари ҳақида китоб”), “Китоб фин накра музофа илал-ийковъ” (“Ритм билан боғланган оҳанглар ҳақидаги китоб”) алоҳида ўрин тутади.

Мусиқий-ижодий жараён “Китоб ул-мусиқа ал-қабир” (“Мусиқа ҳақида катта китоб”), “Калом фи-л мусиқий” (“Мусиқа ҳақида ўйлар”), фундаментал тадқиқот “Китоб фи ихсо ал-улум ва ат-таъриф” (“Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи”) асарларида бош муаммо сифатида ўрганилган.

Форобий мусиқани уч турга ажратади: лаззат етказадиган, хис-ҳаяжон ифодаловчи ва тасаввур ўйғотувчи. Айни пайтда Форобий “уч хусусиятнинг барчасига эга бўлган мусиқа, шубҳасиз, нисбатан етук бўлади. Бундай мусиқа факат вокал бўлиши мумкин”, деган эди.

Ўзи кўп киррали мусиқашунос ва олим вокал мусиканинг уч туринигина эмас, ўзида рангбаранг (мусиқий ва поэтик) ижод турларини ҳам мужассамлаштириб, бутун тўлалиги билан чукур мазмун инфодалашига тўла ишонган эди [6.–С.32].

Унинг асарларида поэтик нутқ яратиладиган, муайян тартиб ва қурилишга эга бўлган етук оҳанглар тузилиши, поэтик нутқни оҳангнинг у ёки бу мақсадларга мувофиқ кўллаш усуслари, шу нутқ туфайли мақсадга етиб, янада таъсирироқ ва рухга сингадиган оҳангларни аниқлаш ҳакида сўз боради.

Унда ва бошқа жойларда Форобий поэтик нутқка мўлжалланган оҳанглар ҳакида гапиради ва шундай қилиб Ўрта Осиёда биринчи бўлиб мусика ва шеърият орасида илмий асосланган ўхшашикларни қайд этиб, бир хил атамаларни кўллади. Бу ажабланарли эмас, чунки Форобий шоир сифатида поэтик санъатларга, Шарқ поэзияси жанрларига оид бир неча рисолалар муаллифи сифатида ҳам машҳур эди.

Форобийнинг энг яқин издоши Абу Али ибн Сино бўлган. Ёш Сино учун Форобий асарлари ўзини қизиқтирган фанлар, жумладан, мусика фанини билишда ҳам калит вазифасини ўтаган эди.

Ибн Синонинг “Мусика фани ҳақидаги рисола”сидаги боблардан бири ритм, шеър ҳамда шеърий вазнлар масаласига бағишлиланган эди. Форобийга ўхшаб, Ибн Сино ҳам шеърий жанр ва шаклларнинг урф-одатларига бевосита боғлик эканлигини ҳамда уларнинг бойитишга интилишини таъкидлайди [7.–С.73].

Бир қанча манбалар Ибн Синонинг кўпгина асарлар муаллифи эканлигидан далолат беради. Бу вактда ҳалигача фақат ҳалқ оғзаки ижодида мавжуд бўлган қадимий эпик афсона ва ривоятларга бўлган қизиқиши оргтан эди. Профессионал қаҳрамонлик эпоси вужудга келди, унинг асосида ўн бир бўғинли вазн-мутакориб ётар ва икки мисра бир-бири билан кифояланиб келади. Ўрта Осиё ҳалклари эпосидан Фирдавсий ўзининг машҳур “Шоҳнома” достонида унумли фойдаланган эди. Унда ўша давр мусика санъатининг кенг манзараси: мусиқий ҳаёт, чолғулар ҳақида атрофлича маълумотлар акс этган.

X – XI асрларда маданият, санъат ва адабиёт ривожланган ва тараққий этган давр бўлиб, бунда мусиқачилар ҳақидаги маълумотларни қамрайдиган адабий ёдгорликлардан бири “Қобуснома”дир. Унда саройдаги мусиқачиларга оид ахлоқ кодекси баён этилган бўлиб, вазн ва ритм мураккаблигига кўра куйларнинг тавсифи берилган. Мазкур асарда Кайковус ҳаётий ва амалий масалалардан кенг фойдаланган ҳолда ўз турмушида кўрган, учратган муаммоларни ҳикоялар, маколлар ва донишмандларнинг ҳикматли сўзлари орқали ифодалайди. Жумладан, ўттиз бешинчи “Шоирлик расми зикрида”ги бобида шоирларга қўйидагича маслаҳат берилган. “Бир хил вазн ва бир хил кифояга қаноат қилмагил, санъатсиз ва тартибсиз шеър айтмагил. Шеърда зарб, яъни оҳанг, яхши садо, мунг бўлса ва шаклда алъал бўлса, яъни вазни тўла бўлса, яхши бўлур”. Айниқса, асарнинг ўттиз олтинчии бобида, яъни “Хофизлик ва созандалик зикрида” айтилганки, “хофиз бўлсанг, хушфеъл, кувноқ бўл,

ҳамиша пок, мутаййаб ва хуш забон бўлғил ва ўз ишингга машғул бўлғил, ярамас хулқ, қўпол башара бўлмагил. Ҳамма вақт оғир йўлларни чертмагил, чунки барча машқ ва оҳангни бир хилда чертиш шарт эмасдур, нединким одамларнинг барчаси бир хилда бўлғон эрмаслар, таъблари ҳам бир-бирига мувофиқ эрмас, яъни ҳалқ муҳталифурлар” дейилган.

“Қобуснома” асари китобхонни ўзига жалб этадиган даражада бой мазмунга эга бўлиб, унда санъат соҳасида эндигина ўз фаолиятини бошлиётган ёш мутахассисларининг таълим ва тарбияси учун муҳим бўлган жисмоний ҳамда ақлий фазилатлар ўта зукколик билан таҳлил қилинади.

Темур ва темурийлар хукмронлиги даврида маданиятнинг юксак даражадаги ривожи қайд этилади, худди шу даврда олим ва мусиқачи Абдул Қодир томонидан мусиқага оид рисола яратилади. Унда сарой мусиқасининг хилма-хил шакллари, бизгача етиб келган пешрав мусиқий жанрлари тасвиранган.

XV асрнинг иккинчи ярмига келиб Самарқанд ўз маданий мавқеини Ҳиротга бўшатиб бера бошлиди. Табиийки, бу ердаги маданият ривожи, биринчи навбатда, хукмдор Султон Ҳусайн Бойқаронинг бош вазири бўлган Алишер Навоий номи билан боғлиқ. Навоий мусиқани ниҳоятда яхши кўрган, мусиқий асарлар яратган. Мусиқани нозик ҳис этган ҳамда унинг катта эмоционал, маънавий ва эстетик кучга эга эканлигини англаган адаб мусиқий асарларнинг мазмундор ҳамда ҳаёт билан боғланган бўлиши шарт деб ҳисоблар эди.

Навоийнинг мусиқани санъат сифатида ахлоқий юксак ва эстетик жиҳатдан теран талқини, унинг мусика композицияси ва фани ҳақидаги қарашлари кўпгина бадиий ҳамда илмий-фалсафий асарларида акс этган.

Ўз қаҳрамонларининг (Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун) ички кечинмаларини тавсифлар экан, Навоий севги ва гўзалликни мусиқий чолгуларнинг чиқаётган садоларга қиёслайди. Шоир созанда, хонанда, ракқосалар иштирокидаги байрам тантаналари тасвирига кўп жой ажратади. Шоирнинг асарларидаги қаҳрамонлар қатори хонанда, раққоса, созандалар, ижрочи ва бастакорлар орасида, айниқса, “Сабъай сайёр” достонидаги мусофири созанда эътиборни тортади. Унинг нутқида шундай сўзлар бор:

*Санъатим анда соз чалмоқ иши,
Билмайин мен киби ишишни киши.
Илми аввору фанни мусиқий,
Мендин ул илм аҳли таҳқиқи.
Элга таълим этмоқ эрдим,
Кимки устози қавм шогирдим [8.–С.256].*

Академик Н.И.Конрад ёзади: “Навоий устози Жомий каби мусиқашунос эканлиги, унинг асарлари орасида мусиқага доирлари ҳам борлигини эслайлик. Унинг “Хамса”сига, шунга кўра, мусика нуқтаи назаридан ҳам ёндашиб мумкин. Бу холатда у сўзлар тили билан берилган ҳаётий жарапн гавдаланади. Аммо шуни ҳам эсда тутиш керакки, пентатоникадаги товушлар қатори бешта ранг-баранг оҳанглар орқали намоён бўлади ва уларнинг ҳар бири товуш оралиғидаги

интервалларнинг жойлашиши, ҳар бир оҳангнинг ўзига хос жаранги билан ажралиб туради. Бири соф мажор, иккинчиси соф минор, учинчиси “минорга яқинлашгандек”, аммо яна бир куй борки, унда мажор ва минор ажратиб бўлмайди. Назаримда, Алишер Навоийнинг беш достони худди ана шундай жаранглайди” [9.–С.284].

Машхур мусиқашунос олим фаразлари, сўзсиз, асосиз эмас, зеро, буюк шоирнинг поэтик меросидаги мусиқийлик, унинг мусиқий ижод моҳияти ҳақидаги тушунчлари ўз давридаги мусиқа чолғулари ва мусиқа амалиёти ҳақидаги эслатмалар доирасидан жуда узокларга чиқиб кетган.

Алишер Навоий мусиқий ижодга чукур илмий-бадиий тавсиф беради. Халқ ҳамда оғзаки профессионал ижод муаммолари шоирни, айникса, умрининг сўнгги пайтларида кўпроқ қизиктирган. Бу борада “Мажолис ун-нафоис” (1491), “Мезон ул-авzon” (1402 йилдан сўнг), “Ҳолати Пахлавон Муҳаммад” (1493 йилдан сўнг), “Маҳбуб ул-кулуб” (1500-1501) ва бошқа фундаментал асарларда маълумотлар мавжуд.

Шарқ фанининг буюк икки арбоби: Форобий ва Ибн Сино каби Алишер Навоий ҳам мусиқани чолғу ва ашулага бўлади, табиийки, бунда устунликни кейингисига беради, зеро, у сўз ва мусиқий фикрни синтезлаштирган ҳолда, янада таъсирироқ кучга эга бўлади.

Мусиқа назарияси ва тарихидан, бастакорлар санъатидан яхши хабардор бўлган ҳамда ўзининг вокал (нақши) чолғу ва (пешравлар) асарларини яратган. Алишер Навоий ўз поэтик ижодида мусиқий ижод таъсирини сезмаслиги мумкин эмас эди.

Мусиқий ижоднинг нисбатан мураккаб

муаммоларини ҳал қилишга уринган йирик олимлардан яна бири Мавлоно Нажмиддин Кавқаби Бухорий (1532 йилда ўлдирилган) эди. Кўп киррали истеъдод эгаси сифатида у шоир ва олим, созанда, ижрочи ва бастакор бўлиб танилди. Фаннинг кўп тармоқларини камраб олган илмий ишлари орасида унинг мусиқа назарияси, ритмика ва қофияга оид тадқиқотлари ҳам мавжуд.

Айникса, унинг Бухоро мақомлари асосида мусиқа ва сўз үйғунлиги ҳақидаги тадқиқоти алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу кўп йиллик илмий изланишлар натижада унинг “Мусиқа ҳақида рисола”, “Кўйларининг турлари” [10.–С.63] сингари асарлари яратилди.

Ўрта асрлардаги мусиқий рисолаларда мусиқий ритм икки қисмга, яъни чолғу ҳамда ашулага бўлиб ўрганилган бўлиб, унинг таълимоти шеърият олами билан узвий боғланган ҳолда олиб борилган.

Ёшларимизнинг маънавияти қанчалар етук, ҳар томонлама гўзал бўлса, келажаги буюк юртимиз ҳам кўркам ва ўзга мамлакатлар олдида ўз таровати, санъати билан шу қадар хурмат-эътиборга эга бўлади.

Ўтган давр мобайнида Шарқ мутафаккирлари томонидан илгари сурйилган қараашлар, ғоялар нафакат ёшларнинг онги ва қалбига маънавий озуқа беради, балки, уларнинг маънавий-ахлоқий оламини тарбиялайди, миллий ва умуминсоний қадриятларга бўлган қизиқишиларини оширади.

Шунингдек, Шарқ мутафаккирларининг ижодий фаолиятидаги таълим-тарбияга оид ёндашувларни, қараашларни ёш авлоднинг онгига сингдириш усууллари ва воситаларини билиш ҳамда тўғри фойдаланиш зарур.

Адабиётлар рўйхати:

1. Махмудов Т. Авесто ҳакида. –Тошкент: Шарқ, 2001. -425 б.
2. Қодиров М. Дин. Авесто ижрочилик. –Тошкент: Нафосат, 1993. № 3–4. -59 б.
3. Низомов А. Суфизм в контексте музыкальной культуры народов Центральной Азии. Душанбе, 2000. -296 б.
4. Гофурбеков Т.Б. Творческие ресурсы национальной мелодии и их прельзование в узбекской советской музыке. – Тошкент: Фан, 1987. -86 б.
5. Хайруллаев М.М. Мировоззрение Фараби и его значение в истории философии. –Тошкент: Фан, 1967. -100 б.
6. Фараби. Трактат о музыке. //Курьер ЮНЕСКО, 1973. №6. -46 б.
7. Ибн Сино. Свод науки о музыке. пер. А.В.Сагдеева. Музикальная эстетика стран Востока. –Москва: 1967. -126 б.
8. Алишер Навоий. Асарлар: XV томлик. IX том. Тошкент: Бадиий адабиёт, 1965. -296 б.
9. Конрад Н.И.Запад и Восток. –Москва: Восточной литературы, 1972. -308 б.
10. Соломонова Т.Е. Вопросы ритма в узбекском песенном наследии. –Тошкент: Фан, 1978. -97 б.

МИЛЛИЙ “ҒУМ” НИМА?

Аннотация. Сўнгги йилларда ўзбек миллий санъатида умумий йўналиши ўзгариб бормоқда. Миллийликдан узоқлашиши, мусикамизга бегона оҳанлар кириб келиши, ўзга халқлар чолгуларининг миллий чолгуларимиз билан қоришиб кетиши бунга мисол бўлади. Ўзбек халқининг ҳеч бир миллатникуга ўҳшамайдиган, ўзига хос “ғум”и, оҳанги, шираси бор. Мазкур мақолада миллий гумнинг халқимиз, хусусан, ёшлиларимизнинг руҳий ва маънавий камолотида ўзига хос аҳамиятга эга экани ҳақида сўз боради. Зоро, миллий гумдан узилиши нафақат бугунги авлодни, балки келажсак авлодни ҳам маънавий мажруҳ қилишига олиб келади.

Калим сўзлар: Миллий санъат, “ғум”, она алласи, гарбона мусиқа, йигламоқ, инграмак, синграмак, “яшурун”, “йиги-йўқлов қўшиқлари”

Дилмурод ИСЛОМОВ,
и.о.профессор кафедры "Музыкальное исполнение" ГИИКУз

ЧТО ТАКОЕ НАЦИОНАЛЬНАЯ ГУМ?

Аннотация. Последние годы изменяются общие направления узбекского национального искусства. Этому можно привести пример удаление от национального своеобразия, смещение национальных музыкальных инструментов и музыкальными инструментами других народов, проникновение чужих мелодий. Узбекского народа имеется своеобразные "гумы". В данной статье рассматривается вопрос о позитивном влиянии гумов на духовное развитие народа и молодежи. Потери гумов отрицательно скажется в духовности и будущего поколения.

Ключевые слова: национального искусство, "гум", убаюканье, западная музыка, плакартъ, стонать, "тайный", "плачи".

Dilmurod ISLOMOV,
Professor of the chair "Musical Performance" USIAC

WHAT IS A NATIONAL GUM?

Abstract. In recent years, the general direction of Uzbek national art is changing. An examples of this is the departure of nationalism, the inclusion of strange music in our music, and the incompatibility of other nationals instruments with our nationals instruments. The Uzbek people have their own unique "Gum (uzbek national tune)" (гум) melody and slate of tune, unlike any other nation. This article discusses the importance of national "gum" (uzbek national traditional tune) in the spiritual and spiritual development of our people, especially our youth. Because the loss of national "gum" will cause spiritual damage not only the present generation but also to the future generation.

Keywords: national art, "gum" (uzbek national traditional tune), in laby song of mother, western, music, crying, groaning, hiding, the songs of crying.

Хар бир халқнинг миллат сифатида шаклланишида у яшаб турган она заминнинг таъсир кучи каттадир. Барча халқлар учун ўзи яшаб турган, туғилган замини азиздир. Аммо ўша заминда баҳор, ёз, куз, қиши фасллари ўз вақтида бўлмаса, одам организмида тўлақонли ривожланиш бўлмайди. Ривожланиш бўлмаган жойда руҳий-маънавий соғломлик, илм-фан, санъат ривожи, қўйингки, истеъдод соҳиблари ҳам кам учрайди.

Мен фаолиятим давомида кўп мамлакатларда бўлганман. Бизнинг тўрт фасли мукаммал бўлган юрт ҳамма жойда ҳам бор эмас. Бизнинг юртимиз ана шунинг учун ҳам гўзал. Қолаверса, ҳамма юртларнинг, шу жумладан, бизнинг юрт одамларининг нафақат иқтисодий, балки маънавий, руҳий томонлари ҳам алоҳидалик касб этади. Эътибор беринг: миллий чолгуларнинг садоларини эшитганингизда, баданингизда титроқ пайдо бўлади. Мусиқа ғумининг таъсири шунда қўринади. Миллатимиз руҳий тарбиясидаги, камолотидаги ўрни унинг таъсири билан белгиланади.

Мен бошқа юртлар халқининг табиати, тарихи, урф-одатлари, юритидан чиқсан улуғ алломалар билан ҳам қизиқиб кўрганман. Ўша паллалар юртимиздан чиқсан буюклар

билан солиштириб кўрганимда, биздан – заминимиздан етишиб чиқсан улуғларнинг қилган ишлари кўлами осмон баравар эканини билиб, бошим кўкка етган эди. Ҳа, ҳақиқатан бу замин халқи ўз буюклари билан ҳар қанча фурурланса арзиди. Чунки бунга арзигулик алломаларимиз кўп.

Биз учун факат алломаларимиз билан фаҳрланиб қолишнинг ўзи кифоя эмас. Бугунги авлод улардан сабоқ олайтганлари кувонарли ҳол. Яқинда Узбекистон давлат санъат ва маданият институтининг талабаларидан ташкил топган ўзбек чолғуси созандалари билан учрашдим. Уларнинг миллий чолгуларимизда куйларни маҳорат билан ижро этаётганларини кузатдим. Ҳа, биз фаҳрланадиган алломаларимизга муносиб авлод шаклланаётганидан ниҳоятда мамнун бўлдим. Шу аснода талабалар мусиқадаги миллийлик, мусиқа ва қўшиқчилик тарихи ҳақида саволларга мени кўмиб ташладилар. Уларнинг миллий мусиқамиз тарихига қизиқишини кўриб қувончим янада ортди. Уларнинг саволларига жавоб берар эканман, ҳар бир миллий мусиқа ижросида миллий ғум муҳимлигини, айниқса, она ғуми юксак қадриятларимиздан бири эканини ҳикоя қилиб бердим. Талабаларнинг юз ифодаларидан,

кўзларидаги ҳайратдан англадимки, миллий ғум уларга ҳам қизиқ туюлган.

Аммо айрим ҳолларда одамларимиз олдида бўлишга интилиб, баъзан салбий ҳолатларга дуч келиб қолишлари ҳам содир бўлмоқда. Айтайлик, бизда ота-боболаримиздан суюк суриб келаётган тўй-ҳашамлар жуда содда, дабдабаларсиз ўтказилар эди. Ортиқча сарф-харажатлар тежалар, куда томонларнинг ҳам ҳамёни тежалиб, ҳам хижолатпазлик бўлмас эди. Кўнгилда ана шундай оғрикли хаёл бўлмадими, билингки, норозилик четга сурилгай.

Санъаткор бўлганим учун бу соҳада ҳам анча муаммоли, одамни ранжитадиган қусурларга эътиборим тушади. Чунки тўй-ҳашамлар санъаткорсиз ўтмайди. Ҳар қандай куй-қўшиқни шу халқнинг орасида чиққан санъаткордан орттириб ўзга миллат вакили айта олмайди. Куй-қўшиқ ижрочининг ҳам қонқонига она сути билан ўтган. Ана шу она сути билан миллий ғумни, ижро санъатини ўзга халқ вакили қандай қилиб маромига етказа олсин?! Ахир, она сути билан кирган миллий ғум ижрочининг вужудига сингиб кетган. Онанинг кечалари ухламай айтган аллалари бўлажак қўшиқчиларда ёки мусиқачида миллий ғумни пайдо қилгани ҳақиқатdir.

Гарчи бу ҳақда кўп гапирилаётган, матбуотда танқид остига олинаётган бўлса ҳам, шу ўринда мусиқа ва қўшиқчилик санъати билан боғлиқ анча йиллардан бери кўнглимда туғиб юрган гапларни китобхонларим эътиборига ҳавола қилишни истаб қолдим.

Бугунги кунда кўплаб санъаткорлар миллий қўшиқ, куйларни маромига етказиб ижро этолмай, хориж мусиқа ва қўшиқ санъатининг қулига айланиб қолишмоқда. Менинг назаримда, бу ҳолат арzon обрў орттиришга, миллий ижрочилик санъатини оёқ ости қилишга олиб келмоқда. Чунки ундей ижрочиларда дуторимизнинг, доирамизнинг, умуман, миллий чолгуларимизнинг ғуми йўқ. Зотан, она алласи орқали пайдо бўладиган миллий ғум уларда куртак ота олмаган. Бу билан айтмоқчимизки, миллий ғум ундей санъаткорларда йўқ ва бўлмайди ҳам.

Кайси соҳада бўлмасин - мусикада бўладими, ҳайкалтарошлиқда ё амалий санъатда бўладими, санъатнинг бошқа бирон турида ёки лиbosларда бўладими – миллийликдан узоқлашиш сохталикни келтириб чиқаради, халқнинг дидига ўрнашмайди, бунинг оқибати эса дидсизликдир. Халқимиз диди, руҳияти бунақа сохталикларни кўтара олмайди. Нафақат қўшиқчиларимизнинг, балки бастакорларимизнинг ҳам бу борадаги “хизматлари” одамни ранжитади. Ҳўш, бунинг сабаби қаерда? Шунчаки тақлидми ёки бугунги авлод санъаткорлари миллий ғумдан бегоналашиб, осон йўлларни танляптиларми? Ё бўлмаса ўзларича янги ижод қиляптиларми? Мен бу сингари қатор саволларнинг илдизида парокандалик ётиди, сабаби битта – анъаналардан, миллий ғумдан

узилиб қолганимизда, деб биламан. Анъанадан, миллий ғумдан узилиш эса нафақат бугунги авлодни, балки келажак авлодни ҳам маънавий мажруҳ қилишга олиб келади. Зотан, Алишер Навоййнинг:

*Варду шажар шоҳид эрур боз аро,
Лек ўтин силкидадур тоғ аро*

(Боғда чиройли кўринадиган гул ва дарахтлар тоғларда тартибсизлигидан ўтин қаторида турди) байти айни анъанавийликдан ва миллий ғумдан чекинишининг оқибатларини ифода этади, яъни бугунги авлодни жунбушга келтирадиган бир лаҳзалик ўйноки мусика бора-бора унтулиши, “ўтин” қаторига тушиб қолиши табиий. Ғарбона мусиқалар оҳангни остида маза-матрасиз, маънисиз сўзлар тизмасини (бу қўшиқлар матнини шеър деб бўлмайди) ҳониш қилиш билан на ғарбча қўшиқ пайдо бўлади, на шарқча, чунки улар миллий ғумдан тамомила бегона. Қўйингки, фақат куйга бир лаҳза бериламиз, холос. Аста-секин мусиқа тинглашда, қўшиқчилик санъатига муносабатда дидсизликка қўнишиб қоламиз. Энг ёмони шундаки, бизнинг миллий маданиятимизга тамомила ёт, миллий ғумдан узоқ, шарм-ҳаёсиз, иффатсиз харакатлар билан ярим ялангоч ҳолда рақс ижро этиш (айниқса, қиз болаларнинг рақси) бугунги ёш авлод – боғча ёшидаги қиз болалардан бошлаб урчиб бормоқда. Боғча мусиқа муаллимларининг, тарбиячиларнинг, боғча мутасаддиларининг бу ҳолатга бефарқ қараётганлари ҳам кечириб бўлмас ҳолдир. Боғча ёшидаги қизчалар турли аъзоларини ўйнатиб, кўз-кўз қилиб раксга тушишлари бизнинг маданиятимизга тамомила ёт эканини, бу маданиятсизлик эканини ҳали англаб етмайди. Албатта, миллийликдан, миллий ғумдан бегона мусиқа ўқитувчиси, боғча тарбиячиси учун бу салбий ҳолатлар “жаҳон мусиқа маданиятини ўзлаштириш, жаҳонга юз буриш” бўлиб туюлиши мумкин. Аммо бу – ўзини асло оқламайдиган, замини ва илдизи йўқ, беҳуда хатти-харакатdir. Миллий ғумнинг ва ўзлигимизнинг йўқолиб кетишига Шўро замонини сабабчи қилиб кўрсатамиз. Шўро замони барҳам топганига чорак аср бўлиб қолди. Шўронинг оқавалари мусиқа ва қўшиқчилик санъатида бугунги кунда давом этаётганини нима билан изоҳлаш мумкин?! Бунинг сабабларини ўзимизнинг бефарқлигимиздан, лоқайдлигимиздан, санъатда миллий ғумга эътиборсизлигимиздан излашимиз керак эмасми?

Санъатда анъанавийлик ва миллий ғум факат катта санъаткорлардан ёки санъатга кириб келаётган ёшлардан бошланмайди, балки бола бешикда ётганидаёқ бошланади. Онанинг айтган алласи миллий ғумнинг энг жонли намунаси, миллий ғумнинг тамал тоши.

Алланинг нафақат оҳангдорлиги ва нағислиги, балки ундаги она ички кечинмасининг оҳангни, тимсоллар ҳам миллийликни ифода этиб туради. Она фарзанди учун ҳамма нарсага – ўтиrsa сўри

бўлишга ҳам, қора меҳнатини қиладиган чўри бўлишга ҳам тайёр. Онанинг ягона тилаги – фарзанди улгайиб, камолга етса бўлди. Онанинг алласи орқали бу сингари тилаклари, орзуниятлари миллийликнинг ифодаси, миллий анъаналар, миллат равнақи ва камолоти, миллий ғум тимсоли.

Парокандалик юз берган жойда бошбошдоклик хукм суради, айниқса, мусиқа ва қўшиқчилик санъатидаги парокандаликни кечириб бўлмайди. Бу парокандаликнинг илдизи, менинг назаримда, одамларимиз ўтмишнинг яхши томонларини бугун ҳаётда давом эттиришга лоқайд муносабатда бўлаётгандаридир.

Нафакат жисмонан шаклланиш, балки маънавий томондан шаклланиш ҳам она қорнидалигидаёқ бошланади.

Биз бу гапларга бекорга тўхтамадик: нима учун бугунги қўшиқчилик ва мусиқа санъатидаги гайритабиилик ҳакида кўп гапирамизу бунинг илдизи қаерда эканини хаёлимизга келтирмаймиз? Миллий “ғум”дан бехабарлик, анъанадан узилиб қолишнинг оқибати ана шундай салбий ҳолатларга олиб келишини яна бир бор таъкидлашимизга тўғри келади. Ҳозирги оналар алла айтишини ёки боласига эртак айтиб беришни билмайди деймизу, аммо она ҳомиладорлик даврида кўл телефонига ёзib олган ва ўзи тушунмайдиган, миллатимиз руҳиятига, табиатига бегона мусиқаларни тинглашига оддий ҳол деб қараймиз. Онанинг бундай хатти-ҳаракатлари, шубҳасиз, она қорнидаги ҳомилага ўтади. Шунинг учун бола туғилгандан кейин ўша бизга ёт оҳанг боланинг овунчоғига айланиб қолади. Кўпинча вактни рўкач қиласиз, аммо бутун бир авлодни маънавий юксак қилиб тарбиялаш учун вакт топиш лозим. Акс ҳолда бунинг оқибатлари ёмон.

Шундай деб эътиroz билдиришингиз мумкин: оналарнинг алласини тинглаб улғайган болаларнинг ҳаммаси ҳам санъаткор бўлавермайди-ку! Тўғри, ҳаммаси санъаткор бўлмаслиги табиий, аммо маънавий томондан етук, жамиятга фойдали, яхши инсон бўлиб қолишига катта замин ҳозирлайди.

Миллий ғум – ҳалқимиз яратган, асрлар давомида куйлаб келган миллий қўшиқчилигининг тамал тоши аллаларда. Шу боис ёш оналар фарзандларини келажакда етук инсонлар қилиб тарбиялашларида миллий ғумни бир лаҳза бўлса-да унутмасликлари керак.

Миллийғумгаузунданузоқтўхталишимизнинг сабаби шунчаки мусиқа тарихида муҳим роль ўйнаган, миллий мусиқа санъатимизнинг тамал тоши ҳакида бугунги авлодга эслатиб қўйиш эмас, балки ижро санъатида миллий ғумга таяниш зарурлигини уқтиришдир.

Мусиқа - қалбнинг меҳроби. Унинг таъсири кучи ҳар қандай таъсирлардан қудратлироқ. На хорижий, на миллий аталмиш қурама куй-

кўшиқлар таъсирига тушиб қолган ўспиринни орта қайтариш, миллий мусиқа санъатига бошлаб келиш жуда-жуда қийиндир.

Ха, юқорида айтганимиздай, ҳалқимиз ўта зукко, ҳар доим биринчилардан бўлишни истайдиган истеъдодли, ҳаракатчан, меҳнаткаш ҳалқ. Ана шундай ҳалқнинг сарбонлари орта келаётган карвонга тўғри йўлни кўрсатишга бурчлидирлар.

Санъат ортидан кўп юртларда турли динга, тилга, урф-одатларга мансуб одамлар билан учрашишга, мулоқот қилишимга тўғри келган. Ана ўшандай паллаларда санъат сехрини, куч-қудратини чукур ҳис қилганман. Мен уларни тингладим, улар мени тинглади. Ана шу сехрли олам бизларни бирлаштириди, туташтириди ва натижада жону жигарга айланиб кетдик.

Ана шундай сафарларнинг бирида ўзга миллатга мансуб санъаткор дўстларимиздан бирининг дағн маросими устидан чиқдим. Азалий синчковлигим мени яна ўзга одамга айлантириб қўйган эди. Дўстимдан жудо бўлганим учун дилим хуфтон бўлса-да, одамларни кузатдим. Барчанинг кўзида ёш, аммо бир четда букланганича кўз ёш тўкиб ингранаётган онанинг овози юрагимни титратиб юборди. Бундай ички ғумни илк бор эшитаётганим йўқ эди. Бундай овозиз фарёдни олдин ҳам эшитгандим. Онага тикилиб турибману, ҳаёлимга узоқ йиллар олдин отам вафот этган пайт келди: онамнинг йиги гуми қулоқларим остида садо берарди. Онамнинг қалбидан шундай бир мотам куйи отилиб чиқардики, бундай мотам куйини ҳеч қаерда эшитмагандим. У фарёдни сўз билан таърифлаб бўлмасди. Она шундай қудратли, юракни ларзага соладиган, вужудни тилка-пора қилиб юборадиган, ўзлигидан воз кечиб, мотам тутаётган буюк муғанийга айланиб қолган эди. Ўшанда... ўшанда шундай ҳислар мени чулғаб олган, қай жойдан тасалли излашни билолмай қолган эдим. Жудоликни бунчалар қабариқ, бўрттириб одамга англатадиган куч онанинг ғумида эканини санъаткор бўлганим учун юракдан ҳис қилганман. Ҳамон ўшандай мотам кунларида марҳумнинг жигарлари, ота-онаси билан юзма-юз бўлишдан кўрқаман, чунки улар билан бирга, мен ҳам ўшандай ҳолатга тушиб қоламан. Ичдан отилиб чиқаётган садосиз бундай фарёдни айрим одамлар ҳис қилмас, аммо мен ич-ичимдан ҳис қиласман.

Жуда кўп ҳалқларнинг куйларини тингладим, айримларининг ижросида ўзим иштирок этдим, лекин ҳеч бир куйда оналар юрагидан отилиб чиқаётган сассиз фарёд тирик одамга айланишини сезмаганман. Балки шу дамгача бирон бастакор бундай ҳолатга тушганми ёйуқми – билмайман.

Боласига алла айтаётган она ҳар қандай гўзал аёллардан гўзалдир. Онанинг бешик устида айтган алласини бирон қўшиқчи ўша оначалик бутун вужуди билан ижро этолмайди. Худди шу сингари, бехос боласидан жудо бўлган аёл

фарёдидан отилиб чиқаётган тирик жонни ҳеч бир муғаний куйга сололмайди. Бундай қўшиқ оналарнинг миллий ғумидагина ўз ўзидан куйга тушади.

Аммо халқимизнинг шодиёна кунлари кўп. Зотан, халқимизнинг орасида асрлар давомида яшаб келаётган қўшиқларнинг бир неча турлари ҳақида юкорида айтганларимиз тўй маросимида ижро этиладиган, шод-хуррамлик самараларидир. Ана шундай қўшиқлар яшайверсин, деймиз, тўйларимизга қўшиқ ярашади, деб кувонамиз. Аммо начора – баҳт билан кулфатнинг ораси бир қадам, ҳаёт ҳар куни байрамдан иборат эмас. Бу ҳаётнинг аччиғини ҳам, чучугини одамзод бошидан ўтказди, чунки тақдирда бори шу.

Халқимизда: “Фарзанд доғидан ўзинг асрарин” ёки “Бемаврид ўлимдан Аллоҳнинг ўзи арасасин” деган буюк ниятлар ва тилаклар бор. Аммо тақдирдабори бўлади–Аллоҳнингишигабандаси шак келтира олмайди. Ота-онанинг ўлими фарзандларга мерос. Аммо фарзанднинг бевақт ўлими-чи? Ота-она, табиийки, бу фожиадан эсанкираб қолади, ақллари ўтмаслашади, руҳият сўнади, вужуд бамисоли жонсиз этга айланади. Зотан, ични кемириб чиқаётган йиғилардан кўра оҳангга йўғрилган “ғумм...ғумм, ғумм” деган овозлар она дардининг юрак тубидан чиқаётган чексиз, таърифга сифмайдиган нолаларига айланади.

Йиғиларнинг турлари кўп: отага бағишланган йиғилар, хотиннинг эрига йиғиси, она вафотига йиғилар, эрнинг марҳум хотинига, бобо, буви, фарзанд, ака, опа ўлимига айтиладиган йиғилар бор ва бундай йиғиларга бутун бошли китоб бағишланган (*Йиғилар ҳақида тўлиқроқ маълумот олии учун қаранг: Бўзлардан учган газал-ай. – Тўпловчи ва нашрига тайёрловчилар: филология фанлари доктори, профессор О. Сафаров, филология фанлари номзоди Д. Ўраев. Бухоро, “Бухоро” нашриёти, 2004.*). “Гум” ҳам йиғининг бир тури, аммо ички дардининг энг чукур ифодаси “гум”да акс этади. “Гум”, асосан, онанинг изтироблари, сўз ижро этилмасдан, факат овоздан иборат, холос. Овознинг ўзи ҳам шеър, ҳам сўзсиз дард. Ҳазрат Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” (Икки

тил муҳокамаси) асарида *йигламоқ* феълига маънодош сўзларни келтирад экан, қуидагича кузатишларини баён қиласи: “...Ва шеърнинг бино ва мадори ишққа эврилур ва ошиклиқда *йигламоқ*дин куллийроқ ва доимийроқ амр йўқтур ва анда танавву бор: *йигламасинмоқ* мазмунидаки, турк мундок дебдурки,

ба й т:

*Зоҳид ишқин десаки, қилгай фоши,
Йигламасинуру кўзига келмас ёши.*

Ва **инграмак** ва **синграмак**, дард била яшурун оҳиста *йигламоқ*дур ва ораларида тафовут оз топилур, туркчада бу матлаъ борким, ба й т:

*Истасам давр аҳлидин ишқингни пинҳон айламак,
Кечалар гаҳ инграмакдур одатим, гаҳ синграмак.*

Форсида бу мазмунки бўлмагай, шоир не чора қилгай?”

(Алишер Навоий. Муқаммал асрлар тўплами. Йигирма жилдлик. 16-жилд, Тошкент, “Фан” нашриёти, 2000, 14-бет.)

Бу ўринда Навоий *йигламоқ* сўзига маънодош сифатида таъкидлаган **инграмак** айнан “ғум”га яқин. Навоий **инграмак** ҳаракати яширин (яни яшурун) ҳолда, дард билан ифодаланишини айтмоқда. Навоий айтган “яшурун” – овоз ичдан чиқишини, азага келганларга ошкор қилинмайдиган, ҳатто ошкор қилишга мажолисиз онанинг қиёфасини кўз олдимизда гавдалантиради.

Жудолик ҳасрати, айниқса, оналарга оғир келади. Ана шундай оғир жудоликдан бўзлаб куйлайдиган қўшиқлар пайдо бўлди. Халқимиз тарихида бундай мисралар “йиғи-йўқлов қўшиқлари” деган ном билан юритилади. Йиғи-йўқловларни таҳлил қилганимизда, бунинг тарихи узоқ экани англашилади. Баъзи халқларда йиғилар шеър ва мусиқа жўрлигига ижро этилган. Бу сингари халқ ижоди мусиқа санъатининг бир тури сифатида ўрганилишига лойикдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Хамса. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1958. -482 б.
2. Алишер Навоий. Муқаммал асрлар тўплами. Йигирма жилдлик. 16-жилд, –Тошкент, Фан, 2000. -300 б.
3. Исломов Д. Мозийдан садо.(Монография). -Тошкент: Экстремум пресс, 2015. -96 б.
4. Исломов Д. Шарқ мусиқаси тарихидан. (Монография). –Тошкент: Фан ва технологиялар, 2017. - 146 б.

**Махсума ХОДЖИМАТОВА,
ЎзДСМИ “Саҳна нутқи” кафедраси доценти**

“НЕЛЬ МИНОРАСИ”НИНГ ТАЛАБАЛАР САҲНАСИДАГИ ТАЛҚИНИ

Аннотация. Ушбу мақолада битирув диплом иши сифатида тақдим этилган жаҳон адабиёти дурдан асарларидан бирни А. Дюманинг “Нель минораси” спектакли хусусида сўз боради. Бўлгуси театр ва кино актёрларининг ўқув жараёнидаги эгаллаган билим, малака ва кўнгилмаларини диплом спектаклида татбиқ этиши ўйлари ҳақида фикр юритилади.

Калим сўзлар: монолог, диалог, интонация, костюм, декорация, ифодавий унсурлар, характер, қыролича.

**Махсума ХОДЖИМАТОВА,
доцент кафедры "Сценическая речь" ГИИКУЗ**

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ "НЕЛЬСКОЙ БАШНИ" НА СТУДЕНЧЕСКОЙ СЦЕНЕ

Аннотация. В данной статье речь ведется о спектакле “Нельская башня” по произведению А.Дюма. Также об овладении будущими актёрами театра и кино словесным действием и внедрении этих навыков в дипломном спектакле.

Ключевые слова: монолог, диалог, интонация, костюм, декорация, стихийные элементы, персонаж, королева.

**Makhsuma KHODJIMATOVA,
assosiate professor of the department "Stage speech" USIAC**

“THE NEIL TOWER” ON THE STUDENT'S STAGE

Abstract. This article refers to the play “The Neil Tower” based on the work of A. Dumas. Also about the mastery of future actors of the theater and cinema on verbal action and the introduction of skills in the diploma performance.

Keywords: monologue, dialogue, intonation, costume, decoration, elementary elements, character, queen.

Жаҳон драматургиясига эътибор, адиллар ижоди ва уларнинг босиб ўтган умр йўллари ҳар бир ўқувчи учун қизиқ маълумот ҳисобланади. Айниқса, актёрлик йўналишлари таҳсил олаётган бўлажак мутахассисларга бу борада талаб янада кучлилиги билан ажралиб туради.

Машхур француз адаби саргузаштларга бой романлар, саҳна асарлари муаллифи Александр Дюма ўз асарлари билан ўзбек китобхонлари ва томошибинларига “Уч мушкетёр”, “Граф Монте-Кристо”, “Йигирма йилдан кейин” ва “Виконт де Бражелон” каби қатор романлари, “Ов ва мухаббат”, “Генрих III ва унинг саройи” драмаси ёзувчига муваффақият келтирди. “Антони”, “Нель минораси” ва бошқа пьесалари орқали илгаридан таниш.

Адабнинг “Нель минораси” асари “Ажал минораси” деб номланиб илк бора ўзбек саҳнасида Ҳамза номли академик драма театрида 1972 йили Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев томонидан саҳналаштирилиб катта муваффақият козонган эди.

Биламизки, санъат ва маданият институти “Театр санъати” факультетида ҳар йили талабалар диплом спектаклларига жаҳон ва ўзбек тарихий асарларининг саҳналаштирилиши анъянага айланган.

2018-2019 ўқув йилининг “Талабалар ижодиёти фестивали”га ҳозирда қизғин ижодий ишлар тақдимоти кенг жамоатчилик ва мутахассислар кўригига тақдим этилаётган бир жараёнда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, режиссер Мунаввара Абдуллаева курсининг (4-“Драматик театр актёрлиги”) диплом спектак-

лига Александр Дюманинг “Ажал минораси” асари мурожаат этилиши катта мактаб ва меҳнатдан дарак беради десак, адашмаймиз.

Курсдан танлаб олинган барча персонажларга актёрлар билан алоҳида ҳар бир мутахассис иш олиб боргани, уларни саҳна маданияти, давр руҳиятига ҳамоҳанг тарзда мос тушишига, либослар билан ишлаши ва энг асосийси, саҳна нутқи актёрлик маҳоратининг ажралмас бир бўллаги экани эътиборни тортади.

Дюманинг ушбу асарида феодал оламнинг даҳшатли қўринишларини тасвиirlab, қирол ва унинг атрофидаги ҳукмдор зодагонлар доирасининг жинояткорона кирдикорларини яққол фош этади. Тожу таҳт, инсоний туйғулардан устун туриши актёрлар монолог ва диалогларида тақрорланмас тарзда ифода этилади.

Маргарита ўз фарзандларидан устун қўйган бойлик ва аёл мақрини ўта моҳирлик билан тасвиirlab беради. Ҳуршида Саатова ижросидаги Маргарита ўта айёrona, сўзларидаги қатъийлик, юз ифодасидаги ниқоб томошибин кўз олдида аёл кишининг “макри” ҳар нарсадан устун туришини бир нафасда намойиш этади. Актриса ижросидаги қиролича ўша даврга хос қадам ташлаши, сўзи, викор билан инсонларга мурожаат қилиши, кези келганда ўз манфаати йўлида хеч нарсадан тап тортмаслигини моҳирлик билан кўрсата олганлиги билан ажралиб туради. У ўзига топширилган қаҳрамонини ўйнамади, балки юрак билан ижро этди. У томошибинни ҳақиқий таҳт маликаси, аёвсиз курбонларнинг қотили бўлган Маргаритани

ишонарли тарзда ижро этишига муваффақ бўлди, десак адашмаймиз. Айниқса, қиморхонага ўз айби йўлида далил олиш мақсадида келганида, тўсатдан севгилиси Готье д-Оне билан тўсатдан тўқнашиб қолиши ва бу ҳолатдан чиқиш йўлида маккорлик билан юзидаги никобини олиб ташлаши ва хокисор аёл қиёфасида ўзини мулойим тутиши, нафас олиши, интонацияси, вужудидаги ўзгариш тилга чиқиб сўзларида ҳам бошқа қиёфага ўта олиш маҳорати томошабинни олкишига сазовор бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, асар қайси даврга мос тарзда ёзилмасин, спектакл намойишида томошабин ўша мухит, ўша давр ичига кириб, ҳатто актёр нафас олишини хис қила билиши ва энг асосийси, синчковлик билан томошада қилиши лозим. Бу эса режиссёр ва актёрлик ансамблиниң нақадар ҳамоҳанглика ишлаганидан, меҳнат қилганидан дарак беради. Бундан ташкари, спектаклда ўзининг истарали чехраси билан томошабинни эътиборини қозонган, Буридан образи алоҳида ўринни эгаллади. Буридан италиялик капитан, ташқи кўриниши, бўй-басти келишган, кўркам, юзида истара, ўзини ҳимоя қила оладиган, ҳар томонлама кучли йигит. Ибратжон Азаматов ижросидаги Буридан спектакль моҳиятини янада бойитишга хизмат қилган. Ундаги саҳна нутқи, сўзларнинг талаффузи, ёнидаги партнёрини эшита билиши актёрга юклатилган қахрамонини янада таъсиранлигини оширган. Спектакл давомидаги содир бўладиган саҳна жангларида ундаги хатти-ҳаракат, ўзини ҳимоя қила билиши ишонарли чиқсанлиги билан ажралиб турса-да, актёрни енгил ҳаракатлари томошабинни ўзига тортади. Бу ҳар бир актёрда кузатилган бўлиши мумкин, аммо, Буридан ролида алоҳида аҳамиятлидир. Буридан қачонлардир малика Маргарита билан соғ севги-муҳаббат оғушида яшаган, аммо тақдирнинг аччиқ қисмати ундан кўрган икки нафар ўғилнинг ғойибдан йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлади. У ишонган соғ севги ва ишонган Маргаритаси, ўзи дунёга келтирган икки нафар ўғил фарзандларидан юз ўгиради. Орадан йигирма йил ўтиб уларнинг тўсатдан тўқнашуви, кўп қинғир ишларининг очилишига сабаб бўлади. “Ажал минораси” икки нафар фарзандларининг бошига етади. Инсон аёл, Она деган улуғ таърифни бу каби ўз манфаати йўлида жигарбандларининг қотилига айланиши кечириб бўлмас хатодир.

Спектаклда асосий воқеаларнинг чигал тус олишида қайсиdir маънода қиморхонанинг ҳам ўрни бордек. Орсини исмли шахс доим ташриф буюрган мижозларига хурмат-эҳтиром кўрсатиб хизматда туради. Аммо, қиролича Маргарита билан хуфёна тил бириктириб, киролликка нисбатан оркадан иш кўриши унинг нақадар худбин, музюраклигидан дарак беради. Бобур Мансуров ижросидаги Орсини ўта мугомбир, ўзини хафа қилдириб кўймайдиган кучли шахс сифатида намоён бўлади. Албатта, қиморхона хўжайини бироз букир, оёғидан лат еганлиги сабаб, лўкиллаб юради ва кўзидаги чандиги ҳар бир хатти-ҳаракатларида актёрга кўмакчи вазифасини ўтагандек. Овозидаги оҳанг, нутқий ха-

рактер, талаффуз, ифодавий унсурлар, қаҳрамонига хос ҳаракатлар, гоҳида букир, гоҳида қадди тик жасур аскарлар феъл-атвори таҳлил этиб берилган.

Спектаклда хотима аччиқ якун топади: Маргарита Орсини билан яширин тузган режасига кўра, севгилиси бўлган Готье д-Оне (ҳақиқий ўғли) ни минорага тузоқ қўйиб чақирилиши ва ўлимига ўзи сабаб бўлиши, унинг ўғиллари қотилига айлангани (собиқ эри) Буридан томонидан очиқ-ойдин айтиб берилади. Воқеалар кульминацияси шу кадар тез тус оладики, гўё спектакл қахрамонларининг тақдирли, уларнинг баҳтли ва баҳтсиз кунлари оловда ёниб, фалакка кўтарилилгандек тус олади.

Томошабин юқорида тилга олинган барча қахрамонларга нисбатан ачиниш, ичдан уларни тушунишга, ҳатто ўғиллари қотили бўлган Маргаритага нисбатан ҳам ачинишни сезасиз. Ичдаги нафрат, даврнинг қақшатқич зарбалари, бойлик, хиёнат, шафқатсизлик барча сарой аъёнларини емирилиши олиб келади. Чунки, бир-бирларига нисбатан алдов, разолат уларни бир-бирларига бўлган ишонч ва меҳрини сўндирганини кўришимиз мумкин.

Шуни алоҳида айтиш керакки, энди-энди катта саҳна сари интилаётган бўлажак актёрларимизнинг бу каби жаҳон драматургиясида рол ижро этишининг ўзи катта баҳт. Бу борада томошабин, актёрдан катта куч ва ўзи устида тинмай меҳнат қилганини, қолаверса, ўша давр дворянларидек, шоҳона саройларда мухитга мослашиши, саҳна жанги, либослари билан машқ қилиши кўп самарали репетицияларни эвазига ушбу спектакль вужудга келганини шоҳиди бўлади. Чунки, жаҳон драматургиясидаги асарларда қахрамонлар исм-шарифига алоҳида эътибор билан талаффуз диккатни тортади. Томошабин буни илғамаслиги мумкин. Аммо, мутахассислар бу каби қатор камчиликларга синчковлик билан разм солади. Бу эса қилинган барча меҳнатга оз бўлса-да, ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳар бир йўналиш мутахассиси талаба билан қайта-қайта ишлаб юқоридаги эътирозлар юзага келмаслигининг олдини олади. Талаба билан куну-тун қайта-қайта ишлайди. Албатта, ҳар бир тарихий асарга алоҳида эътибор, алоҳида меҳр, алоҳида куч, алоҳида сабр керак, ана шундагина режиссёр ва унинг атрофига йигилган катта гурух кўзлаган мақсадига эришади.

Мунаввара Абдуллаева курси “диплом спектакл топширади” деган гапни эшитган ҳар бир унинг ижодига бефарқ бўлмаган томошабин, инсонлар албатта, ишидан вақт топиб ташриф буюради ва спектакл тақдимотида томошабин бўлади. Нима учун бу гапга эътибор қаратдим. Чунки устозда ҳар бир шахсга бўлган муносабат мужассам. У хоҳ домласи бўладими, хоҳ талаба бўладими, хоҳ чирок устаси, хоҳ рассом бўлсин, барчага талаб битта. Вақтида репетиция саҳнаси тайёр туриши, актёрлар ансамбли тайёр жойида бўлиши ва спектакл муваффакиятли чиқиши. Меҳнат, ҳаракат, хоҳиш ва интилиш барчаси устозга хос ва атрофидаги жамоасига талаби

ҳам ана шундай тарзда кечади. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, гурух талабалари сони кўп бўлгани учун диплом спектаклини иккита актёрлик таркиби билан тайёrlанган. Спектаклни икки кун мобайнида тақдим этишиди.

Тарихий асарлар доим томошабин кўз олдида ўша даврнинг ҳар қандай воқеиликларини тўла-тўкис намоёнэтадиган саҳна асаридир. Биз томоша қилган “Нел минораси” асаридаги воқеалар кимнидир тўғри йўлга бошласа, актёр сифатида келгусида ўз ўрнини топишига кўмак берса ишончимиз комилки, қилинган меҳнат ўз самарасини топган.

Келажакда бу каби катор мураккаб саҳна асарларига кўл уриш улар учун мақсадга эришиш йўлида, албатта, ёрдам беради. Зоро, бўлғуси санъаткорларни тарбиялашда, уларни ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан хабардор қилишда ўкув жараёни давридаёқ фильмлар, ўзбек ва жаҳон театр саҳналари асарларини кўриш, таҳлил қилиш ва ижод амалиётига тадбиқ этиб бориш санъат таълиманинг профессор ўқитувчилари ва талабалари зиммасидаги муҳим вазифалардан бириди.

Қўшимча. Асар персонажларининг мақсад сари интилишларига бевосита куч берадиган нуткий характер омили муҳимлигини талабалар аниқ хис этиган холда талқин этишган. Ҳар бир талабанинг саҳнада тимсол яратишга биринчи ва мустаҳкам қадам қўйилганликларини кўриш мумкин. Капитан Буридан роли ижрочи Ибратжондаги жарангдор ва дадил овоз, пластикаси, таъсирчан саҳнавий нутқи, бевосита ўз персонажининг хатти-харакати ва олий мақсад сари интилиши йўлидаги вазифаларни изчилликда ва темпоритм фаоллигида бажаришда муҳим ифодавий восита бўлиб хизмат қиласиги. Айтиш мумкинки, бир актёрнинг ўз ишига ҳалол ва ғирромсиз ёндашуви бутун бир жамоанинг – спектаклнинг бадиий яхлитлигига, мавзу долзарблиги, жанрнинг ва унда кўтарилаётган муаммо, бугунги кунга айтадиган сўзининг қудрати ва маънавий-тарбиявий аҳамиятини белгилайди. Шунингдек, киролича Маргаританинг нафс ва ахлоқсизлик гирдобига тушиши, унинг оқибатини кўриб томошабинда ҳар қандай қабиҳликнинг албатта, жазо олиши мукаррар эканлиги, босаётган қадамини ва инсонларга муносабатни доимо инсоний бўлиши лозим, деган холоса қиласиги. Талаба Соатова Хуршида ақл билан, қалб ва ишонарли,

хатти-харакати билан барча ғаразликларига эришиш йўлида қилаётган сохталиги ва маккоралиги спектаклнинг саҳнадан – саҳнага ўсиб боришига ва кулминацияга чиқиш, хulosани аниқ талқинига эришганлигини кўриняпти. Александр Дюомани билан саройдаги кескин бурилиши холат ва воқеаларни яратишдаги моҳир драматург сифатида яхши биламиз. Бу борада Арсини ролининг ижрочиси Мансуров Бобур майхона хизматчисидан қотилга, ундан яна қонхўр киёфасига ўта олиши талаба актёр учун бирмунча қийинлик түғдириши маълум ҳолат, лекин талаба буни уддалай олди. Саҳна жанги саҳналари ҳам осонлик билан эришиладиган жараён эмаслиги бизга маълум, тинимсиз изланиш ва машқлар орқали актёр жангнинг техник унсурларини ўрганади. Спектакль давомида эса қай ҳолатда, нима воқеа сабаб бу жанг содир бўлганлиги ва албатта, партнёр билан кечадиган муносабат ва диалогларни ўз ўрнида ва мақсадли қўллай

олиш маҳорати талаб этилади. Бу борада актёрдан эпчиллик, органик фаоллик, тана ва руҳиятнинг мутаносиб, мақсадга йўналтирилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Асар персонажларининг либослари даврга мос танланганлиги ва унга талабанинг мослашуви ҳам саҳнада юришда, қиличбозлик, сакраш каби харакатларда ўта сезгирлик ва енгилликни талаб этувчи омиллар ҳисобланади. Ўкув жараёнида актёрлик йўналиши талабалари белгиланган дарс жараёнида ушбу элементларни муқаммал эгаллашлари тақозо қилинади. Умуман олганда, катта юкли, мураккаб асарнинг танланishi, бу аввало, талабаларнинг актёрлик маҳорати элементларини яхши ва тўғри эгаллашларида ибратли мактаб бўлиши, бу театр санъати таълими педагогларининг миллий театр санъати, хусусан, актёрлик мактаби анъанасига содиқлигидан дарак беради.

Институтда ўтказиладиган анъанавий талаба ёшлар ижодиёти фестивалида ушбу гурух талабаларидан талаба Аъзаматов Ибратжон йилнинг энг яхши эркак роли ижрочиси, талаба Соатова Хуршида йилнинг энг яхши аёл роли ижрочиси номинациясига, шу гурухнинг яна бир диплом иши “Оппогой ва етти гном” эртаги асосидаги замонавий талқинда саҳналаштирилган спектакли эса энг яхши спектакли номинациясига эга бўлдилар. Ушбу ютуқлар келажакда бўлғуси актёрларни, ўзбек саҳна санъатининг юқори профессоналликка эришуви йўлидаги пойdevor вазифасини ўтасига ишонамиз.



**Машраб ЭРМАТОВ,
Преподаватель кафедры «Национальное пение» ГИИКУз**

АРИФ АЛИМАХСУМОВ – ТАЛАНТЛИВЫЙ ПЕДАГОГ НАШЕГО ВРЕМЕНИ

Аннотация. В данной статье ведется речь об Арифе Алимахсумове, который являлся представителем узбекского искусства, известным мастером узбекского народа, чья жизнь была известна своим творчеством и унаследовала примеры его исполнения для следующего поколения. Данная статья содержит основную информацию о деятельности художника, работах и творчестве.

Ключевые слова: узбекская классика, исполнение макома, художественное слово, красноречивое ораторство, ученик – наставник.

Машраб ЭРМАТОВ,
ЎзДСМИ "Миллий қўшиқчилик" кафедраси ўқитувчиси

ОРИФ АЛИМАХСУМОВ – БУГУНГИ КУН МОҲИР ПЕДАГОГИ

Аннотация. Уибу мақолада ўзбек санъати намояндаси бўлган машҳур ҳофиз Ориф Алимахсумов ҳақида гап юритилади. У ўзбек халқининг таниқли санъати устаси ҳисобланаб, унинг қўшиқ ижро этиши намуналари кейинги авлодларга мерос қилиб қолдирилади. Уибу мақолада санъаткорнинг фаолияти, асарлари ва ижоди ҳақида асосий маълумотлар мавжуд.

Калим сўзлар: ўзбек классикаси, мақом ижроси, бадиий сўз, нотиқлик, устоз – шогирд.

Mashrab ERMATOV,
teacher of the department "National singing" USIAC

ARIF ALIMAKHSUMOV – TALENTED TEACHER OF OUR TIME

Abstract. This article is about Arif Alimakhsumov, who is a representative of Uzbek art, a well-known master of the Uzbek people, whose life was known for his work and inherited examples of its execution for the next generation. This article contains basic information about the artist's activities, works and creativity.

Keywords: uzbek classic, performance of makom, artistic word, eloquent oratory, student-mentor.

Узбекистан, расположенный в самом сердце Центральной Азии, всегда был открыт другим культурам. Все время над ним витал дух универсализма, помогающий ему понять достижения иных народов, вступающих с ним в диалог. Страна эта, как «сердцевина» Центральной Азии, концентрирует в себе многие достижения культуры региона. Этот благодатный край, воспетый великими мыслителями Востока, дает богатейший материал для изучения исторических корней и научных основ узбекской классической музыки.

Важное значение в развитии узбекского искусства и культуры, а также духовности народа играют современные наставники молодого поколения, которые передают свой неоценимый опыт будущим представителям национальной культуры и искусства. Очень большое внимание в нашей стране на сегодняшний день уделяется развитию таких сфер искусства: как исполнительство узбекской классики (макомов), художественного слова, ораторства. Особенно остро уделяется внимание музыкальному обучению на всех ступенях образовательного процесса. В Узбекистане в годы независимости осуществлена огромная работа по глубокому изучению и дальнейшему развитию музыкального искусства. Опираясь на вековые традиции народа, музыкальная палитра Узбекистана обрела новые грани и направления,

устремилась к новым вершинам и расширила границы сотрудничества на международной арене. В подтверждение этому можно привести примером, что в целях дальнейшего логического продолжения начатой работы по строительству и оптимальному территориальному размещению детских школ музыки и искусства, формирования целостной сопряженной системы общего среднего образования и всестороннего духовно-нравственного воспитания подрастающего поколения, создания условий для наиболее полного раскрытия творческого потенциала детей, более глубокого понимания и привития любви к музыке и другим видам искусства, познания ими великого всемирного наследия в области музыкального и изобразительного искусства было утверждено постановление Президента Республики Узбекистан «О государственной программе по дальнейшему совершенствованию деятельности детских школ музыки и искусства на 2016 — 2020 годы» [1.С.1].

Одним из прекрасных талантливых педагогов во всех вышеперечисленных сферах искусства являлся Ариф Алимахсумов. Он прослыл искусственным исполнителем узбекской классики, прекрасным оратором и мастером художественного слова, а также незаменимым в своей сфере последователем замечательной узбекской тради-

ции «ученик-наставник». Широкий культурно-общественный круг знал Арифа Алимахсумова не только как умелого исполнителя узбекской классики (макомов), но и как трудолюбивого педагога, искусного знатока речи и красноречивого оратора. Его можно заслуженно назвать профессиональным певцом и музыкантом, а также несравненной творческой личностью.

Творчество по природе своей основано на желании сделать что-то новое, что до тебя еще никому не удавалось, либо то, что существовало, но ты можешь это улучшить, усовершенствовать. Иначе говоря, желание творить в человеке – это всегда стремление вперед, к лучшему, к прогрессу, к совершенству. Занятие творчеством рождает в личности живую фантазию, живое воображение. А без умения и желания творить невозможна продвижение ни в одной области человеческой деятельности.

Для меня большая часть писать о мастерах, которые стали признанными людьми нашего народа, но также это и очень большая ответственность. На самом деле для художника нетрудно получить общественное признание. В основе этого лежит гарантия его таланта. Кроме того, аспекты, которые усложняют его, являются в первую очередь даром создателя, и ни для кого не секрет, что правила, традиции и обязанности нашего народа являются критериями современности. Не все могут разгадать секрет таланта. Ключ к любому таланту - это знание, обучение и тяжелая работа над собой. И в следствии всех этих усилий, когда люди показывают себя, они заслуживают признания и осознают всю его силу и смысл. Также это касается представителей сферы искусства и культуры. Как справедливо отметил первый президент Узбекистана Ислам Каримов: - «Говоря о духовном совершенстве человечества, эта цель не может быть достигнута без музыкального искусства» [2.С.140].

Хафиз, оставивший след в узбекском сценическом искусстве, родился в 1926 году в Ташкенте. Он был воспитан в этой мудрой нации семьей Алимахсумовых. Все свое детство и молодость был трудолюбивым ребенком и парнем. 1944-1954 годы работал ткачом, затем помощником мастера в Ташкентском текстильном комбинате.

Любовь к искусству, способность в исполнении песен, обучение у народного певца Узбекистана Эшмата Хайдарова привели обычного рабочего к узбекской эстраде. В 1955—1957 годы работал певцом на узбекской эстраде, заслужил внимание народа приятными и пленительными песнями. Талант молодого исполнителя заметили и в 1957 году его пригласили исполнителем в состав Узбекского Республиканского ансамбля «Маком» (под руководством Юнуса Раджаби). Начал деятельность во времена Второй Мировой войны. Также Ариф Алимахсумов долгое время выступал в Узбекском театре оперы и балета имени Навои.

В 1967 году Ариф Алимахсумов окончил факультет музыкальной драмы Ташкентского института театра и изобразительного искусства (сегодняшний Институт искусств имени Маннона Уйгура). Затем окончил Ташкентскую государственную консерваторию. В 1967-1975 годах был солистом в оркестре народных инструментов Телерадиокомпании Узбекистана. На протяжении долгих лет работал художественным руководителем ансамбля «Маком».

За огромный вклад в развитие и сохранение узбекского музыкального искусства в 1977 году его наградили званием «Народный артист Узбекистана», а в 1994 году был награжден орденом «За здоровое поколение» и многими другими орденами.

В годы Независимости он вёл телепередачу «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Это был его достойный вклад в воспитание в молодёжи идеологии независимости и высоких нравственных идеалов, а также в воспитание почтения к высоким духовным и нравственным качествам человека.

С целью овладения секретами и своеобразными качествами исполнения макома Ариф Алимахсумов неустанно работал над собой, творчески развивался, повышал свою квалификацию и обучался у учителей-наставников. Он получил признание народа за исполнение газелей Джами, Лютфи, Навои, Бабура, Махмуда, Машраба, Агахи, Надиры, Увайси, Муқими и Фурката.

Такие песни в его исполнении, как «Бўлмишам», «Гул», «Дилоромим менинг», «Ажаб Раъносан», «Моҳи тобон қиз», «Кўзлар, кўзларинг», «Софиниб», «Жонон қиз», «Раъноланмасун», «Ассалом», «Эрмишам», «Жоним фидо», «Эмасму», «Мубталоман», «Даво истаб», «Илғор» превратились в жемчужины пенного искусства.

Такие песни, как «Чули ирок», «Сулим», «Айлагач», «Сараҳбори бузрук» в его исполнении заняли достойное место в золотом фонде узбекского классического искусства.

Талантливый педагог, певец и музыкант Ариф Алимахсумов внес большой вклад в запись на магнитную ленту «Шашмакома» - бессмертного национального наследия Узбекистана, и его широкую пропаганду. Шашмаком – отдельное слово в узбекской музыке. Это уникальный музыкальный жанр, который включен ЮНЕСКО в список шедевров устного и нематериального культурного наследия человечества от Узбекистана и Таджикистана. Шашмаком переводится как шесть макомов, шесть звукорядов. То есть, это музыкальное произведение, состоящее из шести частей, где каждая имеет свой порядок, свой ритм, свое значение. Шашмаком исполняется группой певцов и музыкантов, а в качестве инструментов используются дутар, дойра, гиджак и танбур. Музыкальные школы шашмакома открыты в Ташкенте, Самарканде, Бухаре, Коканде, и таджикских Худжанде и Душанбе.

Вклад Арифа Алимахсумова в музыку Узбекистана велик. Многим молодым исполнителям он передавал свои знания и опыт, был их наставником. Ведь в конце концов музыка является отражением человеческой жизни. Человек может видеть себя через музыку, визуализировать мир, размышлять, обучать, учить, руководить, лечить...

На протяжении всех эпох музыка являлась не-заменимым средством развития духовной культуры человека. В Древней Греции отводилась лидирующая роль музыкальному воспитанию. Пифагор считал, что «музыка является проявлением космической гармонии и способна создавать у людей такую же гармонию и внутренний порядок, как в космосе». Вот что такое музыка.

Музыка – это один из красивейших видов искусств, она способна дотронуться до струн человеческой души и наполнять сердца гармонией! Так и педагог. Ведь очень важно в педагогической деятельности коснуться всех струн трогательной детской души.

Педагогическое мастерство учителя музыки – это мастерство общения в посредничестве между музыкой и учеником, учитель – дирижёр, знаком и критик искусства.

Педагог должен являться образцом и обладать определенным набором качеств, таких как убежденность, целенаправленность, принципиальность, настойчивость, выдержка, находчивость, музыкальность, креативность, педагогический тakt, умение понимать внутренний мир другого человека. Быть музыкантом с большой буквы, владеть музыкальным инструментом, голосом, музыкальным слухом, импровизировать, знать закономерности музыкального и смежных языков. Все это и определяет успех деятельности учителя музыки.

Развитие человека можно представить себе, как музыку, исполняемую на огромном органе, у которого множество регистров, клавиатур, включающихся в определенное время и на определенный срок. Если в это время не сыграть в этом регистре, он замолкает навсегда. То, что не сформировалось у ребенка в нужное время, может быть исправлено потом лишь частично, да и то не всегда. Музыкальное произведение от тонкой, нежной мелодии в одном регистре в начале жизни до мощной симфонии в зрелом возрасте – вот образ, позволяющий осознать и почувствовать роль и место Учителя.

Сколько помнят себя люди, всегда среди них был Учитель. Был, есть и будет, пока светит солнце. Судьба каждого живущего на земле человека хотя бы чуточку побывала в руках бескорыстного слуги Истины, Мудрости, Добра. «Чти Учителя, как Бога», – приказывал отец, отдавая сына в школу. Наставлению этому, хранящемуся в древнеегипетских папирусах, более двух с половиной тысяч лет. В наше время учитель стал доступнее, земнее. Профессия – менее престиж-

ной. Но не изменилось его призвание – сеять разумное, добroe, вечное.

По мнению К.Д.Ушинского, педагогика – не наука, а искусство: самое сложное, высокое, самое необходимое; оно стремится к идеалу, вечно достигаемому и никогда вполне не постижимому: к идеалу совершенного человека.

Профессия учителя — одна из самых сложных и ответственных. Ведь он создаёт будущее страны, формируя у современного поколения взгляды и убеждения, мировоззрение и нравственные качества. Его деятельность требует особого призыва. Педагог должен любить свою профессию, увлекаться процессом обучения и воспитания человека. Успех педагогической деятельности зависит от коммуникативных способностей, от умения наладить правильные взаимоотношения с детьми и владения определёнными волевыми качествами. Он обязан контролировать своё поведение и управлять им. Очень важно в профессии учителя владеть своей речью, формулировать свои мысли грамотно, ясно, просто и понятно для ребят. Речь должна отличаться выразительностью, эмоциональностью и убедительностью.[3.С.1]

Прикоснуться к великому искусству, слушая потрясающую музыку, размышая о ней и передавая образы в красках и художественно-поэтическом слове, исполняя нежную лирическую или озорную задорную песню, чувствуя душу музыкальных инструментов, импровизируя со звуком, – ни с чем не сравнимое счастье, которое возможно пережить на уроке музыки.

Музыка открывает человеку разнообразный удивительный мир и самого себя в этом мире. Это полёт творческой мысли, фантазии, таланта, духовного совершенства, урок Воспитания Личности.

Б.А.Сухомлинский справедливо утверждал: «Музыкальное воспитание – это не воспитание музыканта, а, прежде всего, воспитание человека».

Учитель музыки – это не только необходимость воспитания и обучения следующих поколений, но и воспитание вкуса, души, памяти и ещё многое другое, поэтому основой своей работы Ариф Алимахсумов считал умение чувствовать красоту родной земли, любовь к Родине, уважение к её истории, к тем, кто защищал её свободу и независимость, гордость за достижения нашей национальной культуры. Для него это не просто слова, а пережитые сквозь время эмоции.

Ведь современный учитель – это человек, преданный своему делу и своим ученикам; профессионал, владеющий комплексом качеств, которые позволяют ему быть виртуозом во всём. Когда нужно, он артист, художник, потребуется – писатель и певец.

Его цель – помочь каждому ученику сформи-

роваться как личности, развить желание и стремление в преодолении жизненных трудностей, умение правильно оценивать свои поступки, результаты своего труда. Ученики для него во многом соратники, сотрудники, союзники, собеседники, друзья – люди, с которыми ему интересно.

Музыка должна быть доступна всем без исключения, любым формам выражения себя, своего мироощущения. Ему всегда казалось очень важным, чтобы его ученики чувствовали музыку не как что-то архаичное, стародавнее, а как естественную и неотделимую часть их жизни. Музыка должна носить характер обязательно живой, неформальный, непринуждённый.

Музыка создана не просто для того, чтобы её слушать. Она также в себе несет очень большую информацию. Её необходимо понимать, так как это история, это традиция, это духовность, это образование, это мечта, это любовь. Только тогда творец поймет таинственный мир музыки, его магические и чудесные эффекты он сможет творить нечто волшебное и неповторимое. Это всегда заставляет талантливого человека чувствовать музыку и быть бдительным при создании шедевров. Именно такие музыканты всегда были на виду, в почете и чести. В основе этого лежит трудолюбие, усидчивость, неоспоримый учет великого наследия наших талантливых предков, обучение мастерству, преданность своей профессии, щедрость к своим последователям и студентам, а также скромность в жизни и работе. Таким образом, это не всегда печать духовной истории нации, но и определенные личные качества самого творца.

Музыка является одним из предметов, направленных на воспитание позитивного эмоционально-ценностного отношения к жизни, на пробуждение познавательного интереса к окружающему миру, стремление к самосовершенствованию и формирование личности, способной к творческой деятельности. На уроке ученик осваивает практические умения и навыки, направленные на развитие внимания, образного мышления, памяти, воображения и т. д.

Урок музыки – это урок искусства, урок творчества. Поэтому творческий процесс на уроке – это процесс рождения музыки. Чтобы урок был интересен, необходима любовь самого учителя к музыкальному искусству, профессиональное владение инструментом и голосом, знание теории, истории музыки, методики музыкального воспитания, владение художественной речью, жестом, мимикой, а также творческой интуицией и исследовательской направленностью деятельности. Многообразная палитра взаимоотношений предстаёт на уроке между музыкой, учителем и учеником.

На уроке музыки много времени уделяется вниманию на развитие голоса и умение владеть им. Этому способствуют занятия хоровым пением и вокалом. Хорошо поставленный голос

имеет богатую тембральную окраску. Известно, что тембр (окраска звука) создаёт эмоциональные оттенки речи: яркость, мягкость, теплоту, насыщенность и многое другое. Тембр придаёт индивидуальность каждому человеку, отражая привычки и особенности характера, уровень здоровья и настроение.

Именно учитель с выразительной мимикой, умеющий эмоционально показать собственное отношение к предмету разговора, обладающий «живыми» речевыми интонациями, способен приблизить урок к естественному общению.

Уроки музыки содействуют оптимизации у обучающихся целостного мышления, изобразительных художественных интересов. Музыка должна пронизывать все понятия во всех звеньях, а также ввести обучающихся в мир большого музыкального искусства. Ариф Алимахсумов надеялся, что его интерес к музыке и его учеников в частности оставит след в сердцах его последователей. Ведь обучать музыке – это было его призвание.

Медики всех стран признали благотворное влияние музыки на психоэмоциональное состояние человека, создали специальное направление – музыкотерапия (восстановление здоровья человека при помощи занятий музыкой). Музыка – это хорошее средство для воспитания психически здоровых людей.

Различные направления музыки были хорошо известны в творчестве знаменитого певца Арифа Алимахсумова, но как ранее говорилось особо следует отметить его вклад в развитие узбекской традиционной музыки. В мастерских выступлениях мастеров-певцов много работы. Это огромный и очень кропотливый труд. Для любого педагога – ценителя большая честь интегрировать направления Арифа Алимахсумова в практику исполнения музыки на протяжении поколений.

Мастер Ариф Алимахсумов написал захватывающий рассказ о своей жизни. Тот факт, что он был представлен очень щедро, дал нам основу для написания данной статьи. Читатель вполне может увидеть, как мастер искусства овладевает богатством литературы и восприятием музыки, как его вдумчивое мышление и гибкость ума вызывает уважение нашего народа.

Многими последователями Арифа Алимахсумова предпринята попытка описать способы, с помощью которых художник исполнял, руководил, пел. В своих работах его ученики описывают роль певца, его методы работы, которые были использованы в работе с последователями, оригинальность репертуара и отношение его учеников, а также поучительные и примечательные для будущих поколений рекомендации. Большую познавательную ценность в «Очерках» представляют моменты, посвященные творческим портретам музыканта. В рамках традиционного уклада музыкальной жизни именно личность музыканта является основной

двигательной силой. Этот блок, написанный в лучших восточных традициях, содержит весьма ценные сведения о жизни и деятельности выдающегося музыкантов очень важного периода. [4.С.112-124].

Таким образом музыка считается универсальным языком человечества, и узбекская музыка – это один из ключей к культуре Узбекистана. Традиционная узбекская музыка имеет древние истоки, во время археологических раскопок в Самарканде и Термезе были обнаружены фрески с изображением музыкальных инструментов, похожих на современные струнные и духовые инструменты Узбекистана. На протяжении веков узбекская музыка была очень самобытна, а жанровое разнообразие включало колыбельные, трудовые, праздничные и лирические мелодии. Музыкальные произведения были фольклорными, хотя в песнях часто использовались стихи знаменитых узбекских поэтов Алишера Навои, Джами, Мукими и других.

Ариф Алимахсумов был удивительным человеком и гармонично развитой личностью. Его творческий путь богат различными яркими союзиями и его талант неиссякаем. Будучи певцом и музыкантом, он был и великолепным телеведущим. Ариф Алимахсумов вели программы, посвященные узбекской национальной музыке и макому. Умер Ариф Алимахсумов 14 февраля 2005 года. Память о нем не стирается и по сегодняшний день.

Ариф Алимахсумов, известный певец своего времени, с его уникальным голосом, чарующим вокалом, эффектными речами, умным мышлением, знанием музыкального наследия, образцовой жизнью и творчеством.

Он обрел прекрасную репутацию за его тяжелую работу и заслужил внимание наших людей. Он занял место в духовном мире своих современников и поделился своими духовными интересами.

Он собрал поклонников по всему миру. Он страстный любитель литературы, красноречивый и совершенный писатель, талантливый создатель, увлеченный мыслитель и великий наставник, который описал свою жизненную деятельность для фанатов. Мы решили в данной статье дать понять, что это трудно интерпретировать.

Подводя итоги можно сказать, что в Узбекистане заметны достижения и в области музыкальной науки. Были переизданы книги А. Фитраты «История узбекской классической музыки», Мулла Бекжоп Рахман угли, Мухаммад Юсуф Девонзода «История музыки Хорезма», опубликован ряд новых монографических исследований: Р. Абдуллаева «Обрядовая музыка Центральной Азии», Р. Юнусова «Макомы и мугамы», А. Назарова «Фаробий ва ибн Сино мусикий ритмика хусусида», О. Ибрагимова «Маком ва макон», Учебники и учебные пособия Х. Азимова «Школа игры на фортепиано» на материале узбекской музыки, «История музыки Средней Азии и Казахстана» (коллектив авторов), а также ХЛурматова, Ж. Расултаева, Н. Шодмона, А. Адылова, О. Ибрагимова, АХамирова, Р. Касымова, И. Икрамова и др.

Ныне в республике насчитывается более 300 детских музыкальных школ и школ искусств (около 74 тыс. учащихся), функционируют 6 средних специальных школ-интернатов и лицеев (более 3000 детей). Действуют 20 средних специальных учебных заведений (более 7300 детей).

Так с обретением Узбекистаном независимости усилилось внимание к вопросам духовности и просветительства, более полного удовлетворения художественно-эстетических запросов общества, и, как следствие, к возрождению исконно национальных традиций. Особенно ярко это проявляется в ежегодных всенародных праздничных торжествах, посвященных Дню Независимости республики, древнему весеннему народному празднику «Навруз», празднованию знаменательных и памятных дат (юбилейные даты Амира Темура, Улугбека, Аль-Бухари, Аль-Фергани, Мангуберды, древних городов Самарканда и Бухары, 1000- летия эпоса «Алпамыш» и др.).

В современной жизни много перемен: сменились социальные ценности, высоконравственные идеалы уступили место материальному благополучию. Расслоение общества привело к отчуждению людей, агрессии. Деньги стали мерилом успешности. А душа человеческая по-прежнему тянется к Совершенству и Красоте, Идеалу и Благодати – бесконечной, мудрой, вечной Музыке, от которой так хочется Жить.

Список литературы:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан «О государственной программе по дальнейшему совершенствованию деятельности детских школ музыки и искусства на 2016 — 2020 годы» -Ташкент: 2016.
2. Каримов И. Высокая духовность – непобедимая сила. -Ташкент: 2008. Манавият, -140 с.
3. Боронина Е. В., Кадина В. В. Роль уроков музыки в формировании имиджа ученика // Молодой ученый. — 2013. — №8. — С. 378-380. — URL <https://moluch.ru/archive/55/7495/> (дата обращения: 03.09.2019).
4. Бегматов С. Ариф Алимахсумов -Ташкент: 2017. - с 124
5. http://site.ziyonet.uz/ru/search?Find%5Bsearch_value%5D=14+fevral&Find%5Bresource%5D=everywhere&controller=site&module=all
6. http://uzbekistonovozi.uz/ru/articles/index.php?ELEMENT_ID=19755

**Нигора ЭРГАШЕВА, ТТЕСИ таянч докторант
Фотима НИГМАТОВА, техника фанлари доктори профессор
Гулхаё ДУРДИЕВА ТТЕСИ магистри**

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА МҮЙНАЛИ КИЙИМЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ РЕСУРС ТЕЖАМКОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Аннотация. Мода саноатининг асосий тамойилларидан бири бу – құлай ва ихчам кийимларни тежамкор технологиялар орқали яратышыдир. Табиий мүйна буюмлари ўзига хос жозибадорлиги ва қимматбаҳо маҳсулотлар сирасига кириши билан фарқ қиласди. Мүйнали буюмларни ишлаб чиқаршишинг самарадорлигини ошириши усулларидан бири либос дизайннда инновацион технологияларни ва модулли лойиҳалашни қўллашидир. Модулли лойиҳалашнинг асосий тамойили оддий геометрик шаклли модулларнинг чекланган сонидан буюмларнинг кенг ассортиментини яратишдан иборат бўлиб, модул лойиҳалаш орқали мүйнали кийимларни тайёрлашнинг тежамкорлигига эришии мумкин.

Калим сўзлар: мүйначилик, модул лойиҳалаш, инновацион технологиялар, тежамкор технологиялар, қуёнчилик, қоракўлчилик, мүйна галантареяси, нақши, композиция, тери қатлами.

**Нигора ЭРГАШЕВА, докторант ТИТЛП
Фатима НИГМАТОВА, доктор технических наук, профессор
Гулхаё ДУРДИЕВА магистрант ТИТЛП**

ПОВЫШЕНИЕ РЕСУРСНОСБЕРЕГАЮЩИХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ИЗГОТОВЛЕНИИ МЕХОВЫХ ОДЕЖД С ПОМОЩЬЮ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Аннотация. Одним из основных принципов индустрии моды является создание удобной и компактной одежды на основе применения ресурсосберегающих технологий. Изделия из натурального меха отличаются своей привлекательностью и высокой ценой. Наиболее эффективным методом производства меховых изделий является применение инновационных технологий и модульного проектирования в дизайне изделий. Основной принцип модульного проектирования состоит в создании широкого ассортимента изделий из ограниченного количества модулей – фигур с простой геометрической формой.

Ключевые слова: меховое производство, модульное проектирование, инновационные технологии, ресурсосберегающие технологии, кролиководство, каракулеводство, меховая галантерея, орнаментальная композиция, кожевая ткань.

**Nigora ERGASHEVA, TTEСI doctoral candidate at the Tashkent Institute of dight Indkstry and textile
Fatima NIGMATOVA, doctor of technical sciences professor
Gulkhayo DURDIEVA, master of Tashkent Institute of dight Indkstry and textiles**

INCREASING RESOURCE - SAVING TECHNOLOGIES IN THE MANUFACTURE OF FUR CLOTHES USING INNOVATIVE TECHNOLOGIES

Abstract. One of the basic principles of the fashion industry is the creation of comfortable and compact clothing with cost-effective technologies. Fur products differ in their attractiveness and value. The basic principle of the module design is to divide the product into separate parts and to achieve a more subtle design with the help of low-power technology by developing a module.

Keywords: fashion, modular design, innovative technologies, reliable technology, rabbit, dark sculpture, animal breeding, food, dentistry, chinchilla.

Табиий мүйнадан тикилган кийим-чечак ва бош кийимлар ўзига хос тузилиши, ҳашамдорлиги, чиройи ва ёқимлилиги билан бошқа кийимлардан кескин фарқ қиласди. Мүйнали кийимлар асосан икки хил мақсадда: ҳашаматли буюм ва санъат асарининг нозик намунаси ҳамда иссиқдан химояловчи гардероб элементи сифатида кўлланилиб келинган. Дизайнерларнинг табиий мүйнани қўллашга бўлган иштиёқи унинг бекиёс гўзалиги, технологик хусусиятлари ҳисобига мураккаб дизайннерлик масалаларини очиш имкониятлари билан изоҳланади. Ахоли турмуш тарзининг иқтисодий жиҳатдан ўсиб бориши билан мүйна маҳсулотларига нафакат совукдан ҳимоя воситаси, балки дизайн обьекти, инсонларнинг турмуш даражаси ва ижтимоий

мавқенини кўрсатувчи турғун ташқи омил сифатида талаб ортиб бормоқда. Мүйна хусусиятлари, аввало, инсонларнинг физиологик талабини қондиришга хизмат қиласа-да, унинг тузилиши ва ранги, бичими ҳамда шакли, ундан тайёрланадиган безаклар мүйна маҳсулотига бўлган талабни ортишига сабаб бўлади. Натижада, саноатда мүйна маҳсулоти турларини кенгайтириш, янги бичим ва услублар яратишга қаратилган инновацион технологиялар ривожланмоқда.

Мүйнали буюмлар ассортименти жуда хилма хил бўлиб, вазифаси, ёш гурухи, тури бўйича фарқланади. Мүйнали буюмларга тайёр устки ва бош кийимдан ташқари, мүйна галантареяси (кўлқоплар, пайпоклар), мүйнали пойабзал, кийим

учун аксессуарлар (ёпингич, палантин, шарф, муфта, рўмол, манжет ва ёқалар, горжет), майший буюмлар (кўрпа, гилам, ёстиқ жилд, панно) киради [1].

Мамлакатимизда чарм ва мўйна хом ашёсини чуқур қайта ишлаш ҳажми ва унинг турларини кенгайтириш борасида “Чарм – пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг ПК-3693-сон карори қабул қилинган бўлиб, мўйна хом ашёси тайёрлашнинг бозор механизмлари ҳамда уларни сақлашнинг замонавий технологияларини кўллаб, маҳсулот сифатини ошириш долзарб вазифалардан хисобланади.[2]

Мўйнали кийимлар таннархида мўйна қиммати 80-95% фоизни ташкил этади. Бунинг сабабларидан бири мўйнадан кийим деталлари бичилганда кўп миқдорда чиқитлар чиқиши. Табиий мўйна тузилиши, юзасининг чекланганлиги, кичикилиги ва ёпиқ контурининг мураккаблиги, тери топографиясининг ўзгарувчанлиги, мўйна туки ва ранги, тери қисмининг қалинлиги билан бошқа тикув материалларидан фарқ қиласи. Кийим деталларини бичища типавий андоза ва шаблонларга мос келмаслик кузатилади, андоза орасидаги мўйна қолдиқлари қолишига, сарф-харажатнинг, маҳсулот таннархининг асоссиз ортишига олиб келади. Бу эса мўйна маҳсулотларидан кийим лойихалашда ўзгача ёндашувни талаб этади.

Мўйна лахтак бўлакчалари бош кийимлар, галантерея маҳсулотлари, сувениирлар ишлаб чиқаришда кўлланса-да, улар соҳанинг тўлиқ кам чиқимлигини таъминламайди. Мўйнали буюмларни (кийим ва бош кийим, аксессуар) лойихалаш жараёни унинг шакл ва мазмунига мос бўлиши лозим. Айрим ҳолларда мўйнали буюмларни лойихалашга анъанавий ёндашув кутилган натижани бермаслиги мумкин, бундай ҳолларда лойихалаш жараёнига инновацион – ижодкорона ёндашувни кўллаш мухим аҳамият касб этади.

Мода саноатининг асосий тамойилларидан бири бу – қулай ва ихчам кийимларни тежамкор технологиялар асосида яратишдир. Тежамкор технологияларга: унификация ва стандартлаштириш, комбинаторика, модули лойихалаш, агрегатлаш усувлари, нанотехнологиялар, биомиметика назарияси ва амалиётини ҳамда чоксиз методларни кўллаш киради[1-5-9]

Тежамкор технологиялар мўйна лахтакларидан арzon буюм тайёрлаш, компьютер технологияларидан унумли фойдаланиш, маҳсулотнинг харидоргир янги дизайн ечимларини топиш ва пировард натижада унинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга кетадиган харажатларни камайтириш имконини беради. Ушбу макола мўйнали кийимларни лойихалашда инновацион ёндашувнинг замонавий қирралари ва уларнинг аҳамиятини ўрганишга бағишлиланган.

Замонавий истеъмолчи мўйнали буюмларга аник талаблар қўяди. Уларга ҳайвон тури, мўйна ранги, тукининг баландлиги ва бир текис қуюқлиги, кийим

тури ва шакли, кийим моделининг янгилиги ва оригиналлиги киради. Мўйнали буюмлар юкори эстетик даражаси, қулийлиги ва функционал жиҳатдан ихчамлиги билан фарқланиши лозим. Мўйнали буюмларни лойихалашда унинг маданий ва техник-иқтисодий жиҳатларига хам эътибор қаратилади. Машхур дизайнерларнинг мўйнали кийимлари коллекциялари ва мода тенденциялари ўрганилди, инновацион ва тежамкор технологияларни қўллаш имкониятлари аниқланди[7].

Янги бичимдаги замонавий либосда силуэт маҳсулотнинг ташки шаклини белгилаб беради[1-7]. Машхур дизайнерларнинг замонавий куз-қиши коллекциялари таҳлили кўрсатишича, мўйнали кийимларда асосан куйидаги силуэт турлари энг кўп учрайди [5]:

- тўғри бичимли;
- трапециясимон;
- овалсимон ёки оверсайз (катта размер);
- ағдарилган конус;
- ярим ёпишган.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, мўйнали кийимни тикиш услуби унинг дизайнни ва мўйна туридан келиб чиқади. Маълумки, бир дона мўйнали кийимни тикиш учун ҳайвон турига қараб, бир неча мўйна териси ишлатилади. Кийимга танлаб олинган мўйналар ранги, тузи, тукининг қалинлиги ва баландлиги, жилоси ўзаро мос бўлиши шарт. Шу сабабли мўйнали кийимларни тайёрлашда мўйна терисининг сифати, ранги ва тури бўйича танлаш ва навларга ажратиш асосий технологик жараёнлардан хисобланади.

Мўйна юзасидан фойдаланиш даражасини ошириш учун теричилар ва дизайнерлар турли инновацион технологияларни таклиф этиш таҳлил асосида аниқланди. Замонавий мўйнали буюмлар саноатида мўйналарга декоратив ишлов бериш усувлари бир текисда ёки шакл бериб, қирқиши, туксизлантириш, туслаш, рангизлантириш, ранг ўрнига маҳсус принт ётқизиш, нақш чизиш, перфорация ва трафарет усувлари киради. Шу билан бирга 2018-2019 йилларда мўйна саноатида пайдо бўлган куйидаги янги технологияларни қайд этиш мумкин: суюқлик орқали бўяб ишлов бериш, ранглар палитрасига ургу бериб, истеъмолчига ажойиб ноодатий коллекциялар тақдим этилди. Fox ‘n’ fabric, Dyeing / Degrade , Checkerboard, Airgallon кабилар.

Fox ‘n’ fabric (Тулки ва газлама) – турли ранга бўялган икки хил мўйна фактурасини, масалан, тулки ва песецни бирга кўллаш технологияси. Унинг мухим жиҳати – контраст, турли силуэтлар, фактураларнинг моҳирона ўйини орқали ўта енгил моделлар яратиш.

Dyeing/Degrade – (мўйнани ёрқин рангларга бўяш) технологияси. Сифати пастроқ мўйна бўлакларини ёрқин рангларга бўяб кўринишини ўзгартириш. Аксарият ҳолда нуқсонли, туки сийрак ва кам товланувчи мўйна бўлакларига маҳсус ишлов берилиб, уларнинг эстетик жиҳатлари оширилади. Degrade технологияси ўтаётган мавсумда янгича тус олди: бальзи дизайннерлар

мўйнанинг табиий гўзаллигини ва уфуруни кўрсатишга ҳаракат қилишса, бошқалари ранглар палитрасига ургу бериб, истеъмолчига ажойиб янгича модани намойиш этишиди.

Checkerboard (катақ нусха) – мўйнали кийимлар подиумида жуда катта қизиқиш ўйғотди. Контраст ва рангларни мохирона ўйнатиш ҳисобига катаксимон фактуралари нусхалар олиш мумкин.

Airgallon (хаводай енгил ва ҳажмдор). Saga Design Centre компанияси томонидан яратилган Airgallon техникаси ёрдамида мўйнага ишлов беришда уни ғайритабий енгил ва ҳажмдор, ўта майнин буюмга айлантириб, мўйнанинг ҳакиқий ҳашаматини намойиш қилиш мумкин. Асосан тулки, песец қаби узун тукли мўйналарга Airgallon техникаси билан ишлов берилади.

Келтирилган технологиялар жаҳонда етакчи санаалган Мода уйлари: Fendi, Matti, Giuliana Teso, Christian Dior, Revilione, Dolce&Gabbana, Gabriel Colangelo, Gucci, Yves Salomon, Braschi, Alexander McQueen ва бошқалар томонидан кенг кўлланмоқда [5]. Шу ўринда қайд этиш керакки, инновацион технологияларни қўллаш тежамкорлик билан бир қаторда мўйна буюмларига юкори сифат, чидамлилик, пластиклик, тери қатламининг юпқалиги, толаларининг товланиши ва ҳашамдорлик имкониятини бериб, пировард натижада, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг зарур шартларидан бириди.

Мўйна буюмлари тежамкорлигини оширишнинг энг самарали усуулларидан бири – модулли лойиҳалаш бўлиб, мўйна юзасидан фойдаланиш даражасини сезиларли оширади [9-10]. Модуль – бу яхлит шаклда, такрорланиб, колдиксиз жойланадиган, ўлчов меъёри. Модулли лойиҳалаш усули буюм бўлакларини ва конструктив-технологик узелларини стандартлаштириш ҳамда унификациялашга асосланган. Унификация – стандартлаштиришнинг энг кўп кўлланувчи ва кенг қамровли усули бўлиб, бир хил вазифали буюмларнинг турлари, хиллари ва размерларини камайтириш максадига эга. Унификациянинг асосий тамойили – унификациялашган элементлардан минимал ҳолда фойдаланиб, буюмларини хилма-хиллигини ҳосил қилиш [7] Модулли лойиҳалашда, унификацияланган деталь, бўлак муайян геометрик шаклга эга бўлган модуль сифатида қабул қилинади. Уларни мохирона йиғиб буюмларнинг хилма-хиллигини ҳосил қилиш мумкин.

Мода йўналиши таҳлили натижалари мўйнали кийимларни лойиҳалашда модулли лойиҳалаш ва комбинаторика усуулларининг кенг тарқалганини кўрсатди. Тайёр кийим намуналарида модуллардан график шаклидаги ва ўсимлик шаклидаги безаклар, аппликациялар, инкрустациялар, нақшли композицияларни яратишда фойдаланилган. Бунда мўйна лахтаклари (қолдиқлари) бир геометрик шакл ва размерда тайёрланиб, модул сифатида танлаб олинади. Мўйна парчалари аввалдан чизилган маҳсус нақш композициясига мослаб ўзаро бириктирилади.

Мўйнали буюмлар тайёрлашда тери қолдиқларидан турли нақш композицияларини яратиш интерьеर-дизайн ва art-дизайнда кўп

учрамоқда. Интерьеर дизайн мухит дизайнининг бир қисми хисобланади [6]. Art-дизайн обьектлари – идиш ва уй анжомлари каби кўргазмали намуналар бўлиб, улар тасвирий санъат асари сифатида кундалик эҳтиёжлар учун кўлланмайди. Интерьеर дизайн элементи сифатида мўйна бўлакларидан юмшоқ мебеллар жилди, ёстиқ ва кўрпалар, деворга осиш учун паннолар тайёрлаш тобора урф бўлмоқда.



9-расм. Модулли лойиҳалаш усули асосида яратилган мўйнали анжомлар. [2].

Мўйна маҳсулотлари билан ишлаш жараёнида нафакат яхлит либос яратиш мумкин, балки мўйнани ипак матолар, трикотаж, табиий чарм билан кўллаш, костюмларга декорация сифатида кўллаш самарали натижа беради. Тикувчилик буюмларида мўйна аксарият кичик ҳажмли декоратив безак кўринишида (ёқа, горжетка, манжет, аппликация, чўнтақ детали ва б.) ишлатилиши ёки конструкциянинг асосий бўлаклари – енг, тананинг бирон қисми, юбка кўринишида кўлланилиши мумкин. Мўйнали модул безаклар қиши қалин либосни нафис ва мумтоз либосга айланишига сабаб бўлади.

Мўйнали кийимларни модул лойиҳалаш конструктив, технологик ва функционал тугалланганликка эга бўлади. Модулнинг ўзи эса якунланган маҳсулот бўлиши ёки маҳсулотнинг асосий бир бошқа вазифани бажарувчи бўллаги бўлиши мумкин. Модуллар бир хил ўлчамли бўлиб, инсон танаси ўлчамларидан ёки тайёр маҳсулот ўлчамларидан келиб чиқади. Мўйнали буюмларни модул лойиҳалашда оддий геометрик шакллардан фойдаланилади, масалан, учбуручак, ромб, квадрат, овал, олтибурчак. Бундай ёндашув бичилган мўйна бўлакларини бир матога ўзаро бирлаштиришда осонлик туғдиради. Модуллар шакли мураккаб кўринишига эга бўлиши ҳам мумкин. Ҳамма гап мўйна парчалари – модулларни бирон нақш композицияси асосида яхлит матога йиғишида. Нақш эскизига қараб хилма хил мўйна парчаларидан яхлит тугалланган композиция яратилади. Мўйна парчаларини – модулларни бирлаштиришда турли бириктириш усууллари кўлланади. Бир хил модуллардан турли хил маҳсулотлар яратиш мумкин. Бунда ассортиментнинг ўзгариши модул лойиҳалаш орқали амалга оширилади.

Мўйнали буюмларни модулли технологиялар

асосида ишлаб чиқаришда қуйидаги уч асосий босқичли мезонга амал қилиш муҳим:

1. Буюм ўз функционал вазифасига мос бўлиши.
2. Буюм кўринишининг стилистик жиҳатдан мукаммаллиги.
3. Конструкциянинг технологик жиҳатдан қулайлиги.

Биринчи мезон мўйнали кийимнинг вазифаси, силуэти ёки бичимига мослигини таъминлайди. Иккинчи мезон модулларнинг стилистик ҳамоҳанглиги ва конструктив чизиқларнинг тўғри танланишини таъминлайди. Учинчи мезон мўйна парчаларини ўзаро бириттиришда осон ва қуалай технологик усулларни, жиҳоз ва ускуналарни қўллашни тақозо этади ва кисм ва тугунларнинг бир хиллиги орқали амалга оширилади.

Республикада мўйначилик саноатининг ривожланиши уни дунё мўйна саноати индустряси каторига қўшилиш имконини беради. Бунда мўйна саноатининг ривожи нафакат мўйна этиштириш соҳасига, балки ракобатбардош дизайнерлик ёндашувларини талаб этади. Чет элнинг таникли мўйна ишлаб чиқарувчи брендлари билан рақобатлашиб учун мўйна саноатига самарали ва тежамкор инновацион технологииларни жорий этиш асосида мўйначиликнинг экспорт салоҳиятини ошириш зарур.

Келажакда мўйначилик соҳасининг ривожланиши бир қатор тадбирлар орқали амалга оширилади: бунда мўйна турлари ассортиментининг кўплиги, яратиладиган тери – мўйнанинг сифатининг ортиши, экологик хавфсиз мўйна маҳсулоти ишлаб чиқиш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Терская Л.А. Технология раскroя и пошива меховой одежды. учеб. пособие – Москва: Академия, 2005. – 272 с.
2. ПҚ – 3693 сон 03.05.2018. Чарм – пойабзal ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида.
3. ВИЛЯЕВА А.А. Разработка методов художественного проектирования обуви с использованием малоемких технологий, АВТОРЕФЕРАТ. –Москва: – 2015.
4. Гусева М.А., Андреева Е.Г., Петровска И.А. Инновационные технологии отделки в традиционном ассортименте меховых изделий // Universum: Технические науки : электрон.научн. журн. 2016.№7 (28) . URL: E.E. Прокофьева. Использование современных компьютерных технологий в проектировании меховых изделий Владивостокский государственный университет экономики и сервиса, г.Владивосток
5. American International Journal of Contemporary ResearchVol. 4, No. 12; December 2014 126 The Research and Development of the Future Fashion Design QIU Chunyan HU Yue Fashion Institute Shanghai University of Engineering Science Shanghai China 201600.
6. Савельева А.С. Разработка современных дизайн-объектов с применением трикотажа. Автореферат. -Санкт-Петербург: – 2017.- 16с
7. Гусейнов Г.М., Ермилова В.В., Ермилова Д.Ю и др. Композиция костюма. учеб.пособие. -Москва: Академия, 2003.- 432с.
8. To A Question of Rational Usage of Wastes from Fur-Half-Finished Products Vahabova N., Nigmatova F., Shomansurova M. Ergasheva N.

Нигораҳон КУЛТАШЕВА,
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти
“Тасвирий санъат тарихи ва назарияси” кафедраси ўқитувчиси

XX АСР БОШЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ПОРТРЕТ ЖАНРИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

(И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музеи коллекцияси мисолида)

Аннотация. Мақола миллий санъат тарихида етариҳиа тадқиқ этилмаган Ўзбекистон жанрлар тизимида портрет рангтасвирини ўрганишига багишланади. Унда XX аср бошларида Гарб модернизмининг янгича бадий қарашларига эга А.Волков, М.Курзин, О.Татевосъян, В.Уфимцев, О.Подковиров, Ў.Тансикбаев каби рассомларининг инсонга нисбатан муносабати портрет жанри орқали кўриб чиқлади, хусусан Шарқ кишиси образи, портрет-типларни яратишдаги ранг-баранг изланишлар, автопортретга мурожсаатдаги янгича ифодавий-пластик воситалар таҳлил этилади.

Калим сўзлар: И.В.Савицкий номидаги Давлат санъат музеи, Ўрта Осиё авангарди, ўзбек авангарди, уникал коллекциялар, Ўзбекистон рангтасвири, музей.

Нигораҳон КУЛТАШЕВА,

*Преподователь Национального института художества и дизайна имени Камолиддин Бегзада,
кафедры “Истории и теории изобразительного искусства”.*

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ПОРТРЕТНОГО ЖАНРА УЗБЕКИСТАНА НАЧАЛО ХХ ВЕКА

(На примере коллекции Государственный музей искусство Республики Каракалпакстан им. И.В.Савицкого)

Аннотация. В данной статье рассматривается портретная живопись в системе жанров Узбекистана, которая недостаточно исследована в истории национального искусства. В ней через жанр портрет рассмотрен отношение к человеку художников А.Волкова, М.Курзина, О.Татевосъян, В. Уфимцев, О.Подковирова, У.Тансикбаева которые следовали за модернизмом Запада в начале XX века, анализируются изыскания в создании портретиков, новые выразительно-пластические средства в обращении к автопортретам.

Ключевые слова: Государственный музей искусства имени И.В.Савицкого, авангард, узбекский авангард, уникальные коллекции, живопись Узбекистана, музей.

Nigorakhon KULTASHEVA,

*Lecturer at the National Institute of art and design named after Kamoliddin Begzad,
Department of history and theory of fine arts.*

SOME ASPEKTS OF PORTRAIN GEME OF UZBEKISTAN EARLY XX CENTURY

(On the example of the collection at the State Museum of Arts of the Republic of Karakalpakstan named after I.I.Sovitskiy)

Abstract. The article focuses on little-studied topics in the national art history such as portrait painting in the genre system of Uzbekistan. This article is devoted to the genre of portrait created by such artists like A.Volkov, V.Kurzin, O.Tatevosyan, V.Ufimtsev, O.Podkovirov, U. Tansikbaev, who were influenced by the Western modernistic ideas. Besides showing artist's own position and attitude to human, the article gives analysis to these works, which represent the images of eastern men, various researches in creating portrait types, new expressive plastic means in reference to self portrait.

Key words: State art museum of Nukus named after I.V.Savitskiy, the avangard of Central Asia, the best collections, the uzbek paintings, museum.

И.В.Савицкий номидаги Коракалпоғистон Республикаси Давлат санъат музеи коллекцияси авангардда ранг-баранг ижодий концепцияларини акс эттирган асарлари билан ҳали-ҳамон барчанинг диққат марказида. Исталган тадқиқотчи XX аср бошларидағи модернизм ёки ўзбек авангардига ҳақида мулоҳаза юритар экан, коллекцияни четлаб ўта олмайди. И.В.Савицкий рангтасвири бўлимининг комплектацияси жараённида монографик принципда иш олиб боргани, 1920-30 йиллар Ўзбекистон рангтасвири вакилларининг рангтасвири, графика, қоралама ва эскизларига қадар тўплагани бугунги кунда уникал бадий жараённи кенг қамровда тадқиқ этиш, ретроспектив кўргазмалар ташкил этиш, монография ва каталоглар чоп этиш имконини бермоқда.

И.В.Савицкийнинг ноёб бадий диди ва бадий ижоднинг ҳақиқий баҳосини қадрловчи шахс сифатидаги фазилатлари коллекциянинг уникал

мажмуига сабаб бўлади. Дастьлаб рассом ижоди Марказий Осиё билан бевосита боғлиқ (А.Исупов, Л.Крамаренко, Н.Ульянов, Р.Фальк, М.Волошин) ва унинг мактаблари шаклланиши бошида турган рассомлар (Р.Мазель, А.Волков, М.Курзин, Н.Карахан, У.Тансикбаев, В.Уфимцев, П.Беньков ва бошқалар) ижодини тўплай бошлади. Кейинчалик у тўплам мажмуи доирасини кенгайтирди ва 1920-1930 йилларда рус авангардининг илк намояндлари ижоди (Л.Бакулина, Д.Бурлюк, К.Редько, А.Осмуркин, Л.Попова, Р.Фальк, А.Шевченко, Д.Штеренберг ва бошқалар) коллекция таркибини бойитди.

И.Савицкий ўз мақсадини сиёсий тузум тақибида учраган, формализмда айбланиб ман этилган замонавий тасвирий санъат асарларини совет хукумати назаридан четга бўлган Нукус музеида тўплаш ва сақлаб колишга қаратди. “Халқ душман”лари қаторига тушиб қолиш эҳтимоли катта бўлган даврда бу харакат фидокорона жасорат

билан тенг эди. Савицкий жуда қиска муддатда (10-15 йил оралиғида) совет тасвири санъатидаги тақиқланган авангард ва авангардан сўнг кечган бадий жараёнларни намойиш этувчи катта сондаги коллекцияни тўплашга муваффақ бўлди. Жаҳон музейларининг шаклланиш тарихи билан таққослаганди, бу мисли кўрилмаган воқеадир.

Тўпламдаги портретларни кузатар эканмиз, рассомларнинг миллый образлар негизида натурани ўрганиш, унинг типик ва индивидуал чизиқларини илғай олиш, баъзида эса бўрттириш жараёни ётганлигига гувоҳ бўламиз. Шу сабабли, XX асрнинг илк ўн йилларидаги ижодий тақдирни бевосита Ўзбекистон билан боғланган рассомларининг инсонга нисбатан муносабатини портретлар ёрдамида ёритиши масаласи яна бир бора мухокамага чорлайди. Ўзбекистон рангтасвирида портрет жанрининг ривожига бир қатор монографиялар бағищланган, Ўрта Осиё авангарди (унинг намояндалари, терминология масалалари, ўзига хос шаклланиш йўли) ҳақида эса А.Ҳакимов, Н.Ахмедова, С.Горшенина, В.Ракитин каби кўплаб санъатшуносларнинг салмоқли рисолалари мавжуд. Бироқ ўзбек авангарди вакилларининг инсонга нисбатан муносабатини портрет жанри орқали кўриб чиқиши масаласи алоҳида мавзу сифатида кўриб чиқилмаган. Зоро, мазкур даврнинг универсал, меъёрий санъати тарихи хали шаклланмаган бўлиб, у бир неча расмий, норасмий, либерал, хорижий мутахассислар учун маҳаллий феномен сифатидаги изланишларга бўлиниб кетган ва уларнинг ҳар бири ўзига тегишли (ёки “муносиб”) бўлган манбаларга мурожаат қилган. Мазкур мақолада эса ўзбек рангтасвири шаклланиши бошида турган, авангард изланишларига эга рассомларнинг портрет жанрига муносабатини кўриб чиқишига ҳаракат қилинади.

XX асрнинг 20-30 йилларидаги Европа маданиятидаги янги бадий шакллар тарғиб этилаётган тарихий шароитларда дастгоҳли рангтасвир ҳам секин-аста шаклланаётган ҳодиса эди. Миллый рангтасвирида Гарб модернизмининг янги бадий қарашларига эга (А.Волков, М.Курзин, О.Татевосьян, В.Уфимцев, О.Подковиров, Ў.Тансикбоев), реализм анъаналарини давом эттирган (П.Беньков, З.Ковалевская) ҳамда Шарқни идрок этишининг ўзига хос фалсафий-бадий концепциясига эга (А.Николаев (Усто Мўмин) рассомлар турар эди. Уларнинг рангтасвирида портретга мурожаат, айниқса, янги Шарқ кишиси образини яратишдаги изланишларда ранг-баранг кечди. Хусусан, модернизмнинг акс-садоси сифатида жаранглаган ўзбек авангардида бу жараён қизиқарли тус олди.

Гарб модернизми вакилларининг портретга мурожаатларидан асосий мақсад инсоннинг хиссий-психологик тавсифини ўзига хос бадий ифодавий воситаларни кашф қилиш, пластик ва ранглар мажмуидаги изланишлар орқали акс эттиришга қаратилган. Модернист рассомлар яратиш жараёнида имитациядан қочишига интилишади ва бу табиийки ўхшащликни талаб этувчи портретга муносабатда бир қатор тўсиқларга сабаб бўлади. У ёки бу жанрининг қоидаларига риоя этиш барча қонунларни босиб ўтувчи, “чегара билмас” авангард руҳиятига мос эмас.

Ўзбекистонда модернизмнинг бадий ифодавий имкониятлари сарчашмасини миллый маданият, турмуш тарзи ҳамда санъатида кўра олган дастлабки рассомлар гурухининг фаолиятида инсонни тасвирилашда янгича нуқтаи назар, ранг-баранглик, индивидуал ўзига хосликни кузатиш мумкин. Рус авангарди рассомлари учун дунёни санъат орқали инқилобий йўл билан ўзгаришига интилиш, утопик ғоялар билан боғлиқлика кечган бўлса, ундан фарқли равища ўзбек авангарди вакиллари учун ижодий тажрибалар бу Ўрта Осиё миллый маданиятини идрок этиш ва уни намоён этишининг ўзига хос йўли бўлган. Бу жараёнда декоратив тўйинган, абстракт шаклларда рамзий моҳиятни жо этган ҳалқ амалий санъати тайёр композиция, ритм ва ранглар мажмуи тизими сифатида хизмат қилган.

Гарб модернизми рассомлари учун дунёни санъат орқали инқилобий йўл билан ўзгаришига интилиш, утопик ғоялар билан боғлиқлика кечган бўлса, ундан фарқли равища ўзбекистон авангарди рассомининг ижодий тажрибаси Ўрта Осиё миллый маданиятини идрок этиш ва уни намоён этишининг ўзига хос йўли бўлди. Хусусан, декоратив тўйинган, абстракт шаклларда рамзий моҳиятни жо этган ҳалқ амалий санъати рассомлар учун тайёр композиция, ритм ва ранглар мажмуи тизими сифатида хизмат қилди. [1.Б.28] “Яратувчи” мақомида хис қилган рассомлар анъана ва инновацияни уйғунаштирган холда манзара ёки жанрли рангтасвирида кескин тажрибалар олиб боришиди, бироқ портретга келганда бу дадиллик эҳтиёткорлик билан қўлланилди. Бу ҳолатни портрет жанрининг ўз қонун-коидалари тизими билан тажриба қилишга ҳалақит бериши билан изоҳлаш мумкин. Ижодий тажрибалар аксарият ҳолларда автопортрет ва портрет-типларда кузатилади.


Образни типик жиҳатларига урғу бериш деярли барча авангард рассомлар ижодида учрайди. Айнан портрет-типларда улар эркин ижодий тажрибалар қилиш, пластик ғояларини синаб кўриш имкониятига эга эдилар. Масалан, ўзбек заминида туғилиб, вояга етган А.Волков маҳаллий образни қалбан яхши хис этган ва натижада шаклни кучли умумлаштириш, типик чизиқларни бўрттириш ва рангнинг безакдор оҳангини ошириш орқали умумлашма ўзбек образини яратган. Унинг “Икки қирғиз кизи” (1927), “Қизлар пахта билан” (1932), “Колхозчи” (1933) асарлари ёркин ранг мажмуи, шаклни кучли умумлаштириш, ҳалқ амалий безагидаги бадий воситаларга монандлиги билан рассом ижодининг ўзига хос бадий тилини намойиш этади. Иссиқ истараси билан жалб этувчи “Қизлар пахта билан” асарида А.Волков маҳобатли фреска усулига интилиш билан бир қаторда қизларнинг индивидуал хислатларини ҳам очиб беради. Кулиб турган қизларнинг либосидаги эмоционал тўйинган қизил ва кўқ ранглар билан оппоқ пахтанинг ритмик тақорланиши орқали рассом томошабинга ҳам уларнинг кайфиятини бағищлашга ҳаракат қиласи.

“Колхозчи” (1933) картинасининг кичик ўлчамларига қарамай, рассом кетмон кўтарган йигитга паст нуқтаи назар, коматнинг матони тўлдириб туриши каби қизиқарли композицион топилмалари билан образни маҳобатли хис этишига эришган. Портретда алоҳида шахс характери – кувноқ, бироқ уятчан ва ориятли кулиб турган ёш йигит образи гавдаланади. У қадар тунд бўлмаган тўқ-яшил фон дехқоннинг бронзасимон

олтинранг бош қисмини алоҳида таъкидлайди. Ҳақконий берилган шакллар санамнависликдан келаётган бироз нозиклаштирилган колорит билан уйғунлашади. [2.Б.17]


А.Волков қирғиз ёки ўзбекларнинг образ-типларини яратар экан, уларнинг асрий ҳаётига таҳлилий муносабатда ёндашади ва ўз мақсадини “халқ билан уларга тушунали бўлган тилда суҳбатлашишни истайман” [3.Б.158] деб изоҳлади. У содда табиатли, очиқ кўнгилли колхозчи ёки пахтакорларини “янги жамият курувчиси” сифатида энг оддий бадиий воситалар орқали ифодалайди. Мазкур портрет-типлар унинг бошқа жанрдаги ишларида ўзбек халқининг типик қиёфаси сифатида тез-тез такрорланади. Бу қорачадан келган, содда ва самимий юз ифодали, бақувват мушакдор кўлли ўзбек образларидир.

А.Волковнинг воқеликни содда ифодавий воситалар орқали кенг миёсда кўрсатиши А.Николаевнинг (Усто Мўмин) Шарқ кишисига муносабатидан тубдан фарқ қиласди. Рассом Усто Мўминнинг “Ёш ўзбек портрети” (1924), “Чойхоначи” (1928), “Беданабоз” (1928) асарлари каби образларни мажозий талқинига берилмайди. Агар А.Николаевнинг умумлашма образларида график ифодавийлик, Шарқ маданияти ворислигини таъкидлаш, типик қиёфаларни идеаллаштириши бирламчи бўлса, А.Волков, аксинча, уларни иделлаштиргмаган ҳолда меҳнаткаш, тўпори, содда, қисиқ кўзли, қорамагиз кишиларнинг портрет-типлар галереясини яратади.



Ў.Тансикбоев.

Ўзбек. Самарқанд. 1934. Мато, мойбўёқ.
И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон ДСМ



Ў.Тансикбоев.

Сариқ фондаги ўзбек портрети. 1934.
Мато, мойбўёқ. И.Савицкий номидаги
Қорақалпоғистон ДСМ

А.Волков бригадасидаги ёш рассомлар ижодида ҳам портрет жанрида шаклий-услубий тажрибаларни кузатиш мумкин. Ёш бўлса-да шакл ва ранг борасидаги изланишларни портретларда кўллашга чўчимаган ижодкор Ўрол Тансикбоевдир. Рассом Акром Тошкенбоев портретидан бошлаб то 1930 йилларнинг ўрталарида кадар у жадал суратда XIX аср охирлари ва XX аср европа рангтасвиридаги барча асосий йўналишларни босиб ўтган ҳамда портрет жанрига мурожаат қиласди экан, образ ва техника устида кўп изланишлар олиб борган. [4. Б.13] Унинг турли йилларда яратган неопримитивизм руҳидаги “Сариқ фондаги ўзбек портрети” (1934) “Ўзбек. Самарқанд” (1934), “Қозоқ аёли” асарлари, шунингдек, импрессионизм, дивизионизм ва экспрессионизмга хос чизгиларни акс эттирган автопортретлари (1931, 1932 ва 1935 й.) бунга мисолдир. Ўзбек портретларида рассом инсон қиёфасини кучли соддалаштириш, умумлашма чизгиларни бўрттириш орқали портрет-тип яратади. Шу сабабли ҳам уларни анъанавий тушунчадаги портрет деб аташ баҳсли мулоҳазадир.

Ўрол Тансикбоевнинг “Сариқ фондаги ўзбек портрети” шакл, ранг, контур ва фоннинг ўзаро зиддияти асосига қурилган. Күёшли ўлкани англатувчи ёркин сариқ рангдаги фонда офтобдан қорайган миллий типдаги ўзбек қиёфаси ён томондан берилган. Композициядаги ранг ва шакллар қурилишидаги мувозанатнинг ушалиши, оламни маҳобатли эпик қабул килиш маҳоратли рассом малакасини намоён этса, тасвирланувчининг юз қиёфаси, либосдаги безаклар, айниқса, фондаги дараҳт ва нақшинкор ҳошиялар болаларча ижодкорликдан, примитивизмдан дарак беради. Н.Аҳмедова таъкидлаганидек, бу ерда энг асосийси, миллий идрок қаридан келувчи образ-белги ва тимсоллардир. Ёш рассомнинг дадиллик билан анъанавий рангтасвир воситаларида мурожаат этмай, балки янги пластик-ифодавийлик изланишларида ўзбек қиёфасини акс эттириши ва бу жараёнда белги-тимсоллардан фойдаланиши Ў.Тансикбоевни даврнинг феноменал рассоми сифатида эътироф этилишига сабаб бўлган.

Кизикарли бадиий ечимга эга портрет-типлар галереясини А.Подковировнинг “Қўрбоши” (баъзи манбаларда “Босмачи” деб келтирилади, 1933, И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон ДСМ) асари орқали давом эттириш мумкин. Портретда шакл қурилишидаги умумийлик ва колористик масалаларга катта аҳамият қаратган рассомнинг қаҳрамонлари бироз рамзий ва услублашган ҳолда намоён бўлади. “Қўрбоши” асари давр талаб этган мавзу асосида яратилган бўлса ҳам, ўзининг композиция ва мураккаб шакл қурилмаси, ранглар ечими билан киши эътиборини тортади. Қўрбошининг калин ковоклари орасидан кўриниб турган қисиқ кўзли юз қиёфаси гўёки ҳайкалтарошлиқ хом ашёсидан бўртма асар сингари ясалгандек, ҳажмдор, аниқ пластик чизиқлар орқали тасвирланган. Рассом умумлашма шакллар ва бир-бирига зид безакдор қизил, жигарранг, оқ ва сариқ ранглар орқали

кўрбошининг психологик ҳолати ифодавийлигига урғу беради. Образнинг юз киёфаси, соқол-мўйлови ва салласидаги бўртма айланма чизиклар бўйин ва либосдаги текис вертикал ҳошиялар билан зиддият ҳосил қиласи ҳамда катъиятли, жахлдор ташки кўриниш остида давр фожеасини бошдан кечирган инсон руҳиятини очиб беради. Образни ортиқча услублаштириш ва рамзийлаштириш орқали рассом асарга экспрессивлик, кучли хиссий таъсиранчик бағишлиайди.



В. Уфимцев. Чой ичиши.

Фанера, мойбўёқ, аппликация, қамиши.

И. Савицкий номидаги Коракалпогистон ДСМ

Санъат чегараларидан чиқиши, бадиий маконнинг гомогенлигини бузилиши авангард санъатига хос омиллардан биридир. Бу жараённи маҳаллий халқнинг портрет-типларини яратишида кучли услублаштириш йўлидан борган рассом В.Уфимцев ижодида кузатиш мумкин. У қозоқ миллати типларини ишланда нафакат композицион-пластик тажрибалар қилган, шунингдек, мойбўёқ, аппликация, қамишдан фойдаланиб, техник экспериментларни ҳам қўллаган. Рассомнинг картонга гуаш ва сув бўёғида ишланган “Коса ушлаган қозоқ аёли” ёки “Чой ичаётган қозоқ” картиналари гўёки “Чой ичиши” асарига тайёрлов босқичидир. Уларда примитивзмга хос шакллар умумлашмалиги, ҳажмсизлик, образни архаиклаштириш йўлидаги изланишлар акс этади.

Портрет-типларга мурожаат этганда кузатувчи-рассом образни яратишида ўз олдига бир қатор саволлар қўяди, атроф оламнинг таҳлили билан банд бўлади ва унинг туб моҳиятини умумлашма чизгиларда ифодалашга интилади. Тасвирланувчининг статик киёфаси, композицион-пластик изланишлар, жонли харакатнинг яширин ритмларини намоён этиш, декоративлик авангард ечимида портретларга хос асосий хусусиятга айланади.


А.Волков бригадасидаги яна бир рассом Николай Каражаннинг ишларида ўзига хос ишлаб чиқилган ҳажмли-пластик рангтасвир формуласи ёрдамида инсонни бир хил қолипга солиш хусусияти кўзга ташланади (“Уч машшоқ”, 1930; “Автопортрет”, 1933). Рассом бир хил кўринишдаги колхозчилар киёфасини, ҳис-туйғуларини умумлаштириб,

севимли услуги бўлган бурун ва қошларни геометриклиаштиришдан тез-тез фойдаланади. Натижада Н.Каражанга хос иконографик киёфалар типи шаклланади. Унинг асарларида образларнинг портретлилиги эмас, кўпроқ тўйинган безакдор ранглар мажмуи, бир-бирига зид бўлган соф рангларнинг асар мавзуси билан ўзаро уйғулиги бағишлиайди.

Мазкур давр портрет рангтасвирида портрет-типлар билан бир қаторда автопортретда ҳам ранг-баранг услубий изланишларнинг гувохи бўлиш мумкин. (А.Волков, “Автопортрет” 1916; В.Еремян, “Автопортрет”, 1917, қ., Н.Каражан, “Автопортрет”, 1933; Ў.Тансикбоев “Автопортрет” 1931, 1932 ва 1935 йй.). Улар орасида Александр Волков бутун ижодий умри давомида узлуксиз автопортретга мурожаат қилган рассомидир. Янгича пластик инкишофлар нуқтаи назаридан унинг 1916 йилдаги портрети эътиборни тортади. Автопортрет рассомнинг Киевдаги таълимдан қайтгандан сўнг ишланиб, унда Византия санамнавислиги ва М.А.Врубель ижодига ҳамоҳангликни кузатиш мумкин. Қаддини тик тутган ҳолда томошабинга тепадан караб турган рассомнинг қўллари М.Врубелнинг иблисига монанд иложсиз ҳолда бириккан. Унинг нигоҳи мағрур ва сокин. Орқасида бошини эгган, кўзлари юмуқ, бироқ рассом қоматидан-да маҳобатлироқ қария образи ифодаланган. Шарқона донишмандликни ифодалаган мазкур киёфа рассомнинг Киевдаги “Иблис ва Исо чехраси” (1913-1914, “Янги Иерусалим музейи”) асаридаги пайғамбар образини тақоррлайди. [5.Б.28] Рассом европа кубизми кашфиётларини (ранг шиддати, қуюқ ранг бўёклари, буюмлар ҳажмини бўрттириш) мозаика эфектини ифодалаш ёрдамида синааб кўради. Гўё ҳар иккала образ тўқ кўк ёкут, кип-қизил лаъл, баҳор майсалари каби яшил зумрад тошларидан ясалгандек тасаввур уйғотади. Рангли шиша кубиклардан иборат смальта эфекти колоритнинг оҳангдорлиги ва тусларининг жимиллашига сабаб бўлади. Иконаларга муқобил саналган олтин фон тасвирга ўзига хос тантанаворлик бағишлиайди ва шу билан бирга реал ҳаётдан ҳаёлни олиб қочишига имкон беради.

Янги ифодавийлик излаш жараёнида санъат камбағаллашиб қолмайди ва худди шу каби у англаб етмоқчи бўлган ҳақиқат ҳам камайиб қолмайди. [6.Б.135] Ўзига хос қайтарилмас ифодавий воситаларни излаш, шаклий услублаштириш тажрибаларини Н.Каражаннинг “Автопортрет”ида (1933) ҳам кўриш мумкин. Безакдор гилам фонидаги автопортрет иссиқ ва тўқ ранглар гаммасида кескин чизиклар, юз ифодасидаги катъий ўзгаришлар билан чизилган. Рассомга тушаётган нур ва соя ўйинлари рангларнинг ўзгарувчан ритми, катта-катта очилган кўзларидаги ўтқир нигоҳ натижасида вужудга келган динамика образга янада кескинлик бағишилаган. Рассом унда юз ифодасининг пластикасига ва шу орқали ҳиссий, ифодавий оҳангта урғу беришга харакат қилган.

Ў.Тансиқбоев.
Автопортрет.
1935. Мато,
мойбўёқ.
И.Савицкий
номидаги
Корақалпогистон
ДСМ



Ў.Тансиқбоев.
Автопортрет.
1935. Мато,
мойбўёқ.
И.Савицкий
номидаги
Корақалпогистон
ДСМ

Бадий тилнинг доимий равиша ўз-ўзини янгилаш туриши авангардга хос жараёндир. Бунга Ў.Тансиқбоевнинг

1935 йилда яратилган икки хил рангтасвири ечимида эга автопортретларини қиёслаш орқали гувоҳ бўлиш мумкин. Биринчи автопортретда ёш рассомнинг импрессионизмда ёркин бўёклар орқали қуёш нурларига тўла табиат кўйнида, у билан уйғун холатдаги ифодаси намоён бўлган бўлса, иккинчи автопортретда рассомнинг авангард йўлидаги изланишлари акс этган. Рассом ўзини англаш орқали шаклий-услубий тажрибалар қўллашда дадиллик кўрсатган. Қалин ва кескин бўёқ суртмалари, қовоқ остидан қатъият билан тикилиб турган кўзлар, артистларга хос намойишкорона гавда ҳолати – буларнинг барчаси экспрессив шакллар ёрдамида ижодкор шахсиятини англаб этишга, ўзига хос оламни томошибинга намойиш этишга уринишdir. Ўзбекистон авангарди рассомлари ижодида Фарбнинг илғор намояндайларига хос индивидуал ўхшашликдан йироқ, фигуративликдан тўлиқ воз кечилган намуналарини кузатмаймиз. Уларнинг образлари жамоавий дидларга намойишкорона

карши бўлган жанжали, низоли характерда бўлмаган. Нимжон ва бетоб қаҳрамонлари орқали жамиятдаги ёлғизлик, ҳимоясизлик ва ожизликни акс эттирувчи италиялик Амадео Модильяни, инсоннинг драматик тушкунлигини ёритувчи германиялик Эрнст Людвиг Кирхнер, фантастик гротесклар оламини яратган Марк Шагал, фожеавий тушкунлик билан самимий инсонийлик ва лирикани ўзига хос уйғунлаштира олган австриялик Оскар Кокошка, кубизм ва футуризм коришмасида янгича “вортцизм” йўналиши асосчиларидан бири англиялик Уиндхем Льюиснинг чорасиз ва баҳтсиз образлари XX асрнинг буюк ижтимоий силсилалига нисбатан ғоявий акс-садо сифатида яратилган. Модернизмнинг бадий ифодавий имкониятлари сарчашмасини миллий маданият, турмуш тарзи ҳамда санъатида кўра олган дастлабки рассомлар гуруҳининг фаолиятида инсонни тасвирлашда янгича нуқтаи назар, ранг-баранглик, индивидуал ўзига хосликни кузатиш мумкин. Ўзбекистонни “менинг ўлкам” деб атаган А.Волков ҳамда унинг замондошлари А.Подковыров, Н.Карахан, Ў.Тансиқбоевнинг авангард рангтасвири образларида лирик шеърият, безакдорлик, рассомнинг атрофдаги шакл ва рангларга нисбатан муҳаббати, образни архаиклаштиришга эътибори кузатилиди. Юқоридаги намуналарни таҳлил қилиш жараённида авангард рангтасвирида индивидуал изланишлар ва ижодий концепцияларнинг ранг-баранглигига гувоҳ бўламиз. Ўзбекистон авангард рангтасвирида портрет жанрининг шаклланиши турли бадий жараёнлар билан ўзаро боғлиқлиқда кечиб – А.Волков, А.Подковыров, В.Уфимцев, Ў.Тансиқбоев, Н.Карахан каби рассомларнинг дадил ижодий изланишлари билан бошланганлигини эътироф этиш мумкин. Улар яратган портретлар инсон тасвирининг турли концепцияларини мужассамлаштириб, Ўзбекистонда мазкур жанрни юксак босқичга кўтариб берди. Янги давр кишиси сифатида бу рассомлар ижоддаги тажрибаларини Шарқ ва Farb маданияти анъаналарига таянган ҳолда олиб бордилар. Халқ эстетикаси билан боғлиқ элементлар шаклан ўзгариб авангард изланишларининг негизига айланади. Farb миллитига мансуб рассомлар кисқа вақт ичida Марказий Осиё кишининг энг характерли жиҳатларини топган ҳолда ҳар бири ўзига яқин пластик шакл ва ранглар ифодавийлигига очиб бердилар. Бу уларнинг қалбан миллий характерни хис кила олганларидан хабар беради ҳамда Farb рангтасвиридаги етакчи бадий оқимлар ёрдамида Шарқка нисбатан муносабатларини акс эттиради.

Адабиётлар рўйхати:

- Хакимов А. Социальные утопии как художественная парадигма в искусстве Узбекистана 1920-30-х годов // Социальная жизнь народов Центральной Азии в первой четверти XX века: традиции и инновации. Материалы Международной конференции. –Тошкент: San'at, 2009. с. 25-32.
- Чепелев В. Искусство Советского Узбекистана. –Ленинград: Союза художников, 1935. – 127 с.
- Земская М.И. Александр Волков. Гранатовой чайханы. –Москва: Искусство, 1976. 210 с.
- Ахмедова Н.Урал Тансиқбаев в зеркале времени. –Тошкент: San'at. №4. 2014. с.13-15.
- Апчинская Н. Творчество Александра Волкова. –Москва: Изобразительное искусство. 145 с.
- Лотман Ю.М. Культура и взрыв. / Лотман Ю.М. Семиосфера. – СПб.: Искусство-СПб., 2004. – с. 135-136.

САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИДА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИНИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Аннотация. Мақола педагогик тажрибани умумлаштиришига асосланади. Унда узлуксиз таълим тизимида таълим технологияларида мумкин бўлган ўзгаришларни таҳлил қилиши назарда тутилган.

Калит сўзлар: Ҳуқуқий билимлар, таълим технологиялари, интерфаол таълим, ҳуқуқий таълим тизими.

Фарруҳ ТУРСУНОВ,
Секретарь Совета ГИИКУЗ

РАЗВИТИЕ ЮРИДИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В УЧРЕЖДЕНИЯХ ИСКУСТВ И КУЛЬТУРЫ

Аннотация. Статья основана на обобщении педагогического опыта. Предусматривается анализ возможных изменений в образовательных технологиях в системе непрерывного образования.

Ключевые слова: Правовые знания, образовательные технологии, интерактивное обучение, система правового просвещения.

Farrukh TURSUNOV,
Secretary of the Council of the USIAC

DEVELOPMENT OF LEGAL EDUCATION BASED ON INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE INSTITUTIONS OF ART AND CULTURE

Abstract. The article is based on the generalization of pedagogical experience. It envisages an analysis of possible changes in education technologies in the continuing education system.

Keywords: legal knowledge, educational technology, interactive learning, legal education system.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этилмоқда. Глобаллашув шароитида қонун устуворлигини таъминлаш ҳуқуқий таълимга алоҳида эътиборни талаб этади. Ҳуқуқий таълимнинг ривожланиб бориши ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий билим даражасини юксалишига хизмат килади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида ҳуқуқий таълим алоҳида аҳамият қасб этади. Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан борар эканмиз, ҳуқуқий таълимга давлат сиёсати даражасида каралаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги №ПФ-5618 сонли Фармонида “... инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатни шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини оширишга тўсқинлик қиливчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда.

Хусусан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти” [2] деб кўрсатилгани ҳуқуқ таълими олдига бир қатор вазифаларни қўяди. Шу нуқтаи назардан баҳолаганда, таълимни, жумладан, ҳуқуқий таълимни инновацион технологиялар асосида ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқий таълим жараёнда инновацион

технологиялардан фойдаланиш масаласи бўйича Е.А. Певцова [6, Б. 212], П.Д.Гаджиева[4] томонидан бир қатор тизимли ишлар қилинган бўлса-да, бироқ етарлича ўрганилмаган. Таълим усулларини таҳлил қилиш замонавий ёндашувни талаб этади.

Пассив усул – талабалар ўқитувчига бўйсунувчи фаол бўлмаган тингловчи сифатида иштирок этади. Таълимнинг замонавий ютуқлари ва таълим самарадорлиги жиҳатидан пассив усул самарали эмас, бироқ бир қанча афзалликларга ҳам эга. Бу ҳам бўлса ўқитувчининг машғулотдан олдин нисбатан осон тайёргарлиги ва чекланган вақт ичida нисбатан кўпроқ ўқув материалларини тақдим этиш имкониятидир.

Фаол усул талаба(ўқувчи)лар ва ўқитувчи ўртасида ўзаро таъсир ўтказишнинг бир усули бўлиб, бунда улар ўзаро мулоқотда бўлади. Бу ўринда талаба(ўқувчи)лар фаол иштирокчи бўлиб хисобланади. Кўп ҳолларда фаол ва интерфаол усуллар умумийлигига қарамасдан фарқ қилади. Интерфаол усулларга замонавий усулларнинг энг замонавий шакли деб қараш мумкин.

Интерфаол усул ўзаро мулоқот қилиш, сухбатлашиш демакдир. Бошқача қилиб айтганда, фаол усуллардан фарқли равишда талаба(ўқувчи)лар нафақат ўқитувчиси билан мулоқотга киришади, балки бир-бирлари билан ўзаро алоқаларини ва ўқув жараённида талабаларнинг фаоллигини оширишга қаратилган.

Интерфаол усуллар қўлланилганда, аудиторияларда ўқитувчининг ўрни машғулот мақсадларига эришиш учун йўналтирилади. Олий таълим муассасаси ўқитувчиси мазкур жараёнда талабаларга ҳуқуқий вазиятлар акс этган топширик

ва вазифаларни беради. Интерфаол ўрганиш билиш фаолиятининг маҳсус шакли хисобланади. Бунда аниқ мақсадлар назарда тутилади. Мазкур жараёнда талабаларнинг интеллектуал қобилияти рўёбга чиқади, муаммони ҳал этиш учун қулай мухит яратилади ва талабалар бир-бири билан ўзаро муносабатда фаоллашади. Натижада кўзланган мақсадга эришилади.

Интерфаол усуллар кўлланилганда, ўқитувчининг ўрни кескин ўзгаради. У жараённи тартибга солади, олдиндан вазифалар тайёрлайди, кичик гурӯхларда мухокама қилиш учун мавзуу ва саволларни шакллантиради. Маслаҳат беради, машғулотнинг вақт ва тартибини назорат қиласди. Хукуқий вазият мухокамаси жараённида талабаларнинг бир-бири билан мулоқотга киришиши, белгиланган вазифаларни биргаликда ҳал қилиши, низоларни бартараф этиши ва муросага келишишлари керак бўлади.

Инновацион технологиялар таълим жараённида кўлланилганда хукуқий билим, хукуқий онг ва хукуқий маданият даражаси юқори бўлган талабалар билимини амалиётда кўллаш имконини беради. Бу нафакат таълимда, балки тарғибот орқали жамиятдаги ҳам хукуқий маданиятни юксалишига хизмат қиласди. Таълим муассасаларида хукуқий клиникани ташкил этиши орқали бунга эришиш мумкин.

Хукуқий таълим жараённида талаба(ўқувчи)ларга эркинлик бериш лозим, шу билан бирга мустақил тайёргарлик кўриши ва изланиш олиб бориши учун вазифалар бериб бориш мақсадга мувофиқ.

Инновация хукуқий таълим жараённи янгиликларни амалиётда кўллаш билан бирга хукуқий таълимнинг тахмин қилинган натижаларига тез ва самарали тарзда эришиш имконини беради. Масалан, дарслек ва ўқув кўлланмаларидағи баъзи маълумотлар йиллар ўтгани сари эскириши мумкин, шунинг учун расмий таълим ва хукуқий ахборот сайтлари (масалан, www.lex.uz, edu24.uz, “*huquqiy axborot*” телеграмм каналларидан)дан фойдаланиш орқали хукуқий таълимда кўзланган мақсадга эришилади.

Замонавий хукуқий таълимда интерфаол таълим усуллари устунликка эга. Хукуқий таълим технологияси аниқ бир мақсадга этиш учун олдиндан режалаштирилган, ўқув жараёни лойиҳалаштирилган ҳамда таълим жараёнининг метод ва воситалари мажмуасидир. Хукуқ таълими технологиясининг замон талабларига мос равиша ўзгариб, янгиланиб боришини инновацион таълим технологияси деб аташ мумкин.

Инновация янгиланишни ўзгаришни амалга жорий этиш жараёни ва фаолияти (инглизча *innovationas* – киритилган янгилик, ихтиро).

Илмий техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқарув ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек уларнинг турли соҳалари ва доираларда кўлланишини акс эттиради [7, Б.119].

Е. А. Певцованинг кўрсатишича, ўқитишнинг фаол усуллари орасида учта гурӯхдан фикрлашнинг барча турларини шакллантиришда ва қизиқтиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фаол ўқитиш усулларининг учта гурӯхи

кўйидагилар: 1) дастурли ўқитиш усуллари. 2) муаммоли ўқитиш усуллари. 3) интерактив (коммуникатив, яъни ўзаро фикр алмашинуви билан боғлик бўлган) ўқитиш усуллари.

Дастурли ўқитиш усуллари – мақсадлар ва вазифалар, ҳал этиш усуллари, тақдирлаш ва назорат шаклларини билимларнинг мавзуу мазмунига мос равиша аниқлаш хисобига анъанавий ўқитиш усулини ўзгартириш кўзланган.

Муаммоли ўқитиш усуллари – объектив билимни тузилиш жиҳатига эмас, балки таълим олаётганнинг шахси маълум бўладиган вазиятга урғу берилган.

Интерфаол ўқитиш усуллари – билимларни ўзаро инсоний ҳаракатлар ва муносабатлар воситасида ўзлаштириш жараёнларини бошқариш усулларига муражгаат қилганлар [5, Б. 1010-102].

Таълим методлари – метод юонча атама бўлиб, айнан нимагадир йўл, усул орқали мақсадга эришиш ўйлини билдиради, у 4 гурӯхга бўлинади: 1) сўз орқали ифодалаш; 2) кўргазмалик усуллари; 3) амалий намуна усули; 4) рағбатлантириш ва жазо усули[7, Б. 324].

Хукуқ таълими жараённида ролли ўйинлар орқали ҳам самарадорликка эришиш мумкин.

Ролли ўйинлар. Ролли ўйинлардан фойдаланиш ижодий фикрлаш ва тасаввурни ривожлантиради ҳамда қатнашчиларнинг муаммога муносабат билдиришларига имкон беради. Ўйинни ўтказиш учун кўйидагилар зарур:

– Муаммони танлаб олиш ва ўйинни ўтказишнинг умумий қоидаларини ишлаб чиқиш, ўйин фояси ва қоидаларини тушунтириш;

– Ўйиннинг ҳар бир қатнашчисига битта ролни топшириш;

– Ўйин тақдимотини ўтказиш ва уни мухокама килиш;

– Якун ясаш;

– Ҳар бир босқич учун ажратилган вақтга қатъий риоя килиш [3, Б.32.].

Маълумки, олий таълим муассасаларида хукуқий таълимнинг ташкилий тузилиши маъруза, семинар, амалий машғулот, мустақил таълим топшириклари ва амалиётдан иборат.

Инсон қандай таълим олади? Бунинг учун ўқув жараёнининг қисмларини кўриб чиқайлик. Ўқув ўрганиш жараёни умумий ҳолда қўйидаги тўрт босқичдан иборат:

– **тажриба**, амалиёт;

– **мулоҳазалии**, воқеаларни ўйлаб кўриш;

– **умумлаштириши**, умумий назария билан боғлаш;

– **билимларни янги вазиятда кўллаш**.

Бу модель “Колбнинг фаол ўқув цикли” номини олган. Колб таклиф этган моделга кўра:

1. Ўқишига қизиқиши ошириш учун машғулотларда ўқувчи (талаба)ларни бирон-бир ҳаракатни амалга оширишга ундовчи вазиятларни яратиш зарур. Бу муайян тажриба ва кўниммага эга бўлишга олиб келади.

2. Олинган тажриба қайтадан, ҳар томонлама ўйлаб кўрилганда ўқувчи(талаба)ларни материални ўзлаштириш даражаси ортади. Шу сабабли, Колб циклининг муҳим босқичи ўтилган материални

мулохаза қилиш, бажарилганларни ўйлаб кўришдир. Бу босқичда ўкувчи(талаба)лар ҳодиса, воқеа, жараённи ва бажарилган топширикларнинг натижаларини тушиниш, ўз туйғулари ва таассуротларини таҳлил қилиш имкониятига эга бўладилар.

3. Циклдаги иккита босқични ўтгандан сўнг олинган маълумотларни умумлаштириш ва қонуниятларни топиш учун умумий назария билан танишиш зарурати туғилади. Бунинг натижасида ўкувчи(талаба)лар ўзлари орттирган тажрибани “ёзб кўйиш” ҳамда ўзлаштирган тушунчалар ва ўрганилган ҳодисаларни кўллаш учун “жой” топиш имкониятига эга бўладилар. Мамлакатимиз мавжуд таълим тизими машғулотларида назарияга кўпроқ, назария билан амалиётнинг боғлиқлигига камроқ эътибор берилиши билан ажралиб туради.

4. Олинган билимлар ва кўникмаларни янги ўкув жараённида ёки ҳаётий вазиятда қўллаш – фаол таълим олиш циклининг якунловчи босқичи бўлиб, у таълим олишнинг (тараққиётнинг) янги босқичига ўтиши учун биринчи қадам ҳисобланади [Қ:3, Б.32-35].

Таълим муассасаларида хукукий таълим жараённида назарий билимларни эгаллашга кўпроқ аҳамият берилмоқда, назарий билимлар билан амалиётнинг боғлиқлигига камроқ аҳамият берилмоқда. Хукукий таълим кўпроқ амалиёт билан ҳам боғлик, шунинг учун фақат назарий фикрлар билан чекланмаслик лозим.

П. Гаджиеванинг кўrsatiшича, хукукий таълимда интерактив ўқитиши услубларининг имкониятларини амалга оширишнинг дидактик шартлари педагогик фаолиятнинг куйидаги таркибий қисмларини элементлар сифатида ўз ичига олади:

– **мақсад** – хукукий таълимнинг педагогик мақсадлари номенклатурасини ишлаб чиқиши, уларни ўқитиши мақсадлари билан ўзаро боғлиқлиги;

– **процессуал** – ўкув жараённида ўйнлардан фойдаланиш қоидаларини бажариш, интерактив усуллардан мунтазам фойдаланиш;

– **информацион** – ўкув жараённида хукукий маданиятни шакллантиришга имкон берадиган вазиятларнинг мавжудлиги;

– **таҳлил қилиш** – интерактив усуллар ёрдамида ўқитиши фаолиятининг хукукий маданиятни шакллантириш бўйича фаолиятини таҳлил қилиш (ўз-ўзини таҳлил қилиш).

Таълимни модернизация қилиш нуқтаи назаридан хукукни ўқитиши методикаси масалалари аввало «самарали ўқитиши усулларидан фойдаланиш» вазифаси билан белгиланади. Агар усулнинг самарадорлигини аниқлаш фақат ҳақиқий иш вақтида мумкин бўлса-да, ҳозирги пайтда хукуқшунос муайян педагогик топширикка қараб бир ёки бир неча ўсул ёки иш шаклини таъминлаши керак. Шунинг учун амалиётда кенг кўлланилиши учун жуда кўп микдорда методологик ва дидактик материаллар ишлаб чиқилиши керак [Қ: 4. Б.12.].

Олий таълим муассасаларининг педагоглари олдида замонавий хукукий таълимни янги сифат босқичига кўтариш вазифаси турибди. Ўқитувчиларнинг инновацион таълим

технологияларидан фойдаланиш усуллари ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжини таъминлайдиган ўкув жараёнини ташкил этиш бугунги давр талабидир.

Таълим технологиялари ҳақида фикр юритища дидактик жараён тузилмаси ҳақида тушунчага эга бўлиш керак. Педагогик, психологик ва услубий адабиётларда кўrsatiшича, дидактик жараён ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган бир неча таркибларни ўз ичига олади: талаба, ўқитувчи (педагог); давлат буюртмасига мос келувчи таълимнинг мақсади, мазмуни; ўқитишининг ташкилий шакли; услубий жиҳатлари; талаба (талаба)нинг таълимий-мотивацион ҳолати; талабанинг ўқув-билиш фаолияти ва уни ўқитувчи (педагог) томонидан бошқариш.

Бугунги кунга қадар кўпгина мамлакатларда амалда қўлланилиб келинаётган «Street Law» («Кўча хукуки») дастурининг ўзига хос келиб чиқиши тарихи бор. Ушбу дастурнинг шаклланиб ривожланиши Ле Арбетмен номи билан боғлиқ.

Ле Арбетмен – Вашингтон ташқарисида жойлашган, нодавлат нотижорат ташкилот бўлган Street Law, Inc. Компаниясининг ижрочи директори, Ли Гріннелл коллежини битирган (Массачусетс штатининг ижтимоий тадқиқотлар бўйича ўқитувчиси), Жорж Вашингтон университетининг хукуқшунослик факултети (JD). Бошланғич мактабда, ўрта мактабда, колледжа ва хукуқшунослик факультетида ўқиган. У Мексика, Украина, Туркия ва Грузияда кўча хукуки бўйича тренинг ва техник ёрдам кўрсатди.

1972 йилда Жоржтаун университетининг кичик хукуқшунослик факультетлари талabalari Вашингтондаги ўрта мактаб ўқувчилари билан биргаликда фойдаланиш учун бир қатор амалий хукукий дарслар бўйича тавсиялар ишлаб чиқдилар. Ушбу валантёрлар энди оддий хукуқшунослар эмас, улар фуқаролик масъулиятини ўз зиммасига олади. Курслар ўрта мактаб ўқувчилари ва хукуқшунос талabalар билан машҳур эди. Амалий табиатига жавобан ўрта мактаб ўқувчилари ушбу дарсларни «Street Law» деб аташди

1972-73 йилларда иккита маҳаллий мактабда “учувчи дастур” АҚШда биринчи бўлиб, кейинчалик бутун дунё бўйлаб – жамоатчиликни қонун ва жамоатчиликка ўргатиш учун ҳаракатни бошлади. Ўқитувчиларга мўлжалланган интерактив ўқитиши услублари қўлланилди. Бугунги кунда “Street Law” дастурлари АҚШнинг ҳар бир штатида ва дунёning 40 дан ортиқ мамлакатида қўлланилмоқда.

Хукуқ ва демократия ҳақида амалий таълим орқали адолатни ривожлантириш учун ушбу глобал ҳаракатни тарғиб қилиш Жоржтаун Университетининг Хукукий Марказида эрта-кўча қонунлари дастурининг натижаси бўлган Вашингтондаги D.C. штаб-нодавлат ташкилотидир. Ушбу лойиҳа Жоржтаунда мамлакатнинг барча ҳудудларида ва бутун дунёдаги 120 дан зиёд хукуқшунослик мактаблари учун намунавий дастур бўлиб хизмат қилган тўлиқ, тажрибавий таълим дастурига айланди. Жоржтаун талabalari деярли

1000 олий бўлинма ташкил этилганидан буён ушбу дастурда иштирок этишди. Кўпчилик юридик фирма шериклари, корпоратив маслаҳатчи, АҚШ ва ундан ташқарида хукумат амалдорлари, ҳатто федерал суд аъзолари лавозимларига киришди. Улар хукуқ мактабидан конун ва демократия ҳақида халқ таълимiga содиқлик мажбуриятини олганлар.

Жоржтаун хукуқ марказида ва DK Халқ мактабларида ёш ўқитувчилар, хукуқшуносарлар, судьялар, адлия тизими ходимлари (масалан, *probation* ходимлари), ёш ишчилар ва полиция ходимлари томонидан тақдим этилган турли хил кўча қонуллари дастурларини яратди. Бутун дунё бўйлаб дастурлари бошланғич мактаблардан талабаларга, жамоат коллекларига, синфлардан эса адлия тизими ва жамоат ташкилотларигача етиб келди.

Барча кўча хукуқлари дастурлари қуйидаги учта хусусиятга эга:

1. Амалий мазмунни ўргатиш: конуний хукуқ ва мажбуриятлар, конун устуворлиги, халқаро қабул қилинган инсон хукуқлари ва демократик бошқарув тизимларининг фаолияти

2. Мухим кўникмаларни ривожлантириш учун интерактив таълим стратегиясидан фойдаланиш: фуқаролик иштироки, тарғибот, муаммоларни ҳал қилиш, танқидий таҳлил ва мулокот.

3. Хамжамиятни таълим жараёнига жалб қилиш: хукуқшунослик соҳаси эксперталари дарсларга борадилар ва талабалар қонунчиликни кузатиш ва таъсир қилиш учун ўз жамоаларига кирадилар

1970-йилларнинг бошларида «Street Law»нинг пайдо бўлиши тарихий воқеа эмас эди – бу тарихий зарурат эди. АҚШда 1960 йиллардаги ижтимоий турғунлик жамиятнинг кенг катламларига таъсир кўрсатадиган қонунларни қабул қилишга олиб келди [10].

Жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш Концепциясида таълим муассасаларида хукукий саводхонликни оширишда “ёшларда ўз хукуқларини ҳимоя қилишининг амалий механизмларини ўргатишга қаратилган “Street law” (Кўча хукуқи-оддий хукуқ) лойиҳасини кенг жорий қилиш бўйича қуйидаги ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш: хукуқшуносликка ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари талабалари, юридик коллеклар ўқувчилари, нодавлат ташкилотлар вакилларидан иборат кўнгиллилар (волонтер) гурухини шакллантириш;

“Street law” лойиҳаси амалга оширилишини методик таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш;

кўнгиллилар гурухлари учун интерактив машғулотлар олиб бориш методикаси бўйича тренинглар ўтказиш;

кўнгиллилар томонидан мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун машғулотлар ўтказиш” [1, Б.72] кўрсатиб ўтилган.

“Street Law” бу америкача дастур бўлиб, демократия ва инсон хукуқлари тарғиб этувчи таълимдир. Мазкур дастур асосида таҳсил олган шахс ўзига ва ўзгаларга хукукий жиҳатдан қандай ёрдам беришни билади ва бу дастур асосида ўргатилади. Шунинг учун ҳам бу дастур “кўча хукуқи” деб ҳам аталади.

Аудиторияда анъанавий маъруза учун кам вақт берилади. Мазкур дастур лоирасида маълумотларни узатиш ва тақрор ишлаб чиқиши – хукукий материаллар, ҳақиқий муаммоларни ҳал қилиш, биргаликда ишлаш, ижодий фикрлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Курс дастурининг таркиби қўйидагича:

- 1) хукуқка кириш ва низони ҳал қилиш усуллари;
- 2) конституциявий янги хукуқ; 3) жиноят қонунчилиги; 4) жиноят процесси; 5) маъмурий хукуқ ичиди; 6) фуқаролик хукуқи; 7) фуқаровий процедуралар; 8) оиласи хукуқи; 9) яшаш мулк хукуқи; 10) меҳнат қонунчилиги; 11) инсон хукуклари.

“Инсон хукуклари нима учун ўргатилади?” деган саволга 1980 йилдаётк, – “Инсон хукуклари дунёдаги ҳар қандай одамнинг қадр-қиммати ҳурмат қилинадиган ва ҳимояланадиган муносиб ва маданий ҳаётга бўлган талабга асосланган. Инсон хукуклари ҳақида гапирганда, биз нафакат жисмоний эҳтиёжларимиз ҳақида, балки инсониятнинг ақл-идроқ ва хабардорлигини яхшилаш ва эҳтиёжларимизни қондириш учун бизга имкон берадиган яшаш шароитлари ҳақида гапирамиз” [8] деб жавоб берилган эди.

Марие Денис Дүённинг келтирган маълумотларига кўра, мактаб ёшидаги болалар билан боғлиқ кўпинча инсон хукуқларига жиддий таҳдид соладиган ҳодисалар содир бўлади. Вояга етгандан сўнг талабалар низоларни ҳал қилиш учун зўравонликка дуч келишлари мумкин. Кимки “кучли зарбалар” билан курашса, унинг иродаси мустаҳкамланади. Афсуски, ёшлар кўпинча сиёсий майдонда ёки оммавий ахборот воситаларида катталар томонидан яратилган ушбу моделни тақлид қилишга мойил бўлади (айрим фильмларда 200 га яқин қотиллик мавжуд).

Инсон хукуқларини ўрганиш орқали ёшлар янги имкониятни кучайтирадилар ва ўзларини ҳурмат қилишининг янги усулини топадилар. Улар ўзларининг фикрларини ифода этишни ўрганадилар, ҳатто уларни машҳур қилмайдилар ва энг муҳими, хукуқларни амалга ошириш биринчи навбатда бошқаларни ҳурмат қилишини англатади, бу эса муайян масъулиятга олиб келади. 1-расмда мунозаранинг моҳияти санъат асари орқали тасвирилаб берилган.



Алока (1975) Жексон Беарди

Бу ерда учта қуши бор. Биринчи рақамли сонни

ва биринчи рақамни ўз ичига олади. Бу қарама-қаршиликларни ўз ичига олади. «Мулоқот» қарама-қаршиликлар ёки турли ижодлар орасидаги ўзаро тушунини англатади. Агар ижодкорлар сўзма-сўз бир хил бўлса, сўзнинг одатий маъносида мулоқотга эҳтиёж қолмайди ... Фақат фарқ уюшма ва мулоқотни талаб қиласди. Мавжум тушунчаларини очиб давом эттиришини истамасдан, Беарди ҳар бир қанотда тўртта кўз, тўртта тук ва бешта патнинг борлигига ишонч ҳосил қиласди. Рамзий қанотлари уйга ўхшайди ва учта қуши у ерда ёш жўжалар каби қиласди [9].

Бу каби расмлар кўрсатилса, талабалар қизиқиши ортади ва уларни мунозара га чорлайди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бугун яхши анъаналарга асосланган. Бироз вақт олдин, педагог Селестин Фреинет инсон ҳуқуқларига ҳурмат асосида таълимни тарғиб қилди. Масъулиятли фуқароларнинг бир неча авлодларини шакллантиришга ёрдам берган ушбу педагогика ҳали ҳам долзарбdir.

Халқаро ташкилотлар бир қанча учрашувлар ўтказдилар ва инсон ҳуқуқлари бўйича таълим бўйича кўплаб мухокамалар уюштирилар. Уларнинг ёндашувидаги биринчи қадам мақсадларни белгилаш эди. 1978 йилда Вена шахрида бўлиб ўтган Халқаро инсон ҳуқуқлари бўйича таълим концерни кўйидаги кўрсатмаларни баён қилди:

«Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва инсон ҳуқуқлари таълими қуйидаги мақсадларга ўйналирилган бўлиши керак:

I. Инсон ҳуқуқларига хос бағрикенглик, ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантириш;

II. Инсон ҳуқуқларига оид билимларни миллий ва халқаро миқёсда, шунингдек, уларни амалга ошириш учун ўрнатилган муассасаларда етказиш;

III. Миллий ва халқаро даражаларда ижтимоий ва сиёсий воқеликларда инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг хабардорлигини ошириш [11].

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепциясида “ўкув жараёнига клиник юридик таълимни татбиқ этиш юзасидан етакчи хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасидан кенг ва унумли фойдаланиш” [1, Б.12]га алоҳида эътибор берилган.

Бундан хулоса килиш мумкинки, ҳуқуқий таълим хорижий тажриба асосида такомиллишиб борадиган жараён ҳисобланади. Изланишларимиз натижасида, инновацион таълим шароитида ҳуқуқий таълим назарияси ва методикаси такомиллаштирилди, ўқитишининг шакл, усул ва воситалари ишлаб чиқилди. Адабиётлар таҳлили шуну кўрсатмоқдаки, ҳуқуқий билимларни пухта эгалаш талабаларда ҳуқук ва эркинликларни бузмасдан амалга ошириш қобилиятини ҳамда ўз билимларини амалда қўллаш қобилиятини ривожлантиради.

Адабиётлар рўйхати

1. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 1-2 (865-866)-сон, 2019 йил, 14 январь – 488 б.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги №ПФ-5618 сонли Фармони. (www.lex.uz)
2. Азизов А. А., Акиншина Н.Г., Нишонов Б. Э. Барқарор тараққиёт таълими (ўкув услубий қўлланмана) Т;UNESCO.2007. 142 б.
3. Гаджиева П.Д. Интерактивные методы в правовом образовании учащихся. Специальность 13.00.01 - Общая педагогика, история педагогики и образования. Автореферат. Махачкала – 2005.
4. Певцова Е. А. Актуальные вопросы методики преподавания юриспруденции: учебное пособие. — Москва: Издательство Международного юридического института, 2010. С. 101-102.
5. Певцова Е.А. Теория и методика обучения праву: Учебник для студентов высших учебных заведений. -Москва: Владос, 2003. С. 212.
6. Ҳасанбоев Ж, Тўракулов X., Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Т., «Fan va texnologiya», 2008. – 480 б.
7. Marie-Denise Douyon. L'enseignement des droits et libertés : contenu, méthodes, approaches. Mise à jour: Lucie Laliberté Direction de l'éducation et de la cooperation.Mars. 2008. P.11.
8. In Hughes, Kenneth James, 1979, Jackson Beardy – Life and Art, Canadian Dimension Publisher, p. 30.
9. Remy, Richard C., Donald A. Ritchie, Lee Arbetman, Megan L. Hanson, and Lena Morreale Scott. United States Government: Our Democracy. Columbus, OH: McGraw Hill Education, 2016.
10. Unesco, 1980, Enseignement aux droits humains,. Conseil de l'Europe, Vol.1, no 1.

**Насиба АБРАЙКУЛОВА,
ЎзДСМИ, катта ўқитувчи**

И. М. ПРОЦЕНКО – МОХИР ПЕДАГОГ

Аннотация. Уибу мақола устозга эҳтиром сифатида рақс санъатида ўзининг муносаб ўрнига эга бўлган, ўзбек рақс санъатининг намояндадаридан бири Иван Матвеевич Проценко хақида ёзилган. Мақолада И.М.Процентонинг ҳаёти, рақс санъатида биринчи қадам қўйилиши ва узоқ ўйлилк ижодий фаолияти давомида эришган ютуқлари хақида сўз юритилган. Унинг рақс педагогикасида тутгани ўрни, ўқув ва ижодий фаолияти иммий таҳдил қилинган.

Калит сўзлар: мусиқа, ритм, рақс, санъат, концерт, балетмейстер, актёр, тренаж, сюжет, безак, тасвир, креатив, касбий компетентлик.

**Насиба АБРАЙКУЛОВА,
Старший преподаватель, ГИИКУЗ**

ПЕДАГОГ МАСТЕР – И. М. ПРОЦЕНКО

Аннотация. Данная статья была написана как дань уважения учителю, Ивану Матвеевичу Проценко, который является одним из знаменитых танцов, который занимает видное место в узбекской танцевальной индустрии. В статье освещена жизнь И.М. Проценко, его первые шаги в искусстве танца и достижения за эти годы научной точки зрения анализируются. Его роль в танцевальной педагогике, его образовательная и творческая деятельность.

Ключевое слово: музыка, ритм, танец, искусство, концерт, балетмейстер, актер, тренаж, креатив, профессиональная компетентность.

**Nasiba ABRAIKULOVA,
Senior Lecturer, USIAC**

TEACHER MASTER – I. M. PROTSENKO

Abstract. This article was written about Ivan Matveevich Protsenko as a tribute to the teacher, one of the dancers, who occupies a prominent place in the dance industry. The article lifts up life of I.M. Protsenko, his first steps in the art of dance and his achievements over the years.

His role in the dance pedagogy, his educational and creative activities are analyzed from a scientific point of view.

Keywords: music, rhythm, dance, art, concert, choreographer, actor, simulator, creative, professional competence.

“Шамни кўр, шамдек бўл, куйиб багри тан, Ўзгалар дилини қиласди равишан”

Шундай инсонлар борки, улар ўзгаларга килган яхшиликлари, савоб ишлари эвазига хеч нарса талаб қилмайдилар. Соф инсоний фазилатларга хос одобаҳлоқ, камтарлик мужассам бўлган, ўзбек санъатининг, хусусан рақс педагогикасининг нуфузли ва таникли намояндадари ичida ўз ўрнига эга санъаткор, педагоглардан бири Иван Матвеевич Проценко.

Қарийб, ярим асрлик педагогик фаолиятга эга бўлган кафедрада бўлажак актёр кадрларни тайёрлаш, уларга мутахассислик фанларидан билим бериш ўйлида кўплаб ўз соҳасининг етук намояндадари самарали меҳнат қилганлар. Гарчи бир предметдан таълим берувчи педагоглар кўпчиликни ташкил этсада, малакаси, назарий ва амалий билим даражаси ҳамда ўқитиш услуби билан фарқ килиб, иш тажрибалари, ўзига хос ёндошувлари асосида ўз педагогик мактабларини яратган. Шуларни инобатга олган ҳолда биз институт талаба-актёрларига “Рақс” фанидан дарс берган, ўз соҳасининг мохир педагогларидан бири, марҳум устоз Иван Матвеевич Процентонинг ҳаётини ўрганиб, ижодий фаолиятини тадқиқ қилишни лозим топдик.

Иван Матвеевич Проценко 1922 йил 27 январда Киев шахрида туғилган. 4-сонли оёқ кийимлар фабрикасида этикдўз бўлиб ишлаган отаси-Процентон Матвей Романович (1880-1953) ҳамда уйда болалар тарбияси билан машғул бўлган онаси -Процентон Варвара Алексеевна (1901-1976) оиласда фарзандларига нисбатан қатъий тартиб-интизом

ўрнатиб, меҳнат ва билим олишга иштиёқларини шакллантирганлиги боис уларнинг бўш вакти бўлмаган.

Иван Матвеевич Проценко 1937 йилда № 14-сонли тўлиқсиз ўрта мактабни битириб, шу йилдан 1940 йилгача қулф цехида слесарга шогирд сифатида ишлаш билан бирга Киев шахри Куреневский район Сирецкая кўчаси 24-ўйда жойлашган Болалар меҳнат колониясига қарашли Мусикали-хореография студиясида ўқиди. 1941 йил 10 июнда Кизил Армия сафиға чақирилиб, 289 дивизиянинг 122-полкида, 1943 йилдан 140-гвардия полкида хизмат қилди. 1944 йилда 140-гвардия полки билан Польшанинг “Висла” плацдармида олиб борилган жангларда иштирок этиб, 18-август куни қорин кисмидан қаттиқ жароҳат олади ва сентябрь ойигача 66-фронтини медицина-санитария батальони ва 1739-сонли эвакуация-госпиталда даволанади.

1944 йил 17 сентябрдан 1945 йилнинг 18 марта гача Ростов-Дондаги 53.45 сонли эвако-госпиталда стационар даволанишда бўлган. Даволаниш билан бир вактда госпиталь раҳбариятининг буйруги билан маҳсус ташкиллаштирилган оғир жароҳатланган ва келгусида армия хизматидан четлаштирилиши режалаштирилган аскарлар каторида “бухгалтерия” курсини тутатади.

1945 йил 18 марта 30 кунлик таътил олиб ўша вактларда Чита области Забайкалье райони Чернишевск-Забайкалье станциясига эвакуация қилиниб яшаб келаётган ота-онаси ёнига боради.

Таътил тугаганидан сўнг 1945 йил апрель ойида Чернишевск район ҳарбий хизмат бўлими медицина комиссияси томонидан “Ҳарбий хизматга нолойик” деб топилди.

1945 йил 5 майдан 1946 йил 15 июнгача Чернишевск район таъминот кўмитасида сотувчи ва фронтчиларнинг фарзандлари учун ташкил қилинган ёпиқ ошхона бошлиғи лавозимларида ишлаб келди.

Иван Матвеевич Проценко ўзининг ижодий фаолиятини савдо соҳасида ишлаш билан бир вақтда район темирийўлчилар клубида ракс жамоаси балетмайстери бўлиб ишлашдан бошлаган. 1946 йил август ойидан 1947 йил ноябрь ойигача Омск шахридаги мусикали-комедия театрида артист ва балет артистлари га классик раксдан педагог сифатида ишлаб келди.

1947 йилда Тошкент шахридаги оперетта театри балетмайстери М.Н.Гердт таклифи билан мазкур театрда балет солисти сифатида ишлай бошлади. Ушбу театр тарқатилганидан сўнг Свердлов номидаги рус опера ва балет театрига ишга ўтади.

1948 йил Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри бош балетмайстери бўлиб ишлаб келаётган Мукаррама Турғунбоеванинг шахсан таклифи билан балет солисти ва театрнинг балет труппасига педагог-репетитор вазифаларига ишга қабул қилинади. М.Турғунбоеванинг томонидан унга опера театри қошида уч йиллик балет студиясини ташкил қилиш вазифаси юклатилди. Биринчи марта И.М.Проценко томонидан Чилонзор районидан 12 нафар ўзбек ўғил болалари танлаб олинди. Уч йиллик таълимдан сўнг балет труппасининг йигитлар гурухи тўлиқ таъминланди.

1948-1966 йиллар давомида Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри солисти ва педагоги лавозимларида ишлаб келди. Бу йиллар оралиғида, яни 1958 йилдан 1976 йилгacha Тошкент хореография билим ютида классик ракс ва характерли ракс фанларидан ўқитувчилик, Туркистон Ҳарбий округининг ашула ва ракс ансамблида балетмайстер, Пионерлар саройи болалар ракс жамоаси раҳбари, Темирийўлчилар санъат саройи ракс ансамбли раҳбари ва балетмайстер сифатида кўплаб иқтидорли ва истеъ dodли ёшларни қашф қилди. [7.1-4] Балетмайстерлик – ижодий қасб. Балетмайстер ижодий жамоанинг етакчиси ва раҳбари саналади. Ушбу қасбни танлаган кишидан кўп нарса – соҳа бўйича чукур билим, ижодкорлик, меҳнатсеварлик, ҳаваскорлар билан ишлаш қобилияти ва маҳорат талаб этилади. Балетмайстер қасби иш жараёнида кўплаб масалаларни ҳал қилишини назарда тутади. Балетмайстер нафақат хореографик матн, ракс тасвири (ракс композицияси)ни яратади, балки, хореография санъатининг барча воситаларидан фойдаланиб ўз фикрини саҳнавий образларда талқин этади, маълум ўй ва ҳисларини ифодалайди. У жамоанинг гоявий-ижодий раҳбари, хореографик асар яратувчиси ҳисобланади. Ҳар қандай ижодкор каби балетмайстер ҳам нафақат хореографик санъатнинг қасбий сирларини эгаллаган, балки драматургия, мусика, тасвирий санъат, адабиёт каби ёндош санъатларни яхши биладиган юксак даражадаги маълумотли инсон бўлиши керак. [1.10] Олимлар Деминг ва Джурган “Одамлар жамоасида

шундай ишни ташкил этиш керакки, ҳар бир ходим ўз меҳнатидан қониқиши ҳосил қилсан” деган гоясини илгари сурган. Бу гоя асосида фаолият олиб борган раҳбар ансамблда ўз ишига муҳаббати, қасбига бўлган садоқатини намойиш этувчи, жамоаси равнақи учун фидойилик қилувчи аъзоларга эришади. Ижодий жамоада ижод қилиш билан бирга тарбия масаласига яъни, муомала маданияти, саҳна маданияти, ҳатто ижод қилиш маданиятига ҳам катта эътибор берилиши, раҳбар эса бу ўринда ўрнек бўлиши керак. Зоро, мутафаккир Абдулла Авлоний “Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бўлса ҳам иккиси бир-бираидан айрилмайдургон, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур” – деб бежизга айтмаган.

Бу каби қасбий ҳислатларга эга бўлган И.М.Проценкони 1966 йилда А.Н.Островский номидаги Театр ва рассомлик санъати институти ректори Х.А.Абдуллаевнинг таклифи билан мазкур институтнинг “Саҳна ҳаракати” кафедрасига ракс санъати бўйича педагоглик лавозимига ишга ўтказилади. Умрининг охирги йилларигача мана шу институтда дарс бериб келдилар.

И.М.Проценконинг ўзбек маданияти ва санъати соҳасида қилган машаққатли, аммо шарафли меҳнатлари инобатга олинниб, давлатимиз томонидан кўплаб медаллар билан тақдирланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Коракалпоғистон Республикасида хореография санъатини ривожлантиришда, Москвада ўтган Коракалпоғистон кунлари, Тошкент шахрида ўтган Коракалпоқадабиёти ва санъати кунларини тайёрлаш ва ўтказища қилган меҳнатлари учун фаҳрий ёрликлар билан тақдирланганлар. И.М.Проценко турмуш ўртоғи Проценко Ирина Николаевна билан давлатимиз ривожига ўз меҳнатлари билан катта ҳисса кўшиш билан бирга Тошкент аэропорти ходими бўлиб ишлаган қизи Семенюк Ольга Ивановнани эл-юрг корига ярайдиган мутахассис килиб тарбиялаганлар.

Педагогика соҳаси инсон таълим-тарбияси билан боғлиқ бўлган жуда мураккаб соҳа ҳисобланади. Бу қасбнинг ҳақиқиёт эгаси бўлиш инсондан сабр, машаққатли меҳнат билан бирга билим, тажриба, юксак тафаккур, энг асосийси, қасбга садоқат ва фидойилик талаб килади.

Юкорида таъкидлаб ўтганимиздек И.М.Проценко ўзининг педагоглик фаолиятини 1958 йилдан Тошкент хореография билим ютида классик ракс ва характерли ракс фанларидан дарс бериш билан бошлаган. Саҳнада юзлаб томошибинларнинг қаршида юзма-юз туриб ракс ижро этиш билан ракс санъатини ўрганаман деб сенга интилиб, ҳайрат кўзларини боқиб турган талабаларга сабоқ бериш орасида бирмунча фарқ бор. Рақс ижроси пайтида саҳнада ижро мусика ва ракс ҳаракатлари билан яшаса, дарс бериш вақтида ҳар бири ўзга бир олам бўлган, қобилияти, савияси ва қизиқиши турли даражада бўлган талабалар билан мулоқотда бўлади. Уларнинг барчасига индивидуал ёндошиши, ҳаттоки ўй шароитидан тортиб токи унинг психологик ҳолати, орзу-мақсадлари, яшаш шароитини ҳам инобатга олган ҳолда мулоқотга киришиш лозим. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, педагог

кучли психолог ҳам бўлиши керак.

И.М.Проценконинг педагоглик фаолиятига назар соладиган бўлсак, моҳир педагоглик сифатларидан биринчи жиҳати, унда инсонийлик фазилатларининг барчаси мужассам. Мехрибон, жонкуяр, талабалар қалбига самимий меҳри ила йўл топа олган, ўз билимларини талабаларга ўргата олиш маданиятига эга бўлган. Оталарча меҳр кўрсатган, ўзлаштира олмаган талабаларга юмористик иборалари ва эркаловчи сўзлари билан таъсир ўтказган, қалбини синдириб қўйишдан ўта эҳтиёткор бўлган. Қаттиқ танбех бермай, аксинча, аввало ютуқларини айтиб, сўнг камчиликларини тушунтириб, ўзлаштира олишига ишонч ҳосил қиласидиган даражага етказиб ўз фанига қизиқтира олган. Бунинг учун педагогдан катта сабр-токат ва фидойилик талаб қилинади. И.М.Проценко мана шундай инсоний фазилатларга эга педагог бўлган.

И.М.Проценко хақида гап кетганда уни билган инсонлар, яқин мулоқотда бўлган қасбдошлари энг аввал талабалар билан танишувини эсга оладилар. Билим беришдан олдин илк машғулот кунларидаёқ ҳар бир талабага алоҳида эътибор қаратиб, сұхбатлашиш асносида уларнинг қомати, кўзлари, оёқ-кўлларига назар солиб уларнинг эътиборли томонларини ўрганар, камчиликларини илғаб олар, ҳамда бир-икки оғиз сўзлашиш орқали ўзига жалб қилиб олар экан. Бунинг натижасида талабанинг ўзига бўлган ишончи ортар, ракс санъатига тобора меҳр кўяр, фанни пухта эгалашга интилар эди. Талабаларни ракс куйларини эшиттириш орқали уларда мусиқани қабул қилиш даражасини, ритмга туша олишини текширас, ҳаракатланиши ва куйга ҳаракат танлай олиш қобилиятларини синаб кўрар эди. Талабалардан бошланғич машғулотларни қунт билан ўрганишини қатъий талаб қилган, чунки уларнинг келажаги ана шу илк таълимот асосига курилишини тушунтирас эди. [6.25]

Педагогнинг касбий компетентлиги назария ва тажриба, педагоглик амалиёти, ўқув ишларининг муваффакияти охир оқибатда педагог шахсига, яъни педагоглик компетенциясига, унинг **креатив** сифатларига боғлиқ.

Креативлик – аклий салоҳиятни мақсадга йўналтирилган тарзда эркин ишлата олиш қобилиятидир. Олимлардан бири Гарднер ўз тадқиқотларида ушбу тушунчани шундай изоҳлайди: “креативлик – шахс томонидан амалга ошириладиган амалий ҳаракат бўлиб, у ўзида муайян янгиликни акс эттириши ва маълум амалий қийматга эга бўлиши лозим”. Эмебайлнинг (1989й.) ёндашуви нуктаи назаридан ифодаланса, “креативлик – муайян соҳа бўйича ўзлаштирилган пухта билимлар билан бирга юкори даражада ноодатий қўникмаларга ҳам эга бўлиш” демакдир. Педагог креативлиги – касбий ҳаёт усули, кўп киррали таълим мақсадлари, мазмуни, технологияларини яратиш истаги ва малакасидир.

Педагогик креативлик хақида сўз борар экан, И.М.Проценконинг яна бир жиҳатига эътибор қаратишни лозим топдик. Унинг педагогик маҳоратининг бир қирраси, бу дарс жараёнига креатив ёндошиб, ижодий мухитни яратадишишидир. Дарсда талабаларнинг дикқатини шунчалик тортиб олар эканки, олиб

борилаётган машғулот худди профессионал ракс ансамблининг раккос ва ракқосаларига янги ракс саҳналаштирилаётган жараёнга айланиб кетар экан. Дарс ўтиш вактида талабалар билан тенгма-тeng ҳаракатларни бажариб, талабалар машқ ёки ҳаракатни пухта ўрганмагунча дарсни тугатишини истамаган. Ёш актёрларга мусиқани тушуниш, ҳаракатни мусиқа билан уйғун ҳолда бажариш, маромига етказиш учун машқ қилиш, меҳнат қилишга унданаган. Уларда актёрлик ва ракс санъатидек мураккаб соҳанинг қийинчиликларига машғулот хонасиданоқ қўнікма ҳосил қилиб боргандар. Дарсда иштирок этаётган талабаларнинг фикру хаёлида худди бир нафас эътиборсиз қолса энг муҳим нарсани тушунмай қолаётгандек туюлиш даражасида машғулот олиб борган. Барча талабаларни машғулот давомида жамулжам бўлиб, ҳамфир, уюшган ҳолда шуғулланишларига олиб келар экан. Чунки, устоз меҳнат қилишдан чўчимайдиган, раксни чин дилдан ўзлаштиришини ва маромига етказиб ижро этишни хоҳлайдиган талабаларга жуда банд бўлишига қарамай уларга қўшимча машғулотлар ташкил қиласар, уларнинг қизиқишиларига хурмат билан қарап эдилар. Шунинг учун ракс фани машғулотларига талабалар қизиқиши билан интилиб, устознинг назаридан четда қолмасликка ҳаракат қилганлар. И.М.Проценко ҳар бир дастурни худди спектакль каби маълум бир сюжет асосига курилган, драматургия конунларига бўйсунган ҳолда репертуар танлаб тайёрлаган.

И.М.Проценконинг яна бир ўзига ҳос жиҳатларидан яна бири шундаки, устоз нафакат моҳир раккос, шу билан бирга раксшунос ҳамдир. Ҳар бир ўргатилажак мавзуни талабалар онгига сингдириш усули, педагогик топилмаларининг ўзига ҳослиги, яъни, ўз мактабига эгалиги билан бошқа педагоглардан ажралиб турган. И.М.Проценко ҳам дарс давомида ракс санъатига тегишли илмий атамаларни тушунтириш, англатиш орқали керакли жойда улардан фойдаланишни талабаларига сингдириш усули, педагогик топилмаларининг ўзига ҳослиги, яъни, ўз мактабига эгалиги билан бошқа касбдошларидан тамоман фарқ қилган. Машғулот учун ажратилган вақт давомида амалий ва назарий машғулотни уйғун ҳолда олиб борган. Талабаларга танани бошқариш ва ҳаракатланиш, ракс ҳаракатларини ўргатиш билан бирга ракс санъати тарихи, жанрлари, ўрганиш услублари, уларнинг фарқли томонлари, келиб чиқиши, ракснинг маъноси каби назарий билимлар бериб борган. Ҳар бир ҳаракатнинг мазмуни ва унинг қўлланилишидан қўзланган мақсадини англатишга уринар эди. Ўрганилаётган ракснинг қайси миллатта, даврга ҳослиги, унинг маданияти, турмуш тарзи, инсонларнинг руҳияти, кийиниши, миллат ҳаракети ҳақида тўлиқ маълумот бериб, талабаларда тасаввур ҳосил қилганидан сўнг ракс саҳналаштиришни бошлар эди. Бошқа соҳадаги каби ракс педагогикасида ҳам “оддийдан мураккабга” методи қўлланилади. Бу методни И.М.Проценконинг дарс ўтиш жараёнида фойдаланганлигини англаш мумкин. Чунки, “Классик ракс”, “Халқ саҳна ракси” фанларида ракс саҳналаштиришдан аввал талабанинг танасини киздириб, тўлиқ ишлаш

ҳолатига келтириб олиш учун “тренаж” машқлари ўтказиб олинади. Бу машқлар шундай танланиши керакки, танани зўриқтириб кўймаслиги, ҳолдан тойдирмаслиги лозим. Шундай пайтларда педагог талабанинг ўзлаштиришга қийналиши ёки машқ пайдидаги психологик тайёргарлигини инобатга олиш ва сабр билан дарсни давом эттириши керак. Агар бундай хислат педагогда бўлмас экан, унинг мукаммал билим ва савияси, ижрочилик салоҳияти педагоглик соҳасида ҳеч қандай натижага бермайди. И.М.Проценко талабаларга таълим берар экан бу ишга бутун вужуди билан киришар, талабаларни ҳам рақсга бўйсундирар, аммо мажбурлаб эмас, яхши гапириб, рақс ижрочилигининг сир-асрорларини оддий сўзлар билан тушунтириб уларнинг маҳоратларини чархлаб борар эди. Биринчи курсга келган талабалар билан тинимсиз машғулотлар олиб бориб, йилдан йилга юксалтириб уларнинг янги қирраларини очишга эришар эди.

Иван Матвеевич ўз педагоглик фаолияти давомида актёр тарбиясида рақс санъатининг ўрни бекиёс эканлигини исботлаб берди. Рақс санъатини актёрлик маҳорати билан бирлаштириб, ҳар бир каттаю кичик харакатнинг энг нозик, “ширали” томонларига ишлов беришни билар эди. Бунинг натижасида талабалар ҳар бир рақс ижроси асносида рақс харакатлари билан бирга ўзларига берилган ролни ҳам ижро этиш даражасига етганлар. Имконияти етадиган талабаларни танлаб олиб, ҳаттоқи якка рақслар ҳам саҳналаштиришган. Ўша даврларда институт саҳнасида якка рақс ижро этиш актёр-талабалар ичida юксак мавқе бўлган. Чунки, ҳамма талабага ҳам якка рақс саҳналаштирилмас эди. Бундай рақслар ижроси орқали И.М.Проценко талабаларнинг шахсий имкониятларини очишга эришар, сезилмаган қирраларини намоён қилишларига имконият яратар эди. Саҳналаштирилган рақслар турли давр, миллатларга хос бўлиб, унинг жанри, ритми, характеристи ҳам турлича бўлган. Вокеликка янгича

қараш бу – ижод, ўргата олинадиган билим бу – ижод, ўргата олиш эса савобдир. Педагог сифатида биз талабаларнинг дунёқарашини бошқаришдан йироқмиз, фақатгина биз уни берган билимларимиз билан бойитамиз ва ўзининг йўлини топишга эришишимиз мумкин холос.

Педагогикада шахсий намуна энг таъсирчан восита ҳисобланади. Билими кучли одам ўзига ишонади ва ҳаммани қойил қила олади. Ганаболиннинг таълимотга кўра, ўқитувчининг тўққизта қобилияти бўлар экан. Бу қобилиятлар кўйидагича:

- дидактик қобилият (ўқитиш ва ўргатиш);
- академик қобилият (ўз соҳаси бўйича фундаментал билимдан ташқари бошқа соҳаларни ҳам билиш);
- нутқий қобилият (паст овозда гапирса ҳам ҳамманинг диққатини жамлаб олиш);
- перцептив қобилият (талабани тушуниш, унинг психологик ички ҳолатини тушуниш);
- ташкилотчилик қобилияти (ҳаммани бирор нарсага қизиқтира олиш, бажартира олиш);
- авторитар қобилият (мавқеини ушлай олиш, талаба билан субординацияни сақлаш);
- гностик қобилият (хиссий, ақлий);
- педагогик тасаввур қилиш қобилияти (дарс ўтиши олдиндан режалаштириб унинг натижасини кўра олиш);
- диққатни тўғри тақсимлаш қобилияти (дарс жараёнида барча талабаларнинг нима билан бандлигини, тинглаши, эшитиши, кўриши, қарашини назорат қилишни тўғри тақсимлаш).

И.М.Проценко мана шу педагогик қобилиятлар йиллар давомида ҳам горизонтал, ҳам вертикал тарзда мукаммаллашиб борган. Педагогик тажриба натижасида яратган ўзига хос мактаби, услугуб ва ёндошувлари, анъаналарини ўрганиш, давом эттириш ва илмий таҳлил қилиш биз педагогларнинг вазифамизга айланмоғи керак.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абрайкулова Н.Э. Рақс жамоаси билан ишлаш услубиёти. А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 2003. -55 б
2. Сайтова Э.Я., Абрайкулова Н.Э. Хореография ва рақс санъати асослари. – Тошкент: Наврӯз нашриёти. 2015. 140 б.
3. Досметова Р., Абрайкулова Н.Э. Рақс. – Баркамол файл медиа нашриёти. 2017. -156 б.
4. Абрайкулова Н.Э. Рақс.Турон-Иқбол нашриёти. –Тошкент: 2018. -151 б.
5. Ишмухамедов Р, Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар. -Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъод" жамғармаси. 2010. – 105 б.
6. Шокиров У., Ашрафий Ф., Шокирова И. Ўзбекистон маданияти намояндалари. (мўъжаз ижодий чизгилар). –Т: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 2001. – 174 б.
7. Ражабова С.Ш. Рақс мактабида анъана ва трансформация (ЎзДСМИда ўтиладиган рақс машғулотлари негизида) масаласи. Магистрлик диссертацияси. 2014 йил.80бет.
- 8.Глобаллашув жараёнида хореография санъати соҳасида миллийликни сақлаш муаммолари. Республика миллий – амалий анжумани материаллари тўплами. -Тошкент: Иқтисод –молия. 2012. -143 б.
9. Ўзбек хореография санъатида ворислик санъати. Республика илмий амалий анжуман материаллари. – Тошкент: "Mumtoz so'z." 2015. – 221 б.
10. Кафедра архиви. И.М.Проценко таржимаи холининг қўлёзмаси. 4 бет.

**Матлуба ИСОКОВА,
ЎзДСМИ, “Санъатшунослик ва маданиятшунослик”
кафедраси катта ўқитувчиси**

ОГАХИЙ НОМИДАГИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ РИВОЖЛАНИШИДА РЕЖИССУРАНИНГ ЎРНИ

Аннотация. Уибу маърузада Огаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма театрининг забардаст режиссёrlаридан Ҳошим Исломов ҳамда Ибодулла Ниёзметов саҳналаширигандар тарихий ва замонавий саҳна асарларининг ўзига хослиги акс этади. Ундан ташқари ҳар бир спектаклинг яралаш тарихи, актёрлар ижро масаласига алоҳида эътибор қаратилиди.

Калим сўзлар: драматург, режиссёр, асар, пьеса, декорация, репетиция, рассом, бастакор, сценография.

Матлуба ИСОКОВА,

Старший преподаватель кафедры “Искусствоведение и культурология” ГИИКУз

РОЛЬ РЕЖИССЕРЫ В РАЗВИТИИ ХОРЕЗМСКОГО ОБЛАСТНОГО МУЗЫКАЛЬНОГО ТЕАТРА ИМЕНИ АГАХИ

Аннотация. В этом отчете освещаются исторические и современные представления Хорезмского областного музыкально-драматического театра им. Ҳашима Исламова и Ибодуллы Ниязметова. Кроме того, особое внимание будет уделено истории создания каждого спектакля и спектаклям актеров.

Ключевые слова: драматург, режиссер, шедевр, пьеса, декорации, репетиция, художник, композитор, сценарист.

Matluba ISAKOVA,

Senior Lecturer, Department of Art History and Cultural Studies USIAC.

ROLE OF THE DIRECTOR IN THE DEVELOPMENT OF THE KHOREZM REGIONAL MUSICAL THEATER NAMED AFTER AGAHIA

Abstract. This report highlights the historical and contemporary performances of the Khorezm regional Musical Drama Theater by Hashim Islamov and Ibodulla Niyazmetov. In addition, a special attention will be paid to the history of the creation of each performance and the actors' performance.

Keywords: playwright, director, masterpiece, play, scenery, rehearsal, artist, composer, scriptwriter.

Хоразм вилояти маркази саналган Хивада 1922 йилда ташкил этилган (Огаҳий театр) “Ҳалқ уйи” номли янги театр “Шарқ ўғлони” деб номланган маҳсус томошани намойиш этган. Дастроб театр истеъододли ижодкорлардан Муҳаммад Юсуф Харратов, Мадраҳим Ёкубов, Қадам Кутлиев, Жуманиён Қаландаров, Шариф Оллаёров, Самандар Сарайманов, Умар Курбоний, Рӯзмат Юсупов, Саодат Мухторова, Фани Жалил каби қатор истеъододларни жамлаган. Театрга тамал тошини кўйган Муҳаммад Шариф Полвонов театрни ташкил этилишида катта хисса кўшади ва театрнинг биринчи режиссёри этиб ҳам тайинланади. Ундан ташқари ёш театр жамоасини оёққа туришида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг хизматлари ҳам бекиёсdir.

Матбуотнинг ёзишича: “Театрини очилиши маҳаллий ҳалқ мусулмонларига катта ижобий таъсир кўрсатди”. Ўша вактда репертуар бир актли агит драма ва концерт программаларидан иборат эди. Булардан ташкари, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Тухматчилар жазоси”, “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ курбонлари”, “Фарғона фожеаси” номли трилогияси, М. Уйғурнинг “Туркистон табиби”, Фулом Зафарийнинг “Эрк болалари” каби бир қатор асарлари саҳналаширилган.

1933 йилга келиб асосий труппа Хоразмнинг янги пойтахти Урганчга кўчирилиши уни Ҳонқа театр жамоаси билан бирлашириди ва Хоразм мусиқали драма театри номини берилади. Театр таркибига Салим Хўжаев, Солих Девонов, Ваҳобжон Фаёзов, Раҳмон Оллаберганов, Махмуд Сафоев, Шариф Рамазонов, Ҳожиҳон Болтаев, Онабиби Полвонова ва рассом Каминскийлар жалб этилади. Кейинчалик ижодий жамоани янада салмоғини оширишда,

пойтахтдан Тамарахоним, Зухур Қобулов, Армуғон Муҳаммедов, Сайфи Олимовлар ташрифи ижодий жамоани самарали фаолиятига янада катта хисса кўшади. Тамарахоним Хоразмдаги пайтларини шундай хотиралайди: “Ҳаётимнинг Хоразмдаги даврини эсласам жўшқинланиб кетаман. Негаки, ўша пайтлар мен учун театр, саҳна, зал ва кулисдан мўтабарроқ, улуғроқ жой йўқ эди. Зухур Қобуловни сергайрат десак кам, у ёш бақувват, шижаоткор ҳам эди. Хоразмда ишлаган биринчи маълумотли режиссёр эди. У ўзи ишига лоқайдизларни ёмон кўрарди..., репетитцияга кечикиб келганларни хайдаб юбориб ўрнига ўзи роль ижро этарди. Ўзиниг ўткир ёнувчи кўзлари ва келишган гавдасидан шижаот ёғиб турган бу йигит ишда ҳам қаттиққўл эди. “Қодир кўлларингни қаерга яширияпсан”, – дея залдан артистга кичқирганида, кўрқиброк кўлини кўттарган актёр “мана у”, дея оларди. “Мен уларни кўрмаяпман. Нима учун кўлинг харакатда бўлмайди. Жестлар билан ижро эт, мана бундай”, – дея ўзи ҳам саҳнага отилиб чиқиб кетарди. Биз уни ана шунинг учун ҳам ҳурмат килардик. Зухур Қобулов факат роль ижроси устида қайгуриб колмасди. У артистларнинг ҳаётига тааллукли ҳамма масалалар устида қайгуради. Режиссёрининг энг якин ёрдамчиларидан, мендан ташқари Акбар Муҳаммедов ва Пўлат Раҳимовлар эди. Менинг зиммамга жуда муҳим иш юклатилган эди. Актёрларнинг кўпчилиги билимсиз бўлиб, ҳали анча орқада қолиб кетишганди. Шундай қийинчиликларга қарамай, Зухур Қобулов бошчилигидаги спектакллар постановка қилишга, ҳар бир ролни дубблёр билан ўйнашга киришдик. Бундан ташқари, биз театрда ракс тўгарагини ташкил этдик.

Дарс бериш эса менга юклатилди. Ўша пайтда кам билимим билан жуда қийналардим. Аммо, тинмай изланиш ўз самарасини бера бошлади. Ўйлайманки, Хоразмда халқ рақси билан ҳам оҳанг тугилади. Бу ерда ёшлар ҳам кексалар ҳам рақс тушади. Яна қандай рақсга тушади денг! Ўзим ҳам ўқидим ҳам ўқитдим.”

Станиславский таъбири билан айтганда “режиссёр педагог, режиссёр кўзгу, режиссёр ташкилотчи”dir [1, б.69-70]. Буюк санъат дарғалари захматнинг самарасини кейинги давр тараққиетида кўрдилар ва шу санъатга қўшган хиссаларидан ўзларида фаҳр туйғусини ҳис эта олгандир.

Иккинчи жаҳон уруши йилларига келиб, театр халқ мардлигини, жасурлигини ватан озодлигини тараннум этувчи инсонларни маънавиятини оширувчи пьесаларга мурожаат этди. Булар “Даврон ота”, “Ўлим босқинчиларга”, “Офтобхон”, “Қасам” спектакллари бўлиб, ушбу асарлар ўша давр учун ҳақиқий шуҳрат поғонасини олиб келган. Албатта, бу саҳна асарлари муваффақиятида бош режиссёrlардан И.Г.Илялов, С.Сараймонов, В.Фаёзовлар меҳнати алоҳида эътиборга лойик.

Огайи номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма театрининг ижодий жамоаси йилдан-йилга юксалиб сайқалланиб борди. Унинг репертуарига Уйғуннинг “Ҳаёт қўшиғи”, “Навбахор”, “Олтин куй”, А.Қаххорнинг “Янги ер”, “Оғриқ тишлар”, Б.Раҳмоннинг “Юрак сирлари”, “Сурмаҳон”, О.Ёкубовнинг “Чин муҳаббат” каби кўплаб пьесаларнинг қўшилиши репертуарни бойитди. Шулар қатори тарихий инқилобий мавзудаги Ойбекнинг “Кутлуғ кон”, Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий”, С.Абдулланинг “Муқими” асарлари ҳамда афсонавий пьесалар саналган “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Тоҳир ва Зухра”, “Семурғ” каби бир қатор спектакллар театр жамоасини халққа янада яқинлаштириб, муҳлислар сонини кўпайтиришига сабаб бўлган, десак адашмаймиз. Саҳна асарларини мукаммаллашиб, репертуардан ўрин эгаллаб бориши, актёрларнинг ўз устида ишлашига, маҳоратлари ошишига имкон яратади олган. Жумладан, истеъододли ёш актёр Санъат Девоновнинг Алишер Навоий ва Фердинанти, М.Раҳимов яратган Жалолиддини, С.Рахимованинг Гули ва Луизаси, В.Фаёзовнинг Қайс образлари томошабинларни эътиборини торта олган, шу билан бирга театрнинг ёш актёрларига нисбатан муҳлислари ортишига сабаб бўлган.

Огайи номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма театрининг кейинги босқичи албатта оригинал саҳна асарларига мурожаати билан мутахассислар эътиборига тушади. Театр Ўзбекистонда биринчи бўлиб, жаҳон драматургиясига мурожаат этади. Айникса, Литва драматурги Ю.Марцинкявичуснинг ”Мингдаугас” тарихий драмаси ҳамда болгар драматурги Н.Йордановнинг “Муҳаббат” мелодрамаси истеъододли режиссёр Ибодулла Ниёзметов томонидан саҳналаштирилади. Режиссёр ушбу асарларни саҳналаштириш жараёнда халқлар маданиятини чукур ўрганишга киришади. Ҳамда Литва давлатига бориб, ”Мингдаугас” тарихий драмаси учун кўплаб манбалар йиғади, ҳатто спектакл мусиқаси учун пластинкалар жамланмасини ҳам сотиб олади. Чунки, режиссёр ўша халқнинг дарди, кечинмаларини мусика оҳанглари оркали томошабинга янада таъсир этишини кучайтиради. Ҳар бир саҳна асарининг тақдимоти режиссёр учун катта масъулият талаб этади.

Театрда 1960-70 йилларга келиб ижодий жамоада юксалиш жараёнлари вужудга келади. Ўша йилларда репертуарга “Қарокчилар”, “Кечиккан севги”, “Даҳшатли тун”, “Хонумо” спектаклларнинг саҳналаштирилиши театрни бир қанча фестивалларда мавқенин юкори поғонага қўтарилишига сабаб бўлади.

1980 йиллардан кейин драматургияда нодир асарлар бўлса, ўз навбатида ёш режиссёр ва актёрлар таркибида янги номлар, талантлилар пайдо бўлади. Энг қувонарлиси шундаки, ўша вақтда театр биносининг қайта жиҳозланиши, актёрларга кенг саҳнада қокилмасдан роллар ижро этишига имкон яратиб берган. Театр асосчиларидан Э.В.Вахтангов ўз театр студияси талабалари олдига куйидачи талабларни қўяди: “Муомалада — ширинсұханлик бўлиш, кундалик ҳаётда — камтар бўлиш, жамоат ишида — бир-бирига елқадош бўлиш, юриш-туришида олифталиқ қилмаслик ва манмансирамаслик, ўзини-ўзи кўз-кўз қилмаслик, танқидий фикрларга сабрли бўлиш, ўзгалар фикри билан хисоблашиш, маҳсулотларда жиддий интизом ва фикрни жойига жамлаш, кичик роллар йўқ, кичик актёрлар бор, бугун — Гамлет, эртага — саҳна ишчиси, кўчилик олдида маҳоратли актёр учун роллардан воз кечиш, театр ижодий ҳаётida ҳар қандай конунни бузиш — бу жиноятдир, кечга колиш, эринчоқлик, ўжарлик, асабийлашиш, ёмон характер, ролни билмаслик, бир нарсани икки марта қайтаришга мажбур қилиш — иш учун жуда зарарли бўлиб, уни илдизидан қуритиши лозим. [2, б. 27]

Ўша даврда ўз ишининг уста режиссёrlаридан Ҳошим Исломов, Ибодулла Ниёзметовлар саҳнага ҳаётнинг энг долзарб масалаларини акс эттирган спектаклларни саҳналаштирган ва репертуарни турили жанрдаги асарлар билан бойитган. Бундан ташқари француз, немис, озарбайжон, туркман ва бошка халқлар драматурглари асарларининг саҳналаштирилиши актёрларни ижодий изланишга, уларнинг янги қирраларини очиб беришга сабаб бўла олган.



Ўзбекистонда хизмат кўrsатган артист, таниқли режиссёр Ҳошим Исломов

Режиссёр Ҳошим Исломовнинг доим замонавийликка интилиши замонга мос спектаклларни саҳналаштириши, услубининг бошқа режиссёrlардан ажратиб туриши ижодий жамоани рухлантириб, спектаклустидатинимиз кечаю-кундуз изланишларига хизмат қилган. Спектакл саҳналаштиришда Ҳошим Исломов билан биргаликда Ибодулла Ниёзметов иш олиб бориши, режиссурадаги ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаган. Шуни алоҳида айтиш жоизки, режиссёр доим спектаклдан-спектаклга ўтиб, билимини

тинимсиз ошириб борадиган ижодкорлар сирасига киради, десак адашмаймиз. Чunksи, у қандай асарни қўлга олмасин, аввало, драматург кўзлаган фояни илгари суришга харакат қилган. Режиссерасининг яна бир кимматли томони шундаки, у пластик воситаларга, саҳна безаги ва костюмларга, ўйин ва ранг-баранг саҳна нурларига, музика ва саҳна овозига алоҳида аҳамият берган. Шунингдек, қаҳрамоннинг ички туғёнидан келиб чиқиб ижод қилган.

Мураккаб образ ижрочиси, психологик талқинiga йўналтириш эса Ниёзметов режиссерасида асосий ўрин эгаллаган. Бундай хусусиятлар унинг спектаклларида яққол кўзга ташланган. Ҳакиқатдан ҳам бу икки ижодкор ўз изланишлари самарасини яратган спектаклларида мұваффакиятларда кўра олган. Албатта, бундай юксалишларда рассомларнинг ўрни ҳам алоҳида таъкидланади. Саҳна декорацияларининг қанчалик асар билан уйғулигида бу санъат ахлининг хизматида кўрилади, улар яратган битта мотив саҳна асари савиясини юқори чўққиларга кўтариши ёки аксинча тушириб қўйиши мумкин. Чunksи, декорацияларининг ранг-баранглиги саҳна асари қимматини белгилаб беради. Буни яққол мисоли ўша вақтда театрга кўйилган тарихий мавзудаги “Беруний” драмасида кўриш мумкин. Ушбу асар бошқа саҳна асарларидан тарбиявий аҳамияти билан ажralиб турган ва томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинган. Асарда Беруний ҳаётининг Хоразмшоҳ саройидаги даври кўрсатилган. Режиссер бу асар орқали ўша давр қаҳрамоннинг ички кечинмалари, ҳис-туйғуларини, кескин қаршиликларга учраган олим ҳаётини ёритиб бера олган. Пойтахтдан келган овоз диапазони кенг актёрлар мусикий театр спектакллари даражасини ҳар томонлама бойитиб келган. Тарихий асарлардаги актёрлар лиbosлари замон билан мужассамлика яратилган, декорациядаги сифат бошқа спектакллардан ажратиб турган. Ваҳоланки, шоҳ саройларини саҳна безагида ҳақиқий кўрсатилганини томошабинни табиий саройлар дунёсига олиб кирган. Хуллас, ижодий жамоани бир ёқадан бош чиқариб, кучларни битта жойга тўплагани буюк асарни дунёга келишида мухим омил бўлган эди. Албатта, театр жамоаси яратган ютуқли спектакллар ижобий натижа бера олган, аммо бу уларни камчиликлардан холи дегани эмасди. Бундан бир неча йиллар олдин «Хоразм ҳақиқати», газетасида тарихий трагедия “Гамлет” асари ҳақида шундай фикрлар илгари сурилган “Спектаклни тайёрлаш жараёнинда асар текстини ноўрин кисқартиришларга йўл кўйилган. Бу эса фикрлар эмоциясини сусайтириб кўйган. Гамлет талқинида ортиқча совуқконлик, ортиқча бўшашганлик, ортиқча хаёл суриш холлари мавжуд. Баъзи саҳналардаги монологлар хаяжонсиз, руҳсиз айтилади, натижада у томошабинга тўла етиб бормайди. Айниқса “узлатта чекил” саҳнаси ана шундай. Бу ерда Гамлет бизнингча икки ўт ўртасида қолган киши қиёфасида бўлиши керак. Уарвоҳга берган қасами туфайли севгисини рад этса ҳам, шу севги деб дили қоврилаётган бўлиши керак, унинг узлатта чекил деб айтиётган сўзи масума Офелияни ҳам, ўзининг ҳам қалбига ўқдек санчилиши, томошабинларга довул денгизини чайқалтиргудек таъсир этиши лозим. У бу сўзларни Офелиянинг хуснidan кўз узмай айтиши керак. Актёрлардан Карим Раҳимов, Ўрозгул Файрова, Отамурод Бекчанов, Онабиби Матёкубовалар ўз ролларини такомиллаштириш устида ҳали кўп ишлари, изланишлари, ўрганишлари

кераклиги, шу билан бирга театр жамоаси, спектакл намойишлари, репетициялар жараёнинда асар даврига хос юриш туришларни урф-одатларни, хурмат тавозеларни чуқурроқ ўзлаштириб олишга интилса айниқса, қиличбозликни такомиллаштириш керак. Бундан ташқари, аёллар юриш туришидаги тартиб коидалар ҳам актисалар томонидан мукаммал йўналтирилмаган. Хуллас, ҳаққоний Шекспирона Гамлетни яратмоқ учун театр артистларидан тинмай ижодий изланиш талаб этилади. Декорациялар устида ҳам иш олиб борилса, ёмон бўлмасди”. Ушбу сўзлар албатта ўша пайтдаги таҳлилдан намуна эди. Бугунги кунда театрда саҳналаштирилаётган тарихий мавзудаги спектаклларда янгича талқинни кўриш мумкин. Чunksи, декорация, музика, лиbosлар ундан ташқари янги актёр ва режиссрларнинг янгича ёндашувлари спектакл мұваффакиятига хизмат кильмокда.

Оғаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма театри жамоаси истиқлол давригача кўп заҳматли йўлни босиб ўта олди. Тўсиқлар ҳам, мұваффакиятлар ҳам ўз маҳсулини кўрсатди. Янги давр театр ихлосмандлари учун замонавий мавзулардаги саҳна асарларини саҳналаштирилиши билан ютуқли бўлди. Жумладан: “Тўмарис”, “Феруз”, “Лайли ва Мажнун”, “Жобби Жўёжакнинг хийласи”, “Тикансиз типратиканлар”, “Араб Муҳаммадхон”, “Кечиккан кўз ёшлар”, “Тилла тарвуз”, “Марварид таққан аёл”, “Қизил тангалилар сардори”, “Алдагани хотин яхши”, “Жавлон жўра”, “Хандалар”, “Чирогимни ким ёқди”, “Жонгинам, жонимни ол”, “Сусамбий”, “Ҳасан кайфий”, “Нур қилич”, “Иккинчи тумор”, “Гулиравза”, “Уйингизга совчи кетди”, “Қафас”, “Юракдаги жароҳат”, “Менинг нафсим балодур”, “XXI-аср болалари”, “Хива дилбанди” ва бошқа қатор спектаклларни айтиш мумкин.

“Муаллифнинг ҳар бир асари режиссер талқинига боғлиқ. Режиссер ҳам спектакл муаллифи хисобланади. Коғоздаги сўзларга жон ато килган, умр берган, ўз заковати билан жонли саҳна асарини ижодий жамоа билан яратган режиссер хисобланади. Режиссер ва муаллиф биргалиги, маслақдошлиги катта рол ўйнайди. Режиссер дарди драматург дарди билан ҳамоҳанг бўлиши керак”. [3, б.32] Ҳакиқатдан ҳам бу икки ижодкор ўз изланишлари самарасини яратган спектаклларида мұваффакиятларида кўра олган. Албатта, бундай юксалишларда рассомларнинг ўрни ҳам алоҳида таъкидланади. Саҳна декорацияларининг қанчалик асар билан уйғулигида бу санъат ахлининг хизматида кўрилади, улар яратган битта мотив саҳна асари савиясини юқори чўққиларга кўтариши ёки аксинча тушириб қўйиши мумкин. Чunksи декорацияларининг ранг-баранглиги саҳна асари янада юқсанлигини белгилаб беради. Буни яққол мисоли ўша вақтда театрга саҳналаштирилган тарихий мавзудаги “Беруний” драмаси мисолида кўриш мумкин. Ушбу асар бошқа саҳна асарларидан тарбиявий аҳамияти билан ажralиб турган ва томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинган. Асарда Беруний ҳаётининг Хоразмшоҳ саройидаги даври кўрсатилган. Режиссер бу асар орқали ўша давр қаҳрамоннинг ички кечинмалари, ҳис-туйғуларини, кескин қаршиликларга учраган олим ҳаётини ёритиб бера олган.

Оғаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма театри жамоаси Оғаҳий театрининг 60 йиллигига бағишилаб тарихий асарни саҳналаштириш режиссер Ибодулла Ниёзметов олдидағи асосий мақсад бўлиб,

бир куни таникли шоир, драматург, романнавис Эркин Самандарга мурожаат этади. “Жалолиддин Мангуберди ҳакида асар ёзиш орзуси олтмишинчи йилларда юрагимга чўф ташлаган. Аввал байтлар битдим, шеърлар ёздим. “Хива” шеъримдаги “Жалолиддин бўлиб тулпорда дарёни кечиб ёхуд” мисрали банд, “Хоразм фарзандиман” шеъримдаги:

*Мен у кунлар ҳасратида ўртаниб ёнмай нечун,
Хали ҳам вайронларда изгиса аччиқ тутун,
Мард Жалолиддин ийқилди жангда шу тупроқ учун,
Мен шу тупроқ ворисиман, мен шу эл фарзандиман*

каби мисралар илк изланишларимдан туғилган. Сўнгра Алоуддин Хоразмшохнинг ўз ўғли Жалолиддин билан сўнгти учрашуви ҳакида “Олис нидолар” балладаси ёзилди. Шундан кейин Мангуберди ўз онаси, хотинларини Чингизнинг қўлига туша кўрмасин деб, ноилож дарёга оқизгани тўғрисидаги “Она ва ўғил” достони дунёга келди. 1980 йилга келиб, кўнглимда Жалолиддин Мангуберди ҳакида роман ёзиш истаги туғилди. Узок ўйлашларимдан сўнг асарни нимадан бошлашни топгандай бўлдим. Ёза бошладим. Барибир қалам равон юравермади. Чunksи, бош қаҳрамонларимнинг аксарияти хукмдорлар-ку, ахир. Жалолиддин Мангуберди, Алоуддин Хоразмшох, Чингизхон, унинг ўйилари, Ҳинд, Хурросон, Эрон, Ироқ тождорлари. Қандай подшо яхшию қандай ёмон, улар умуман маълум. Шундай бўлсада, аниқ таассуротлар керак. Олдимда жуда кўплаб саволлар кетма-кетлиги, уларга жавобларни равон тўғри ёзиши ичимдаги муҳаррир бошқарib турарди. “Аждодлар қиличи” ва “Ёт хужра” тарихий асарларимдан сўнг роппа-роса икки йил ичida “Жалолиддин Мангуберди” саҳна асари тайёр ҳолатга келган. Бу асарда бутун театр жамоаси иштирок этган. Саҳнама-саҳна, кўринишмакуриниш жараёнларини режа асосида режиссёр билан тайёрлаб репетицияларни қайта-қайта ишлаганмиз. Жуда кўп тортишув, баҳслар асосида спектакл саҳнага чиққани, ҳалиям кечагидек эсимда” – дейди драматург Эркин Самандар.

“Жалолиддин Мангуберди” тарихий саҳна асарида мозийнинг узок ўтмишга назар ташланади. Асар ўз вақтида драматург ва режиссёр томонидан қайта ишлаб, айrim эътиrozли жойлар олиб ташлангач, саҳнага мос ҳолга келади. Аммо, тарихий асарга қарши кўплаб баҳс-мунозаралар, тортишувлар ўз аксини кўрсатади. Нихоят, 1993 йили режиссёр Ибодулла Ниёзметов томонидан асар саҳналаштирилади ва кенг мутахassis саҳнада томошабинлар томонидан муваффакиятли қабул қилинади.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, ижодкор Эркин Самандарни театр драматургиясига жалб қилиш жуда катта воеа бўлди, боиси у Хоразм театри учун ғоявий пьесалар яратди. Шунга қарамасдан, драматургияда илк бора асарлар яратадигандан бўлса керак, пьесалар айrim камчиликлардан холи эмас эди. Шунинг учун Ибодулла Ниёзметов саҳна асарларини муаллиф билан қайта ишлашга киришган. Масалан шеърий тарихий драма жанрида ёзилган “Аждодлар қиличи” асарининг айrim жойлари саҳнабоп эмас. Асарда берилган баъзи воеалар, ҳолат ва шароитларни саҳнага чиқаришнинг иложи йўқлиги учун ҳам режиссёр ишга киришади. Пьесада воеалар шундай тарзда акс этади: “Узок давом этган шафқатсиз жанг тақдири душман фойдасига ҳал бўлаётган машъум дамлар. Ерда қиличлар, дубулгалар ва қалқонларнинг синиклари, кўкда

хамон бурсикиб турган кора тутунлар. Ёндирилган улар, яксон этилган истехкомлар, отларнинг зорли кишинашлари, ярадорларнинг оғир инграшлари, хотинлар, болаларнинг фарёдлари. Сўнгги олишув лавҳалари. Дарёда кон оқмоқда, соҳилда ёнгин борликини ўз қаърига тортмоқда. Тўрга тушган шердай ўкириб Жалолиддин келади. Кўлида қилич, чап елкаси ва қўлидан тиркираб қон оқмоқда. Унинг бошида ўйнаётган қиличдар домини Музаффар Малиқ, бошка пахлавонлар қайтариб, кўтирган ёвни ер тишлатиб турган бўлсада, кўшин иложсиз дарёга чекинмоқда”¹.



“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби” (1980 й.)
театр режиссёри Ибодулла Ниёзметов

Режиссёр Ибодулла Ниёзметов шу саҳна кўриниши воеалар кетма-кетлигини олиб ташлайди. Театрда аёлларетишмаслиги боисданми, ёқитўқима образлардан тузилган воеа бўлганлиги учунми, режиссёр бу парчадан фойдаланмайди. Режиссёр муаллиф ғоясини яхши тушуниб уни талкин қилибгина колмай, асарни ғоявий мантиғига ёт бўлган, ёки ҳаёт ҳақиқатидан йирок бўлган лавҳаларни қисқартириб ғоявий жиҳатдан етук асар яратишга харакат килган. Тарихни ўрганиш, билиш-бу қишилик жамиятининг ривожланиш қонуниятлари, тараккиётнинг мавжуд босқичдан янги босқичга ўтиш жараёнини, инсонларнинг инқирозли, турғунлик ҳолатига турмуш сабаблари ва бу ҳолатдан чиқиш йўлидаги тажрибаларини, ҳар бир зарраси қимматга тушган ўтмиш сабогини умумлаштириш, тушуниб етиш, англаб олиш демакдир [2, б. 280-281]

Драмада ачиниш хиссини уйғотадиган, бироқ баъзи бир хислатлари билан фаҳрланса арзидиган бир образ бор. Бу Жалолиддин онаси Ойчечандир. Жалолиддин каерда жанг киласин, у билан бирга. Драматург бундан ташкири Ойчечанга ҳам рамзий маъно беради. У оддийгина она эмас, она Замин. У қаҳрамон ўғли билан бирга бўлиб, ҳар куни, ҳар лаҳзада душманга қарши курашга руҳлантиради, унга мадад беради. Ҳатто жанг бўлаётган пайтларда ҳам унинг хузурида пайдо бўлиб қолиб, унга оналик насиҳатларини, она замин олдидаги бурчларини эслатиб туради. Драмада тасвирланган қаҳрамонлик хислатига эга бўлганлар образига ватанни ҳимоя қилиш учун жангга отланиб жон олиб, жон берадилар. Булар Жалолиддин етакчилигидаги лашкарбошилар ва суворийлардир. Уларнинг қисмати ва жасорати доимо томошабинда фурур хиссини уйғотади. Чингиз ва унинг ўғилларининг хатти-ҳаракатлари, босқинчиларга хос гайриинсоний жиҳатларини кўриб нафратланасан.

¹ Асардан олинган парча.

Актёрлардан унумли фойдаланган режиссёр, факат тарихий даврнинг қишин вазиятларидан келиб чиккан ҳолда ички ҳис-туйғулар билан Чингизхон образини ижро этишга киришади. Чунки, режиссёр ўз хошиши билан ролни ўзига олади. Ибодулла Ниёзметов кичкина ролларни ўзи ўйнаб кетиши ҳеч кимга янгилик бўлиб кўринмаган. Чунки, режиссёр ўта талабчанилиги учун ҳам ролларни баъзида ўзи ижро этган. Шундагина, ўзидаги иқтидорни шу образда тасаввур кила олган. Ушбу тарихий асарда театр актёrlаридан Мадраҳим Бобожонов – Жалолиддин Мангуберди, Гулора Раҳимова – Она ер, Ибодулла Ниёзметов – Чингизхон образларини тўлақонли яхлит тарзда томошабинга намойиш этишади.

Режиссёр Ибодулла Ниёзметов “Тўмарис” асарини Оғаҳий номидаги мусиқали драма ва комедияли драма театрида саҳналаштиришда бир неча йиллардан бўён қатор ролларни ижро этиб келаётган актёrlар гурухига мурожаат қиласди. Драматург Неъмат Солаев асарида Тўмарис образини бош мавзуни ёритишида етакчилик қилганлигини чиройли бўёкларда тасвирлайди.

“Хар бир тарихий даврнинг ўз театри, ўз актёrlари, ўз томошабинлари бўлади. Давр ўтиши билан унинг театри ва артистларининг ижодий нафаси, талқин усуслари, ижро ранглари ўзгаради”. Дарҳақиқат, режиссёр Ибодулла Ниёзметов жуда катта куч билан бирин-кетин ўз даврнинг теран фикрлайдиган, ижодкори яъни театр фидоийси сифатида шаклланди ва ўз ўрнига эга бўлади.

Режиссёр Ибодулла Ниёзметов (2001й.) драматург Комил Аваз қаламига мансуб яна бир тарихий асар “Авесто” га қўл уради. Бу гал устоз-шогирд анъаналарига содик ҳолда, ёнига театр актёri va режиссурага меҳр кўйиб келаётган Одамбой Абдуллаевни жалб қиласди. Чунки, устоз кўп жиҳатдан шогирдига ўз касбининг сир-асорларини кунт билан ўргатишни ҳам олдига мақсад килиб кўйгани, яна бир томондан жамоага бўлган эътиборидан дарак беради. Икки қисмли тарихий мусиқий драмадаги бош ролни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Оразкилич Тоғонов ижро қиласди. Шунингдек, Ўзбекистон ҳалқ артистлари Мадраҳим Бобожонов-Пурушасп, Гулора Раҳимова – Дугдава, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Одамбой Бобожонов – Эшим, Ширин Рамазонова – кампир ролларида

намоён бўладилар. Умумлаштириб айтганда, 18 та образ саҳнада кўриниш беради, бундан ташқари оломон, сипоҳлар, фаришталар, оммавий саҳналарда театрнинг бутун ижодий жамоаси иштирок этган. “Актёрнинг асосий иш куроли унинг эмоционал (хис-туйғу) хотирасидир. Ўзи яратмоқчи бўлган сиймонинг ички дунёсини тўлақонли очиб бериш учун актёрнинг хаётий тажрибаси ва интеллектуал хотирасининг кучли бўлиши қўл келади”. [3, б. 5]

Актёrlарни ўша замон руҳи билан саҳнада яшашга, образга киришида режиссер ва муаллифнинг меҳнати катта бўлган. Чунки, ўша давр кийимлари, юриштуришилари, соч турмаклари, ҳатти-ҳаракатлари, инсонларнинг меҳр-оқибатлилиги каби бир катор фазилатларни тасаввур килган ҳолда томошабинга етказиш шарт бўлган ва бу албатта ўз ифодасини топа олган.

Умуман, XI- асрда Зардушт саъй-ҳаракатлари билан дунё юзини кўрган “Авесто”да 10 минг йиллик тарихимиз мужассам бўлиб, тарихий, диний, аҳлоқий, тарбиявий ва миллӣ қадриятларимиз ҳақида ҳикоя қилинади. Мусиқаларни бастакор Бозорбой Ўринов нозик дид ва ўтмиш даврларини ўта синчковлик билан илғаган ҳолатда оҳангларни кўйга солган. Бу гал Ибодулла Ниёзметов режиссурсидаги ўзига хослик, унинг тажрибаси, асар унинг қон-қони, жон-жонинг сингиб кетиб рўй бергани, тўла-тўқис спектаклда акс этган. Дугдава Зардуштнинг онаси ролини қиёмига етказиб Ўзбекистон ҳалқ артисти Гулора Раҳимова ички бир дард билан режиссёр кутганидан ҳам юкори даражада ижро этади. Ўғли Зардуштнинг уйига кўпхудолик тарафдорлари ундан кутилиш учун уйига ўт кўйиб ёқиб юборадилар. Бу аҳволдан ўзини қўярга жой тополмаган онаизорнинг фарёди ёвузликдан, разолатдан нафрат туғёни бўлиб эшишилади ва бу туғён беихтиёр бўғзимизни кўйдирган оташга айланади. Шу пайт Братарваҳшга қаратса қилган ноласи бутун томошабинлар қалбини ларзага солади.

Хуласа ўрнида шуни айтиш лозимки, саҳнада кўйилаётган тарихий асарларимизнинг ҳар бири томошабинга узок ўтмишни, аждодлар босиб ўтган синовлий йўлларни чукур мушоҳада қилишга тортиб қайғуга солса, ўзининг оламида бир сония яшатсагина, ҳақиқий мукаммаллик даражасига етаклаган бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаева М. Режиссура: ўкув кўлланма. –Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2016. -176 б.
2. Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси. 8-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2004. –б. 280-281.
3. Аҳмедов Ф.Э. Оммавий байрамлар режиссураси асослари. –Тошкент; 2008. -420 б.
4. Баиндиев Т.Б., Икромов Ҳ.И., Аҳмаджонова М.В. Ўзбек театрида миллӣ ғоя талқини. –Тошкент: Фан ва технология, 2009. –218 б.
5. Комил А. Жаҳаннам кўшиғи. –Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. –212 б.
6. Махмудов Ж. Актёрлик маҳорати: ўкув кўлланмана. –Тошкент; 2005. -190 б.
7. Махмудов Ж. XX аср режиссураси намояндлари: монография. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси, 2015. -204 б.
8. Муҳаммадов М. Режиссура асослари. –Тошкент: Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. -223 б.
9. Немирович – Данченко В.И. Из прошлого. –Москва: Academia, 1936. -223 с.
10. Сибиряков Н. Мировое значение Станиславского. –Москва: Искусство, 1988. – б. 69-70.
11. Тўлаҳаётва М.Т. Театр танқидчилиги. –Тошкент: "San'at" журнали нашриёти, 2015. -405 б.
12. Турсунов Т.Т. Турғун Азизов. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. -104 б.
13. Турсунбоев С.Т. Шарқ мумтоз театри: монография. –Тошкент; 2017. -213 б.
14. Умаров М., Юлдашев Т. Режиссёрлик ва актёрлик санъати асослари: дарслик. –Тошкент; 2016. - 312 б.
15. Қодиров Р. Режиссура асослари: монография. – Тошкент: Наврӯз, 2015. -160 б.
16. Эркин С. Султон Жалолиддин. –Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2007. -180

1. SCOPUS. com.

Интернетдан олинган манбалар рўйхати

Нозим ҚОСИМОВ,
профессор

МУСИҚИЙ ҚАЛБ СОҲИБИ

Ўтганлар ибратли сўзини ёд эт,
Ўтганлар ёдидан дилингни шод эт.
Абдурахмон Жомий

Маълумки, бастакорлик Ўрта Осиё халқларида жуда қадим замонлардан мавжуд бўлган мусиқий санъатdir. Бу санъат ҳар бир халқнинг ўзига хос мусиқий анъаналари асосида вужудга келиб, узок маданий-тариҳий тараққиёт жараённида мустақил мусиқий ижод сифатида шаклланган.

Ўзбек бастакорлик санъатининг машхур намояндлари ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Имомжон Икромов, Комилжон Ҳасанов, Мухаммаджон Мирзаев, Фанижон Тошматов, Сайджон Калонов, Мухторжон Муртазоев ва бошқа устоз бастакорлар ўз ижодларида асосан халқ мусиқий анъаналаридан фойдаландилар.

Биз атоқли бастакор Раҳматжон Турсунов ижодига назар солар эканмиз, кўз ўнгимизда ўтмишдаги буюк санъаткорлар анъаналарининг муносиб ворисини кўрамиз. Унинг мусиқа ижодиётининг бастакорлик, оҳангдорлик, куй ва ашуаларга мумтоз адабиётимиз намуналаридан қайта сўз мослаштириш, мусиқий асарларни тарқибий хусусиятлари доирасида туркумлаштириш каби йўналишларда амалга оширган тадқиқоти бунга мисол бўла олади. Устознинг ижоди услуби миллий мусиқий меросни энг илғор анъаналарини мужассам этади. Бу анъаналарни эса у устозлари М.Мирзаев, Д.Зокиров, Б.Гиенко, F.Тошматов, М.Насимов, Б.Умиджоновларнинг асарлари таъсирида ижодий ўзлаштирган эди. Шу билан бирга Раҳматжон Турсунов замонавий мусиқа ижодиётидаги оҳанг ўзгаришларини нозик ҳис қилиши, моҳиятини идрок этиши баробарида давризига ҳамоҳанг мусиқий хазина яратишга эришиди. Сермаҳсул ва серқирра ижодкорнинг мусиқий мероси кўплаб кўшиқ, бир қатор романслар, куйлар, болалар кўшиқлари, хор асарлари каби кўплаб дурдоналарни ўз ичига олади. Хусусан, санъаткор юзга яқин кўшиқ, куйлар ижод этди, шунингдек, “Ғамзасин севдинг кўнгил” (Фузулий), “Ўртади” (Навоий), “Висолинг бўлмаса” (Атоий), “Мубтало қилурсан” (Лутфий), “Бўйларингга” (Махтумкули), “Булбул”, “Фурқат нидоси” (Абдулла Орипов), “Мадҳингни куйлаб” (Туроб Тўла), “Нур бўлиб дунёга келгансан” (Эркин Воҳидов), “Муҳаббатдан” (Жуманиёз Жабборов), “Кечиб бўлмас” (Нормурод Нарзуллаев), “Ўзбекистон она диёр” (Муҳаммад Али), “Наврўзга етганда” (Анвар Истроилов), “Шаҳло”, “Арзи ҳол” сингари мумтоз ашула ва куйларида шеъриятнинг, аникроғи, шеърларнинг байтлари ички тизимларининг барча хусусиятлари ўзига хос ифодаланади. Шунингдек, миллий мусиқий бастакорлик ижодида унинг ўзига хос бетакрор услуби алоҳида ажralиб туради.

Бастакор бу ашуаларни яратиш жараённида энг аввало куй андозасига таянади. Аммо янги матн “шароитига” мувофиқ унинг ритм ва усулини ўзгартиради. Шу аснода кўйнинг сўз ва шакл уйғунлиги, тузилишлари, ўлчов бирликлари, ритмик тузилма ва ургуланиш тизимларида тубдан ўзгаришлар юзага келади. Буларнинг пировард натижасида эса бадий жозибага эга куй ва кўшиклар яратилади.

Раҳматжон Турсунов кўпчилик устозлар сингари халқ мусиқасини, “Шашмақом”ни, айниқса, Республикализнинг ҳудудларига хос услубларни,

хонандалик ва созандалик санъатининг битмас-туганмас бойлигини ўрганиб, ижодий ёндошиб ва бу хазинадан самарали фойдаланиб, ўз асарларини халқ орасида кенг оммалашиши ва тарқалишига, кўплаб шинавандалар томонидан қадрланишига ва уларнинг кўнгил мулкига айланишига интилди.

“Яхшидан боғ қолади”, деганларидек устоз узок ийллар ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ёшларга таълим берди. Санъатга ошуфта шогирдларни тарбиялади. Шунингдек, устоз Раҳматжон Турсуновнинг олий даргоҳда “Ашула ва ракқ” бўлими ҳамда тегишли кафедрани ташкил этишдаги жонқуярлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Маълумки, бастакорнинг ютуғи кўп жихатдан ижро махоратига боғлиқ. Р.Турсуновнинг бастакорлик ижодига хос хусусиятлардан яна бири у ўз асарларини яратишида ижро чиларнинг имкониятларини хисобга олган. Шу нуктаи назардан қараганда, устознинг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тожиддин Муродов учун яратган ашуалари диққатга сазовордир. Хонанда ижро сидаги “Ғамзасин севдинг, кўнгил” (Фузулий газали), “Ошкор ўлсун” (Самад Вурғун газали), “Жононсан” (Усмон Жонгитов шеъри), “Саодат бу” (Восит Сайдулла шеъри) каби лирик ашуалар кўшиқ шайдоларининг юрак-юрагига сингиб кетган. Шунингдек, Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов (“Мадҳинг куйлаб”), Туроб Тўла шеъри), Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Сайджонов (“Фурқат нидоси”, Абдулла Орипов газали; “Висолинг бўлмаса”, Атоий газали), Ўзбекистон халқ артисти Ёрқиной Ҳотамова (“Булбул”), Ўзбекистон халқ артисти Комуна Исмоилова (“Қалбимда ўзинг борсан”, Нормурод Нарзуллаев шеъри), Қирғизистон халқ артисти Толибжон Бадинов (“Ўртади”, Навоий газали), Ўзбекистон халқ ҳофизи Бекназар Дўстмуродов (“Ёр олдида”, М.Али газали), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Сатторова (“Нур бўлиб дунёга келгансан”, Эркин Воҳидов газали), Ўзбекистон халқ ҳофизи Оролмирзо Сафаров (“Кўзи сузук нигорим”, Нозима хоним шеъри), (“Соғиндим”, Чархий газали), (“Ошиқ ўзи бўлакчадир”, Пўлат Мўмин шеъри), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турсунбой Парпиев (“Гулзора келдим”, Ориф Одилхонов шеъри), таникли хонандалар Муяссар Қосимова (“Наврўзга етганда”, Анвар Истроилов шеъри), Озода Мадраҳимова (“Севги ихтиёри”, Пўлат Мўмин шеъри), Чамангул Нуруллаева (“Ишқинг йўлида”, Ёнғин Мирзо шеъри), Салоҳиддин Лутфуллаев (“Мубтало қилурсан”, Лутфий газали) лар ижро этган кўплаб дилбар кўшиклар ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмуҳамедова ижросидаги “Шахло” ракси санъат ихлосмандларига манзур бўлган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, атоқли бастакор, профессор Раҳматжон Турсуновнинг халқимиз дилидан жой олган рангин асарлари келажак авлод учун ибрат мактабидир. У ўзининг ижодий, илмий ва педагогик фаолияти билан ўзбек миллий санъати ва маданияти ривожига муносиб ҳисса кўшган устоз санъаткорлардан бири эди. Ният қиласизки, бугунги кун ёшлари ҳам устознинг ижодидан баҳраманд бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ ХАБАРЛАРИ

Журнал бир йилда тўрт марта нашр этилади

Нашрга тайёрловчилар:

Н. Раимқулова

А. Тожиев

М. Содикова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Ш.Ибрагимов

Босишига руҳсат этилди: _____.2019 й. Офсет босма усулда босилди.

«Times New Roman» гарнитураси. Бичими $60 \times 84 \frac{1}{8}$.

Шартли босма табоғи 14,5.

Буюртма рақами № _____. Адади: ____ нусха.

Манзилимиз: 100164, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани,
Яланғоч даҳаси, 127-а уй. Тел.: 230-28-02, 230-28-03, 230-28-13

_____ босмахонасида чоп этилди.



Ўзбекистонда илк бор илмий журналларни рецензиядан ўтказувчи рақамли платформа *Uzbekistan Research Online* очилди. Энди ўзбекистонлик олимларнинг илмий мақоласи аноним тарзда рецензиядан ўтказилади ҳамда дунёнинг етакчи университетлари томонидан фойдаланиладиган *Digital Commons* тармоғига уланди.
Энди илмий мақолаларнинг савияси ва сифати ошади.





Home > CACENAS

Journal Home

About This Journal

Aims & Scope

Editorial Board

Policies

Submit Article

Most Popular Papers

Receive Email Notices or RSS

Select an issue:

All Issues

Browse

SEARCH

Enter search terms:

in this journal

Search

Advanced Search

ISSN: 2181-8932

Culture and Arts of Central Asia

Editor-in-chief



Yuldashev Ibrohim Juraevich, Doctor of philological sciences, professor, UzSIAC

Deputy Editor-in-Chief



Xoliqulova Guzal Erkinovna, Assistant professor of Arts, UzSIAC

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда “Elsevier” компанияси билан
ҳамкорликда “Илм-фан – 2020” миллый ривожланиш дастури
доирасида “Республикадаги олий таълим муассасаларининг
41та илмий журналларини платформасини яратилди.

Бунда институтимизнинг “Марказий Осиё маданияти ва санъати” номли янги илмий электрон жур-
нали жой олди. Энди www.uzjournals.edu.uz сайтини кузатиб боринг.



Home > CACENAS

Journal Home

About This Journal

Aims & Scope

Editorial Board

Policies

Submit Article

Most Popular Papers

Receive Email Notices or RSS

Select an issue:

All Issues

Browse

SEARCH

Enter search terms:

in this journal

Search

Advanced Search

ISSN: 2181-8932

Culture and Arts of Central Asia

Follow

Recent Content

- PDF ABDUSALOM MAMUROV-A POTTER FROM FERGANA
Zamira SAGDULLAEVA
- PDF AESTHETIC EDUCATION OF ART AND PERSONALITY
Nilufor YULDASHEVA
- PDF MUSIC AS AN AESTHETIC TOOL IN THE SPIRITUAL MATURITY OF YOUNG PEOPLE
Feruza MANSURBEKOVA
- PDF PEDAGOGICAL SKILLS IN FORMATION OF A STUDENT'S MUSICAL KNOWLEDGE
Olga VASILCHENKO
- PDF THEORETICAL BASIS FOR THE DEVELOPMENT OF PERCEPTION OF MUSICAL PIECES IN VOCAL EDUCATION
Makhfuzah KHODJAEVA
- PDF MODERN INNOVATIVE METHODS IN TEACHING COMPLICATED DIMENTION WORKS IN THE SUBJECT OF "ART OF CONDUCTING"
Sevar MALIKOVA



**Ўзбекистон давлат санъат
ва маданият институти
хабарлари**

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Олий Аттестация Комиссияси Раёсатининг 2017 йил
29 ноябрдаги 245/6-сонли қарори билан санъатшунослик
фенлари бўйича диссертациялар юзасидан асосий илмий
натижаларни чоп этишга тавсия этилган илмий нашрлар
рўйхатига киритилган



O'ZBEKISTON DAVLAT SAN'AT VA
MADANIYAT INSTITUTI

Xabarlari

2019/3(11)